67.9
1

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ

СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУҚУҚ ДУНЁСИ
НАШРИЁТ УЙИ

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

TerDU ARM
№ 31500

...ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
...кент — 1999

67.99(5У)2я7
С 77

Тузувчилар:
Д. И. Шаулов, У. Т. Кан

Солиқ қонунчилиги асослари: Ўқув қўлланмаси//Тузувчилар: Д.И.Шаулов, У.Т.Кан/.-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999. - 528 б.
1. Шаулов Д.И. тузувчи

ББК 67.99(5У)2я7

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги бўйича ўқув қўлланмасини яратиш йўлидаги дастлабки уринишдир. Унда республикамиз ҳудудида солиқ муносабатларининг пайдо бўлиш тарихи ва республика тараққиётининг ҳозирги босқичида амал қилаётган солиқ тизими сингари масалалар анча батафсил кўриб чиқилади, солиқ тизимининг асосий мақсадлари, вазифалари, тамойил ва функциялари, шунингдек республика солиқ органлари томонидан солиқ назоратини амалга ошириш тизими ёритилган.

Китоб Солиқ коллежи ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, солиқ идоралари, корхоналарнинг молия ва иқтисодий хизматлари ходимлари учун мўлжалланган. Солиқ қонунчилиги масалалари билан қизиқадиган китобхонларнинг кенг доираси учун ҳам шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Мазкур китобда ёритилган барча мавзулар тавсия ва умумий маълумот бериш тусига эгадир.

№410-99
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Республикасининг Давлат кутубхонаси
Адади 2800
Карт.адади 5800

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999 йил.
© Давлат солиқ қўмитаси, 1999 йил.

КИРИШ

Янги минг йиллик остонасида турган Ўзбекистон, бутун маърифатли дунё сингари, ўз тараққиётининг янги истиқболлари, янги стратегиясини белгиламоқда.

Ҳаётнинг ўзи, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва жамиятни ривожлантириш «ўзбек модели»ни амалга оширишнинг якунлари ва бориши танланган йўлнинг ва унга асос қилиб олинган асосий тамойилларнинг тўғрилигини тасдиқлади. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич ўтказилиши, демократик ва бозор ислоҳотлари йўлидан изчил ва оғишмай бориш, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг энг ночор қатламларини ҳимоя қилиш билан биргаликда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгартиришларнинг ижобий натижаларини, уларнинг қўллаб-қувватланиши ва эътироф этилишини олдиндан белгилаб берди.

Жамият ва иқтисодиётни янада ривожлантириш стратегиясининг моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ташкил этади.

Иқтисодий соҳадаги эркинлаштириш — аввало давлатнинг тартибга солувчилик ролини чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорнинг роли ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашдир. Бунда энг муҳими хусусий мулк етакчи ўринни эгаллайдиган кўп укладли иқтисодиётни ва унинг асосида мулкдорлар синфини шакллантириш ҳисобланади. Ана шу мақсадларда:

- пайчилик муносабатлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқда хўжайинлик туйғусини мустаҳкамлаш;

- ишлаб чиқаришни бошқаришда акциядорлар ролини ошириш;
- эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;
- тадбиркорлик тузилмалари кредит ресурсларидан, айниқса халқаро молия ташкилотлари йўли бўйича, доимо фойдаланишининг таъсирчан механизмини шакллантириш;
- тадбиркорлик тузилмаларининг хом ашё ресурсларидан фойдалана олишини кенгайтириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг республика ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам сотиш бозорлари бўлишини кафолатлайдиган тизимни яратиш тақозо қилинади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидан бориш шунингдек ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини ташкил этишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш, корхоналар хўжалик фаолиятига давлат, турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг аралашувларини чеклашни англатади.

Эркинлаштириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимига ҳам муқаррар равишда таъсир кўрсатади. Мустақилликнинг саккиз йили мобайнида яратилган тамомила янгича солиқ тизими ўзгармасдан, қотиб қолган тарзда қолиши мумкин эмас. У жўшқин механизм бўлиб, ривожланиб ва узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистонда солиқ тизимини ривожлантириш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан биргаликда амалга оширилмоқда. Солиқ сиёсати қайтадан талқин этилмоқда, бу ҳол солиқ тартибининг ўзгаришида ўз ифодасини топмоқда.

Солиқ тизимини ўзгартиришда корхона зиммасидаги солиқ юкини камайтириш асос қилиб олин-

моқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида корхоналар учун белгиланган солиқларнинг юқори ставкалари маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва уни техника билан қайта жиҳозлашга, шунингдек оборот маблағларини тўлдиришга йўналтириш имконини бермаган, бу эса ишлаб чиқаришнинг тушкунлигига олиб келган эди. Бунинг устига, солиқ юки узоқ вақт сақланиб қолганида инфляциянинг юқори даражасини билвосита қўллаб-қувватлаб туриш хатари юзага келади. Бунинг сабаби шуки, ишлаб чиқариш тушкунликка учраганида солиқ массасини фақат корхона даромадларининг инфляцияли ўсиши натижасида кўпайтириш мумкин, бу эса молия тизимининг таназзули, ишлаб чиқаришнинг тушкунликка тушиши ва ижтимоий муаммоларнинг кескинлашишига йўл очади. Шунинг учун солиқ юкини камайтириш ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтириш имкониятини юзага келтиради, корхонанинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлайди ва инвестиция фаолиятини жонлантиради, бу ҳол бундан кейинги туб таркибий ўзгаришлар учун ишлаб чиқариш ва технологик асос бўлиб хизмат қилади.

Илгари амал қилиб келган солиқ қонунчилигига локал ўзгартишлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ишлаб чиқилдики, у солиқ муносабатларини тартибга солишга ёндашувнинг мунтазам ва изчил тусда бўлишини таъминлайди, солиқ қонунчилигида салмоқли барқарорликни яратади.

Республика солиқ идораларида тўпланган иш тажрибасини акс эттириб ва жаҳон тажрибасини ўзида мужассамлаштириб, Солиқ кодекси Ўзбекистон солиқ қонунчилиги ва солиқ солиш тизимини халқаро даражага анча яқинлаштирди. У солиқ тартибини, солиқ солиш ва йиғимлар тамойилларини рўёбга чиқариш шартларини тартибга солади, солиқ солиш соҳасида давлат ҳуқуқ-тартиботи ва қонунга риоя этилишини таъминлайди.

Янгиланган қонунчиликда солиқларни белгилаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш, солиқ солиш чоғида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тамойиллари акс этган, солиқ солиш объектлари, республикадаги ва ундан ташқаридаги солиқ тўловчиларнинг имтиёз ва мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси давлатимиз Конституциясига мувофиқ келади ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга жавоб беради. Бу эса ҳар бир соҳа ва тармоқнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда солиқ солиш тизимини шакллантириш, рағбатлантирувчилик функциясини кучайтириш, солиқлар ролини ошириш ва уларни бирхиллаштириш мақсадида солиқлар ставкаларини табақалаштириш имконини берди.

Кейинги йилларда солиқ тушумларининг умумий суммасида бевосита солиқлар салмоғининг 3,9% (солиқлар бўйича ставкаларни камайтириш ҳисобига) ва билвосита солиқлар ҳиссасини 0,87% га, ресурсга оид ва мулкий тўловлар ҳиссасини 2,36% га кўпайтириш тамойили кўзга ташланди, бу эса солиқ тўловчиларнинг ресурслар ва мол-мулкдан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини оширади. Бевосита солиқлар ҳиссасини камайтира бориб, давлат халқ хўжалиги тармоқларидаги ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Мазкур тамойил сақланиб қолади, зеро, 1999 йилда бевосита солиқлар ҳиссасини 4,29% камайтириш, билвосита солиқлар ҳиссасини 3,53%, ресурсга оид ва мулкий тўловлар ҳиссасини эса 1,39% га кўпайтириш мўлжалланган, яъни солиқлар ёрдамида давлат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шарт-шароитлари, товарлар, хизматлар сотилишини тартибга солишни амалга оширади ва бу билан халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ иқлими»ни яратади.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушадиган ахборотнинг катта ҳажмларда бўлиши, уларга қисқа муддатларда юқори унумли ва аниқ ишлов бериш зарурлиги, ходимларнинг саъй-ҳаракатларидан бевосита солиқ хизмати органларининг асосий функционал вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш компьютер технологияларини солиқ хизматлари ишининг барча жараёнларига мажбурий тарзда жорий этиш масалаларига катта эътибор беришни тақозо этади.

Шу муносабат билан давлат солиқ органлари фаолиятини ўтган йиллар ичида компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш, малакали ходимларни шакллантириш, компьютер ускуналари, дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида муайян иш қилинди.

Компьютерлаштиришни амалга ошириш давомида давлат солиқ органлари томонидан замонавий шахсий компьютерлар ва бошқа аппаратлар харид қилинди.

2003 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига ишлов беришнинг ягона компьютер тизимини (МИЯКТ) янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. У ДСҚда солиқ ахборотига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва йўлларини белгилайди.

Техник, тизимга оид ва дастурий қарорлар меъморий услубини ишлаб чиқиш чоғида йирик корпоратив ахборот тизимларини барпо этишнинг энг замонавий технологияларига йўллаш қабул қилинган, бунда мазкур концепцияни доимий равишда ривожлантириш зарурлиги ҳисобга олинади, ускуналар, киши ресурслари ва капитал қўйилмаларга аввалги инвестициялар талафотисиз ахборот тизимларини кенгайтириш ва модернизациялаш имко-

нини берадиган тузилмалаштирилган технологиялар мўлжал қилинади.

Ишлаб чиқилган концепциянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- барча таркибий қисмларни самарадор, мақбул жойлаштирилган ва аниқ фаолият кўрсатадиган фойдаланиш тизимига киритиш ҳамда интеграциялаш босқичида МИЯКТни бошқаришдан имкони борича катта самара олиш;
- солиқ инспекторларининг солиқлар, божлар ва бошқа давлат тўловларини йиғиш бўйича янада самаралироқ ишлаши;
- солиқлар ва солиқ тўловчилар бўйича аниқ ахборот олиниши;
- солиқ тўловчи маълумотлари сир сақланишига кафолат берилиши;
- мавжуд ахборотнинг ҳимояланиши.

Солиқ хизмати фаолиятининг турли хилларини автоматлаштириш бўйича кичик тизимларни барпо этиш ва фойдаланишга топширишнинг қуйидаги босқичлари белгиланган:

1. Солиқ ахбороти маълумотларига ишлов бериш ва уларни сақлаш учун ДСҚ барча учта даражаси учун ҳисоблаш, периферия, офис ускуналари билан қўшимча равишда жиҳозлаш.

2. Солиқ идораларининг ҳар бир бўлинмасида локал ахборот-ҳисоблаш тармоқларини (ЛАҲТ) ўрнатиш учун зарур бўлган коммуникация ускуналари билан жиҳозлаш ва барча мунтазам ҳамда ёрдамчи дастурий таъминот билан бирга ДСҚ кенг қамровли корпоратив ахборот-ҳисоблаш тармоғини (КҚКАҲТ) яратиш.

3. Тақсимланган маълумотлар базалари билан ишлаш, очиқ тизимлар мафкурасини қўллаб-қувватлаш, солиқ маълумотларининг ягона ахборот маконини барпо этиш учун мижоз-сервер, мижоз-тармоқ

ва интернет-технология меъморий услуби сингари энг янги ахборот технологияларини жорий этиш.

Бюджетга солиқ тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини таъминлаш ҳамда солиқ идораларида бугунги кун талабларига жавоб берадиган маълумотларни тезкор ишлаш ва узатиш тизимини яратиш учун замонавий телекоммуникация воситаларини жорий этишга доир иш олиб борилмоқда. Ана шу мақсадда республика Давлат солиқ қўмитасида барча бўлинмаларда бундан буён локал ахборот-ҳисоблаш тармоқларини барпо этиш кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ қўмитасининг кенг қамровли ахборот тармоғини яратиш тўғрисида»ги қарорига (1997 йил 31 декабрь, 580-сон) мувофиқ йўлдош алоқа тизими негизида кенг қамровли ахборот тармоғини яратишга доир иш олиб борилмоқда, бу эса барча солиқ идоралари ўртасида узлуксиз электрон алоқани таъминлаш имконини беради.

Давлат солиқ хизмати идораларининг яқин йиллар учун асосий вазифаси ҳар бир киши ўз жойида ўзига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва виждонан бажарилиши бўйича имкони борича барча ишларни қилиши учун саводли, фикрлайдиган ташаббускор ва масъулиятни ҳис этадиган ходимлар шакллантириш ҳисобланади.

Шу муносабат билан ДСҚ раҳбарияти томонидан 2000 йилга қадар кадрлар билан ишлаш дастури ишлаб чиқилди, кадрларни тайёрлаш (ўқитиш) аҳволи қайта кўрилди, солиқ идораларининг кадрлар таркиби билан ишлаш бўйича комплекс тадбирлари тасдиқланди.

Ушбу дастурга мувофиқ қуйидаги тадбирлар мўлжалланган:

- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни фақат контракт асосида, умумий жавобгарлик-

кафилликни жорий қилиш орқали ҳар бир даъвогарни шахсан ўрганиш йўли билан амалга ошириш;

- масъулият сезишни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, нохуш кўринишларнинг олдини олиш, қонунчиликка риоя этилишига доир талабчанликни кучайтириш, ғаразли ҳаракатларга муросасиз муносабатда бўлиш, таъсирчан резервни шакллантириш бобида ташкилий-кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш;
- ДСҚ, минтақаларнинг ДСББ, ДСБ номенклатурасига кирадиган кадрлар резервини янгилашга доир ишни давом эттириш. 2001 йилда Солиқ коллежи курсантларининг биринчи чиқарилиши (200 киши) солиқ идораларида ўз вазифаларини бажаришга киришишларини ҳисобга олиб, янги барпо этилган Солиқ коллежида курсантларни ўқитишга алоҳида эътибор ажратилсин.

Бироқ ҳозирги вақтда солиқ тизимида ҳали ҳам бир қатор ҳал этилмаган масалалар қоляпти. Ҳозирча солиқ органлари ходимларини умумдавлат миқёсида ўқитиш ва тайёрлаш, аҳолига солиқ соҳасида берилаётган таълим замонавий талабларни қондирмайди. Махсус услубий ишланмаларнинг етишмаслиги, ушбу мавзулар бўйича илмий ва ўқув адабиётларининг тақчиллиги ана шу жараёнларга тўсиқ бўлиб турибди.

Китобхонга тақдим этилаётган ўқув қўлланмаси маълум даражада мазкур камчиликни бартараф этади ва молия ҳамда солиқ органларида ишлашга тайёргарлик кўраётган, шунингдек молия ва солиқ ишида бошланғич маълумотларга эга бўлган кишиларга ёрдам беради.

1-боб.
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ ТАРИХИ

У ёки бу шаклларда солиқлар тўғрисида тушунчанинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги биринчи минг йилликка бориб тақалади, ўша вақтда Марказий Осиё ҳудудида қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашмалари пайдо бўлган эди. Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон), Сўғд (Зарафшон ва Қашқадарё водийлари), Хоразмнинг деҳқончилик воҳаларида синфий жамият шаклланди, Оролбўйи ва Хоразмда эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ қулдорлик давлат тузилмалари пайдо бўлди. Ушбу тузилмаларнинг пайдо бўлиши жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартирди.

Давлатни бошқариш учун ресурслар талаб этиларди, пул ва натура солиқлари, мажбуриятлар улар учун манба эди. Жон солиғи ва ер учун олинадиган ўлпон солиқларнинг дастлабки асосий турлари бўлди.

Марказий Осиё Эрон давлати таркибига кирган Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида (эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўртаси) ушбу ҳудудда яшовчи халқлар қарийб икки аср давомида йиллик хирож тўлаш ва ҳарбий отрядлар етказиб беришда ифодаланган солиқ тўлаганлар.

Масалан, сак (шак) ва каспийлар икки юз эллик талант (бир талант 25 килограмм 248 грамм соф олтинни ташкил этган), парфияликлар, хоразмликлар, сўғд ва арейлар уч юз талант хирож тўлашган. Доимий хирожлардан ташқари қўшимча солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар зўрлик йўли билан ёки сув йўлини тўсиб қўйиш таҳдиди воситасида ундирилган.

Аҳмонийлар сулоласи ўрнига македониялик истилочи Искандар келди. Марказий Осиё унинг сал-

танати таркибига кирди ва энди солиқларни грек намунаси бўйича тўлай бошлади.

Қадимги Грецияда солиққа тортиш Марказий Осиёда қабул қилинган солиққа тортишдан фарқ қилган. Қадимги Грецияда солиқлар даромад солиғи ва эҳсонлардан иборат бўлган. Даромад солиғи даромаднинг ўндан ёки йигирмадан бири ҳажмида ундирилган, мазкур маблағлар жамоат мақсадлари учун сарфланган. Грек шаҳри кенгаши (ёки халқ йиғини) бўлғуси йирик харажатлар қилиниши олдидан даромадларнинг фоиз ажратмаларини белгилаган. Амалдаги солиққа тортишнинг зиддиятли томони шунда эдики, Афинада озод фуқароларни бевосита солиққа тортиб бўлмайди деб ҳисоблашган, чунки озод фуқаролар бевосита солиқларни тўлаши керак эмас, улар кўнгилли равишда солиқ тўлашади деган фикр мавжуд бўлган, бу нарса фуқаролар ушбу тоифасининг имтиёзларидан бири деб ҳисобланган.

Искандар Марказий Осиёда асосан Аҳмонийлар барпо этган давлат аппарати тузилмасини сақлаб қолди. Ҳар бир вилоятда маҳаллий зодагонлардан тайинланган ноиб — сатрап ҳокимлик қилган. Махсус солиқ аппарати бўлмаган, откуп тизими мавжуд бўлган, яъни солиқ ундириш муайян бир кишига юклатилган. Бундай кишилар тўловчилардан хазина билан тузилган шартномада белгиланган ҳажмдан кўпроқ солиқ ундириб, ўзлари учун катта маблағларни қолдиришган. У солиқ (боқиманда) тўланиши учун катта фоизлар ҳисобига қарзга пул берган ва бу йўл билан икки ҳисса бойлик орттирган. Агар пул ўз муддатида қайтарилмаса, қарздорни қул қилиб сотишлари мумкин эди. Ушбу тизим давлат хазинасига барқарор даромад келиб тушишини таъминлаган.

Македониялик Искандар салтанати емирилганидан сўнг, эрамизнинг II-VI асрларида ушбу ҳудудда ҳукм

сурган солиққа тортиш тизими хусусида, афсуски, маълумот жуда оз.

651 йилдан бошлаб ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида арабларнинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Солиққа тортиш тизими бирмунча мураккаблашди ва солиқларнинг турли хиллари пайдо бўлди.

Масалан, хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун солиқ — закот ижтимоий кескинликни юмшатиш учун мўлжалланган, камбағаллар, етимлар ва йўловчиларга хайр-эҳсон беришда фойдаланилган. Сўнгра закот ўрнини садақа эгаллади.

Бундан ташқари, қуйидаги солиқлар мавжуд эди:

Вазифа — ўлпон;

Жузя — жон солиғи;

Хирож — ер солиғи.

Хирож қуйидаги шаклларда ундирилган:

- Мисаҳа — ишлов бериладиган майдон бирлигидан қатъий ставкаларда;
- Муқота — қатъий белгиланган суммада;
- Муқасама — ҳосилнинг муайян улушида (Марказий Осиёда муқасама солиғи ставкаси ҳосилнинг учдан бирига яқин бўлган).

Хирож Наврўз байрамида йиғиб олинган. Жузяни мусулмон бўлмаган фуқаролар (озод эркаклар) тўлаганлар. Хотин-қизлар, кексалар, камбағаллар, камбағал воизлар ва қуллар бу солиқни тўлашдан озод этилган. Солиқ ҳажми шартнома бўйича белгиланган. Жузяни ҳисоблашда ўзига тўқлик даражаси эътиборга олинган, солиқ пул ва натура билан ундирилган, солиқ учун вино ва сўйилган ҳайвонларни топширишга ижозат берилмаган.

Санаб ўтилган солиқлардан ташқари чорвадорлардан (чорва туёғига қараб натурада), ҳунарманд ва савдогарлардан (агар солиққа тортилмайдиган энг кам миқдордан ошиб кетган муайян йиллик даромад мавжуд бўлганида) солиқлар ундирилган.

Фойдали қазилмалардан фойдаланишдан олинган даромад солиқлари, мажбурий ишлаб бериш — каналлар қазиш ва уларни тозалаш, янги йўллар қуриш ва эскиларини тузатиш, кўприклар қуриш, шаҳар ва қалъа деворларини барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш каби солиқлар ҳам мавжуд бўлган.

Солиққа тортишнинг араб тизимини Марказий Осиё ҳудудига ёйган араб истилочиси Қутайба ибн Муслим VIII аср бошида Самарқанд ҳукмдори Гурак билан тузилган шартнома бўйича йилига 2.200.000 дирҳам миқдорида ва ибодатхоналардан қимматбаҳо нарсалар кўринишида хирож олган, яъни солиққа тортишнинг соддалаштирилган схемасига ўтиб, ягона солиқ йиғган.

Аҳолини ўз динига жалб этиш ва маҳаллий деҳқонларнинг ислом динига ўтишини тезлаштириш мақсадида араблар ислом динига янги кирган кишиларга турли имтиёзлар бера бошладилар, жумладан уларни асосий солиқлардан (хирож ва жузядан) озод қилдилар.

Маҳаллий аҳолига нисбатан хайрихоҳлик сиёсатини юритган халифа Умар II (717-720 йиллар) Хуросон ноиби Ал-Жарроҳдан ислом динига кирган кишиларни хирож ва жузядан озод қилишни талаб этди. Ал-Жарроҳ расман бунга бўйсунди, лекин янги мусулмонларга қўшимча шарт — хатна қилдиришни қўйди.

Ноиб Ашрас ибн Абдуллоҳ ас Суламий (727-729 йй.) қисқа муддат ичида икки қарама-қарши йўл тутди. Унинг дастлабки қадамлари Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг деҳқон аҳолисида яхши таассурот қолдирди. У янги мусулмонлардан жузя ва хирож олинмайди деб эълон қилди. У арабларнинг кучи — исломда, уни қабул қилган кишилар истилочиларга қаршилик кўрсатишни тўхтатади, деб ҳисоблаган эди. Аҳолини ислом динига киритишни муваффақиятли ўтка-

зиш учун у сўғдийларга икки воиз — ас Саид Солиҳ ибн Тариф ва Робий ибн Умронни юборди. Самарқандда ас Саид шаҳар ва атроф қишлоқлар аҳолисига ваъз билан мурожаат этиб, мусулмон бўлганларни жузядан озод қилишни ваъда берди. Ваъдалар кор қилиб, кўпгина сўғдийлар мусулмон бўлишга шошилдилар.

Сўғд зодагонлари Ашраснинг сиёсатига қаршилик кўрсатишди, зеро, хирождан озод қилиш мавжуд тузум негизларини қўпоради деб билишган эди. Ҳатто Гурак хат билан Ашрасга мурожаат қилиб, унинг қарори хирожнинг ўзини йўқ қилишга олиб келди, зеро, у ундириладиган ҳеч ким қолмади деб огоҳлантирди.

Ашрас кўп ўтмай Гуракнинг ҳақ эканига ишонч ҳосил қилди, яъни хирождан озод этиш хазинага тушумларни кескин қисқартириб юборди. Шунда у «Куч — исломда» шиори ўрнига «Араб ҳокимиятининг кучи — хирожда» деган шиорни олға сурди. У ўз вақтида Ал Жарроҳ таклиф қилган чорага қайтди — жузядан хатна қилдирган янги мусулмонларнигина озод этди.

Сўғд ва Бухорода норозилик кучайиб, у қўзғолонга айланди. Етти минг сўғдий Самарқанд яқинига тўпланиб, итоат этмасликларини маълум қилишди. Уларга юқорида номлари келтирилган икки воиз ҳам қўшилди. Сўғдийлар ёрдам сўраб туркларга мурожаат қилишди. Ҳамма ерда халқ ғалаёнлари бошланди.

Ашраснинг муваффақиятсиз солиқ сиёсати туфайли арабларга қарши қудратли ҳаракат авж олиб, Мовароуннаҳр беш йилдан кейин араблар ихтиёридан чиқди, лекин у фақат IX аср охирига келибгина мустақил бўлди.

Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган ва қудратли қўшин ташкил этган Бухоро ҳокими Сомонийлар сулоласидан бўлмиш Исмоил ибн Аҳмад (892-907 йй.)

ўз ворисларига ички бошқарув ишлари билан шуғулланиш имконини берди. Қишлоқ хўжалиги, кон иши ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, карвон савдосини кенгайтириш, муваффақиятли солиқ сиёсати — буларнинг бари мамлакатни мусулмон оламида биринчи ўринлардан бирига чиқарди. Шу даврдан бошлаб ер йирик заминдорлар мулки бўлиб, деҳқончилик эса йирик заминдорлик институтига айлана бошлади.

Мовароуннаҳрда IX-X асрларда ерларни солиққа тортиш улар кимга тегишли эканига боғлиқ эди.

Ер уч тоифага бўлинган.

Биринчи тоифа — ер султонга тегишли (мулки султоний), бундай ер устидан назорат кейинчалик «Мулки девоний» деб номланган девон (маҳкама) амалдорлари томонидан амалга оширилган. Ушбу тоифадаги ер фондлари ҳаддан ташқари катта эди, бунга, асосан, қишлоқ жамоаси шароитида яшаган деҳқонлар асосий оммасининг ерлари кирган.

Иккинчи тоифа — шахсан ҳукмрон сулоланинг айрим аъзолари, қадимий деҳқон зодагонлар, шунчаки бой деҳқонларга, саидлар (Муҳаммад пайғамбар хонадони авлодлари), олий руҳонийлар, турк гвардиясининг айрим раҳбарлари, савдогарларга тегишли бўлган хусусий мулк ерлар.

Учинчи тоифа — мусулмон диний муассасаларига, яъни масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбараларга вақтинча ёки умрбод фойдаланиш учун берилган вақф ерлар.

Хирож учала тоифа ердан ҳам олинган. Улар «мулки хирож» деб аталган, лекин бунда олий мусулмон руҳонийларга, аввало саидларга тегишли ерлар солиққа тортишдан тўлиқ ёки қисман озод этилган.

Ер эгалари ўз участкаларида катта хўжалик юритишмаган, асоратга солинган деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиб, ерга ишлов беришмаган. Йирик ер эга-

лари ўз ерларини майда участкаларга бўлиб, унга муҳтож бўлганларнинг ҳаммасига улушли ижара асосида топширишган. Ижарачининг улуши ҳосилнинг учдан биридан то ўн иккидан бирига қадарни ташкил этган, бу нарса уруғлик ва инвентарь олишига боғлиқ бўлган. Агар, масалан, деҳқон тўртдан бир улуш олса, хирож ҳам ҳосилнинг фақат тўртдан бир қисмидан ундирилган. Ҳосилнинг тўртдан уч қисмини олган ер эгаси қолган хирожни ҳам тўлаши керак эди. Давлат ҳар қандай шароитда ҳам ўзига тегишли солиқни тўлиқ олган.

Араб халифалигининг ҳукмронлиги тугаши билан деҳқонлар аҳволи ўзгарди. Натура мажбуриятлари бир қадар енгиллаштирилди. Абул Аббос Абдуллоҳ (830-844 йй.) амалдорлардан деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилишни талаб этиб, буни «Оллоҳ бизни уларнинг қўли билан боқади, уларнинг оғизлари билан бизни табриклайди ва уларни хафа қилишни ман этади» деб асослаган эди.

Лекин феодалларнинг ўзаро уруш ва исёнлари ҳукмдорларни хирож ва натура мажбуриятларини кўпайтиришга мажбур этарди. Сомонийлар ҳокимияти халқ олдида обрўсини аста-секин йўқота борди. X аср бошида Мовароуннаҳрни қорахонийлар эгаллади. Яъни тожик сулоласи ўрнини туркий сулола олди. Марказлаштирилган давлат ўрнига мамлакатни бошқаришнинг улус тизими келди. Барча ер хон мулки деб ҳисобланди, деҳқончилик йирик ер эгалиги институти сифатида тарих саҳнасидан тушди.

То XIX асргача солиққа тортишни ҳокимият тепасига келган ҳукмдорларнинг у ёки бу сулоласи даврларига бўлиш мумкин, лекин солиққа тортишнинг негизи ўша-ўша — ерлигича қолган.

XI асрдан мўғуллар босқинига қадар шартли ер эгалиги — иқто кенг тарқалди. Ерлар муайян муддатга иқтодор фойдасига муайян даромадни тўлиқ

TerDU ARM
№ 31500

ёки қисман олиш ҳуқуқи билан совға қилинган. Иқто соҳиблари деҳқонлардан махсус қарор билан белгиланган солиқларнигина олиши мумкин эди. Уларнинг миқдори иқто совға қилингунига қадар бўлган миқдордан ошмаслиги керак бўлган. Иқтога нафақат ердан, балки солиққа тортишнинг бошқа объектларидан (тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўконлар) олинадиган солиқлар ва даромадлар ҳам берилиши мумкин эди.

Сомонийлар даврида марказий бошқарув тизимида муставфий девони — давлат даромад ва харажатлари учун жавобгар олий молия амалдори маҳкамаси муҳим ўрин тутган. Муставфий мансаби ўз аҳамиятини қорахонийлар даврида ҳам сақлаган.

1221 йилда Марказий Осиё ҳудудида мўғуллар ҳокимияти ўрнатилган. Янги ҳукмдорлар олдида истило этилган ерларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлларини белгилаш вазифаси пайдо бўлди. Мўғул зодагонлари мазкур масала бўйича ягона фикрга эга эмас эди. Ўтроқ ҳаёт мухолифлари барча ерларни яйловга айлантиришни, шаҳарларни вайрон қилишни таклиф этишди. Бошқалар эса талон-тарожни тўхтатиш, ҳунармандчилик, савдо ва қишлоқ хўжалигига ҳомийлик қилиш, солиқ ва мажбуриятлар ҳажмини белгилаб қўйишни тавсия этдилар. Ана шу фикр эгалари ғолиб чиқишди. Марказий Осиё ҳудудида улар томонидан қурултойда таклиф этилган тадбирлар ҳаётга татбиқ этила бошланди. Икки хил солиқ белгиланди — калон (ер солиғи) ва копчур (кўчманчилардан олинадиган солиқ). Биринчи солиқни ҳосилнинг 10 фоизи, иккинчисини подадаги туёқлар сонининг 1 фоизи миқдоридаги тўлов сифатида ундириш кўзда тутилди. Қарор қабул қилинганига қарамай, амалда ҳамма нарса бошқача бўлди. Мўғуллар юксак маданиятли катта феодал ўлкаларни бошқариш тажрибасига эга эмас эди. Уларнинг ўз амал-

дорлари йўқ, бунинг устига дастлабки ўн йилларда бошқарув жараёни уларни қизиқтирмаган ҳам эди. Чингизхон ва унинг авлодларини ўлпон ва бўйсундирилган мамлакатлардан солиқларнинг мунтазам келиб туришигина қизиқтирарди. Улар кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари ва пулни узлуксиз олиб туришлари керак эди.

Марказий Осиёнинг босиб олинган вилоятларини бошқаришга мўғуллар мусулмон савдогарларни жалб эта бошладилар. Мовароуннаҳрда солиқларни йиғиш савдо хонадони бошлиғи, ўз даврининг энг бой кишиларидан бири бўлган Маҳмуд Ялавочга топширилган. У хон хазинасига ўлпон ва бошқа тушумларни олдиндан тўлаш мажбуриятини олди, бунинг учун унга алоҳида ўлпон йиғиш ва натура мажбуриятларини талаб этиш ҳуқуқи берилди. Бунда муайян фоиз Маҳмуднинг ўзига тегарди.

Деҳқон ва ҳунармандларнинг аҳволи йил сайин ёмонлашиб борди; чунки ер солиғини тўлашдан ташқари, деҳқонлар турли мажбуриятлар ва хизматларни бажаришарди; ҳунармандлар, айниқса қуролсозларни ҳам натура мажбуриятини ўташ тартибида ишлашга мажбур этишарди. Меҳнатлари учун уларга озгина миқдорда озиқ-овқат бериларди, холос. Феодал ва савдогарларга хонзода ва хон хотинлари ёрлиқ ҳамда пайзалар (олтин, кумуш ёки бронзадан ясалган махсус пластина) тарқатган, бу нарсалар деҳқон ва ҳунармандлардан турли хизмат ҳамда мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқини берган. Пайза кўрсатилганда маҳаллий аҳоли масалан, саёҳат қилувчини овқатлантириши ва унга хона, отига ем бериши ва бошқа қулайликлар яратиши шарт эди.

Аҳолининг кўпчилиги ўта қашшоқлашган эди. Мовароуннаҳр мўғуллар томонидан истило этилганидан сўнг ўн етти йил ўтгач Бухорода солиқлар, ўлпон ва мажбуриятларнинг ҳаддан ташқари оғирлигига қар-

ши, шунингдек уларни ундиришдаги суиистеъмолликларга қарши кўзғолон кўтарилди. Кўзғолончиларга Маҳмуд Торобий бошчилик қилди. У ва унинг тарафдорлари айниқса солиқ йиғувчиларни ёмон кўришарди. Кўзғолон бостирилди, лекин у ҳукмдорларни ўз молия сиёсатини қайта кўришга мажбур этди. Мункэхон Мовароуннаҳр ва Эронда солиқ тўловчилар амалга ошираётган тартибсизликлар ва суиистеъмолликларга тааллуқли фармон чиқарди.

Мункэхон зўравонлик ва суиистеъмол қилиш тизими мўғулларга қарши ҳаракатни кучайтирганини тушунар, шу сабабли у бўйсундирилган халқлар учун солиқларни юмшатишни таклиф қилди. Салтанатнинг бутун аҳолиси (ўтроқ ва кўчманчи) даромадлари ва бойлигига мутаносиб равишда солиқ ва ўлпонлар тўлаши керак эди. Солиқ ҳар йили ундирилиши шарт. Бой киши йилига 10 динор, камбағал эса 1 динор тўлайди. Чорва солиғи ҳар юз туёқдан бир бош мол миқдорида олинади. Подада туёқлар сони юз бошдан кам бўлса, солиқ олинмайди. Мусулмон, христиан ва бутпарастлар руҳонийлари, шунингдек кексайган ва ишлашга ноқобил кишилар солиқ тўламайдилар.

Маҳмуд Ялавоч Торобий қўзғолонидан сўнг ўз лавозимидан бўшатилди ва Мовароуннаҳрдан чиқариб юборилди. Солиқ олувчи ва ноиб этиб унинг ўғли Масъудбек тайинланиб, у бу лавозимда 51 йил хизмат қилди. У мўғулларга ўлпон ва солиқларни ўз вақтида тўлаб турди. Натижада мўғуллар Мовароуннаҳрни бошқариш ишига аралашмаганлар.

Марказий Осиёни барлос қабиласидан чиққан Темур (1336-1405 йй.) мўғуллар ҳукмронлигидан озод этди. Ярим аср давомида у Кашмирдан Ўрта денгизга, Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар чўзилган улкан салтанатни барпо этди. Юриш ва истилолар учун Темурга молия ресурслари керак эди, эгаллаб

олинган бойликлар, ўз даромадлари, инфратузилма ва солиқлар уларнинг манбаи бўлди.

Темур даврида асосий солиқлар ер солиғи (хирож, мол дейилган), жон солиғи (жузя), миниладиган ҳайвонлар етказиб бериш (улоқ), бегор мажбуриятлари ва баъзи бошқа фавқулодда солиқлар (аваризот) эди. Амир Темур ўзининг молия ва солиқ қонунларини ишлаб чиқишда салафлари ва замондошлари тажрибасидан фойдаланди. У ўзи истило этган мамлакатларнинг солиқ тизимлари билан ҳам танишди.

Темур солиқ сиёсатининг асосий қоидаси «Тузуклар» — унинг ўз фарзандларига қолдирган сиёсий васиятида келтирилган: «Солиқларни йиғишда халқни солиқлар билан эзиб қўйишдан ёки вилоятларни хонавайрон қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур, зеро, халқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, хазинанинг ночорлиги оқибатида эса ҳарбий кучлар пароканда бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳокимиятни заифлаштиради». Қонунни ишлаб чиқишда, деб ҳисобларди Темур, аввало халқнинг манфаатларини ҳисобга олиш, унинг тўловга қобиллигидан келиб чиқиш зарур, асос қилиб ҳар бир алоҳида хўжаликда бой-бадавлатликнинг эришилган даражаси олиниши керак.

Солиқларни ҳисоблаб чиқиш қоидалари мавжуд эди. Солиқлар ернинг унумдорлиги ва тегишли равишда белгиланган баҳоларга мувофиқ ҳисобланган. *Масалан,* агар деҳқон доимий ариқлар, сув қувурлари ёки оқимлар билан суғориладиган ерларга эга бўлса, фақат ана шу сувлар узлуксиз оқиб турсагина, мазкур ерлардан олинадиган даромад уч қисмга тақсимланган, бунда учдан икки қисми ер эгасига қолган, учдан бир қисмини солиқ йиғувчи олган. Ерлар фақат ёмғир суви билан суғорилса, улар икки қисмга тақсимланган, улардан ҳосилнинг учдан бир

қисми ёки чораги олинган. Кўрамизки, ставкалар ер сифатига — суғориладиган ёки лалмикор эканлигига қараб табақалаштирилган.

Янги ерлар ўзлаштирилишини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари ҳам қўлланилган. «Бўз ерга ишлов берган ва уни суғорган, унга кўчатлар эккан ёки қаровсиз ерларни экин учун яроқли қилган деҳқон биринчи йили солиқлардан озод қилинган; иккинчи йили у ўзи қанча хоҳласа, шунча солиқ тўлаган, учинчи йили эса солиқлар тўғрисидаги умумий қонунга бўйсунган».

Натура билан тўланадиган ҳақни пулга алмаштиришлари мумкин эди: «Агар фуқаро пул билан тўлашни хоҳласа, йиғимнинг бир қисми жорий нархлар бўйича баҳоланган».

Бироқ расмий солиқлар билан бир қаторда айрим жойларда ўзбошимчалик билан белгиланган солиқ ва йиғимлар ҳам мавжуд эди: Молу жиҳот — ер солиғининг бир тури; тагор — озиқ-овқатларни реквизиция қилишда қўлланиладиган натура солиғи; ихрожот — саройларга қараш учун махсус йиғим; бож — савдогарлардан чегарани кесиб ўтишда ундириладиган божхона солиғи; сари шумар — жон солиғи; хона шумор — ҳар бир уйдан олинадиган йиғим; қўналға — элчи амалдорлар, чопарларни бепул қабул қилиш ва меҳмон қилиш йиғими; шилон пули — ноибларни зиёфат қилиш йиғими; пешкаш — юқори мансабдаги амалдорларга совға бериш учун йиғим.

Темур ўз ҳаётининг охирида бутун дунё учун ягона солиқ тизими бўлиши мумкин эмас деган хулосага келди. Албатта, ислом динига катта эътиқод қўйгани учун у шариат тавсиялари тарафдори эди.

Араб ва Кавказорти мамлакатлари, Ҳиндистон ва Мовароуннаҳрда солиқ тизими Темур томонидан белгиланган қонунлар бўйича шаклланди. Бироқ, солиққа тортишнинг тарихан шаклланган тизимла-

рига эга бўлган мамлакатларда Темур аввал ҳукм сурган солиқларни қолдирди.

Темур солиқ аппаратини ташкил этишга ҳам эътибор берди. Округлар, вилоятлар ва мамлакатларнинг бир қисми уларнинг илгариги соҳиблари, Темурнинг амирлари, ўғил ва невараларига суюрғол қилиб, яъни аҳолисидан давлат солиқлари ва ўлпонларини ундириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш ва бошқаришга берилди. Ушбу солиқ ва ўлпонлар бутунлай ёки қисман суюрғол эгасининг фойдасига ҳисобланган.

Бошқа вилоятлар тул ёки тархон институти воситасида бошқарилган. Кишилар алоҳида хизматлари учун ҳоким этиб тайинланган ва уларга солиқларни йиғиш ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳуқуқи берилган. Суюрғолдан фарқ қилиб, тархон ерларни тўлиқ мулк қилиб беришни кўзда тутмаган. Уч йилда бир марта тафтиш ўтказилган: «бирор-бир вилоят даромадларини йиғиш топширилган ҳар бир сипоҳий улардан уч йил давомида фойдаланади, шундан сўнг тафтиш ўтказилади ва, агар вилоят яшнаб турган бўлса ҳамда аҳоли даъво билан чиқмаса, ҳамма нарса ўзгаришсиз қолган, акс ҳолда эса даромадлар ҳокимдан уч йилга олиб қўйилган».

Тархон вилоятларга мудир ҳам тайинланган, унинг вазифасига аҳолини ҳокимларнинг зўравонлиги ва талон-тарожидан ҳимоя қилиш кирган. Ана шу киши вилоятга келтириладиган ҳар бир нарсани аниқ ҳисобга олиб ҳам борган.

Темурнинг кўрсатмасига кўра, солиқни ундириш усуллари инсоний руҳда бўлиши керак эди. «Фалланы йиғиб олишдан аввал ўлпон йиғиш ман қилинган, у белгиланган уч муддатда тўланган. Агар фуқаролар иштиёқ билан тўласалар, солиқ йиғувчига ҳожат бўлмаган; агар эҳтиёж туғилса, давлат ўлпонини йиғиш учун сўз ва обрўсидан фойдаланиб ҳаракат қилиши керак, лекин ҳеч қачон таёқ, арқон, қамчи ёки зан-

жирдан фойдаланмасин; умуман олганда, у қарздор шахсига қарши қаратилган шафқатсиз чораларни қўллаш ҳуқуқига эга эмас... Ўлпонларни йиғаётганда қўрқитиш ва дағдағалардан муваффақият билан фойдаланиш мумкин, лекин уриш ва қамчидан фойдаланмаслик керак. Обрў-нуфузи қамчи ва даррадан заиф бўлган ҳоким ўз ўрнига номуносиб».

Келиб тушаётган солиқ ва йиғимларни рўйхатга олиш билан бош вазир қароргоҳида махсус котиб — умар котиб шуғулланган. Ҳисоблаб чиқиш баъзан бир неча кун давомида тинимсиз давом этган. Маблағлар Самарқанддаги Кўксаройда жамланган ва суғориш иншоотларини қуриш, савдо-сотиқни ривожлантириш, шаҳарларни ободонлаштириш, илм-фан, техника ва маданиятни ривожлантиришга сарфланган.

Темур вафотидан сўнг унинг салтанати қулади. Давлатнинг айрим қисмлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг, ягона ички бозорнинг йўқлиги, ҳудуднинг катта қисмида натурал хўжалик ҳукмрон эканлиги, тархонларнинг сиёсий ҳокимият ва мустақилликка интилиши таназзулни тезлаштирди. Феодал ўзаро низолар даври бошланиб, у деярли юз йил давом этди.

Темур даврида бўлганидек, Темурийлар даврида ҳам суюрғолларни улашиш амалиёти кенг тарқалди. Марказий ҳокимият вакиллари — Шоҳруҳ, Улуғбек, Абу Саид, Султон Ҳусайн ёки улусларни бошқарган шаҳзодалар ерларга мерос тарзида эгалик қилиш учун улашганлар. Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар қилишича, 1413 йили Хоразмни Темурийлар давлати таркибига қайтаргани учун Шоҳруҳ Хоразмни Шоҳмаликка суюрғол қилиб берган. Фарғонани у Аҳмадга, Тус, Машҳад, Обивард, Неса ва бошқа туманлардан ташкил топган улкан Хуросон вилоятини ўз ўғли Бойсунқорга, Кобул, Ғазна ва Қандаҳорни жияни Пирмуҳаммаднинг ўғли Мирзо Қайду Баҳодирга

суюрғол қилиб бериб, кейинчалик ундан бу ерни ўз ўғли Суюрғатмиш учун тортиб олган.

Илгари бўлганидек, Темурийлар даврида ҳам тархонлар кенг тарқалган эди. Фақат энди тархонлик ёрлиғи мол-мулкка, шу жумладан ерга ҳам эга бўлган кишига берилган. Ушбу ёрлиқ уни тўланиши керак бўлган солиқлар, ўлпонлар ва мажбуриятлардан озод қилган.

Тархонлик ёрлиғини хон, султон ёки амир исталган ер эгасига, шу жумладан майда ер соҳибига ҳам бериши мумкин эди. Ёрлиқ берилганидан сўнг деҳқонлар аввалгидек барча мажбуриятларни уддалашган ва барча солиқларни тўлашган, лекин уларни энди давлат хазинасига эмас, балки тархонлик ёрлиғини олган мазкур феодалнинг хусусий хазинасига тўлашган. Бундан ташқари, тархонлик ёрлиғининг соҳиби, яъни тархон бўлган шахс, тўққизта содир этган қилмиши учун жавобгарликдан озод бўлиш ҳуқуқини олган. Ўнинчи қилмишдан бошлаб уни жазолаш мумкин эди.

Улуғбек аҳоли асосий қисмининг аҳволини енгиллаштиришга интилиб, ер солиғини иложи борича камайтирди. Бу, шубҳасиз, деҳқонлар фаровонлигини ўстиришга имкон яратди. Бироқ Улуғбек тушумлар бундай қисқаришининг ўрнини тамға — ҳунарманд ва савдогарлардан олинадиган йиғимни кўпайтириш ҳисобига тўлдиришга мажбур бўлди. Бу ҳол ҳунарманд ва савдогарларнинг, шунингдек, тамғани оширишдан Улуғбекнинг «йўлдан озгани» ва унинг «шариатга қарши жиноятлари»ни исботлаш учун асосий далил сифатида фойдаланишга ҳаракат қилган руҳонийларнинг норозилигини уйғотди. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф ўз улусида тамғани бекор қилди. Улуғбекнинг исёнчи ўғлига қарши юришга жўнашдан бошқа ҳеч қандай иложи қолмаган эди. Абдуллатиф билан жангда енгилган Улуғбек Самарқандга қочди. 1449 йил кузида Улуғбек ўлдирилди.

XVI аср бошларидан Мовароуннаҳрда янги феодал сулоласи — шайбонийлар сулоласи қарор топди, улар деярли юз йил ҳукмронлик қилдилар. Темурий зодагонлар ва улар билан боғланган олий руҳонийлар ва ер соҳиблари йўқ қилинди, уларнинг ермулклари, кўчмас мулки ва бошқа бойликлари кўчманчи ўзбек феодал зодагонлари қўлига ўтди. Бироқ шайбонийлар давлатининг ижтимоий тузуми Темурийлар давлати хусусиятларини сақлаб қолди. Илгаригидек муайян шахсларга аввал давлат хазинасига тушган давлат солиқларини ўз фойдасига маълум вақт мобайнида ундириш ҳуқуқи берилган. Бухорода бундай шартли туҳфа XVI асрдан бошлаб форсча «танҳо» атамаси билан атала бошлади.

Шартли туҳфа қилиш билан бирга хонлар томонидан ерларни ўз хизматлари билан давлат олдида ўзини кўрсатган айрим шахсларга ва йирик руҳонийларга тўлиқ мулк қилиб бериш ҳам амалга оширилган. Бундай туҳфа қилинган ерлар кўпинча ҳар қандай солиқдан озод қилинган ва мулки ҳурри холис (давлат мажбуриятларидан озод ер-мулк) деб аталган. Суюрғол ва танҳоларни кенг миқёсда тақсимлаш билан шайбонийлар ўзбек қабилалари етакчилари — бий ва султонлар орасида ўзларига ижтимоий таянч яратганлар.

Шайбонийлар давлатида солиқ, ўлпон ва мажбуриятлар тизими анча мураккаб бўлган. Расман унга тўқсонга яқин солиқ ва ўлпонлар кирган. Асосий солиқ хирож бўлиб, у суғориладиган ерларнинг 30-40 фоизига солинган; давлат аппарати, сипоҳийлар ва хон саройини боқиш учун иҳрожот олинган; боғлар, полизлар, бедазорлар ҳам солиққа тортилган. Агар давлат аппарати пулга ғоятда муҳтож бўлса, фавқулоддда солиқлар жорий этилган. Ўзаро урушлар даврида солиқларни ундириш кучайтирилган. Кўпинча солиқлар бир неча йил олдиндан ундирилган, хази-

нани оғир йилларда тўлдириш мақсадида марҳумлардан ўлпон олинган ва бутун аҳоли жузя солиғини (мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган жон солиғини) тўлашга мажбур этилган.

Солиқ ва ўлпонлардан ташқари аҳоли мажбурий ишлаб бериш мажбуриятини ўтаган. Улар ичида энг оғири ясоқ бўлган, яъни аҳоли каналлар, қалъа хандақларини қазиш, йўллар қуриш, ўтин, сомон, шохшабба йиғишга сафарбар қилинган. Бундай ишларга турли жойлардан ўнлаб минг одам ҳайдаб келинган, улар ўз асбоблари билан келиши, ўз ҳисобидан овқатланиши керак эди. Улар бепул ишлашган.

Темурнинг ҳарбий-феодал салтанатидан фарқли равишда шайбонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий тузилмасини ҳарбий-бюрократик феодализм деб аташ мумкин. Амалдорлар жуда катта сиёсий ва ижтимоий роль ўйнай бошлаган. Хон саройи ва саройларда молияни бошқариш, солиқлар йиғиш, ҳужжатларни тузиш бўйича бир талай янги мансаблар пайдо бўлди. Барча амалдорлар феодаллар синфининг бир қисмига айланди. Ана шу мураккаб ижтимоий поғонада солиқ йиғувчилар айниқса муҳим роль ўйнай бошладилар, улар солиқлар миқдорини ўзлари хоҳлаганча ошириши ёки камайтириши мумкин бўлиб, ер эгаларининг даромадлари уларга боғлиқ эди. Баъзан солиқ йиғувчилар ер участкалари ёки ҳунармандчилик устахоналарини, солиқларни олдиндан тўлаш шарти билан ўзларига олиб қўйишарди.

Қонуний ва ноқонуний, доимий ва номунтазам солиқларнинг чекланмасдан ундирилиши мамлакатга ҳалокатли таъсир кўрсатиб, аҳолини хонавайрон қилди; амалда барча вилоятларда қашшоқлик кўзга ташланди.

XVII аср ва XVIII аср биринчи ярмида Марказий Осиёда марказлашган давлат учта мустақил давлат-

га: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетди. Уларнинг шаклланиши XVIII аср охири — XIX аср бошларида тугалланди. XVI асрдаёқ пайдо бўлган **Хива хонлиги** инқирозни бошидан кечирарди. Солиқ юкининг асосий оғирлиги деҳқонлар, шаҳарликлар ва кўчманчи — туркман қабилалари зиммасига тушарди. Туркманлар ер-мулк солиғи — ҳосилнинг ўндан бир қисмини ва ўнлаб минг бош қўйни «хон қозони» учун солиқ қилиб тўларди. Адоқли-хизр қабиласи хонга навкарлар ёки гвардия етказиб берарди. Ўлпонлар фақат хон учун эмас, балки хон сулоласининг айрим вакиллари учун ҳам ундиришарди. Туркманлар тез-тез қўзғолон кўтариб, вақти-вақти билан муайян мустақилликка эришардилар.

Хива хонлари хазинаси XVII асрда алоҳида хазиначилар қўлида эди. Қуйи маъмурий аппарат арбоблар (қишлоқ оқсоқоллари)дан иборат эди. Қишлоқларда ер эгалари зиммасига уларга бўйсунувчи аҳоли ҳисобидан йўлдан ўтиб борувчи элчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш мажбурияти юкланган эди. Ҳар бир хонзода ўз аъёнларига ва ўз бошқарув аппарати — оталиқ, ясовул, хазиначи ва божгирларга эга эди.

Бухоро *мисолида* ана шу даврда Марказий Осиё ҳузурида солиқ тизими қандай ташкил этилганини кўриш мумкин.

Бу вақтда унинг молия тизими негизида араблар истилоси даврида бутун мусулмон Шарқи ўзлаштирган солиқ — хирож турган. Хирож ер солиғи бўлиб, у ҳосилнинг бешдан бир ёки учдан бир ҳиссаси сифатида олинган, ушр солиғи ўндан бир қисмни ташкил этган. Ҳунармандлар «ўз қобилияти ва дидига мос равишда» байрамларда хонга ўз буюмларини тақдим этишган. Фавқулодда ҳолларда улар ҳар бир дўкондан йиғим тўлашган.

Бухоро амирлигида ўлпон йиғиш билан девонбеги — молия вазири шуғулланган, у дафтарлар —

ўлпон рўйхатларини тузган. Молия амалдорлари девонбеги раҳбарлигида кадастрлар, хон саройининг молия ҳисоботи ва моддий қисми билан шуғулланганлар. Натура мажбуриятлари устидан назоратни арбоб олиб борган (1633-1634 йилларда Имомқулихон фармойишига кўра Қўшқўрғон деган жойда янги ариқ ана шу усул билан қазилган бўлиб, буни замондошлари хон саҳовати эмас, балки кулфат деб баҳолашган). Арбоб хирож йиғиш билан ҳам шуғулланган, элчиларни овқат билан таъминлаган, суғориш ишларини назорат қилган. Бироқ ерларнинг кўпчилиги феодаллар тасарруфида бўлгани учун хон хазинасига давлат ўлжаларининг жуда оз қисми келиб тушган. Зодагонларни заифлаштириш учун Убайдуллахон (1702-1711 йиллар) уларнинг ер-мулкларига дахл қилди. У феодаллардан ер («мулк»)ни тортиб олиб, уларни сарой аъёнларига бермоқчи эди. Бироқ у мерос ерларни тортиб олиб, қудратли дарвешлар уюшмаси мададидан маҳрум бўлди, унга қарши фитна уюштирилди ва 1711 йили ўлдирилди.

XIX аср биринчи ярмида хусусий мулк ерлардан олинган ер солиқлари Бухоро амири хазинасига энг кўп даромад келтирган. Улар ичида энг аҳамиятлиги ҳамон хирож бўлган. Хирож ерлари (замини хирожий) хонликдаги деҳқон аҳолига тегишли участкаларнинг катта қисмини ташкил этган. Хирож муайян ер участкасидан белгиланган суммада пул ва маълум миқдорда дон билан ундирилган (хирожи вазифа) ёки ҳосилнинг бешдан, олтидан, саккиздан бир қисми миқдорида ҳосилнинг мутаносиб қисмини тўлашда (хирожи муқасама) ифодаланган. Тўланадиган солиқ ҳажми эса синов тариқасида янчиш йўли билан аниқланган.

Ўлпонларни йиғиш билан амлокдор шуғулланган. Ҳосил пишишига яқин у ўз одамлари билан экинзорларга йўл олган. Уни қишлоқ оқсоқоли ва деҳқонлар кутиб олишган. Амлокдор чамалаб далада қанча

таноб борлиги (Бухорода бир таноб салкам 2,5 минг квадрат метрни ташкил этган) ва қанча ботмон ҳосил олишни тахминлаган. Ботмон кўп жойда ҳар хил бўлиб, лекин Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда у 6 пудга тенг бўлгани маълум. Деҳқонлар амлокдор билан тортишишган, оқсоқол ва қўшниларни гувоҳликка чақириб, ўтган йили қанча хирож тўлашганини далил қилиб кўрсатишган. Охир-оқибатда улар тахминий бир рақамга келиб тўхташган, амлокдор отдан тушмай, тўланадиган солиқ миқдорини ёзиб олган. Далаларни айланиб бўлиб, бир неча кундан сўнг саройга қайтгач, у ер солиғини қишлоқлар бўйича тузиб чиққан. Уларни ўз муҳри билан тасдиқлаб, рўйхатларни қишлоқларга юборган. Шундай рўйхатларни олгандан сўнггина деҳқонлар ҳосилни йиғиб олишга киришганлар.

Хирождан ташқари бошқа солиқлар ҳам йиғилган. Кафсан, амлокдорларни таъминлаш учун махсус солиқ (ҳар 10 ботмон ердан ярим пуд дон ва шунча ердан 15 фунт пахта миқдорида); кафсанин доруға (халқ тилида кафсан — доруға) — доруға (туман бошлиғи) фойдасига йиғим; муштоқ (бир ҳовуч) — хирож ҳисобига ҳосил топширилиши устидан назорат қилишда иштирок этган амин (қишлоқ оқсоқоли ва солиқ тўпловчи), оқсоқол ва қуйи маъмурият-нинг бошқа амалдорларига. Муштоқ ҳар бир хўжаликдан бир ҳовучдан ёки буғдой чораги (деярли 2 кг) ва жўхори чораги кўринишида олинган.

Ҳосил янчиб олиниб, хирмон қилиб уюлгач, деҳқонлар унинг бир қисмини сотишлари мумкин бўлган, қозилар бу вақтда ғалланинг бозордаги нархини ҳушёрлик билан кузатишган. Агар нарх солиқ тўланиши пайтидаги нархдан юқори бўлса, фарқни қоплаш учун қўшимча йиғимлар йиғилган.

Мерос тариқасида фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан деҳқонларга берил-

ган амлок ёки давлат ерларидан (замини амлок, замини давлатий) амлок (арабча «амлок» — кўчмас мулк) деб номланадиган ўлпон олинган. Унинг ҳажми хирожникидан ошиқ бўлган, чунки шариат бўйича хирож фақат суғориш учун сув ҳақи ҳисобланган, амлок ерлардан олинадиган солиқ эса ўз ичига ер учун ҳақни ҳам олган. Бухорода амлок ҳар 10 ботмон ғалла ва пахтадан 3 ботмон миқдорида; уч ботмон пахолдан 15 танга олинган; бир таноб йўнғичқадан 20 танга, бир таноб узумзордан 30 танга ундирилган (Бухоро ва Қўқон тангалари қиймати XIX аср охирида кумуш билан салкам 20 тийинни ташкил этган). Амалиётда фойдаланилаётган суғориш суви ва йиғиб олинган ҳосил миқдорига боғлиқ ҳолда бундан катта чекинишларга йўл қўйилган.

Саидлар, хўжалар мулки бўлган ушр ерлардан (замини ушри, мулки ушри ва ушрия) олинадиган даромаднинг ўндан бир қисми миқдоридаги ўлпон анча енгил бўлган. Махсус хон ёки амир ёрлиқлари берилгани учун ҳар қандай солиқлардан озод қилинган хусусий мулк сифатидаги ерлар мавжуд бўлган (мулки ҳурри холис ёки мулки ҳурр). Вақф ерларидан (мулки вақф) ҳам солиқлар олинмаган.

Лекин қишлоқ деҳқон аҳолисининг кўпчилиги қонун билан белгиланган ер солиғи — хирож ёки амлокдан ташқари, боғ ёки полиз билан банд ҳар бир таноб ер (таноб пули) ва йўнғичқазор учун (алаф пули) алоҳида солиқлар тўлаган. Бу иккала солиқ кўпинча битта атама билан танобона ёки таноб пули, деб аталарди. Уларнинг ҳажми ернинг бозорларга қанчалик яқинузоқлигига боғлиқ бўлган.

XIX асрнинг 50-йиллари охирида мазкур солиқларда ўзгариш юз берди. Зарафшон водийсида яшовчи бир неча деҳқон жамоаси амир Насруллога мурожаат қилиб, уларнинг уйдан олисда жойлашган полизларига солинадиган танобонани камайтиришни

илтимос қилди. Амир ушбу илтимосни қондирди, полизлардан алоҳида солиқ — қўш пули олина бошлади, бунда мавсумда муайян майдон (48-50 таноб)ни ҳайдай оладиган, омочга қўшиладиган иш ҳайвони (қўш) миқдоридан келиб чиқилди. Бироқ, кейинроқ ушбу йиғим барча деҳқонларга татбиқ этилди, бунда уларнинг полизи бор-йўқлиги эътиборга олинмай, бошқа солиқлар қаторига янги солиқ қўшиб қўйилди.

Закот энг муҳим солиқ бўлиб, уни тўлаш ҳар бир мусулмон учун беш фарзнинг бири қилиб қўйилган эди. Бу мол-мулк солиғини ундириш учун амалдорлар тайёрланган ва закот олиш объектлари аниқ белгиланган эди. У солиққа тортиладиган объект қийматининг қирқдан бир қисми ёки 2,5 фоиз миқдорида ундириларди. Мазкур йиғимларда товарларни ва товар сотиб олиш учун савдогарлар олиб келган солиққа тортиш асосий даромад моддаси ҳисобланган, бунинг устига товарлардан закот бир неча марта, савдогар уларни бир жойдан бошқасига неча марта олиб ўтганига қараб ундирилган. Шунинг учун закот савдогарларни жуда сиқиб қўйган ва истеъмолчи учун оғир бўлган ўзига хос ички божга айланиб, солиқ йиғувчилар учун таъмагирлик манбаи бўлиб қолди.

Кўчманчи ва чорвадорлардан закот чорвадан пул ёки натурада (беш туядан битта қўй, қирқ қўйдан бир қўй ёки эчки) ундирилган. Бундан ташқари маҳаллий вилоят ҳокими (бек, ҳоким ёки мир) фойдасига закот чакана ундирилган. У чорва туёғи закот ундириш кўзда тутилган миқдордан кам бўлган шахслардан ундирилиб, бу нарса шариатда кўзда тутилмаган эди.

Иш молларидан олинадиган алоҳида йиғим ҳам мавжуд бўлиб, уни яксара деб аташган. У бир жуфт от ёки ҳўкиздан бир ботмон буғдой ҳажмида олинган. Битта иш молига эга бўлганлар бу миқдорнинг

ярмини тўлашган, у ним сара, деб аталган. Сув тегирмонлари ва жувозлардан пул ёки натурада йиғим ундирилган, унинг ҳажми корхонанинг қандай тузилгани ва даромад келтиришига ҳамда қишлоқ хўжалик жиҳатидан қандай аҳамиятга эгалигига қараб ўзгариб турган.

Россия билан уруш пайтида амир Музаффар аминона («содиқ фуқаролик») деб номлаган махсус солиқни жорий этди, у бадавлат шаҳарликлар мол-мулки ва товарлар қийматининг 1,5 фоизини ташкил этган. Вақт ўтиши билан у доимий солиққа айланди ва амирлик тугатилгунигача (1920 йил) ҳукм сурди, баъзан у махсус солиқ йиғувчиларга олдиндан ундириш ҳуқуқи билан берилган.

Закот ва аминонадан ташқари, савдо йиғимларига даллоллик йиғимлари (даллоли), бир вилоятдан бошқасига олиб ўтилаётган товарлар ва умуман юклардан олинадиган махсус божлар ҳам кирган. Закот билан бирга товар дастлаб олиб чиқилган жойдан узоқлашувига қараб унинг нархи анча кўпайган.

Товарларни дарёдан олиб ўтганлик (сув пули), бозордаги жой учун (пули тахтажой) солиқлар ҳам мавжуд бўлган.

Суғориш каналларини соз ҳолатда ушлаб туриш, тузатиш, уларни тозалаш, сувни назорат қилувчи барча хизматчиларни боқиш мажбурияти қишлоқ аҳолиси зиммасида бўлган. Бундай хизматчиларни таъминлаш учун жамоат харажатлари дон, пул ёки сувдан иборат бўлган ва уларнинг ҳажми жойга боғлиқ бўлган.

Бухоро амирлигида молия, асосан мол-мулк солиғи билан қушбеги — поён шуғулланган. У арк этагида яшагани, маҳкамаси шу ерда бўлгани учун қуйи қушбеги деб аталган. Давлатдаги барча закот йиғувчиларнинг бошлиғи сингари уни ҳам закотчи калон (олий закот йиғувчи) деб аташган. Девонбеги мансабида бўлган ва вазифаси маълум даражада Ев-

ропа мамлакатининг молия вазири функцияларига мувофиқ келган ушбу амалдор энг катта вилоятлар ҳокимлари ҳузурида бўлган барча девонбегиларнинг бошлиғи бўлган. Ҳар бир вилоят бўйича солиқ-ўлпон ёзувлари (дафтар ёзувлари) сир сақланган.

XIX асрнинг биринчи ярмида **Қўқон хонлигининг** солиқ тизими Бухоро амирлиги билан ўхшаш бўлган. Бу ерда ҳам ғаллазорлардан хирож йиғими, узумзорлар, полизлар, боғлар ва техника экинлари билан банд бўлган ерлардан танобона ундирилган, товарлар, мол-мулк ва чорвадан закот олинган. Шахсан хонга қарашли қишлоқлардан хослик — ундирувчи амалдорларга эмас, балки бевосита хонга бериладиган ёки хоннинг махсус фармони билан у ёки бу аъёнларга таъминот учун бериладиган солиқ ундирилган.

Одатдаги солиқлардан ташқари хонлар янгиларини ҳам жорий этган. Бунда айниқса Худоёрхон ажралиб турган. У экилган мевасиз дарахтлардан, пойтахтга олиб келинган пичандан, тоғ ўрмонларида куйдириладиган писта кўмирдан солиқ олган. Худоёрхон хазинадаги етишмовчиликни хилма-хил мусодара қилишлар ва чайқовчилик воситасида тўлдирган.

Хива хонлигида шу вақтда хон бюджетига даромаднинг асосий моддаси ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ишлов берадиган ҳайдаладиган ерлар эди. Хазинага қарашли ёки давлат ерларида (подшолик) яшайдиган деҳқонлар форсча даҳяк ёки арабча ушр сўзи билан номланадиган хирож, чиғирлар ёрдамида суғориладиган ерлардан ҳосилнинг бешдан бири ҳажмида хирож тўлашган.

Хусусий мулк қилиб берилган ерлардан хирож улар қандай тоифага боғлиқлигига қараб олинарди. Хон ёрлиғи бўйича муайян мулк қилиб берилган хусусий мулк ёрлиқ ерлари (ёрлиқ мулклар) ва азалдан хусусий мулкни ташкил этган одатдаги хусусий мулк ер-

лари (мулк) солғит (ёки солғут) деб номланувчи, пул билан тўланадиган ер солиғига тортилган, адай мулк (оддий халқ тилида атай мулк) ерларидан ер солиғи эмас, балки қўра солиғи ундирилган, бу солиқ тўловчилар ўз мулкий аҳволларига кўра киритиладиган тоифага мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган ва шу сабабли даромад солиғи хусусиятларига эга бўлган. Солғитни хазинага ва даҳякни ўз вақф муассасаси фойдасига киритишга мажбур бўлган вақф ерининг ижарачилари энг оғир аҳволга тушиб қолган эдилар. Саидлар, хўжалар, шайхлар ва мансабдор шахсларнинг ерлари махсус хон ёрлиқлари билан хирож тўлашдан озод қилинган: бундай шахслар туркча-форсча сўз билан ёрлиқдор деб номланган. Навкарларга тегишли ерлар ҳам хирождан озод этилган.

Товар битимлари учун солиқлар — закот ва тарози йиғимлари белгиланган. Хонлик савдо марказлари (Урганч, Хонқа, Хива, Гурлан ва бошқа шаҳарлар) савдогарлари, бундан ташқари, ҳар йили хонга бой пули солиғини тўлашган. Унинг ҳажми ўзгариб турган. Хон савдо шаҳарларига фармонлар (ёрлиқлар) юбориб, ҳар бир савдогарни хон хазинасига гўё қайтариш шарти билан муайян суммани тақдим этишга мажбур қилган, бироқ одатда бу сумма ҳеч қачон қайтарилмаган. Ана шу ўзига хос қарзлар бир йилда иккиуч марта олинган.

Кўчманчи ва чорвадорлар — қозоқ ва қорақалпоқлардан хон ҳукумати чорва умумий туёғининг қирқдан бир ҳажмида закот олган. Бундан ташқари, Амударёнинг ўнг соҳилида чорва эгаларидан олинадиган тарчўб йиғими ҳам бўлган — пода соҳилдаги тўқайлар орасидан ўтганида моллар бута шох-шаббаларини кавшагани учун ана шу солиқ олинган. Тўқайдан ўтган ҳар бир подадан битта қўй олинган.

Хива хонлигида ўлпон йиғиш учун ҳокимлар (округ ҳукмдорлари), уларнинг ноиблари ёки қозилар

илтимос қилди. Амир ушбу илтимосни қондирди, полизлардан алоҳида солиқ — қўш пули олина бошлади, бунда мавсумда муайян майдон (48-50 таноб)ни ҳайдай оладиган, омочга қўшиладиган иш ҳайвони (қўш) миқдоридан келиб чиқилди. Бироқ, кейинроқ ушбу йиғим барча деҳқонларга татбиқ этилди, бунда уларнинг полизи бор-йўқлиги эътиборга олинмай, бошқа солиқлар қаторига янги солиқ қўшиб қўйилди.

Закот энг муҳим солиқ бўлиб, уни тўлаш ҳар бир мусулмон учун беш фарзнинг бири қилиб қўйилган эди. Бу мол-мулк солиғини ундириш учун амалдорлар тайёрланган ва закот олиш объектлари аниқ белгиланган эди. У солиққа тортиладиган объект қийматининг қирқдан бир қисми ёки 2,5 фоиз миқдорида ундириларди. Мазкур йиғимларда товарларни ва товар сотиб олиш учун савдогарлар олиб келган солиққа тортиш асосий даромад моддаси ҳисобланган, бунинг устига товарлардан закот бир неча марта, савдогар уларни бир жойдан бошқасига неча марта олиб ўтганига қараб ундирилган. Шунинг учун закот савдогарларни жуда сиқиб қўйган ва истеъмолчи учун оғир бўлган ўзига хос ички божга айланиб, солиқ йиғувчилар учун таъмагирлик манбаи бўлиб қолди.

Кўчманчи ва чорвадорлардан закот чорвадан пул ёки натурада (беш туядан битта қўй, қирқ қўйдан бир қўй ёки эчки) ундирилган. Бундан ташқари маҳаллий вилоят ҳокими (бек, ҳоким ёки мир) фойдасига закот чакана ундирилган. У чорва туёғи закот ундириш кўзда тутилган миқдордан кам бўлган шахслардан ундирилиб, бу нарса шариатда кўзда тутилмаган эди.

Иш молларидан олинадиган алоҳида йиғим ҳам мавжуд бўлиб, уни яксара деб аташган. У бир жуфт от ёки ҳўкиздан бир ботмон буғдой ҳажмида олинган. Битта иш молига эга бўлганлар бу миқдорнинг

ярмини тўлашган, у ним сара, деб аталган. Сув тегирмонлари ва жувозлардан пул ёки натурада йиғим ундирилган, унинг ҳажми корхонанинг қандай тузилгани ва даромад келтиришига ҳамда қишлоқ хўжалик жиҳатидан қандай аҳамиятга эгалигига қараб ўзгариб турган.

Россия билан уруш пайтида амир Музаффар аминона («содиқ фуқаролик») деб номлаган махсус солиқни жорий этди, у бадавлат шаҳарликлар мол-мулки ва товарлар қийматининг 1,5 фоизини ташкил этган. Вақт ўтиши билан у доимий солиққа айланди ва амирлик тугатилгунигача (1920 йил) ҳукм сурди, баъзан у махсус солиқ йиғувчиларга олдиндан ундириш ҳуқуқи билан берилган.

Закот ва аминонадан ташқари, савдо йиғимларига даллоллик йиғимлари (даллоли), бир вилоятдан бошқасига олиб ўтилаётган товарлар ва умуман юклардан олинадиган махсус божлар ҳам кирган. Закот билан бирга товар дастлаб олиб чиқилган жойдан узоқлашувига қараб унинг нархи анча кўпайган.

Товарларни дарёдан олиб ўтганлик (сув пули), бозордаги жой учун (пули тахтажой) солиқлар ҳам мавжуд бўлган.

Суғориш каналларини соз ҳолатда ушлаб туриш, тузатиш, уларни тозалаш, сувни назорат қилувчи барча хизматчиларни боқиш мажбурияти қишлоқ аҳолиси зиммасида бўлган. Бундай хизматчиларни таъминлаш учун жамоат харажатлари дон, пул ёки сувдан иборат бўлган ва уларнинг ҳажми жойга боғлиқ бўлган.

Бухоро амирлигида молия, асосан мол-мулк солиғи билан қушбеги — поён шуғулланган. У арк этагида яшагани, маҳкамаси шу ерда бўлгани учун қуйи қушбеги деб аталган. Давлатдаги барча закот йиғувчиларнинг бошлиғи сингари уни ҳам закотчи калон (олий закот йиғувчи) деб аташган. Девонбеги мансабида бўлган ва вазифаси маълум даражада Ев-

ропа мамлакатининг молия вазири функцияларига мувофиқ келган ушбу амалдор энг катта вилоятлар ҳокимлари ҳузурида бўлган барча девонбегиларнинг бошлиғи бўлган. Ҳар бир вилоят бўйича солиқ-ўлпон ёзувлари (дафтар ёзувлари) сир сақланган.

XIX асрнинг биринчи ярмида **Қўқон хонлигининг** солиқ тизими Бухоро амирлиги билан ўхшаш бўлган. Бу ерда ҳам ғаллазорлардан хирож йиғими, узумзорлар, полизлар, боғлар ва техника экинлари билан банд бўлган ерлардан танобона ундирилган, товарлар, мол-мулк ва чорвадан закот олинган. Шахсан хонга қарашли қишлоқлардан хослик — ундирувчи амалдорларга эмас, балки бевосита хонга бериладиган ёки хоннинг махсус фармони билан у ёки бу аъёнларга таъминот учун бериладиган солиқ ундирилган.

Одатдаги солиқлардан ташқари хонлар янгиларини ҳам жорий этган. Бунда айниқса Худоёрхон ажралиб турган. У экилган мевасиз дарахтлардан, пойтахтга олиб келинган пичандан, тоғ ўрмонларида куйдириладиган писта кўмирдан солиқ олган. Худоёрхон хазинадаги етишмовчиликни хилма-хил мусодара қилишлар ва чайқовчилик воситасида тўлдирган.

Хива хонлигида шу вақтда хон бюджетига даромаднинг асосий моддаси ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ишлов берадиган ҳайдаладиган ерлар эди. Хазинага қарашли ёки давлат ерларида (подшолик) яшайдиган деҳқонлар форсча даҳяк ёки арабча ушр сўзи билан номланадиган хирож, чиғирлар ёрдамида суғориладиган ерлардан ҳосилнинг бешдан бири ҳажмида хирож тўлашган.

Хусусий мулк қилиб берилган ерлардан хирож улар қандай тоифага боғлиқлигига қараб олинарди. Хон ёрлиғи бўйича муайян мулк қилиб берилган хусусий мулк ёрлиқ ерлари (ёрлиқ мулклар) ва азалдан хусусий мулкни ташкил этган одатдаги хусусий мулк ер-

лари (мулк) солғит (ёки солғут) деб номланувчи, пул билан тўланадиган ер солиғига тортилган, адай мулк (оддий халқ тилида атай мулк) ерларидан ер солиғи эмас, балки қўра солиғи ундирилган, бу солиқ тўловчилар ўз мулкий аҳволларига кўра киритиладиган тоифага мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган ва шу сабабли даромад солиғи хусусиятларига эга бўлган. Солғитни хазинага ва даҳякни ўз вақф муассасаси фойдасига киритишга мажбур бўлган вақф ерининг ижарачилари энг оғир аҳволга тушиб қолган эдилар. Саидлар, хўжалар, шайхлар ва мансабдор шахсларнинг ерлари махсус хон ёрлиқлари билан хирож тўлашдан озод қилинган: бундай шахслар туркча-форсча сўз билан ёрлиқдор деб номланган. Навкарларга тегишли ерлар ҳам хирождан озод этилган.

Товар битимлари учун солиқлар — закот ва тарози йиғимлари белгиланган. Хонлик савдо марказлари (Урганч, Хонқа, Хива, Гурлан ва бошқа шаҳарлар) савдогарлари, бундан ташқари, ҳар йили хонга бой пули солиғини тўлашган. Унинг ҳажми ўзгариб турган. Хон савдо шаҳарларига фармонлар (ёрлиқлар) юбориб, ҳар бир савдогарни хон хазинасига гўё қайтариш шарти билан муайян суммани тақдим этишга мажбур қилган, бироқ одатда бу сумма ҳеч қачон қайтарилмаган. Ана шу ўзига хос қарзлар бир йилда иккиуч марта олинган.

Кўчманчи ва чорвадорлар — қозоқ ва қорақалпоқлардан хон ҳукумати чорва умумий туёғининг қирқдан бир ҳажмида закот олган. Бундан ташқари, Амударёнинг ўнг соҳилида чорва эгаларидан олинадиган тарчўб йиғими ҳам бўлган — пода соҳилдаги тўқайлар орасидан ўтганида моллар бута шох-шаббаларини кавшагани учун ана шу солиқ олинган. Тўқайдан ўтган ҳар бир подадан битта қўй олинган.

Хива хонлигида ўлпон йиғиш учун ҳокимлар (округ ҳукмдорлари), уларнинг ноиблари ёки қозилар

жавоб беришган. Улар ҳузурида божмонлар (бож йиғувчилар) ва закот йиғувчилар, агар ҳудудда давлат ерлари ҳам бўлса, мушрифлар (натура билан тўланадиган ўлпонларни йиғувчилар, улар Бухоро амлокдорларига мувофиқ келган) ҳам хизмат қилган. Қишлоқларда маъмурий-миршаблик таркибидаги барча ишлар билан оқсоқоллар шуғулланиб, улар аҳолидан ўлпонлар ҳам йиғишган. Хонликнинг маъмурий ва молия — солиқ аппарати пул билан таъминланмаганлиги сабабли, ўлпонларни, айниқса даҳякни йиғишда жиддий суиистеъмоллар қилишга йўл қўйилган.

XIX аср 50-йилларида Россия Марказий Осиёни истило эта бошлади. 60-70 йилларда Марказий Осиё ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди, Бухоро амирлиги Россия протекторати, Хива хони эса вассали деб эътироф этилди. Марказий Осиё капиталистик ривожланиш йўлига ўтди, жаҳон товар муомаласига тортила бошлади. Унинг ҳудудида ташкил этилган давлат тузилмаларининг молиявий сиёсатида капитализмгача бўлган ва капиталистик муносабатлар аралашиб кетди.

Россияга қўшиб олингунгача Марказий Осиёнинг давлат хазинаси хоннинг шахсий хазинасидан ажратилмаган эди. Россияда давлат молияси ижтимоий институт бўлгани сабабли, бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот давлат назорати органлари томонидан текширилган, натижаларни ҳамма билиши учун ҳар йили эълон қилиб борилган. 1868 йилда Туркистонда подшо ҳукумати молия қўмитасини ташкил этди, у давлат даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқди. 1869 йилда Туркистон давлат палатаси таъсис этилди, у давлат даромад ва харажатлари рўйхатини ҳамда улар ижроси хусусидаги йиллик ҳисоботларни тузган. Туркистон генерал-губернаторлигининг даромад ва харажатлари Россия империяси рўйхатига киритилган, жойлар-

даги солиқ инспекторлари ва хазина органлари Туркистон давлат палатасига бўйсундирилган.

Туркистон генерал-губернаторлигининг даромадлари 1869 йилда 1.884.200 сўмни ташкил этиб, бунда жами даромаднинг 60,5 фоизи солиқларга тўғри келган (52,3% бевосита ва 8,2% билвосита солиқлар). Туркистон ўлкасининг иқтисодиётида аввалгидек қишлоқ хўжалиги устун тургани сабабли даромад сметасининг асосини унга доир солиқлар ташкил этган.

Марказий Осиёда шаклланган қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш тизими аста-секин ўзгарган. Аввалига подшо ҳукумати деҳқонлардан олинадиган солиқни камайтирди, лекин ерга солиқ солишнинг хирож ва таноб тизимини сақлаб қолди. Солиқларни фақат пул билан тўлаш тартиби белгиланди, давлат фойдасига бажариладиган бир қатор натура мажбуриятлари (масалан, наряд бўйича туя етказиб бериш) ва майда қўшимча йиғимлар (сув ости, тарози йиғимлари, туз ва пистакўмирдан бозор йиғими, савоим закоти, шунингдек ҳунармандчилик устахоналаридан йиғим) бекор қилинди. Солиқларни ундириш сайлаб қўйиладиган қишлоқ бошқармаларига топширилди.

1886 йили Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги янги Низом жорий этилди, унда ер муносабатлари соҳасидаги тадбирлар ҳам кўзда тутилган: барча ерлар (вақф ерларидан ташқари) хазинага тегишли деб эълон қилинди ва бунгача унга ишлов берган жамоа-қўралар фойдаланишига берилди; барча ерлар солиққа тортилди. Айни вақтда танобона ва хирож ўрнига «оклад тизими» (қатъий белгиланган окладлар билан солиққа тортиш тизими) келди, у пул муносабатлари анча ўсган ва нархлар беқарор бўлган вазиятда арзон ҳамда самаралироқ бўлган. Солиқ оклади олти йилга белгиланган. Уни ҳисоблаб чиқиш учун ўртача ялпи даромад белгиланган. Солиқ

миқдори унинг 10 фоизини ташкил этган. Ўртача ялпи даромадни аниқлашда қуйидагилар эътиборга олинган: ҳақиқатан экин экилаётган ер майдони; ўртача ҳосил; улар эгаллаган маконда асосий бўлган маҳсулотларнинг кейинги ўн йил ичидаги маҳаллий нархлари. Ернинг сув билан таъминланганлик даражаси ҳисобга олинмаган.

Америка навига мансуб пахта етиштиришни кўпайтириш учун экинзорни имтиёзли солиққа тортиш қўлланилган. Бу ерлар буғдой, беда, жўхори далалари билан бир хил даражада солиққа тортилган. Лекин бир десятина пахтазордан олинган ялпи даромад номлари келтирилган экинларникидан 4-5 баравар юқори бўлгани сабабли солиқ имтиёзлари деҳқонларда уни етиштириш учун қизиқишни кучайтирган.

Кўчманчи аҳоли учун подшо ҳукумати 1867 йилда ҳар бир ўтовдан 2 сўм 75 тийин ҳажмида ўтов йиғими белгилади, бу йиғим 1882 йилда 4 сўмга етди.

Сметада бож йиғимлари каттагина ўрин эгаллаган (27% дан 29,3% га қадар).

Туркистонда ҳам савдо қилиш ва ҳунармандчилик билан шуғулланиш ҳуқуқи учун божлар тўғрисидаги 1865 йилги умумроссия низоми жорий этилди, у закот ўрнига қўлланди. Бироқ генерал-губернаторлик сметасида ҳунармандчилик солиғининг салмоғи арзимаган даражада бўлиб — 1913 йилда 4,3% эди.

Деҳқон ва кўчманчилардан жамоа (земство) йиғимлари ундирилган, улар «жамоа» бюджетлари даромадига киритилган. Уларни ўтроқ аҳоли қўраси ва кўчманчи аҳоли ўтовидан олишган. 1885 йилда бир ўтовдан 1 сўм 50 тийин, қўрадан эса ер солиғининг учдан бир қисми олинган. Ер, ўрмон ва шаҳардаги мол-мулкдан йиғимлар Туркистон жамоа йиғимлари таркибида устун турган. Шаҳарларда квартира солиғи, касалхона йиғими ва ит эгаларидан олинадиган солиқ жорий этилган.

1914 йил 12 ноябрдаги қонун бўйича темир йўл станциялари ва пристанларда тақдим этиладиган ҳар бир пуд пахтадан олинадиган 2 сўм 50 тийин миқдоридаги махсус вақтинча солиқ белгиланди. 1915 йил январдан бошлаб маҳаллий аҳоли ҳарбий мажбуриятни ўташ ўрнига ҳарбий солиққа тортила бошлади. Ушбу солиқ бевосита солиқлар барча турлари суммасининг 21 фоизи миқдорида ундирилган.

Биринчи жаҳон уруши вақтида пул йиғимлари товарларни реквизиция қилиш ва чорвани армияга олиш билан ҳам тўлдирилган. 1917 йил февралидан бошлаб Керенскийнинг Муваққат ҳукумати томонидан солиққа тортишнинг юки оғирлаштирилди. Иқтисодиёт аҳволи фалокатли тус олди. Генерал-губернаторлик даромади 1917 йилда 33,4 млн. сўмни, харажатлари эса 99 млн. сўмни ташкил этиб, камомад 65,6 млн. сўмга тенг бўлди.

1918 йилдан бошлаб Туркистон республикасида солиқ ишини марказлаштириш, ягона солиқ сиёсатини белгилаш ва маҳаллий «солиқлар яратиш» фаолиятини тугатиш бўйича тадбирлар ўтказилди. 1919 йил ноябри ўрталарида Туркистон республикаси солиқ тизимини қайта кўриб чиқиш махсус комиссияси тузилди, республика ҳукумати ўз таклифларини олға сурди ва 1920 йилда бир қатор: асосий ҳунармандчилик солиғини ундириш тартиби ва миқдори; хусусий ва ҳисобот бермайдиган савдо-саноат корхоналари оборотига 5 фоизли солиқ солиш; миллийлаштирилган саноат маҳсулотлари ва буюмлари учун давлат фойдасига ҳисоблаб ёзишларни бекор қилиш тўғрисида декретлар эълон қилинди.

Бироқ ҳарбий коммунизм солиқ тизимининг аҳамиятини йўққа чиқарди ва РСФСР Молия халқ комиссарлигининг 1921 йил 9 февралдаги фармойишига биноан мухторият ҳуқуқи билан Туркистон республ-

ликасига ҳам кирган бутун РСФСР ҳудудида умуман пул солиқларини ундириш тўхтатилди.

1921 йил мартида эълон қилинган янги иқтисодий сиёсат (НЭП) солиқларнинг янги тизими барпо этилишига олиб келди. Унга қишлоқ хўжалик, деҳқончилик, даромад — мулк ва рента солиқлари, герб йиғимлари, меросга доир ва бошқа божлар (бевосита солиққа тортиш), акциз ва божхона тўлов (билвосита солиққа тортиш)лари кирди. Туркистон Республикасида РСФСРда эълон қилинган, лекин маҳаллий шарт-шароитга татбиқан аниқлаштирилган солиқлар тўғрисидаги барча декретлар амал қила бошлади. Масалан, умумфуқаролик солиғи жорий этилганда унинг Фарғона ва Еттисув вилоятлари деҳқон хўжаликлари учун ставкалари 50% га камайтирилди, маҳаллий миллатларга мансуб хотин-қизлар солиқдан озод этилди.

Бухоро ва Хоразм Совет Халқ Республикаларининг солиқ тизимлари Туркистон Республикаси солиқ тизимига яқинлаштирилди. 1923 йили Бухоро ҳукумати ҳунармандчилик солиғини жорий этди, у патент ва тенглаштириш йиғимларидан ташкил топган эди. Патент йиғими ставкалари олтин билан 2 сўмдан 200 сўмга қадар, тенглаштириш йиғими 0,5% дан 6% га қадар эди, зеб-зийнат буюмлари 12% ли ставка бўйича солиққа тортилган. Патент йиғими ставкалари савдо буюмлари ва унинг характерига боғлиқ эди, ошхона ва чойхоналар хизматчилар сонига, кооперативлар уларнинг аъзолари сонига қараб солиққа тортилган. Ставкалар айрим туманлар бўйича табақалаштирилмаган ва корхоналар оладиган даромадга тўғри келмас, солиққа тортиш тахминларга асосланар эди.

1924 йилда Бухоро Республикасида акцизлар тўғрисидаги низом жорий этилди. 1924/25 йилларда шаҳар аҳолисидан даромад солиғи олиниши лойиҳалаш-

тирилди, 1922 йил 15 августдаги декретга биноан герб йиғими тўғрисидаги устав жорий қилинди.

1924 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси ташкил этилди. 1924/25 йилларда унинг даромадларида солиқларнинг салмоғи 67,5%ни, 1927/28 йилларда 76,6% ни ташкил этди. Солиқ манбалари ичида энг йириги ҳунармандчилик солиғи бўлиб, у республика бюджети барча даромадларининг 25-31% ни ташкил этган. Айрим даромад манбалари бўйича солиқ тушумлари 1924/25 йилларда қуйидагича бўлди: қишлоқ хўжалик солиғи — 570 минг сўм, ҳунармандчилик солиғи — 840 минг сўм, даромад солиғи — 170 минг сўм, маҳаллий солиқ ва йиғимлар — 140 минг сўм. 20-йиллар охирида ҳунармандчилик, даромад, қишлоқ хўжалик ва бошқа солиқлардан шаҳарлардаги хусусий сектор ва қишлоқдаги ўзига тўқ табақаларга қарши курашда фойдалана бошланди. Чунончи, уч десятинага қадар ер участкаси бўлган салкам 90% тўловчилар қишлоқ хўжалик солиғининг 47,5 фоизини, тўловчиларнинг 11% ини ташкил этган ўзига тўқ табақалар эса 50 фоиздан кўпроғини тўлаган.

Кейинчалик Ўзбекистон молия тизими умумжаҳон ривожланиши жараёнига қарама-қарши бўлган йўналишда ривожланиб борди. Солиқлардан у корхоналар фойдасини олиб қўйишнинг маъмурий усулларига ва молия ресурсларини мамлакат бюджети орқали қайтадан тақсимлашга ўтди.

90-йиллар бошида мустақилликнинг эълон қилиниши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон солиқ тизими қайта тиклана бошлади. Шаклланиш босқичлари китобнинг кейинги бўлимларида қараб чиқилади, лекин шуни таъкидлаш жоизки, у «бўм-бўш» жойга қурилгани йўқ. Тарихий тажриба ва Марказий Осиё ҳудудида қабул қилинган солиққа тортиш тизимини диққат билан ўрганиш солиқ ислоҳотларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини таҳлил

қилишга имкон берди, хатолардан огоҳлантиради, прогноз қилинаётган солиқ миқдорини аниқлаш усулларини ўргатади. Масалан, мол-мулк солиғини тўғри прогноз қилиш учун мол-мулк тўлиқ рўйхатга олиниши ва баҳоланиши зарур, ҳозирги вақтда бу иш билан Техник инвентарлаш бюроси (ТИБ) шуғулланади, корхоналарнинг молиявий ҳолати ўрганилади, корхона даромадлари прогнозлари тузилади.

Солиқлар, тарих кўрсатганидек, халқ хўжалигининг у ёки бу тармоқларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига, шунингдек инвесторларга солиққа тортиш бўйича имтиёзларни бериш йўли билан давлатнинг товар ишлаб чиқарувчиларга таъсир қилиш воситаси ҳисобланади.

Хуллас, давлат солиқлар ва солиққа тортиш тизимининг шундай мақбул тизимини яратиши керакки, у аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маблағларнинг давлат бюджетига барқарор келиб туришини таъминласин ва айни вақтда ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантирсин.

Назорат саволлари:

1. Давлатнинг пайдо бўлиши қандай қилиб жамиятда иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришлар бошланиши билан боғлангани тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.

2. Қулдорлик давлатида мавжуд бўлган солиқларнинг асосий турларини айтинг.

3. Қадимги Грецияда солиқ солиш Ўрта Осиёда қабул қилинган солиқ солишдан (эрамиздан аввалги I минг йилликда) нимаси билан фарқ қилганлигини таҳлил қилинг.

4. Ўрта Осиё араблар томонидан истило қилинганидан кейин солиқ солишнинг таркиби, солиқлар

таркибининг мураккаблашгани тўғрисида (VII аср) нималарни биласиз?

5. Солиққа солишнинг соддалаштирилган схемасига ўтиш нима сабабдан юз берган?

6. Иқтисодий сиёсатдан норози аҳолининг дастлабки қўзғолонларини (Бухоро, Сўғд) айтинг; арабларга қарши ҳаракат, қўзғолоннинг бошланиши нима билан боғланганлигини ҳикоя қилинг.

7. Сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда давлатнинг гуллаб-яшнаши муваффақиятли солиқ солиш сиёсатининг натижаси эканлигини исботланг.

8. Ўрта Осиё мўғуллар томонидан истило этилган даврдаги солиқ солиш ҳақида ҳикоя қилинг.

9. Темурийлар давридаги солиқ солиш, Амир Темур солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари тўғрисида ҳикоя қилинг.

10. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило қилиниши механизмини очиб беринг. Капиталистик муносабатлар бошланиши, Туркистон давлат палатасининг таъсис этилиши нима билан боғланганлигини тушунтиринг.

11. Туркистон Республикасидаги; Ўзбекистон Республикасидаги (1924 йил) солиқ сиёсатини тавсифланг.

12. Ўзбекистоннинг 20-йиллар охирида фойдани олиб қўйишнинг маъмурий усулларига ўтилиши ҳақида нималарни биласиз?

2-боб.
СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Солиқ ҳуқуқи тушунчаси ва Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида ҳамда халқаро амалиётда қўлланиладиган юридик атамаларнинг аҳамияти

Солиқ ҳуқуқи — молия ҳуқуқининг ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ушбу фаолият иқтисодий қонунлар билан белгиланган, улар тамомила янги мазмундаги солиқ сиёсатини ўтказиш заруратини шартлади. Шу муносабат билан мазкур сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида 1991 йилдан бошлаб республика ҳудудида солиқ солиш уни қонуний таъминлаш ва ҳуқуқий расмийлаштириш тизими жорий этилди, уни амалга ошириш механизмлари яратилиб, унинг асосида республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар маҳаллий бюджетларининг молиявий таъминоти шакллантирилди.

1998 йил 1 январидан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалда солиқ тўловчи юридик (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ҳоказо) ва жисмоний шахслар тижорат ва нотижорат фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади.

Солиқ ҳуқуқи ўз ичига ҳуқуқий меъёрлари солиқ тизимини барпо этишнинг асосий қоидаларини мустаҳкамлаган қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларини, солиқ ҳуқуқига оид муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини, тўлов турлари, шунингдек назарий қоидалар, ҳолатлар ва атамаларни олади.

Давлат солиқ идоралари ва солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловчилар даромадларини белгилаш, ўзгартириш ва бир қисмини тегишли бюджетга (республика ёки маҳаллий) олиш бўйича солиқ муносабатлари ***солиқ ҳуқуқининг предмети*** ҳисобланади. Бинобарин, солиқ муносабатлари биринчидан, ушбу муносабатларнинг объекти ҳар доим юридик ва жисмоний шахслар даромадлари кўринишидаги кўчар мулк эканлиги, иккинчидан давлат бюджетини шакллантириш соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг умумий гуруҳига кириши билан тавсифланади.

Солиқ ҳуқуқининг усули давлат бюджети даромадининг асосий манбаларидан бири сифатида солиқ тўловчининг даромадлари ҳисобига давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ ҳуқуқининг императив (яъни танлашга йўл қўймайдиган) меъёрларини қўллаш заруратини шартлаган қатъий мулкий усули сифатида тавсифланади. Солиқ ҳуқуқи усулининг юридик қатъий фармойишлари шунда намоён бўладики, солиқ ҳуқуқининг императив меъёрлари солиқ қонунчилиги талабларини бажаришга мажбур этади ва солиқ тўловчи билан солиқ идораси ўртасидаги келишув бўйича бирор-бир ўзгариш қилишга йўл қўймайди. Солиқ идоралари солиқ қонунларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида солиқ тўловчиларга кўрсатмалар бериш, улар ижросини назорат қилиш ва молиявий жазо чоралари қўллаш ҳуқуқига эга. Бинобарин, ушбу ҳолларда улар ўртасида ҳокимият ва итоат этиш муносабатлари юзага келади.

Солиқ ҳуқуқий муносабатлари — давлат солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатлар бўлиб, барча даражалардаги давлтат бюджетига мажбурий ажратмалар бобида солиқ ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Солиқ тўловчининг даромадлари, муайян товарлар, мол-мулк қиймати, қимматли қоғозларга доир операциялар, табиий ресурслардан фойдаланиш ва ҳоказолар, яъни пул ва мулкий шаклларда мавжуд бўлган моддий неъматлар ***солиқ ҳуқуқий муносабатларининг объекти*** ҳисобланади.

Ҳокимиятга эга бўлган солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар ***муносабатлар субъектларидир.***

Солиқ тўловчилар — зиммасига солиқлар, йиғимлар ва божлар тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслардир.

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқаришида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот ***юридик шахс*** ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддаси). Юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки ана шундай мақсади бўлмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ФК 40-моддасига кўра).

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва муассаса мулкдори томонидан молиявий таъминланадиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўз уставида белгиланган мақсадларига мос миқёсда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га бирлашиши мумкин. Юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек корхона устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ташкил этиган пайтда юзага келади (Ўзбекистон Республикаси ФК 44-моддасининг тўртинчи қисми) ва уни тугатиш якунланган пайтда тўхтатилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 55-моддасининг ўнинчи қисми). Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ваколатли орган фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 42-моддаси). Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар

тушунилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 16-моддаси). Жисмоний шахснинг ҳуқуқ лаёқати фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлиш лаёқатидир. Улар барча фуқаролар учун тенг даражада эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди (Ўзбекистон Республикаси ФК 17-моддаси). Солиққа оид ҳуқуқ лаёқатини шахсларнинг ўз ҳаракатлари билан солиқ солишга имкон яратадиган, яъни даромад олиш шароитини яратиш лаёқати деб белгилаш мумкин. Юридик меъёрларга мувофиқ бу лаёқат 18 ёшда яъни балоғат ёшига етганда юзага келади.

Солиқ ҳуқуқи субъектларининг моҳиятини кўриб чиқиб, давлат бюджет муассасаларининг бир хусусиятини таъкидлаш лозимки, мазкур хусусият ана шу ташкилотларни давлат ташкил этиши ва молиявий таъминлашида намоён бўлади, шунинг учун бюджет муассасаларидан солиқ ундириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай операция натижасида давлат ҳам даромад олмайди, чунки у мулкдор, давлат бюджет муассасаси ҳам даромад олмайди, зеро давлатнинг ўзи таъминот учун пул ресурсларини ажратган, сўнгра маълум вақт ўтгач уларни олиб қўйди. Давлат бюджет муассасаларининг ана шу хусусияти республика солиқ қонунларида ҳисобга олинган, яъни муассаса давлат бюджети ҳисобига молиявий таъминланса ва фаолиятидан бошқа ҳеч қандай қўшимча даромадга эга бўлмаса, у солиқ солинишидан озод қилинган.

Солиқ дейилганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслардан уларга мулкчилик, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган пул маблағларини давлат ва (ёки) муниципал тузилмаларни молиявий таъминлаш мақсадида бегоналаштириш шаклида ундириладиган мажбурий, якка тартибдаги қайтариб берилмайдиган тўлов тушунилади.

Йиғим деганда тўланиши йиғим тўловчилар манфаатларини кўзлаб давлат органлари, маҳаллий ўзўзини бошқариш органлари, бошқа ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг шартларидан бири бўлиб ҳисобланадиган, юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мажбурий бадал тушунилади, бунга муайян ҳуқуқларни тақдим этиш ёки рухсатномалар (лицензиялар) бериш ҳам киради.

Ҳисобварақлар (счётлар) — ҳисобварақ деганда банкларда банк ҳисобварағи шартномасига асосан очилган, ташкилотлар, корхоналар ва якка тартибдаги (хусусий) тадбиркорларнинг пул маблағлари ҳисобга ёзиладиган ва олиб сарфланиши мумкин бўлган ҳисоб-китоб (жорий) варақлари (ҳисоб рақамлари) ва бошқа ҳисобварақлар тушунилади.

Солиқ тўловчига даромадларни тўлаш манбаи — солиқ тўловчи даромад оладиган ташкилот ёки жисмоний шахс.

Боқиманда — солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда тўланмаган солиқ ёки йиғим суммаси.

Солиқ идорасида ҳисобга қўйганлик тўғрисидаги гувоҳнома — солиқ идораси томонидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган юридик ёки жисмоний шахсга бериладиган ҳужжат.

Мавсумий ишлаб чиқариш — амалга оширилиши бевосита табиий, иқлим шароитлари ва йил фасли билан боғланган ишлаб чиқариш. Мазкур тушунча муайян солиқ даврларида (чорак, ярим йиллик) ишлаб чиқариш фаолияти табиий ёки иқлим шароитларига кўра амалга оширилмайдиган корхоналар, ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан қўлланилади.

Солиқлар ва йиғимларни жорий этишда солиқ солишнинг қуйидаги мажбурий унсурлари белгиланади:

- солиқ солиш объекти;
- солиқ базаси;
- солиқ даври;
- солиқ ставкаси;
- солиқни ҳисоблаш тартиби;
- солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари.

Зиммасига Солиқ кодексига мувофиқ тегишли солиқлар ва (ёки) йиғимларни тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар ***солиқ тўловчилар ва йиғим тўловчилар*** деб топилади.

Улар ўртасидаги муносабатлар улар фаолиятининг шарт-шароитига ёки иқтисодий натижаларга ёхуд уларнинг вакили бўлган шахслар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) корхоналар, ташкилотлар ***солиқ солиш мақсадлари учун ўзаро боғлиқ шахслар*** деб эътироф этилади, яъни бунда:

- бир шахс бошқа юридик шахснинг мол-мулкида иштирок этади;
- бир жисмоний шахс мансабдаги мавқеига кўра бошқа жисмоний шахсга бўйсунади;
- шахслар оила қонунчилигига мувофиқ никоҳ муносабатларида, қариндош-уруғлик ёки уруғ-аймоқлик, ўғил қилиб олувчи ва ўғил қилиб олинувчилик, шунингдек васийлик қилувчи ва васийликка олинувчилик муносабатларида бўлади.

Мол-мулк, фойда, даромад, сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қиймати ёки мавжудлиги сабабли солиқ тўловчида солиқ тўлаш бўйича мажбурият пайдо бўладиган, қийматга оид, миқдорий ёки жисмоний тавсифга эга бўлган бошқа иқтисодий асос ***солиқ солиш объектлари*** ҳисобланиши мумкин.

Ҳар бир солиқ Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган мустақил солиқ солиш объектига эгадир.

Мол-мулк деганда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ мол-мулкка таалluқли бўлган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари тушунилади.

Ҳар қандай сотиладиган ёки сотиш учун мўлжалланган мол-мулк солиқ солиш мақсадлари учун ***товар*** деб эътироф этилади.

Натижалари моддий ифодага эга бўлган ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сотилиши мумкин бўлган фаолият солиқ солиш мақсадлари учун ***иш*** деб эътироф этилади.

Натижалари моддий ифодага эга бўлмаган ва ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида истеъмол қилинадиган фаолият солиқ солиш мақсадлари учун ***хизмат*** деб эътироф этилади.

Тегишли равишда товарларга мулкчилик ҳуқуқини, бажарилган ишларнинг натижаларини бир шахс бошқа шахс учун ҳақ эвазига берилиши, солиқ қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ҳақ эвазига бир шахснинг бошқа шахсга хизмат кўрсатиши ***тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик ёки жисмоний шахсларнинг товар, иш ва хизматларни реализация қилиши*** деб эътироф этилади.

Қуйидагилар товар, иш ва хизматларни реализация қилиш деб эътироф этилмайди:

- ўзбек ёки хорижий валютанинг муомаласи билан боғланган операцияларни амалга ошириш;
- ушбу корхона қайта ташкил этилганда корхонанинг асосий воситалари, номоддий активлари ва (ёки) бошқа мол-мулкини ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) топширилиши;
- агар бундай топшириш инвестиция тусида бўлса, товарлар (ишлар, хизматлар)ни бериш (жумладан, акциядорлик жамиятлари ва шир-

катлари устав фондига (сармоясига) улушлар, ширкат тўғрисидаги шартнома (қўшма фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича улушлар);

- жамият ёки ширкатдан чиққанда (чиқиб кетганда), шунингдек тугатилаётган акциядорлик жамияти ёки ширкат мол-мулки унинг муассислари, иштирокчилари ўртасида тақсимланганда мол-мулкни акциядорлик жамияти ёки ширкат муассисига, иштирокчисига (унинг ҳуқуқий ворисига) бериш;
- давлатга қарашли ёки муниципал уй-жой фонди уйларида хусусийлаштириш ўтказилганда турар жойларни жисмоний шахсларга бериш;
- мол-мулкни мусодара қилиш йўли билан олиб қўйиш;
- солиқ қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардаги бошқа операциялар.

Айнан бир хил (улар бўлмаганида — бир турдаги) товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида талаб ва таклифнинг ўзаро таъсирида, қиёсланадиган иқтисодий (тижорат) шартларда шаклланадиган нарх — ***товарлар (ишлар, хизматлар)нинг бозор нархи*** деб эътироф этилади.

Харидорнинг Ўзбекистон Республикасининг унга нисбатан яқин жойлашган ҳудудида ёки ундан ташқарида товар (иш, хизмат)ни ҳақиқатда ва ортиқча каттагина харажатларсиз харид қилиш имкониятидан келиб чиқиб белгиланадиган ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)нинг муомала соҳаси ***товарлар, ишлар ва хизматлар бозори*** деб эътироф этилади.

Улар учун хос бўлган бир хил белгиларга эга бўлган товарлар ***айнан бир хил товарлар*** деб эътироф этилади.

Товарларнинг айнан бир хиллигини белгилашда уларнинг жисмий тавсифлари, сифати ва бозордаги обрў-эътибори, келиб чиққан мамлакати ва ишлаб

чиқарувчиси ҳисобга олинади. Товарларнинг айнан бир хиллигини белгилашда уларнинг ташқи кўринишидаги арзимаган фарқлар ҳисобга олинмайди.

Айнан бир хил бўлмасдан ўхшаш тавсифларга эга бўлган ва ўхшаш таркибий қисмлардан иборат бўлган, бу эса уларга бир хил функцияларни бажариш ва тижорат жиҳатидан бир-бирининг ўрнини босиш имконини беради, товарлар ***бир турдаги товарлар*** деб топилади.

Товарларнинг бир турдалигини белгилашда уларнинг сифати, товар белгисининг мавжудлиги, бозордаги обрў-эътибори, келиб чиққан мамлакати ҳисобга олинади.

Агар бундай шартлар ўртасидаги фарқ нархга жиддий таъсир кўрсатмаса ёки тузатишлар ёрдамида ҳисобга олиниши мумкин бўлса, ***айнан бир хил (улар бўлмаганида эса — бир турдаги) товарлар, ишлар ёхуд хизматлар бозорида битимларнинг иқтисодий (тижорат) шартлари*** қиёсланадиган деб эътироф этилади.

Товарлар, ишлар ёки хизматларнинг бозор нархларини белгилаш чоғида бир-бирига боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасидаги битимлар эътиборга олинади. Ушбу шахсларнинг бир-бирларига боғлиқлиги бундай битимлар натижаларига таъсир этмаган тақдирдагина бир-бирига боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасидаги битимлар эътиборга олиниши мумкин.

Товарлар, ишлар ёки хизматларнинг бозор нархларини белгилаш чоғида ана шу товар, иш ёки хизматни сотиш пайтида қиёслама шартларда айнан бир хил (бир турдаги) товарлар, ишлар ёки хизматларга доир тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот ҳисобга олинади.

Айнан бир хил (бир турдаги) товарларга доир битимлар шартларининг қиёсланувчанлигини белгилаш чоғида етказиб берилаётган товарлар миқдори

(ҳажми) (масалан, товар туркумининг ҳажми), мажбуриятларни бажариш муддатлари, одатда мазкур турдаги битимларда қўлланиладиган тўлов шартлари, шунингдек нархларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа оқилона шартлар сингари битим шартлари ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчи томонидан айнан бир хил (бир турдаги) товарлар бўйича қисқа вақт мобайнида қўлланиладиган нархлар даражасининг ўзгариши аҳамиятини белгилаш чоғида бир-бирига боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасида одатий ҳол бўлган, товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида талаб ва таклиф омилларига боғлиқ бўлган нарх устамалари ёки чегирмалари ҳисобга олинади.

Битимлар тарафлари томонидан кўрсатилган товарлар, ишлар ёки хизматлар нархига қоидалар қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди: агар кўрсатилган нарх чегирмаларига, жумладан, товарларга истеъмол талабининг мавсумий ва бошқа ўзгаришлари, товарларнинг сифат ёки бошқа истеъмол хусусиятларини йўқотиши, товарларнинг яроқлилик ёки сотиш муддатлари тугаши (тугаш санасининг яқинлашиши), шу жумладан товарлар, ишлар ёки хизматларни улар учун янги бўлган бозорларга ҳаракатлантириш, бозорларга айнан бир хил бўлмаган янги маҳсулотларни ҳаракатлантириш, янги истеъмолчиларга якка тартибда чегирмалар бериш, шунингдек истеъмолчиларни улар билан таништириш мақсадида товарларнинг тажриба моделлари ва намуналарини сотиш чоғида ва бошқа шу сингари ҳолларда ўтказиладиган маркетинг (нарх) сиёсати сабаб бўлса.

Товарлар, ишлар ёки хизматларнинг тегишли бозорида айнан бир хил (бир турдаги) товарлар бўйича битимлар мавжуд бўлмаса ёки ушбу бозорда бундай товарлар, ишлар, хизматлар таклиф этилмаслиги туфайли, шунингдек ахборот манбаларининг

йўқлиги ёки олиб бўлмаслиги сабабли тегишли нархларни белгилаш мумкин бўлмаганда бозор нархини белгилаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилиши мумкин:

- кейинги сотиш нархи усули, бунда харидор томони реализация қилинадиган товарлар, ишлар ёки хизматларнинг бозор нархи кейинги реализацияда (қайта сотишда) бундай товарлар, ишлар ёки хизматларнинг харидор томонидан реализация қилинган нарх билан бозорга ҳаракатлантириш, кейинги сотиш учун харидор қилган оқилона харажатлар (товарлар, ишлар ёки хизматлар харид қилинадиган нархи, шунингдек харидорга устамани ҳисобга олмасдан) тафовути сифатида белгиланади. Устама фаолият мазкур соҳаси учун оқилона ва одатий бўлган фойдани таъминлаш учун белгиланади;
- харажатли усул, бунда товарлар, ишлар ёки хизматларнинг бозор нархи қилинган харажатлар ва устаманинг суммаси сифатида аниқланади. Бунда мазкур ҳолларда одатий бўлган товарлар, ишлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш (харид қилиш) ва (ёки) сотишга доир бевосита ёки билвосита харажатлар, бундай ҳолларда одатий бўлган ташиш, сақлаш, суғурталашга доир ва бошқа шу сингари харажатлар ҳисобга олинади. Устама фаолиятнинг мазкур соҳаси учун оқилона ва одатий бўлган фойдани таъминлаш учун белгиланади.

Товар, ишлар ёки хизматларнинг бозор нархини белгилаш ва эътироф этиш чоғида товарлар, ишлар ёки хизматларга доир бозор нархлари ва биржа котировкалари тўғрисидаги расмий ахборот манбаларидан, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бош-

қариш органлари ахборот базасидан ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқ органларига тақдим этиладиган ахборотдан фойдаланилади.

Даромад деб уни баҳолаш мумкин бўлган ҳолда ва бундай фойдани баҳолаш мумкин бўлган даражада пул ёки натура шаклида ҳисобга олинадиган иқтисодий фойда эътироф этилади.

Солиқ солишдан кейин қоладиган фойдани акциядорга (иштирокчига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида қоладиган фойдани тақсимлаш пайтида акциядор (иштирокчи) томонидан ташкилотдан олинган ҳар қандай даромад (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фоизлар кўринишида) ***дивиденд*** деб эътироф этилади.

Илгари эълон қилинган (белгиланган), ҳар қандай, шу жумладан қарз мажбурияти — вексель бўйича олинган дисконт кўринишидаги даромад фоиз деб эътироф этилади. Бунда, хусусан пул омонатлари ва қарз мажбуриятлари бўйича олинган даромадлар ***фоиз*** деб эътироф этилади.

Солиқ базаси солиқ солиш объектининг қийматига оид, жисмий ёки бошқа тавсифидан иборатдир. Солиқ ставкаси солиқ базасининг ўлчов бирлигига ҳисоблаб ёзилган солиқлар миқдорини ифодалайди. Солиқ базаси ва уни белгилаш тартиби, шунингдек солиқ ставкалари республика Солиқ кодекси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчилар солиқ базасини ҳар бир солиқ даврининг якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрлари маълумотлари асосида ва (ёки) солиқ солинадиган ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги, бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқадилар.

Ўтган солиқ (ҳисобот) даврларига тааллуқли бўлган солиқ базасини ҳисоблаб чиқишда хатолар (бузилишлар) аниқланганда жорий (ҳисобот) солиқ даврида

солиқ мажбуриятларини қайта ҳисоб-китоб қилиш улар содир этилган даврда амалга оширилади. Аниқ даврни белгилаш мумкин бўлмаган ҳолда хатолар (бузилишлар) аниқланган ҳисобот даврининг солиқ мажбуриятлари тузатилади.

Солиқ даври деганда айрим солиқларга нисбатан қўлланиладиган, тугаши билан солиқ базаси белгиланадиган ва тўланиши керак бўлган сумма ҳисобланадиган календарь йил ёки бошқа вақт даври тушунилади.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар деганда солиқ тўловчилар ва йиғим тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар ёки йиғим тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади.

Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатлари календарь сана ёки йиллар, чораклар, ойлар, ўн кунликлар, ҳафталар ва кунлар билан ҳисобланадиган вақт даври тугаши билан, шунингдек бошланиши ёки юз бериши керак бўлган ёки содир этилиши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан белгиланади. Солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари томонидан ҳаракатларни амалга ошириш муддатлари солиқ қонунчилигига биноан белгиланади.

Солиқ тўлаш муддатини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш муайян асослар, яъни ҳукумат қарорлари мавжуд бўлганида солиқ тўлаш муддатини ўзгартиришни ифодалайди.

Инвестицион солиқ кредити солиқ тўлаш муддатини шундай ўзгартиришдирки, бунда корхоналарга тегишли ҳукумат қарорлари мавжуд бўлганида солиқ бўйича ўз тўловларини муайян муддат мобайнида ва муайян доирасида камайтириш, кредит ва ҳисоб-

ланган фоизлар суммасини кейинчалик босқичма-босқич тўлаш имконияти берилади.

Солиқ тўловчи, йиғим тўловчи тегишли солиқ ёки йиғим суммаларини солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганидан анча кейин муддатларда тўлаши керак бўлган белгиланган пул суммаси ***пеня*** деб эътироф этилади.

Назорат саволлари:

1. Солиқ ҳуқуқини таърифлаб беринг.
2. Солиқ ҳуқуқининг предмети нимадан иборатлигини тушунтириб беринг; солиқ ҳуқуқи усулининг моҳияти нимадан иборат?
3. Солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар нимадан иборатлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.
4. Солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар объектларини тавсифланг.
5. Юридик шахсга; жисмоний шахсга таъриф беринг.

2.2. Солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон олдида ғоятда мураккаб вазифа — бозор шароитида хўжалик юритишнинг тамомила янги ҳуқуқий базасини яратиш кўндаланг бўлди.

Ўзбекистон ислоҳотлар арафасида эга бўлган хўжалик қонунчилиги бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тамойилларини мустаҳкамлар, бутунлай мафкурага бўйсундирилган ва марказлаштирилган режалаштириш руҳи билан йўғрилган эди. Бундан ташқари, республикамизнинг қонун ҳужжатлари умуммиттифоқ қонунларига йўналтирилган бўлиб, республиканинг хусусиятларини ҳисобга олмас эди. Мустақилликка эришилганидан кейин, бозор йўлини мустақил танлаш тақозо этилганида Ўзбекистон олдида қонунчиликни, шу жумладан хўжалик соҳасида, туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгартиришлар вазифаларига мувофиқ тубдан янгилаш зарурати юзага келди. Солиқ қонунчилигини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор ажратиш зарур эди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўз модели бозор муносабатлари ривожланган, ҳатто гуллаб-яшнаган бошқа мамлакатларнинг солиқ солишга оид қонун ҳужжатларидан шунчаки нусха кўчириш мумкин эмаслигини шартлади. Албатта, республикада хўжалик соҳасида қонун ижод қилишнинг жаҳон тажрибаси кенг ёйилди ва таҳлил қилинди. Ўзбекистонда амал қилаётган кўпгина қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар хусусида олдиндан нуфузли халқаро ташкилотлар, хўжалик ҳуқуқи соҳасидаги машҳур мутахассисларнинг эксперт баҳоси олинди.

Нисбатан қисқа вақт ичида солиқ қонунчилигининг яхлит тизими ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Унга бошқарувнинг президентлик шакли, ҳокимиятнинг қонун чиқарув, ижро ва суд тармоқлари ўзаро

чамбарчас ҳамкорлигининг конституциявий шакллари асос қилиб олинди.

Ушбу ўзаро ҳамкорликнинг шакллантирилган ва амалиётда ишлаб чиқилган механизми И.А.Каримовнинг асарларида батафсил тавсифланган. Энг умумий кўринишда у қуйидаги чизма асосида қурилади ва амал қилади.

Солиқ соҳасида ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи бўлган Президент фармонлари билан белгиланади ва тасдиқланади. Фармонларда қабул қилинаётган қарорларнинг мақсадли йўналиши, уларни амалга ошириш усуллари белгиланади.

Солиқ муносабатларининг тагзаминли, барқарор, узоқ амал қилиш хусусиятга эга бўлган меъёр ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида акс этади. Ислоҳотларнинг чуқурлашиши ва уларни ҳуқуқий таъминлаш бобида тажриба тўпланиши билан Олий Мажлис — қонун ҳокимиятини амалга оширадиган олий давлат вакиллик органи — қонунларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритади. Тамомила янги солиқ қонунчилигининг шаклланишига қараб уни туркумлаштириш ва кодлаштириш бўйича иш олиб борилади.

Президент фармонларида мавжуд бўлган қоидалар ҳукумат қарорларида аниқ чора-тадбирлар билан муфассал очиб берилади ва мустаҳкамланади. Вазирлар Маҳкамаси — республика ҳукумати — қарорлар қабул қилиш йўли билан солиқ муносабатларини тезкор бошқаришни амалга оширади.

Солиқ солиш жараёнларига жиддий таъсир кўрсатадиган қарорлар олдиндан оммавий ахборот воситаларида, Олий Мажлис қўмиталарида кенг муҳокама қилинади, амалий қарорларни қабул қилиш чоғида фикрларнинг кенг доираси ва мутахассисларнинг тавсифлари ҳисобга олинади.

Солиқ ислоҳоти жараёнларини қонун воситасида тартибга солиш амалиётида давлат ҳам мақбул ҳолатни танлаш муаммосига дуч келади. Солиқ солишнинг ҳуқуқий негизи барқарор бўлиши кераклиги исбот талаб қилмайди. Агар ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари доимий ва жиддий равишда ўзгартириб ҳам тўлдириб борилса, бу ҳол хўжалик юритувчи субъектларда ўз режаларини амалга ошириш, истиқболларнинг реаллигига ишончсизлик уйғотади. Жадал ўзгариб турадиган ҳуқуқий меъёрлар муқаррар тарзда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси пасайишига, ҳуқуқий нигилизмга олиб келади.

Бозор муносабатларига ўтиш солиқ қонунчилигини айнан «нол»дан бошлаб барпо этиш вазифаси билан боғлиқки, бундан қочиб бўлмайди. Қисқа муддатларда, эндигина шаклланаётган бозор муносабатлари шароитида яратиладиган, ҳали амалиётда синаб кўрилмаган янги солиқ қонунлари ана шу сабаблар туфайли ҳам такомиллашмагандир. Бозор иқтисодиёти такомиллашиб боришига қараб улар жиддий тузатишлар киритилишига эҳтиёж сезади.

Шундай қилиб, солиқ қонунчилигининг барқарорлиги талаби билан уни бозорга ўтиш босқичида такомиллаштириш зарурлиги ўртасидаги объектив зиддият ғоятда кескинлашяпти. Иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлаш функциясини амалга ошира бориб, давлат мақбул тарзда аралашиш қоидасига изчил амал қилишга, солиққа оид ҳуқуқий меъёрларни тузатишдан кутилаётган ижобий самарани солиқ барқарорлигини навбатдаги бузишдан кўриладиган эҳтимолий зарар билан ўлчашга мажбур бўляпти.

Агар солиқ солишнинг ҳуқуқий таъминоти аниқ белгиланган, барқарор мақсадлар ва асосланган давлат дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устунликлари базасида амалга оширилса, амал-

даги солиқ қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати камроқ юзага келади.

Солиқ тизимининг фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш, солиқ қонунчилигини амалга оширишнинг муайян тартибини белгилаш учун солиқ ҳужжатлари ва меъёрларида солиқларни тартибга солиш учун зарур ҳуқуқий жиҳатлар бўлиши керак. Булар — солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар аниқ соҳасини тўлиқ юридик тартибга солиш ва айнан бир хил тушунчалардан фойдаланишдир. Солиқ меъёрлари аввало солиқ ҳаракатларини амалга оширишни ва улар мазмунини батафсил таъминлаши керак.

Солиқ қонунчилиги тармоқ сифатида тартибга солишнинг мустақил предметига, ўз тушунча ва қоидаларига эга. Ўзбекистонда солиқ солишнинг умумий ва махсус шартларидан келиб чиқадиган муносабатлар тартибга солишнинг предмети ҳисобланади. Улар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга, солиқларни белгилаш шакллари ва усулларига, уларни ўзгартириш, бекор қилиш, тўлаш ва ундиришга, солиқ назорати, солиқ жараёни, солиқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ва солиқ билан тартибга солишнинг бошқача жиҳатларига тааллуқлидир. Мажбурий тўловлар солиқ қонунчилиги томонидан ҳам, молия ҳуқуқининг бошқа муассасалари томонидан ҳам тартибга солинади.

Солиқ қонунчилиги тармоғи солиқ солишнинг асосий тамойиллари негизида шаклланади, улар ҳали қонун жиҳатидан аниқ белгилаб қўйилган эмас, лекин турли солиқ ҳужжатларидан ўз ифодасини топган. Уларга қуйидагилар киради: Ўзбекистон давлат (қонун чиқарув, ижро, молия ва бошқа) органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорликда иштирок этиши; солиқ муносабатларида қонунийлик; солиқ назорати; солиқ солишни амалга ошириш чоғида солиқ солувчиларнинг ҳуқуқла-

ри ва мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш; солиқ ставкалари ва солиқ турларининг рағбатлантирувчи функцияси; солиқ тизимининг бюджет эҳтиёжларини ҳамда федерация ва унинг субъектлари солиқ режимларининг мувозанатда бўлишини таъминлашга мувофиқлиги; солиқ тушумларининг бюджетга мажбуран тушиши ва тўламаслик учун жавобгарлик, солиқ тўловчилар учун солиқлар тўғрисидаги ахборотнинг ошкоралиги ва олиш учун қулайлиги ва ҳоказолар.

Солиқ қонунчилиги Ўзбекистон қонунчилиги тизимида ғоятда муҳим тармоққа айланмоқда ва солиқларни ҳамда у билан боғланган молияни тартибга солиш ҳужжатларини қабул қилишнинг узоқ муддатли дастурини талаб қилади.

Солиқ қонунчилиги турли юридик куч ва аҳамиятга молик, бир-бирини тақозо этадиган ҳужжатларнинг мукаммал тузумига эга бўлиши керак, токи уни кодлаштириш ва туркумлаштириш мумкин бўлсин.

Солиқ қонунчилиги тузилмаси ўз ичига солиқларни умумий ва махсус тартибга солиш меъёрларини олади.

Бундай меъёрларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистонда солиқ солишнинг умумий тамойилларини амалга ошириш тартиби, солиқларни белгилаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш; Ўзбекистон солиқ идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

солиқларни бошқариш, режалаштириш ва солиқ назорати; кичик бизнесга, хорижий инвестициялар ва тадбиркорликнинг бошқа махсус режимларига солиқ солиш; солиқ имтиёзлари; солиқ назоратида иштирок этадиган молия ва банк органлари; солиқ текширувларини амалга ошириш русум-қоидалари; солиқ жараёни; солиқни солиқ тўловчининг мол-мулкидан ундириш тартиби; солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; солиқ солиш объектлари; солиқ солиш чоғида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш

тамойиллари; Ўзбекистондаги манбалардан олинадиган даромадлар; Ўзбекистондан ташқаридаги манбалардан олинадиган даромадлар; валютани тартибга солиш ва валюта назорати; солиқ мажбуриятлари, улар ижроси, муддатлар; солиқ мажбуриятининг ижросини таъминлаш; инвестицион солиқ кредити; солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик; солиқ бузилишлари турлари; шикоят қилиш ва солиқ идоралари қарорларини кўриб чиқиш.

Энди «солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш» тушунчасининг ўзини кўриб чиқамиз. **Солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш** — солиқ муносабатларини тартибга солишнинг шундай шаклидирки, унинг воситасида улар иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатлари, яъни солиқ ҳуқуқи соҳасидаги қонун меъёрларида кўзда тутилган талабларга мажбурий талаблари ва ҳуқуққа йўл қўйишлари кўринишида намоён бўладиган давлат иродаси ўз ифодасини топадиган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг солиқ ҳуқуқи субъектлари томонидан бажарилишига мувофиқлаштирилади. Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига ҳуқуқ меъёрлари, ҳуқуқий муносабатлар, юридик масъулият, ҳуқуқий онг ва бошқа шу каби таркибий унсурларни олади. Солиқ ҳуқуқи субъектлари давлат иродасининг талаблари ва йўл қўйишларига муносабат билдиради, яъни уларнинг ижобий муносабати белгиланган ҳуқуқ-тартиботга мувофиқ келадиган ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни ҳосил этади, салбий муносабат эса ҳуқуққа зид бўлган хатти-ҳаракатни, яъни ҳуқуқбузарликларни ҳосил этади.

1992 йил 8 декабрда, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси солиқ қонунчилиги учун юридик база бўлиб ҳисобланиб, унда шундай дейилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган

солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлар»; унинг 123-моддасида бундай деб таъкидланади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади».

Республикамизда солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бобида бир томондан солиқ тўловчи ва иккинчи томондан солиқ идоралари ўзаро муносабатлари тизимига алоҳида эътибор берилган. Зеро солиқ муносабатларининг у ёки бу иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини эълон қилиш ҳамда ёзиб қўйишнинг ўзи етарли эмас, балки барча ҳуқуқлар кафолатланиши, бурчларни бажариш эса ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш билан таъминланиши ҳам зарурдир.

Солиқ муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси ўз бурчларига нималар киришини ва у ёки бу ҳаракатларни қилганда қандай ҳуқуқларга эга бўлишини, муайян ҳолатларда киритиладиган ва ишлай бошлайдиган воситалар ҳамда русум-қоидалар қандайлигини билиш солиқ тўловчи ўз бурчини бажармаган ёки ноҳалол бажарганда солиқ идоралари у ёки бу санкцияларни, яъни таъсир кўрсатишнинг муайян усулларини, мисол учун, банк ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китоб операцияларини тўхтатиб қўйиш, маблағларни солиқ тўловчининг ҳисобварақларидан сўзсиз ҳисобдан чиқариш ва бошқа усулларни қўллаши мумкин бўлган ҳолларда жуда муҳимдир.

Солиқ тизими муваффақиятли ишлаши учун солиқ қонунчилигининг аниқ тартибини ишлаб чиқиш ҳамда белгилаш зарур. Унинг ҳужжат ва меъёрлари солиқни тартибга солишнинг барча зарур унсурларини ўз ичига олиши керак. Бунда бош омиллар — солиқ ҳуқуқий муносабатлари муайян соҳасининг тўлиқ юридик бошқарилишини ва солиқ амалларининг батафсил тартибга солиниши ҳамда улар мазмунини таъминлашдир.

Назорат саволлари:

1. Солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида тушунча беринг.
2. Ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари тўғрисида ҳикоя қилинг.
3. Солиқ қонунчилиги учун нима база бўлиб ҳисобланади?
4. Солиқ тизимининг муваффақиятли фаолиятини таъминлайдиган асосий омилларни айтинг.

2.3. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий майдонида солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими

Солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий шаклларни, хусусан моддий ва процессуал ҳуқуқ ва улар мақоми меъёрларида мустаҳкамлаш йўли билан таъминланиши керак. Республикамизда бозор муносабатлари шаклланиши шароитида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эҳтиёжни амалдаги солиқ қонунларини қўллашга доир улар ва солиқ идоралари ўртасидаги баҳс-низолар шартлади. Дунёдаги бирорта солиқ тизими низоларни ҳал этиш механизмисиз фаолият кўрсата олмайди ва агар тизим солиқ тўловчига солиқ идоралари ходимларининг хато қарорлари ёки ўзбошимча ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун самарали воситаларни тақдим этмас экан, бундан масаланинг маънавий томони азият чекади ва бу нарса криминоген вазиятнинг юзага келишига ҳамда қонунга итоат этувчи фуқаролар сонининг камайишига олиб келиши мумкин.

Солиқлар бўйича юзага келган баҳс-низолар давлатнинг ваколатли органлари, яъни маъмурий (юқори солиқ идоралари, назорат органлари (прокуратура) ва ҳоказо) ёки суд органлари томонидан ҳал этилиши керак.

Солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий усулларидан бири суд ҳимояси бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, яъни республикамизда судлар давлатга оид ва мустақил ҳокимият ҳисобланиб, 106-моддага кўра улар қонун

чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд ҳокимияти конституциявий, фуқаролик, маъмурий, хўжалик-процессуал ва жиноий ишлар судлари воситасида амалга оширилади. Бунда суд фақат қонун томонидан қўриқланадиган ҳуқуқларгина ҳимоясига олади ва у юридик кафолатлар тизими бўлганида, яъни ўз фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилганда ёки меҳнат низолари ҳал этилишида амалга оширилади. Адолатли суд қарорига эришиш мақсадида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи суд ҳимоясининг моҳиятини ташкил этади. Бунда фуқаролик ва хўжалик суд ишлари қоидалари кўриб чиқилаётган низонинг барча иштирокчилари учун тенг равишда мажбурийдир, бу ўз ўрнида улар ҳуқуқларининг судда ҳимоя қилинишини таъминлайди. Солиқ тўловчи (жисмоний ёки юридик шахс) суд қарори устидан кассацион ва назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгалигида ҳам суд ҳимояси намоён бўлади. Ишончли шахс ёки ҳимоячи сифатида юридик ёрдам учун адвокатни таклиф этиш фуқаролик ҳуқуқларини реал ҳимоя қилишнинг муҳим унсури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда 477-1-сон билан тасдиқланган Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 4-моддасига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир. Фуқаролик ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

Фуқаролик процессуал кодексига (5-моддаси) мувофиқ суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда қўзғатади:

- ўз ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра;
- прокурор талабига кўра;
- давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг талабига кўра.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда 478-1-сон билан тасдиқланган Қонунда тасдиқланган Хўжалик процессуал кодексининг 2-моддасига мувофиқ, хўжалик суди иқтисодий соҳада юз берадиган баҳс-низолар ва унинг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳал этиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Қуйидагилар хўжалик судида суд ишларининг вазифалари ҳисобланади (ХПК, 3-модда):

- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг иқтисодий соҳадаги бузилган ёки баҳс-низога сабаб бўлган ҳуқуқлари ёхуд қонун томонидан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қонунийлик мустаҳкамланишига ва иқтисодий соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмак бериш.

Одил судловни амалга оширишда хўжалик судлари мустақил ва фақат қонунга бўйсунади. Одил судловни амалга ошираётганда судьялар фаолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва у қонун бўйича жавобгарликка сабаб бўлади (ХПК, 5-модда).

ХПК 6-моддасига кўра хўжалик суди:

- манфаатдор шахслар аризаси бўйича;
- прокурор аризаси бўйича;
- давлат ва бошқа органлар аризаси бўйича, қонун бўйича улар давлатга оид ва ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, иш қўзғатиши мумкин.

Агар қонунда баҳс-низоларнинг муайян тоифаси учун тартибга солишнинг судгача (даъво қилиш) тартиби белгиланган ёки у шартномада кўзда тутилган бўлса, тарафлар ўз муносабатларини ихтиёрий равишда тартибга солиш чораларини кўрганларидан кейингина иш хўжалик судида қўзғатилиши мумкин. Бунда прокурорнинг давлат органлари ва бошқа органларнинг аризаси бўйича иш қўзғатиш, тарафлар томонидан кўрилган чоралардан қатъи назар, амалга оширилади.

Хўжалик судида баҳс-низоларни ҳал этиш, ХПКнинг 7-моддасига кўра, мулкчилик шакли, жойлашган ери, бўйсунишидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек жинси, ирқи, мил-

лати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

ХПК 12-моддасига мувофиқ хўжалик суди баҳснизоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади. Хўжалик суди ишни кўриб чиқишда давлат ёки бошқа органнинг ҳужжати қонунга мувофиқ эмаслигини, шунингдек унинг ваколатларни оширган ҳолда эълон қилинганини таъкидлаб, қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Баҳс-низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ меъёрлари бўлмаган ҳолда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ меъёрларини қўллайди, бундай меъёрлар мавжуд бўлмаганда эса баҳс-низоларни қонунларнинг умумий асослари ва маъносидан келиб чиқиб ҳал қилади.

ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ хўжалик суди:

- тузилиши қонун томонидан кўзда тутилган ёки унга доир турлича фикрларни ҳал этиш учун хўжалик судига бериш тарафлар томонидан келишилган келишмовчиликлар тўғрисидаги;
- шартларни ўзгартириш ёки шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги;
- мулкка эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги;
- мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик тўғрисидаги;
- мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан уни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан чиқариб олиш тўғрисидаги;
- мулкдор ёки бошқа қонуний эганинг мулкка эгаликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги;

- зарарни қоплаш тўғрисидаги;
- ор-номус, қадр-қиммат ва ишга оид мавқеини ҳимоя қилиш тўғрисидаги;
- давлат органлари ва фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг қонунларга тўғри келмайдиган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун томонидан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини ҳақиқий эмас (тўлиқ ёки қисман) деб эътироф этиш тўғрисидаги;
- ижро ҳужжати ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундириладиган бошқа ҳужжатни ижро этилиши шарт эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги;
- давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилгани ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортилгани устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;
- қонунда уларни ундиришнинг сўзсиз (акцептсиз) тартиби кўзда тутилмаган бўлса, ташкилотлар ва фуқаролардан жарималарни назорат функцияларини бажарадиган давлат ва бошқа органлар томонидан ундирилиши тўғрисидаги;
- назорат функцияларини бажараётган органлар томонидан сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга оширилган, қонун талабларини бузган ҳолда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетга қайтариш тўғрисидаги низо-баҳсларни ҳал этади.

Хўжалик суди унинг ваколатига кирадиган бошқа низо-баҳсларни ҳам ҳал қилади.

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тегишли суд органига ариза топшириш масаласини ҳал этишдан олдин уни қайси органга топширишни аниқлаб олиш, яъни ***бирор идорага қарашлилик*** ва ***суд кўришига тегишлилик*** тушунчаларини англаб олиш зарур.

Қонун меъёрларига мувофиқ ишни ҳал этишда турли органлар ўртасидаги чегаралар ва ваколат доирасини (бирор идорага қарашлиликни), яъни ушбу масалалар билан қайси органлар шуғулланишини (фуқаролик ёки хўжалик суди) аниқлаб олиш даркор. Юридик адабиётларда судга тегишлилик деганда муайян тоифа фуқаролик ва иқтисодий низо-баҳсларини ҳал қилишда суд тизимининг турли бўғинлари ўртасидаги ваколатни чегаралаш тушунилади, яъни суд тизимининг қай бўғини муайян фуқаролик ва иқтисодий низо-баҳслар бўйича ишларни кўриб чиқишга ҳақли ҳамда ваколатли экани аниқланади.

Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси ФПК 31-моддаси) судларга қуйидаги ишлар тааллуқли:

- *ҳеч бўлмаганда бир тараф фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонун бундай низоларни ҳал қилишни хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;*
- *ФПКнинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;*
- *қонун суд ваколатига берган бошқа ишлар.*

Ўзбекистон Республикаси ХПК 23-моддасига мувофиқ хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқли:

- *иқтисодий соҳада юридик шахслар (матн давомида — ташкилотлар), юридик шахс ташкил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунда белгиланган тартибда хусусий тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар (матн давомида — фуқаролар) ўртасидаги фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларда пайдо бўладиган низолар бўйича ишлар;*
- *иқтисодий соҳада ташкилотлар ва фуқаролар ҳуқуқларининг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки*

тўхтатилиши учун аҳамият касб этган фактларни белгилаш тўғрисида ишлар;

- *ташкилотлар ва фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлар;*
- *бошқа ишлар.*

Хўжалик суди ўзига тегишли ишларни Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек хорижий ташкилотлар, хорижий инвестиция иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқа нарса кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Баъзилари хўжалик судига, бошқалари умумий судга тааллуқли, ўзаро боғлиқ бир неча талаблар бирлаштирилганда барча талаблар умумий судда кўриб чиқилиши керак.

Солиқ идораси мансабдар шахсининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларига доир шикоят бошланғич босқичда, Солиқ кодексининг 131-моддаси ва ЎЗР ФПКнинг 269-моддасига мувофиқ, солиқ идораларининг бўйсунишига қараб юқори солиқ идораларига берилиши мумкин.

■ *Фуқаролик процессуал кодексидан кўчирма*

269-модда. Шикоят бериш

Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсунув тартибидаги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берган кунидан эътиборан бир ой ичида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илти-

мосига биноан тегишли равишда ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин.

Мазкур низо (ихтилоф) ҳал қилинмаганда солиқ тўловчи бундан кейин судга шикоят билан мурожаат қилади. Яъни солиқ тўловчи юзага келган низони ҳал қилиш учун икки имкониятга эга: маъмурий органга ёки судга мурожаат қилишдир.

■ *Фуқаролик процессуал кодексидан кўчирмалар*

270-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади; фуқарога ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан уч ой;

фуқаро юқори органдан, мансабдор шахсдан шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин.

Шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, суд бу муддатни тиклаши мумкин.

271-модда. Суднинг шикоят бўйича қарори

Суд шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор чиқаради. Суд шикоятнинг асосли эканлигини аниқласа, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) ғайри қонуний деб топади, фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди, унга нисбатан қўлланган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа йўллар билан тиклайди.

Агар суд шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонуний, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликла-

рини бузмайдиган деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суд қарори тегишли орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек фуқарога қарор қонуний кучга киргандан кейин ўн кундан кечиктирмай юборилади.

Қарорнинг ижроси ҳақида қарор олинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай судга ва фуқарога маълум қилиниши лозим. Қарор ижро этилмаган тақдирда суд ФПКнинг 381-моддасида назарда тутилган чораларни қўллайди.

Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги туман (шаҳар) судига берилади. Бунда судда ҳал қилиниши талаб этиладиган масалалар тўғри таърифлаб берилиши муҳимдир.

Солиқ соҳасидаги суд амалиёти кўрсатишича, энг кўп учрайдиган муаммолар қуйидагилардир: судда ҳал қилинадиган масалаларни тўғри белгилаш, судга шикоят ёки даъво аризаларини ўз вақтида ва асослаб, тақдим этиш солиқ идоралари ўз ваколатларини ошириб юбориши ва ҳ. Мавжуд халқаро амалиётни умумлаштириб, шуни таъкидлаш зарурки, солиқ тўловчилар кўпинча судга нима устидан шикоят қилишни: ҳужжатли текшириш далолатномаси, ёки жарима кўринишида маъмурий жазо тўғрисидаги қарор баённомаси ёхуд текшириш натижалари бўйича солиқ тўловчининг ҳисобварағидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш хусусидаги инкассо топшириғини тўғри танлашда қийналадилар.

■ *Фуқаролик процессуал кодексидан кўчирма*

149-модда. Ариза мазмуни

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот

бўлса унинг номи ва қаерда жойлашганлиги, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили;

3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги;

4) даъвогарнинг талаби;

5) агар даъвони баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси;

6) даъвогар ўз талабларига асос қилиб кўрсатаётган шароитлар ва уларни тасдиқлайдиган далиллар;

7) аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

ЎзР ФПК 39-моддасига мувофиқ ***даъвогар*** ва ***жавобгар*** фуқаролик процессининг тарафларидир.

Даъвогар — ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилган ёинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатган шахс. Жисмоний шахслар — тадбиркорлар, давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, ташкилотлар ва ҳоказолар даъвогар бўлиши мумкин.

Жавобгар — суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс. Жисмоний шахслар — тадбиркорлар, дав-

лат ҳокимияти органлари, корхоналар, ташкилотлар, яъни ўзига нисбатан даъво талаби тақдим этилган ҳар қандай шахс ҳам жавобгар бўлиши мумкин.

ЎзР ФПК 40-моддасига мувофиқ тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар:

- даъвогар ўз сўзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли;
- жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга ҳақли.

Тарафлар процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлашга ҳақлидирлар.

Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни, даъвони тан олишни қабул қилмайди ва келишув битимини тасдиқламайди.

ЎзР ФПКнинг 50-моддасига мувофиқ фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ва вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан қатнашуви уни шу иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ташкилотлар ишларни ўз раҳбарлари ёки ўз вакиллари орқали юритадилар.

ЎзР ФПКнинг 53-моддасига биноан вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим. Фуқаролар берадиган ишончномаларни нотариуслар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар. Фуқаролар вакилларининг судда иш юритиш ваколатлари ишонч билдираётган шахснинг оғзаки аризаси билан ҳам тасдиқланиши мумкин

бўлиб, бу ҳол суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим. Давлат бошқарув органлари, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ишончнома бўйича иш юритадилар. Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади. Ташкилотларнинг раҳбарлари судга ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар. Адвокатнинг ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

ЎзР ФПКнинг 56-моддасига мувофиқ тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган шарт-шароит мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари билан аниқланади. Муаллифи кўрсатилмаган хатлардан ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди.

ЎзР ФПКнинг 57-моддасига мувофиқ ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган шарт-шароитларни исботлаши шарт. Суд қандай шарт-шароитлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирган бўлишларига қарамай уларни муҳокамага қўяди. Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Суд уларга қўшимча далиллар тақдим қилишларини таклиф этиши мумкин. Агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи

бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.

Солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш учун солиқ консультантлари тармоғини ташкил этиш зарур, улар солиқ тўловчилар билан солиқ идоралари ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларни омилкорлик билан ёритиб бориши мумкин бўлиб, шунингдек солиқ судларини барпо этиш демократия ва адолат принципини амалга ошириш нуқтаи назаридан солиқ идораларига ишончни оширар эди.

Солиқ судларини барпо этиш солиқ судлари ҳақидаги қонун ва Солиқ кодекси амал қиладиган ҳуқуқий майдонни яратиш имконини берар, бу эса иккала томоннинг, яъни солиқ тўловчилар ва солиқ идорасининг ҳуқуқий ҳимояланишини тўғри йўлга қўйиш имконини берган бўларди.

Назорат саволлари:

1. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида нималарни биласиз?
2. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таъминлашини тушунтиринг.
3. Хўжалик судида низоли муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ меъёрлари ва уларнинг моҳияти тўғрисида нималарни ҳикоя қила оласиз?
4. Шикоятни топшириш тартиби тўғрисида ҳикоя қилинг.
5. Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун белгиланган муддатларни айтинг.
6. Даъвогар ва жавобгар тушунчаларига таъриф беринг.

2.4. Солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқ назорати тизими ва ҳуқуқий тартибга солиш

Солиқ тўловчилар ўртасидаги ижро интизоми солиқларни барқарор тарзда йиғиб олиш ва давлатимиз молия тизимининг барқарорлигини таъминлашда энг муҳим омилдир. Ушбу йўналишда муваффақиятга эришиш солиқ қонунчилиги ҳуқуқий меъёрлари устидан назоратнинг ягона тизими, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, республика бюджет тизимига тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши билан белгиланади. Солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юзага келадиган низоларни ҳал этишда Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва қонунларга риоя этилиши учун масъул прокуратура органлари билан ҳамкорлик қилади. Бундай низоларни ҳал этиш бюджетнинг, шунингдек кенг доирадаги солиқ тўловчиларнинг манфаатларига дахл этадиган масалаларга тааллуқлидир.

Давлат солиқ қўмитасининг назорат функцияларини кўриб чиқа туриб, назоратнинг моҳиятини аниқлаб олишимиз лозим, зеро мазкур атама ўз моҳиятига кўра «текшириш» ва шунингдек «текшириш мақсадидаги кузатиш» маъноларини англатади.

Назорат воситасида бажарилаётган топшириқнинг тўлиқлиги, ўз вақтидалиги ва самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги, топшириқни бажариш пайтида мансабдор шахслар қилган хатти-ҳаракатлар ва ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги белгиланади, фаолиятни яхшилаш ва ишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар ва камчилик-

ларни бартараф этиш учун ички резервлар аниқланади, шу жумладан қонунларни бузганлиги, ишда палапартишликка йўл қўйгани учун тегишли мансабдор шахслар жавобгарликка тортилади.

Бажариш муддатларига кўра назорат ***тезкор*** (оператив) ва ***даврий*** турларга бўлинади.

Тезкор (оператив) назорат ҳисобот ойи ичида (масалан, ҳар ўн кун, ҳар кун ва ҳоказолар учун) назорат қилинадиган жараён, операция ва хатти-ҳаракат тугаганидан сўнг унинг сифат ва миқдор тавсифига мувофиқ бажариладиган текширишдан иборатдир. Режадаги, тезкор-техник, статистика ва бухгалтерия ахбороти тезкор назорат учун маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Даврий назорат — муайян ҳисобот даври учун режалар, сметалар, меъёрлар ва нормативлар, бирламчи ҳужжатлар, ишлаб чиқариш, моддий ва бошқа ҳисоботлар маълумотлари, ҳисоб регистрлари, ҳисоботлар ва бошқа манбалардаги ёзувлар бўйича текширишдир. Қонунчилик, шу жумладан солиқ қонунлари талабларига риоя этилаётганини, хўжалик операциялари ва жараёнлари тўғри, ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ олиб борилаётганини аниқлаш, текширилаётган объект (юридик, жисмоний, мансабдор шахс) ишидаги қонунбузарликлар ва камчиликларни очиб ташлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш мазкур текширишнинг вазифасидир.

Маълумотлар манбаларига кўра назорат ҳақли равишда ***ҳужжатли*** ва ***фактли*** турларга бўлинади.

Ҳужжатли назорат шундай текширишки, бунда текширилаётган объект мазмуни ҳамда унинг аниқлаш регламентланган қийматига мувофиқлиги ҳужжатларда (бирламчи ва йиғма) кўрсатилган маълумотлар асосида текширилади.

Фактли назорат шундай текширишки, бунда текширилаётган объектнинг миқдор ва сифат ҳолати

ишлаб чиқаришдаги хом ашё ва материалларни текшириш, кўздан кечириш, ўлчаш, қайта санаш, тарозида тортиш, лабораторияда текшириш, экспертизадан ўтказиш, назорат тариқасида харид қилиш ва шу каби бошқа усуллар ёрдамида текширилади.

Демак, назорат воситасида амалга оширилаётган фаолиятнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, турли даражадаги бюджетларга солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланиши текширилади, шунингдек солиқ қонунчилиги бузилишининг сабаблари ҳамда айбдорлари аниқланади.

Шундай қилиб, солиқ фаолиятидаги назорат давлат бошқаруви ваколатли органининг солиқ тўловчилар солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилишлари устидан раҳбарлик қилиш усулидир.

Солиқ назоратининг асосий усули солиқ тўловчиларни ҳужжатли текширишдир. Юридик шахсларни ҳужжатли текшириш инспекция ишининг йиллик режалари ва ҳар бир иш участкаси бўйича тузиладиган текширишларнинг чораклик графикларига мувофиқ амалга оширилади. Уларга биринчи навбатда йирик миқдорда фойдага эга бўлган ёки бухгалтерия ҳисобини юритишда ва солиқ қонунчилигига риоя қилишда қўпол хатоларга йўл қўяётган корхоналар, шунингдек зарар кўриш сабабларини аниқлаш ва уларни банкрот деб эълон этиш учун зарар кўриб ишлаётган барча корхоналар киритилади.

Ҳужжатли текшириш, одатда, 20 кундан ошмаслиги лозим. Ушбу муддат фавқулодда ҳолларда Давлат солиқ бошқармаси, инспекция раҳбари ёки унинг ўринбосари рухсати билан узайтирилиши мумкин. Солиқ бошқармаси, инспекция раҳбари фавқулодда ҳолларда текширувчилар таркибини алмаштириш ҳуқуқига эгадир.

Солиқ идоралари бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини текширганда ялпи ёки танлаб олиш усулини қўллайдилар.

Ялпи усул барча ҳужжатларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби регистридаги ёзувларни текшириш билан характерланади. Одатда касса ва банк операциялари ялпи текширишдан ўтказилади. Маҳсулот етказиб берувчилар, харидорлар, буюртмачилар, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар, шунингдек корхона фаолиятининг бошқа участкалари дастурда кўрсатилган ҳолларда ялпи усул билан текширилади.

Танлаб олиш усулида текширилаётган даврнинг ҳар бир ойидаги ёки бир неча ой учун бирламчи ҳужжатларнинг бир қисми текширилади. Танлаб текширилганда солиқ қонунчилигини жиддий бузишлар ёки суиистеъмолликлар аниқланган ҳолларда корхона фаолиятининг мазкур участкасида текшириш ялпи усул воситасида ўтказилиб, фойда (даромад) яширилгани (камайтирилгани) ёки бошқа объектлар солиқ солишдан яширилгани ва суиистеъмолликлар тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар мажбуран олиб қўйилади.

Солиқ органлари камерал текширишларни ўтказадилар. Камерал солиқ текширувлари барча солиқ тўловчиларга нисбатан ўтказилиши мумкин.

Камерал текширувни солиқ органининг ваколатли мансабдор шахслари ўзларининг хизмат бурчларига мувофиқ, солиқ органи раҳбарининг бирор-бир махсус қарорисиз, солиқ тўловчи томонидан солиқни ҳисоблаш ва тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин, агар солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунларда бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, ўтказадилар.

Агар текширувда ҳужжатларни тўлдиришда хатолар ёки тақдим этилган ҳужжатлардаги мавжуд маълумотлар ичида зиддиятлар аниқланса, бу ҳақда со-

лиқ тўловчига маълум қилиниб, белгиланган муддатда тегишли ўзгартишлар киритиш талаб қилинади.

Камерал текширув ўтказилаётганда солиқ органи солиқ тўловчидан қўшимча маълумотлар талаб қилиши, тушунтиришлар ва солиқлар тўғри ҳисобланган ҳамда ўз вақтида тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир.

Камерал текширув натижалари бўйича аниқланган солиқлар бўйича қўшимча тўловлар суммасига солиқ органи солиқ ва пенянинг тегишли суммасини тўлаш хусусида талабнома юборади.

Солиқ органлари Назорат қилувчи органларни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг режа-жадвалига мувофиқ ва солиқ органи раҳбари (унинг ўринбосари) қарорига биноан ўтказиладиган кўчма солиқ текширувларини ҳам амалга оширади.

Кўчма солиқ текшируви бир йилда камида бир маротаба ўтказилади.

Солиқ тўловчи ташкилот қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши муносабати билан, шунингдек юқори солиқ органи томонидан текширув ўтказган солиқ органи фаолиятини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган кўчма солиқ текшируви аввалги текширув ўтказилган вақтдан қатъи назар ўтказилиши мумкин.

Зарурат туғилганда кўчма солиқ текширувини амалга оширадиган солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахслари солиқ тўловчининг мол-мулкини инвесторлашлари, шунингдек солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёки солиқ солиш объектларини тутиб туриш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омбор, савдо ва бошқа хоналар ҳамда ҳудудларни солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда кўрикдан ўтказишлари (текширувлари) мумкин.

Текширувни амалга ошираётган мансабдор шахсларда ҳуқуқбузарликлар амалга оширилганидан да-

лолат берувчи ҳужжатлар йўқ қилиниши, оширилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш учун етарли асослар бўлганида ушбу ҳужжатлар Жиноят процессуал кодексида назарда тутилган тартибда, ана шу мансабдор шахслар томонидан тузилган далолатнома бўйича олиб қўйилади. Ҳужжатлар олиб қўйилиши тўғрисидаги далолатномада олиб қўйилиши зарурлиги асосланиши ва олиб қўйиладиган ҳужжатлар рўйхати келтирилиши керак. Солиқ тўловчи ҳужжатлар олиб қўйилаётганида ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга, бу фикрлар унинг талабига кўра далолатномага киритилиши керак. Олиб қўйилган ҳужжатлар рақамланиши, ип билан тикилиши, муҳр ёки солиқ тўловчининг имзоси билан тасдиқланиши керак. Солиқ тўловчи олиб қўйиладиган ҳужжатларни муҳр ёки имзо билан тасдиқлашдан бош тортганда бу ҳақда махсус белги қўйилади. Ҳужжатлар олиб қўйилиши тўғрисидаги далолатноманинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига берилади.

Солиқ амалиёти бюджетга солиқлар тўлиқ тушишига таъсир кўрсатадиган икки асосий омилни аниқлаб берди. Булар — а) солиқ тўловчилар ҳисобварақларида маблағ йўқлиги; б) солиқ тўловчиларнинг бюджетга солиқ тўлашдан бош тортишидир.

Солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни ҳуқуқий таъминлаш қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан таъминланади, яъни: «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг бешинчи ва олтинчи моддалари, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида»ги қонун, Солиқ кодексининг 131-135-моддалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164, 165, 168, 172, 174, 175, 176-моддалари, Жиноят кодексининг 167, 175, 178, 179, 180, 181, 184, 185, 186, 187, 188, 189 ва 190-моддалари, Жиноят процессу-

ал кодексининг 340, 341, 342, 343- моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Назорат — касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги, 1994 йил 11 февралдаги «Савдо корхоналари ва бозорларни бошқариш фаолиятининг комплекс текширишларини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги қарорлари, қуйида келтирилган бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатлари.

Солиқ кодексига мувофиқ солиқ идоралари қуйидаги молиявий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир:

135-моддага биноан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорларда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

- агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоиздан кам бўлмаган миқдорда;
- агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади;

3) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шу сумма миқдорида жарима унди-

рилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шу сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шу миқдорда жарима ундирилади;

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Солиқ тўловчи солиқ қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тартилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир этмаса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 124-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва жарималар суммасини бюджетдан қайтариб олиш учун даъво қилиш муддати фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Солиқлар, йиғимлар ва жарималарни бюджетга тўлаш ва ундиришга доир эътирозларни тақдим этиш учун даъво қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

- даромадлар тўғрисида декларацияларни тўлдирган, молиявий ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчиларга нисбатан — уч йил;
- солиқ суммаси 20 фоиздан кўпроқ камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) аниқланганда — беш йил.

Даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, тугатилади ва тикланади.

Солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш тизимини тартибга солиш, солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобига тўлиқ қамраб олиш

ва уларни йиғишни оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 483-сон қарорига биноан қўшимча молиявий ёки маъмурий жазо чоралари белгиланди:

1997 йил 1 ноябрдан белгилаб қўйилди:

- жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш (хизматлар кўрсатиш)дан олинган тушум касса дафтарида кирим қилинмасдан савдо қилиниши (хизматлар кўрсатилиши) учун уларга солиқ органлари томонидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари, бу ҳол қайтарилганда эса — 50 баравари миқдорида молиявий жазо кўрилади;
- жисмоний шахсни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома бошқа шахсга берилган ёки бошқа шахсга тегишли гувоҳнома бўйича тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олиб қўйилади, қоида бузувчига нисбатан эса тегишли маъмурий жавобгарлик чораси қўлланади;
- турғун савдо тармоқлари орқали савдо қилувчи жисмоний шахслар назорат-касса аппаратларидан фойдаланишлари ва ҳар кунлик нақд тушумни банкка топширишлари керак. Бунда улар банкдаги ўз ҳисоб-китоб (шахсий) ҳисобварағидан топширилган нақд тушум миқдорида нақд пул маблағлари олишга ҳақлидирлар;
- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солиқ органларида ҳисобдан ўтишдан бўйин товлашлари уларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинишига олиб келади.

1997 йил 1 ноябрдан бошлаб йўловчи ва юк ташувчи жисмоний шахслар ўз фаолиятини фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт ва алоқа соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 12 майдаги 175-сон қарорида белгиланган тартибда бериладиган лицензия бўйича амалга оширяптилар. Жисмоний шахслар томонидан йўловчилар ва юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори юридик шахслар учун амалда бўлган ставкаларнинг 10 фоизи миқдорида белгиланади.

Шунингдек белгилаб қўйилади:

- яширилган ёки камайтириб кўрсатилган фойда (даромад)нинг барча суммасини ва шу миқдордаги жарима ундириш тарзидаги молиявий жазо солиқ органлари томонидан ҳужжатлар бўйича текшириш якунлари ва солиқ тўлашдан бош тортиш ёки фойда (даромад)ни яшириш (камайтириб кўрсатиш) белгилари мавжуд бўлгандагина қўлланилади;
- солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқаришда солиқ қонунчилигининг бузилишига ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатиш сифатида қаралади ва солиқ тўловчига нисбатан молиявий жазолар қўлланилади.

■ *«Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида»ги қонундан кўчирма*

2-модда. Тегишли тўловларни тўлашнинг белгиланган муддатлари тугаганидан сўнг тўланмаган сумма боқиманда ҳисобланади ва агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, пеняни ҳисоблаган ҳолда ундирилади.

3-модда. Пеня тўлов муддати тугаганидан кейинги кундан бошлаб боқиманда суммасидан, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда, тўлаш муддати ўтган ҳар бир кун учун ҳисобланади.

4-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан тўловлар ва улар бўйича боқимандаларни ундириш:

— солиқ органининг солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарорига;

— суднинг бюджетдан ташқари давлат фондларига тўловлар бўйича қарорига биноан сўзсиз тартибда амалга оширилади.

6-модда. Боқимандани тўлашга суммалар келиб тушганда биринчи навбатда боқиманда, сўнг пеня тўланади. Боқимандани ундириш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

9-модда. Хорижий юридик шахслардан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандалар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, мазкур қонунга мувофиқ ундирилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан боқимандалар суд тартибида ундирилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари,хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доир боқимандаларни қоплаш учун тўлов мол-мулкдан ундирилганда қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундириш амалга оширилмайдиган мол-мулк тўловга дахлдор бўлмайди.

Хорижий юридик шахслардан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳар қандай мол-мулкка, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда татбиқ этилади.

12-модда. Суднинг боқимандани ундириш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши ижро варақаси, хўжалик суди буйруғи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра солиқ органлари маъмурий жазо чоралари сифатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (МЖК) кўзда тутилган жарималарнигина қўллай оладилар, бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги, узоқ давом этган ҳуқуқбузарликда эса у аниқланган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқилади.

Маъмурий жазо чорасини қўллаш судланиш ва ишдан бўшатишга олиб келмайди. Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаса, у маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади (МЖК 37-моддаси). Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин. Анча вақт мобайнида узлуксиз давом этадиган ҳуқуқбузарлик давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Масалан, белгиланган тартибни бузган ҳолда солиқ солиш бўйича ҳисоб юритиш давом этаётган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (МЖК 175-моддаси, 1-қисми). Ушбу ҳолда икки ойлик муддат ҳисоби фактнинг давлат солиқ органи ёки бошқа ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан аниқлашидан бошланади.

Ҳукумат органларининг қарорлари билан давлат солиқ органлари ихтиёрига берилган ишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик объектлари ҳисобланади. Улар:

- солиқ солиш;
- савдо ва хизматлар кўрсатиш;
- тадбиркорлик фаолияти объектларидир.

Бинобарин, давлат солиқ органларига тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг уч гурухини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қуйида биз солиқ қонунларининг бузилишини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддаларига мувофиқ кўриб чиқамиз:

Солиқ қонунларининг МЖК 174-175-моддаларига мувофиқ бузилиши

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

174-модда. Солиқлар ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш

Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш -

— энг кам иш ҳақининг бирдан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

174-модданинг 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар кўринишида белгиланган суммаларни бюджетга ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган расмий ҳужжатларда солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирмаслик ёки нотўлиқ акс эттиришда намоён бўлади.

Мазкур моддада яшириш (камайтириш) маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркибини ташкил этадиган солиқ солиш объектларининг тўлиқ рўйхати келтирилмаган.

Солиқ солишдан яшириладиган (бу тушунчага йиғимлар, божларни тўлаш, бошқа тўловларни топшириш) сумманинг миқдори алоҳида аҳамият касб этади, зеро ушбу сумма энг кам иш ҳақининг ўнта миқдоридан ошмаганда маъмурий жавобгарлик юзага келади.

МЖК 174-модданинг 1-қисмига кўра ҳам фуқаролар, ҳам корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳуқуқбузарлик субъекти бўла олади. Солиқ солиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя қилиш зиммасига юкланган раҳбарлар, бош (катта) бухгалтерларни ана шундай мансабдор шахслар деб эътироф этиш керак, бунда мулк шакли, хўжалик субъектининг кимга бўйсуниши ҳуқуқбузарликни баҳолашда аҳамиятга эга эмас.

174-модданинг 2-қисмига мувофиқ даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун энг кам иш ҳақининг бирдан уч бараваригача миқдорда жарима солинади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида даромадлар тўғрисидаги декларацияни муайян муддатларда ҳам фуқаролар, ҳам корхоналар тақдим этиши кўзда тутилган. Чунончи, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари даромадлари ҳар ойда декларация қилиниши белгиланган. 174-модданинг 2-қисми модданинг ушбу қисмида санаб ўтилган қуйидаги уч ҳуқуқбузарлик содир этилганда қўлланади:

а) даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш;

б) декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик;

в) унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш.

Биринчи ва учинчи ҳуқуқбузарлик ҳар доим қасддан, содир этилса иккинчи ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин. Декларация белгиланган муддат тугаганидан сўнг тақдим этилса, декларация ўз вақтида тақдим этилмаган деб ҳисобланади. Ҳақиқий даромадларни камайтириб кўрсатадиган мавжуд бўлмаган харажатларни кўрсатувчи ва ҳоказо маълумотларни тақдим этиш декларацияга атайин нотўғри маълумотларни киритиш ҳисобланади. Агар айтилган ҳуқуқбузарликлар солиқ солиш объектларини яшириш мақсадида қилинса, уларга МЖК 174-моддасининг 1-қисми ёки ЖК 184-моддаси бўйича, улар миқдорига боғлиқ ҳолда ҳукм чиқарилиши керак. 174-модданинг 2-қисми бўйича солиқ органларига тегишли декларацияларни тақдим этиши шарт бўлган фуқаролар ҳам, мансабдор шахслар ҳам жавобгар бўладилар.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

175-модда. Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини, шунингдек тўлов интизомини бузиш

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжат-

ларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, -

— энг кам иш ҳақининг бирдан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

— энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд ҳолларда ҳамда корхоналар ҳисобварақларида тегишли маблағ бўлгани ҳолда тўловлар ўтказишнинг белгиланган муддатлари бузилганда, —

— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. *(Қонуннинг 1996 йил 26 апрелдаги таҳририда).*

Бу модда уч қисмдан иборат. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектлар ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловлар миқдорини камайтиришга олиб келса, энг кам иш ҳақининг бирдан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоб-

лаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботлари, ҳисоб-китоблари ва бошқа ҳужжат шакллари «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби тўғрисидаги низом» сингари ҳужжатлар ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган Солиқ кодексига йўриқномавий материалларга кўра тасдиқланган. Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга оширишни хоҳлаган хусусий тадбиркорга тикилган ва муҳр билан тасдиқланган даромад ва харажатлар дафтари (даромад ва харажатлар декларацияси) берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар улар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг тегишли суммасини камайтиришга олиб келса, МЖК 175-моддасининг 1-қисмида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар мазкур модда бўйича жавобгарликка олиб келади. Агар бундай оқибатлар келиб чиқмаса, демак кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик юз бермаган бўлиб, айбдор мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима кўринишида, МЖК 175-моддасининг 2-қисми бўйича жавобгарлик юзага келади.

175-модданинг 3-қисмида касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорида жарима солиш кўзда тутилган. *Касса операциялари* деганда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кассалари томонидан нақд пул қабул қилиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ операциялар тушунилади.

Мазкур қоидалар асосан аҳоли ва кредит муассасалари билан пулли ҳисоб-китобларга татбиқ этилади. Касса операцияларини юритиш тартибини бузишнинг энг кўп тарқалган йўллари касса тушумини белгиланган меъёрлардан ортиқ сарфлаш, тушумни кредит муассасасига ўз вақтида топширмаслик, кассада нақд пуллар қолдиғи лимитининг ошиб кетиши, кредит муассасасидан олинган нақд пулларнинг бошқа мақсадларда сарфланиши, иш ҳақи, нафақа, степендиялар, пенсия ва мукофотларни тўлаш учун олинган, фойдаланилмаган пул маблағларини кредит муассасасига ўз вақтида қайтармаслик, нақд пул билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги қоидаларни бузиш ва бошқалар киради. Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош (катта) бухгалтерлари, шартнома бўйича ишлайдиган бухгалтерлар, молия бўлинма раҳбарлари ва кассирлари жавобгар бўладилар. Тўлов интизоми хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг пул мажбуриятлари бўйича тўловлар муддатлари ва тартибига аниқ риоя этишларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майда қабул қилинган «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган. Фармонга биноан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг етказиб бериладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ олмасдан туриб истеъмолчи ва буюртмачиларга маҳсулот беришлари, иш бажаришлари ва хизмат кўрсатишлари тақиқланади. Товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб олт-

миш кун ўтганидан сўнг етказиб берилган товарлар кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмагани тўлаш *муддати ўтган дебиторлик қарзи* деб эътироф этилади. Тўлаш муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжудлиги, тўлашга ноқобил истеъмолчиларга маҳсулот (ишлар, хизматлар) етказиб берилишига тўлов интизомини бузиш сифатида қараш мумкин. Корхоналар ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўла туриб тўлов ўтказишнинг белгиланган муддатларини бузиш ҳам ана шундай ҳуқуқбузарлик деб тан олиниши керак. 175-моддани нинг 3-қисми бўйича барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг, тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари, шунингдек мазкур ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлиши мумкин.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

164-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бирдан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ёнилғи-мойлаш материаллари, дори-дармон воситалари ёхуд тиббий буюмлар билан қўлда ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш — сотилаётган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур модда уч қисмдан иборат. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 164-моддасининг I ва III қисмлари дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги «Республикада дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар таъминоти ҳамда тақсимотини яхшилаш бўйича шошилинч чоралар тўғрисида» 404-сон, 1994 йил 6 майдаги «Ёнилғи-мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш тўғрисида» 240-сон ва 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида» 240-сон қарорларига асосан «Республика дорихона муассасаларида дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотиш қоидалари», шунингдек «Автомобилга ёнилғи қуйиш шахобчалари ишлаш қоидалари», ЎзР Адлия вазирлиги 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатга олган «Назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланди.

164-модданинг 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти аҳоли ва ташкилотларнинг товарлар ҳамда хизматларга доир эҳтиёжларини қондиришнинг ҳуқуқ меъёрлари билан изга солинган тартиби, шунингдек мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар корхоналарнинг ва савдо ҳамда хизмат кўрсатиш билан банд бўлган шахсларнинг хизматларидан фойдаланадиган фуқаролар ва ташкилотларнинг манфаатларидир.

164-модданинг 1-қисми бўйича зиммасига тегишли қоидаларга риоя қилиш юкланган ва уларни бузишга йўл қўйган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг ходимлари жавобгарлик субъекти бўлишлари мумкин.

Такрорлаш ва бир вақтда икки марта текшириш ҳолларини бартараф этиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текшириш учун аниқ топшириқни кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республика ташкилотларининг тегишли рухсатисиз бошқариш, давлат назорати, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, стандартлаштириш, метрология, сертификациялаш маҳаллий органлари томонидан текширувлар ўтказилиши тақиқланади.

Фармонни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 11 февралдаги қарори билан «Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини комплекс текширишларни мувофиқлаштириш бўйича низом»ни тасдиқлади. Низомга мувофиқ бундай текширишлар барча даражалардаги давлат солиқ органларининг бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари ёзма буйруғи асосида амалга оширилади. Қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга биноан савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг низомлари ва ишлаш қоидаларини текшириш ўтказилаётган текширишларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни эътиборда тутиш зарурки, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишда аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширганда назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш талабларига риоя қилмаслик деганда мазкур ҳисоб-китобларни чек ёки квитанция бермасдан туриб ёки чек ёхуд квитанцияда оширилган ёхуд камайтирилган суммани кўрсатган ҳолда мазкур ҳисоб-китобларни назорат-касса аппаратлари (машиналари)ни қўлламасдан амалга ошириш тушунилади.

Носоз касса машиналари ва аппаратларидан фойдаланиш ҳам касса операциялари юритишни бузишга киради. Агар касса аппаратлари қасддан шикастлангани исботланса, субъект даромадни қасддан яширганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак.

МЖК 164-моддасининг I ва III қисмларини қўллаганда фақат ҳуқуқбузарликлар, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган у ёки бу қоидаларга риоя қилмаслик, уларни бажармаслик тушунилишини эътиборда тутиш лозим.

Давлат солиқ органлари дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади (164-модданинг 3-қисми). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 14 июлдаги «Республикада дори-дармон воситалари сотилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонига биноан тилга олинган дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларнинг дори-дармонлар сотиш учун махсус рухсатномаси — лицензияси бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотилиши тақиқланган. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотишнинг бошқа қоидаларини бузиш ҳам МЖК 164-моддасининг 3-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

«Ўзбекнефтгаз» корпорацияси томонидан белгиланган ёнилғи- мойлаш материалларини сотиш қоидаларини 164-модданинг 3-қисми бўйича ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузиш деб баҳолаш керак, ёнилғи-мойлаш материалларини нефть омборларидан, транспорт воситаларидан, автокорхоналарда, шаҳар чегарасидан ташқаридаги автомобиль йўлларида ва ҳоказо жойларда сотишни эса МЖК 164-моддасининг 2-қисмига оид содир этилган ҳуқуқбузарлик деб таърифлаш мумкин.

164-модданинг 3-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар давлат солиқ органларининг, шунингдек «Ўзбекнефтгаз» тизимининг (ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузишга доир) ва ички ишлар органларининг (дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотиш қоидаларини бузишга доир) бунга ваколат берилган мансабдор шахслари томонидан тузилади.

Давлат солиқ органларининг бунга ваколат берилган мансабдор шахслари 164-модданинг 2-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар, яъни ёнилғи-мойлаш материаллари, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан шаҳарлардаги белгилаб қўйилмаган жойларда қўлдан сотилиши тўғрисида баённомалар ҳам тузадилар. Бироқ бу ҳуқуқбузарликларни давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эмас, балки маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар, чунки МЖКда фақат уларга мусодара қилиш ҳуқуқи берилган (164-модданинг 2- қисмидаги жазо чораси ушбу маъмурий жазони жаримага қўшимча чора сифатида кўзда тутади). Давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари ана шу ҳуқуқбузарликни содир этган фуқароларга тегишли жарима солиш ҳуқуқига эгадир.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартибини ва уларга қараш тартибини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1995 йил 6 майдаги 01-03-2664-сон хатига мувофиқ, бундай тусдаги ҳуқуқбузарликлар ўзига хослиги туфайли савдо қоидаларига киритилган. бўлиб, шу муносабат билан маъмурий жавобгарлик кўрсатилган ҳолларда МЖК 164-моддаси билан белгиланади, кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо

чораларидан сўнг қўлланиладиган ЖК 189-моддаси билан жиноий жавобгарлик белгиланади.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

165-модда. Харидор ёки буюртмачини алдаш

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товар сотишни амалга ошираётган ёки хизмат кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар томонидан энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаган миқдорда ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаш -

— энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг хусусияти шундан иборатки, мулкчилик шаклидан қатъи назар савдо хизматлар кўрсатиш ёки буюртмачиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳар қандай (юридик, жисмоний) шахс, шу жумладан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар мазкур ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади. Бунда мазкур модданинг диспозициясига кўра жавобгарлик ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар учун кўзда тутилган.

Товарлар тўлиқ вазнда ва тўлиқ ўлчовда, яхши сифат билан, белгиланган нархларда ва ҳисоб-китоблар тўғри бўлишига риоя қилиб савдо қилиш, хизматлар кўрсатиш тартибини, бундан ташқари хизматлар нархномалар ва тарифларга мувофиқ кўрсатиладиган тартибни харидор ёки буюртмачини, умуман олганда истеъмолчини алдашнинг бевосита объекти деб эътироф этиш керак. Пировардида истеъмолчи

фуқароларнинг моддий, баъзан эстетик эҳтиёжлари ҳам жиноят объектига айланади. Савдо, умумий овқатланиш, маиший, коммунал ва бошқа хил хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан истеъмолчидан ортиқча олинган товарлар, шу жумладан умумий овқатланишда ишланадиган маҳсулот, ишлар, хизматлар, шунингдек пуллар ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланади. Объектив нуқтаи назардан харидор ва буюртмачиларни алдаш турли ҳаракатларни содир этишда ифодаланади, уларнинг бир қисми МЖК 165-моддаси диспозициясида бевосита айтилган бўлиб, яъни: ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёки ўзгача тарзда алдашдан иборат. Ўлчовдан ва тарозидан уриб қолиш шунда ифодаланадики, харидор сотувчининг турли ҳаракатлари ва алдов натижасида тўлаган суммасига мувофиқ унга тегишли бўлган товарга нисбатан кам миқдорда олади. Бунда ғоятда хилма-хил усуллар қўлланилади: нотўғри ўлчов воситаларидан (тарози, тош, майда қадоқ тошлар, мензуркалар, ўлчов кружкалари, метрлар ва ҳоказо) фойдаланилади, ортиқча ўров қоғози ишлатилади, товар тарозига ирғитилади, ўлчашда газмол чўзилади, товар нисбатан юқори нав баҳосида сотилади ва ҳоказо.

Бироқ агар дўкон қадоқланган кўринишда олган товарлар вазни нотўғри бўлса, ушбу товарларни сотувчи шахслар ҳаракатларида кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик мавжуд эмас. Товар дўкон ходимлари томонидан қадоқланган ҳолларда улар уни атайин нотўғри тортганлиги учун 165-модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Пулдан уриб қолиш деганда истеъмолчилардан улар товарга (иш, хизматга) тўлаши керак бўлганидан кўпроқ пул суммасини алдов йўли билан олиш, хариднинг ёки ресторанда мижоз буюртирган таом

ва ичимликларнинг умумий қийматини атайлаб нотўғри ҳисоблаш, қайтимни тегишли миқдордан кам бериш ва ҳоказолар тушунилади.

Харидорлар ва буюртмачиларни «ўзгача тарзда алдаш» деганда айбдорнинг истеъмолчилардан кўрсатилган хизмат ёки харид қилинган товар қийматидан ошадиган суммаларни олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлари тушунилади (паст навдаги товарларни юқори нав баҳосида сотиш, қалбаки товарларни сотиш, ҳақиқатда бажарилган ишлар мураккаблиги ва ҳажмини ошириб кўрсатиш, оддий буюртмани шошилинч буюртма сифатида расмийлаштириш ва ҳоказо).

165-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик, ҳатто истеъмолчига реал мулкий зарар етказилмаган бўлсада, алдов ҳаракатлари содир этилган пайтдан бошлаб якунланган деб эътироф этилади. Харидор сотувчини ўлчовдан, тарозидан уриб қолаётганини фош этганда сотувчининг бундай ҳаракатлари алдов хатти-ҳаракатлари деб эътироф этилиши керак.

Нафақат юридик шахс ҳисобланган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, балки аҳолига хизмат кўрсатадиган хўжалик юритувчи бошқа субъектлар ҳам харидорни (буюртмачини) алдаш содир этилган жой бўлиши мумкин.

Харидорлар ва буюртмачиларни алдашнинг субъектив томони бевосита қасд қилиш шаклидаги айб билан таърифланади. Қасддан қилинмаган харидорни ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш 165-модда бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши мумкин эмас. Мазкур ҳолда савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ходими интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бироқ ушбу модда жазо чораларини қўллаш учун ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг ўндан бир қисмидан ош-

маслиги керак. Харидор ёки буюртмачини энг кам иш ҳақи миқдорининг ўндан бир қисмидан бир бараваригача бўлган суммада алдаш ЖК 187-моддасининг 1-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Такроран ёки хавфли жиноятчи томонидан анчагина миқдорда (ЖК 187-моддасининг 2-қисми), йирик миқдорда (ЖК 187-моддасининг 3-қисми) содир этилган шундай ҳаракатлар янада қатъийроқ жазоланади.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

168-модда. Бозорда савдо қилиш қоидаларини бузиш

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш -
— фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг мазмунидан кўриниб турибдики, у бевосита бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо белгилайди. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини белгилаш Қорақалпоғистон Республикаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ваколатига киритилган. Бозорларнинг асосий вазифаси аҳолининг сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа энг зарур халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Зеро фуқаролар озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларининг кўпчилигини бозорлардан харид қиладилар. Ушбу бозорлардаги савдода иштирок этувчи барча фуқаролар ва ташкилотлар маҳаллий ҳокимият органлари белгилаган қоидаларга амал қилишлари шарт.

Бозорларда савдо қоидаларини бузиш субъектлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) бозорларда савдо қилувчи фуқаролар;

б) бозорлар ва бозорда савдо қилувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари;

в) бозорлар ва уларда савдо қилувчи ташкилотларнинг бошқа ходимлари.

Тилга олинган мансабдор шахслар бозорларда ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан савдо қоидаларини бузганда, ана шу қоидаларга зид келувчи кўрсатмалар берганда ва ўзларига бўйсунувчи шахсларнинг мазкур қоидаларга риоя қилишини таъминлаш бўйича чоралар кўрилмаганда 168-моддага биноан жавобгар бўладилар, чунки бозор дирекцияси савдо қилувчилар бозорларда савдо ва санитария қоидаларига амал қилиши устидан назоратни амалга оширишлари шарт.

Умум қабул қилган қоидаларга мувофиқ бозорларда, хусусан, ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланадиган қуйидаги ҳаракатларга рухсат берилмайди: патта йиғими тўлангани тўғрисидаги касса чеклари ёки квитанцияларни бозорда савдо қилувчи бошқа шахсларга бериш ва хизматлар учун тўловни уларга тўлаш; савдо қилувчиларнинг ўз кийимидан шахсий санитария кийими сифатида фойдаланиши ёки бундай кийими бўлмаслиги; уларнинг ўз шахсий мулки бўлган тарози ўлчов асбобларидан фойдаланиши; бозор ходимлари томонидан, уларга савдо-харид қилиш корхоналарининг ходимлари кирмайди, бошқа ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга тегишли бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, озиқ-овқат маҳсулотларини яроқлилиги ва тегишли маълумотномаси бор-йўқлигини текширмай, шунингдек санитария-ветеринария қоидаларини бузган ҳолда сотиш; уруғликни назорат қилиш лабораториясининг хулосасисиз сабзавот ва гул экинлари уруғларини сотиш; аҳоли томонидан қопқоғи зич қилиб ёпилган консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт ва баликдан ярим тайёр маҳсулотлар сотиш,

уларнинг кремли қандолатчилик маҳсулотлари, зарарли бегона ўтлар уруғлари аралашган дон, ёрма маҳсулотлари, доривор ўсимликлар, далада ўсадиган гуллар, қайта ишланган қўзиқоринлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар сотиш; товарларни ўн беш ёшга тўлмаган ўсмирлар томонидан сотиш.

Ушбу тақиқларни бузиш МЖК 168-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади. Ўз фаолиятини бозор ҳудудида олиб борадиган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ходимларига савдо ва хизмат кўрсатишнинг умумий қоидалари татбиқ этилади. Бу қоидалар бузилган тақдирда айбдор шахслар МЖК 164, 165-моддалари ёки ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

172-модда. Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш —

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур модда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маромли хўжалик фаолиятини ишдан чиқарадиган, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларини беҳуда сарфлашга ҳамда уларни ғайриқонуний суратда сотишга (беришга), ўзлаштиришга олиб келадиган белгиланган қоидаларни бузганлик учун жарима чораларини кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 майдаги 240-сон қарори талабларини ва мазкур қарор билан тасдиқланган «Автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш қоидалари»ни бузиш (бажармаслик), шунингдек 1985 йил 15 августда 06/218446-сон билан тасдиқланган «СССР ҳудудидаги нефть базалари, ёнилғи қуйиш пунктлари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига нефтъ ва нефтъ маҳсулотларининг келиб тушиши, бу ерларда сақланиши, берилиши ва ҳисобга олиниши тартиби тўғрисида»ги йўриқномани бузиш ана шу модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олишнинг белгиланган тартиби МЖК 172-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Турли маркадаги бензин, керосин, дизель ёқилғиси, трансмиссия мойлари, мойлов ёғлари, қадоқланган турли нефть маҳсулотлари, консистент мойлов ёғлари, тормоз суюқлиги ва бошқа нарсалар ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликни 172-модда бўйича баҳолаш учун ушбу модданинг диспозициясида санаб ўтилган ҳаракатлардан ақалли биттаси содир этилиши кифоядир.

Истеъмолчиларга нефть маҳсулотларини нефть омборларидан автоцистерналарга, ёнилғи қуйиш агрегатлари ва техник хизмат кўрсатиш агрегатларига бериш **фақат** тақсимлаш аппаратлари ёки ёқилғи ва мой тақсимлаш агрегатлари воситасида амалга ошириш кераклиги белгиланган. Берилган нефть маҳсулотлари миқдори берилган нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш қайдномасига ёзилади, унда олинган нефть маҳсулотлари учун ҳайдовчи имзо чекади, йўл варақасига эса нефть маҳсулотларини берган моддий жавобгар шахс имзо чекади.

Қуйидагилар тақиқланади: нефть маҳсулотларини нефть омборларидан ғайриқонуний тарзда сотиш; нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш талафотлар, табиий нобудгарчиликка асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш; нефть маҳсулотларини белгиланган лимитлар, тақсимлаш фондлари ва режаларидан ортиқча сотиш;

нефть маҳсулотларининг сифати уларни етказиб берувчи ва сотувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек нефть маҳсулотлари истеъмолчилари томонидан бузилиши; нефть маҳсулотларини вагон-цистерналарда пломбасиз ёки улардаги нуқсонлар билан маҳсулот етказиб берувчилардан қабул қилиш ва ташиш; нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан уларнинг пломбаланмаган автоцистерналарда берилиши; корхоналар ва ташкилотлар томонидан нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва беришда технология режимларига риоя қилинмаслиги.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш қоидаларини бузувчи шахслар; б) ушбу материалларни ғайриқонуний равишда харид қилувчи шахслар.

Биринчи гуруҳга нефть базалари ва АЁҚШларнинг зиммасига тегишли қоидаларга риоя қилиш масъулияти юкланган мансабдор шахслари ва моддий жавобгар шахслари (АЁҚШ бошлиқлари, усталари, операторлари ва ёнилғи қуювчи — ҳайдовчилари) киради. Ушбу гуруҳга бензинни хусусий шахсларга сотувчи давлат транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини ҳам киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳни мазкур материалларни ғайриқонуний равишда харид қилувчи ҳар қандай шахс-

лар, яъни ҳам хусусий шахслар, ҳам мулкчилик барча шаклларидаги корхоналарга тегишли транспорт воситаларининг ҳайдовчилари киради.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирмалар*

175-модда. Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўллаш тартибини бузиш

Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўллаш тартибини бузиш —

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

176-модда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш -

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда амалга ошириш -

— ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур моддада тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жазолар кўрсатилган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» 1991 йил 15 февралдаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995

йил 5 январдаги Фармони ҳамда бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатлари билан бошқарилади.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва юридик мустақиллигини кафолатлаб, уларнинг ҳуқуқларини белгилабгина қолмай, балки жавобгарликни ҳам белгилайди.

Қонунга биноан рухсат этилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган тадбиркорлик ташкилотлари (фирмалари) ва жисмоний шахслар туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтишлари керак. Бунда юридик шахсни ташкил этмасдан туриб ўз фаолиятини амалга ошириш ниятида бўлган хусусий тадбиркорга рўйхатга олиш гувоҳномаси берилиб, унда фаолиятнинг асосий ва бошқа турлари кўрсатилади. Жисмоний шахслар, шу жумладан тўлиқ хўжалик ширкати қатнашчилари тадбиркорни рўйхатга олиш гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турларинигина амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда тадбиркор йўл қўйган ҳуқуқбузарликлар учун 176-модданинг 1-қисми бўйича маъмурий тадбиркорликка тортилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда давлат хизматчиларининг айрим тоифалари учун ҳуқуқий чеклашлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган мансабдор шахслар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бундай шахсларга қуйдагилар киради: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари; давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, пул белгилари ва пул (банк) ҳужжатларига хизмат бўйича бевосита дахлдор бўлган мансабдор шахслар; банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари; давлат таъминот ва сотиш ташкилотлари раҳбарлари; функция-

сига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки улар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш кирадиган давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари, чакана, улгуржи — чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ҳамда корхоналари, трестлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, таркибий бўлинмалар бошлиқлари, моддий жавобгар шахслар. Агар санаб ўтилган шахслардан бирортаси эгаллаган мансабини яшириб ёки рўйхатдан ўтказувчи органга маълум қилмасдан туриб, бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётгани аниқланса, уни МЖК 176-моддасининг 1-қисми бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган буюмлар ишлаб чиқарувчининг фирма белгиси ёки фамилияси, буюмнинг номи ёки рамзи, буюмни тавсифлайдиган бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда албатта тамғаланиши керак. Мазкур талабни бажармаслик ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш ҳисобланади.

Муайян фаолият учун тадбиркорга берилган лицензия муддати тугаганидан кейин ҳам фаолиятни давом эттиришга МЖК 176-моддасининг 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик сифатида қаралади. Лицензия олиш учун тақдим этилган материалларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар борлиги аниқланган ҳолда ҳам ҳуқуқбузарлик юзага келади.

Юридик мустақилликка эга тадбиркорлик тузилмаларининг мансабдор шахслари, шунингдек якка тартибдаги фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлиши мумкин. Ушбу субъектлар сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам майдонга чиқади.

Солиқ қонунчилигига оид маъмурий ҳуқуқбузарликларга давлат солиқ органларининг қонуний талабларини бажармаслик ҳам киради. Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлган шахслар МЖКнинг 198-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

198-модда. Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш

Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш -

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бирдан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такрор содир этганлик —

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг бирдан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик давлат солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахси тузган баённома асосида маъмурий ишлар бўйича судья томонидан кўриб чиқилади. Мансабдор шахслар улар ҳақидаги ишлар бошқа органларга (мансабдор шахсларга) қарайдиган бошқа ҳолларда ҳам аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ҳақли ва мажбурдирлар.

Бунда МЖК 280-моддасининг умумий қоидаси қўлланиши керак.

■ *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан кўчирма*

280-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси тузади.

Бундан ташқари, давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари 164-моддасининг 2-қисмида (ёнилғи-мойлаш материаллари, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмларни қўлда ёки шаҳарлардаги белгиланмаган жойларда сотиш), 166-моддада (товарларни уларнинг сифати ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш), 170-моддада (валюта бойликларини ноқонуний сотиб олиш ёки сотиш), 176- модданинг 2-қисмида (рўйхатдан ўтказишдан бош тортган ҳолда савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш), 198-моддада қонуний талабларни бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш) кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни маъмурий тарзда ушлаб туришлари мумкин.

Меъёрий ҳужжатларга биноан юқорида кўрсатилган маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллашнинг қуйидаги тартиби белгиланган.

Мансабдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 279-моддасига мувофиқ содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжудлигини аниқлаб, ҳар бир ҳуқуқбузарга маъмурий баённома тузади. Баённома маъмурий ҳуқуқбузарликни бевосита

аниқлаган (топган) солиқ органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан тузилади.

Солиқ органларининг солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш ва маъмурий баённомалар тузиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсларига қуйидаги мансабларда ишлаётган шахслар киради:

шаҳарлар ва туманлар давлат солиқ инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бош солиқ бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат солиқ бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси ДСҚ функционал (таркибий) бошқармаларининг бош, катта ва давлат солиқ инспекторлари (тафтишчилари), функционал бўлимлар бошқармалари ва уларнинг ўринбосарлари, бошлиқлар ва бошлиқ ўринбосарлари; Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Назорат-тафтиш ишлари бош бошқармаси таркибий бўлинмаларининг бош, катта суриштирувчилари ва суриштирувчилари, бош, катта тезкор ходимлари ва тезкор ходимлари; ДСҚ ББББ бўлим бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари.

Солиқ органининг мансабдор шахси томонидан тузилган баённоманинг мазмуни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддаси талабларига қатъиян мувофиқ бўлиши керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

а) тузилган санаси ва жойи;

б) баённома тузган шахснинг мансаби, фамилияси, исми, отасининг исми;

в) ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар:

- фамилияси, исми, отасининг исми (шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат бўйича);
- туғилган йили ва жойи;
- иш жойи;
- яшаш жойи;

- оилавий аҳволи;
- фуқаролиги;

г) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ва вақт;

д) маъмурий ҳуқуқбузарлик моҳияти;

е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кўзда тутадиган меъёрий ҳужжат;

ж) зарур ҳолларда гувоҳлар (жабрланганлар): фамилияси, исми, отасининг исми, манзиллари;

з) ҳуқуқбузарнинг тушунтириши;

и) ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар;

к) моддий зарар.

Мансаб солиқ ёки божхона органининг тўлиқ номи кўрсатилган ҳолда ёзилади.

Ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатга мувофиқ, у бўлмаганда ҳуқуқбузар сўзидан ёзилади, улар кейинчалик ички ишлар органлари орқали ёки гувоҳлар (қариндошлар ёки улар билан бирга бўлган бошқа шахслар)ни суриштириш орқали қайта текширилади. Туғилиш жойи ҳам ҳужжатдагидек ёзилиб, агар у қайта номланган бўлса, қавсда янги номи ёзилади. Иш жойи, корхоналар, ташкилотлар номи қисқартишсиз (умум қабул қилинганларидан ташқари), тўлиқ ёзилади.

Почта манзили, индекс, телефонни ёзиш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролик фақат ҳужжатлар бўйича ёзилади. Агар ҳуқуқбузар тегишли ҳужжатни тақдим этмай, фуқаролигини унинг сўзларидан ёзишни талаб қилса (агар у Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса), баённомада «Сўзларига кўра» деб ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузар тўғрисидаги маълумотлар ҳужжат бўйича тўлдирилганида баённомада ҳужжатнинг номи, ким томонидан ва қачон берилгани ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг моҳияти аниқ ва қисқа, ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш учун асос

бўлган Кодекс моддасининг диспозициясига мувофиқ баён этилиши керак. Агар бир нечта ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, ҳар бир ҳуқуқбузарлик қисқача таърифланиши керак.

Меъёрий далолатномани тузишда Кодекс ёки бошқа меъёрий ҳужжатнинг мазкур шахс томонидан бузилган муайян моддаси, банди (қисми)нинг аниқ номи акс эттирилиши керак. Агар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки бошқа меъёрий ҳужжатнинг бир неча моддалари бузилишига йўл қўйилган бўлса, амалдаги ва қўлланилган қонун ҳужжатларининг барча моддалари, бандлари (қисмлари) ёзилади.

Гувоҳлар тўғрисидаги маълумотлар шахсни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўйича ёки уларнинг сўзларидан ёзиб олинади. Тегишли ҳужжатлар бўлганда уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, хизмат, уй телефонлари ёзилади.

Баённома тузишда ҳуқуқбузарга унинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади, бу ҳақда баённомага тегишли ёзув ёзилади.

Ҳуқуқбузар тушунтиришни ўз қўли билан ва фақат йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик факти бўйича ёзиши керак. Агар ёзма тушунтириш мазмунига кўра бланкда ажратилган жой ҳажмига сиғмаса, алоҳида варақ олинади.

Маъмурий баённома тузаётган мансабдор шахс олдиндан оғзаки суҳбатда йўл қўйилган ҳуқуқбузарликнинг барча ҳолатларини аниқлаши ва ҳуқуқбузар ёзма жавоб бериши керак бўлган саволларни тузиб чиқиши керак.

Агар ҳуқуқбузар ёзма тушунтириш ёза олмаса, унинг розилиги билан, унинг сўзларидан мансабдор шахс ёзиб олади.

Бу ҳолда «Менинг сўзларимдан тўғри ёзиб олинган», «мен ўқиб чиқдим» (ёки «менга овоз чиқариб

ўқиб беришди») деган сўзлар ёзилиб, имзо чекилади. Тушунтириш ҳуқуқбузар, гувоҳ, жабрдийда гапиришни хоҳлаган тилда ёзилади. Баённомага ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, масалан: илгари содир этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар киритилади.

Агар ҳуқуқбузарнинг бирор-бир ҳуқуққа зид ҳаракатлари туфайли моддий зарар етказилган бўлса, ушбу баённомада кимга, қандай миқдорда, қай тарзда моддий зарар етказилгани қисқача, лекин батафсил қилиб ёзилади. Баённома ҳуқуқбузарликни содир этган шахс томонидан, гувоҳлар ва жабрдийдалар бўлган ҳолда эса улар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортганда бу ҳақда ёзиб қўйилади ва мансабдор шахс имзо чекади.

Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс унинг мазмуни бўйича баённомага илова қилинадиган тушунтиришлар ва мулоҳазаларни тақдим этишга, шунингдек имзо чекишдан бош тортиши сабабларини баён этишга ҳақлидир. Баённомани имзолашдан бош тортиш ишни юритишни тўхтатиш учун асос бўлмайди.

Баённома матнини ўзгартириш, ўчириш ва тузатиш мумкин эмас. Фавқулодда ҳолларда ҳуқуқбузарнинг розилиги билан (ёки унинг таклифига кўра) сўз ва рақамларни тузатишга йўл қўйилади, бунда изоҳ берилиб, мансабдор шахс, ҳуқуқбузар ва гувоҳлар имзо чекадилар.

Баённома ҳуқуқбузарлик аниқлангандан кейин бир кеча-кундуздан қолдирмай ҳисобга олиш журналида (6-илова) рўйхатга олиниши ҳамда Давлат солиқ ва божхона органи раҳбарига (ёки унинг ўринбосарига) топширилиши керак бўлиб, у МЖКнинг 305-моддасига мувофиқ баённомани ўн беш кун ичида кўриб чиқиши шарт.

Ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда маъмурий баённома тузишнинг имкони бўлмаганда МЖКнинг 284-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузар милицияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хонасига солиқ органлари ходимлари томонидан келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузар иложи борича қисқа муддатда келтирилиши керак. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хонасига келтирилган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилган шахс ҳозирлигида кўриб чиқилади. Айбдор шахс ҳозир бўлмаганда иш шахс ишнинг кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирилгани тўғрисида маълумотлар бўлган ва шахсдан иш кўрилишини кейинга қолдириш (муддатини чўзиш) тўғрисида илтимоснома келиб тушмаган ҳолатдагина кўриб чиқилиши мумкин. Агар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий қамоқ, буюмларни мусодара қилиш ёки қайтариб бериш шарти билан олиб қўйиш жазоси кўзда тутилган бўлса, ҳуқуқбузарнинг ҳозир бўлиши шарт.

МЖКнинг 38-моддасига мувофиқ маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб ҳуқуқбузарлик давом этаётганда эса аниқланган кунидан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин.

Биринчи турдаги ҳуқуқбузарликларга бир галги тусдаги ҳуқуқбузарликлар кириб, улар учун жавобгарлик 164, 165, 168, 176 ва 227-моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар, иккинчи турдагиларга муайян давр мобайнида содир этилган, 172, 174, 175-моддаларга биноан жазоланадиган ҳуқуқбузарликлар киради.

Жиноий иш қўзғатишдан бош тортилган ёки жиноий иш тўхтатилган ҳолларда, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатла-

ри мавжуд бўлганида, маъмурий жазо жиноий ишни қўзғатишдан бош тортиш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан сўнг бир ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин.

Шахснинг хатти-ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги ва у маъмурий жавобгарликка тортилиши кераклиги аниқ кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси ЖПК талабларига мувофиқ чиқарилган прокурор, терговчи, суриштирувчининг қарори ёки суд ажрими ушбу меъёрни қўллаш учун асос ҳисобланади.

МЖКнинг 297-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин бўлиб, у тегишли ҳуқуқлардан фойдаланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳар бир ҳуқуқбузарга алоҳида расмийлаштирилади ва 3 йил мобайнида Назорат-тафтиш ишлари бош бошқармаси бўлинмаларида сақланади.

МЖКнинг 303-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) қуйидаги масалаларни ҳал этиши керак:

мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги. Хусусан, солиқ органининг бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) 262 ва 264-моддаларга мувофиқ ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси биринчи ва учинчи қисмлари, 165, 168, 172, 174, 175-қисмлари, 176-моддаси биринчи ва 227-моддаси биринчи қисмига оид ҳуқуқ бузиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва улар бўйича маъмурий жазолар қўллайди.

Давлат солиқ органларига тегишли бўлмаган материаллар тақдим этилса, улар расмийлаштирилганидан сўнг (тўпланган материаллар, ашёвий да-

лиллар ва ишга тааллуқли бошқа буюмлар тўғрилиги текширилганидан сўнг) бир кеча-кундуз давомида тегишли органга юборилади.

Солиқ органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилганида кодекснинг 279, 280, 281-моддалари талабларига риоя этилганига, улар тўғри тузилганига ишонч ҳосил қилиши керак.

Баённома расмийлаштирилганда солиқ органининг мансабдор шахси ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ ва процессда иштирок этиш учун зарур бошқа шахсларни ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш (ажрим қилиш) вақти ва жойи тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириши керак. Ёзма билдириш таклифнома, повестка, ёзма мажбурият кўринишида расмийлаштирилиши мумкин. Агар процессда иштирок этувчи шахслар телефон орқали таклиф этилган (огоҳлантирилган) бўлса, таклифнома мансабдор шахснинг рапорти билан расмийлаштирилади, унда таклиф этиш вақти ва таклифномани қабул қилган шахснинг фамилияси кўрсатилади. Таклифнома (билдирувнома, хабарнома) почта, телетайп, телефакс ва ҳоказолар орқали юборилганда, иш материалларига квитанциялар ёки уларнинг кўчирма нусхалари илова қилинади.

Зарур ҳолларда давлат солиқ органининг мансабдор шахси бошлиқнинг кўрсатмаси ёки ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳнинг илтимосига кўра ишни холисона кўриб чиқиш учун кўриб чиқилаётган ишга дахлдор бўлган қўшимча маълумотлар ёки бошқа материаллар (далиллар)ни талаб қилиши керак. Давлат солиқ органи бошлиғи (ўринбосари) ишга доир тегишли қарор қабул қилиш учун қўшимча материаллар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Солиқ органининг бошлиғи (ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни кўриб чиқаётганда уларни расмийлаштириш пайтида ёки

уларни кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳуқуқбузар, жабрланувчи, қонуний вакил ёки адвокат томонидан илтимоснома берилганми, берилган бўлса қондирилганлиги, қондирилмаган бўлса, нима сабаб билан қондирилмаганлиги ва ҳоказоларни аниқлаши керак. Санаб ўтилган масалалардан ташқари, солиқ органининг бошлиғи (ўринбосари) маъмурий жазони қўллаш муддатига риоя қилиниши масаласини аниқлаши шарт.

МЖКнинг 304-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади, бу нарса солиқ органларига тегишли барча ишларга тўла тааллуқлидир.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи мансабдор шахсни таништиришдан бошланади (306-модда), яъни раҳбар ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига ўз лавозими, фамилияси ва қандай иш кўрилиши лозимлигини, ким маъмурий жавобгарликка тортилаётганини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради (МЖКнинг 294, 295, 296, 297, 298, 299, 300, 301, 302-моддалари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради, ҳуқуқбузар, гувоҳ, жабрланувчи, адвокат ва ишни кўриб чиқишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди, келтирилган далилларни ўрганади ва тушган илтимосларни ҳал этади. Одатда материалларни кўриб чиқишда текширишни амалга оширган, ҳуқуқбузарликни аниқлаган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома ёки баённома тузган мансабдор шахс иштирок этиши керак.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 307-моддаси талабларига мувофиқ орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида қуйидагиларни аниқлаши шарт:

а) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки этилмаганлиги, яъни мазкур шахс ҳатти- ҳаракатларида кодекснинг 10-моддасида таърифи берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчасига мос аломатлар мавжудми. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик қасддан (11-модда) ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган — этилмаганлиги аниқланиши керак. МЖКнинг 174-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун атайин ҳаракат қилиш факти аниқланиши керак;

б) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жой, яъни материални расмийлаштириш муддатларига риоя қилинганми, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмадими (кодекснинг 36, 304, 305-моддалари);

в) уни содир этишда айбдор шахс унинг учун маъмурий жавобгарликка тортилиш — тортилмаслиги, яъни МЖКнинг 13, 14, 15, 16, 17-моддалари талабларига риоя этилганми.

Агар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилса, унга татбиқ этилган ҳуқуқбузарлик унинг хизмат вазифаларини, у ёки бу ҳисобот (молия) ҳужжатларини расмийлаштириш ва имзолашдаги ҳуқуқий ваколатларини бузиш эканлиги ёки эмаслигини аниқлаш лозим.

Жавобгарликка тортилаётган шахс халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят кенгаши ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати эканлиги ёки эмаслигини аниқлаш даркор.

Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги қонунига мувофиқ (43-модда) депутатларга тегишли Кенгаш ёки Олий Мажлиснинг розилиги билангина маъмурий жазо чоралари қўлланиши мумкин, шу муносабат билан депутат йўл қўйган

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материаллар тегишли ваколатли органнинг розилиги олинганидан кейингина кўриб чиқилиши керак.

Ҳуқуқбузар ҳарбий хизматчи эканлиги ёки интизомий Устав амали татбиқ қилинадиган бошқа шахслиги аниқланса, маъмурий жазо чоралари МЖК 16-моддаси талабларига мувофиқ қабул қилинади.

«Бошқа шахслар» деганда ИИВ, милиция, ёнғиндан сақлаш, аҳлоқ тузатиш муассасалари, МХХ, прокуратура ходимлари тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МЖК 17-моддасига мувофиқ умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Фуқаронинг хорижий давлатга мансублиги паспортига қараб, фуқаролиги бўлмаган шахс эса яшаш гувоҳномаси бўйича аниқланади. Ушбу шахслар талабига кўра улар ажрим чиқариш пайтида таржимонлар билан таъминланиши керак;

г) МЖКнинг 31 ва 32-моддаларига кўра жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлиги.

Бунинг устига, агар МЖК 32-моддасида маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг батафсил рўйхати берилган бўлса, МЖК 31-моддасида қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқадиган органга (мансабдор шахсга) моддада саналмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи деб тан олиш (масалан, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этилиши, оғир моддий аҳвол ва ҳоказо) имкониятини беради;

д) мулкий зарар етказилган-етказилмаганлиги, Солиқ органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) материалларни кўриб чиқаётганда мулкий зарар етказилган-етказилмаганини. Агар зарар етказилган бўлса, кимга ва қанча миқдорда ва уни қонунда белгилан-

ган тартибда қоплаш имкониятини аниқлаши керак. Хусусан, МЖК 174-моддаси бўйича материалларни кўриб чиқиш пайтида қўшимча ҳисоблаш молиявий жазолар ва ундириш тўғри қўлланган ёки йўқлиги;

е) ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар.

МЖК 309-моддасига мувофиқ давлат солиқ органининг бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) маъмурий қонунбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қарор қабул қилади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, иш кўриб чиқилган сана, иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар (улар баённомадаги ёзувларга мос келиши керак), ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг қисқача баёни, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор. Пул жаримаси солинганда сумма ёзувда; бевосита қарор қабул қилган раҳбар томонидан ёзилади. Тузатиш, ўчириш, устидан ёзиш ва ҳоказоларга йўл қўйилмайди.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор давлат ва солиқ органининг бошлиғи (ўринбосари) томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, МЖК 310-моддасига мувофиқ, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

1) Маъмурий жазони қўллаш тўғрисида.

2) Ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Давлат солиқ органининг бошлиғи (унинг ўринбосари) МЖК 271- моддасида кўзда тутилган ҳолат-

лар мавжуд бўлгандагина ишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда қарорда ушбу модданинг ва қўлланилган меъёрий ҳужжатнинг тегишли бандига ҳавола этган ҳолда иш юритишни тўхтатиш тўғрисида батафсил ёзув ёзилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор иш кўриб чиқилиши тугаши билан дарҳол эълон қилинади. Ҳуқуқбузар қандай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазога тортилаётганини яққол англаши лазим. Қарорнинг кўчирма нусхаси уч кун давомида унга нисбатан қарор чиқарилган шахсга топширилади ёки юборилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси тилхат олиб топширилади, у юборилган ҳолда бу ҳақда иш материалларига тегишли ёзув ёзилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор унинг кўчирма нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кун давомида юқори орган (мансабдор шахс) ёки туман (шаҳар) судьясига арз қилиниши мумкин (МЖК 315, 316-моддалари).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича прокурор қарор юзасидан протест билдириши мумкин (МЖК 317-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ (25-модда) протест органга (мансабдор шахсга) келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида кўриб чиқилиши керак. Протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида дарҳол прокурорга ёзма равишда хабар қилинади. Протест рад этилган ҳолда мансабдор шахс тегишли меъёрий ҳужжатга ҳавола қилган ҳолда уни асослаб бериши керак.

Белгиланган муддатда берилган шикоятлар ва прокурор билдирган протест маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор ижросини шикоят ёки протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

Юқори давлат солиқ органи бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида чиқарилган қарорнинг қону-

нийлиги ва асослилигини текширади ҳамда қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

1) қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни қаноатлантиришсиз қолдиради;

2) қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

3) қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тўхтатади.

4) жазо чорасини(жарима суммасини) кучайтирмаган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисида меъёрий ҳужжатда кўзда тутилган доирада ўзгартиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

а) мансабдор шахс томонидан ишнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши, яъни иш бирламчи кўриб чиқилганда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳамма ҳолатлари ўрганилмаган, асосланган илтимосномалар ва ишга доир далиллар ҳисобга олинмаган ва ҳоказо ҳоллар;

б) мансабдор шахс (орган бошлиғи ёки унинг ўринбосари) ҳал қилув қарорининг ва маъмурий жавобгарликни кўзда тутадиган МЖК махсус қисми ва бошқа меъёрий ҳужжатлар меъёрларининг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаслиги, яъни чиқарилган қарорда маъмурий жарима (жазо) чораси мазкур ҳуқуқбузарлик учун кўзда тутилган тегишли модданинг жазо чоралари доирасида бўлиши керак. Агар қарор икки ва ундан ортиқ ҳуқуқбузарлик мажмуида қабул қилинган бўлса, МЖК 34-моддаси талабларига мос келиши керак;

в) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши, яъни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилинмаган, белгиланмаган шаклдаги баённома тузилган ва қарор чиқа-

рилган, ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг тушунтиришларини, ашёвий далилларни расмийлаштириш қоидалари ва уларга доир талабларга риоя қилинмаган, таржимон берилмаган (заруратга кўра) ва МЖК XXIII бобида кўзда тутилган бошқа талаблар таъминланмаган;

г) қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги, яъни қўлланган маъмурий жазо чораси содир этилган ҳуқуқбузарликка мутаносиб эмас. Агар содир этилган қилмишга қонунчиликда маъмурий жавобгарлик кўзда тутилмаган бўлса, шахс маъмурий жаримага тортилиши мумкин.

Юқори солиқ органининг бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган шикоят ёки прокурор протести бўйича ҳал қилув қарори чиқаради, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак: у чиқарилган вақт ва жой, шикоят ёки протестни кўриб чиқаётган мансабдор шахс, прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар, шикоят берган шахс ёки протест билдирган прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган, шикоят берилган ёки протест билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, протестнинг моҳияти; чиқарилаётган қарорнинг асосланиши, шикоят ёки протест юзасидан қарор (меъёрий ҳужжатга ҳавола қилиб, қандай ҳал қилув қарори қабул қилингани ва уни ким бажариши кераклигини аниқ баён қилиб). Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун ичида, жабрланувчига эса унинг илтимосига кўра юборилади.

Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга ёзма маълумот берилади.

МЖК 324-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 14 февралдаги қарор билан тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги Низомга мувофиқ зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал қилинади. Шунинг учун нарса қийматини ёки бой берилган фойдани қоплаш учун суд қарори (ажрими) асос бўлиб ҳисобланади.

Божхона қоидалари бузилганда жарима ундирилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси МЖК 290-моддаси меъёри қўлланади.

МЖК 332-моддаси жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш муддатлари ва тартибини белгилайди. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгани учун олинган жаримани ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Халқ банки муассасасига тўлайди.

Солинган жарима суммаларининг бевосита солиқ органлари ходимлари томонидан ундирилиши тақиқланади. Жарима суммаси Ўзбекистон Республ-

ликаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарнинг иш ҳақидан ундирилади.

Ҳуқуқбузар жаримани муддатида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқароликпроцессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади. Агар жарима солинган шахс ишламаётган бўлса; жарима суммасини ундириб олиш солиқ органи раҳбарларининг қарорига биноан, туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси томонидан ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек умумий (жамоа) мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Шуни эсда тутиш лозимки, ҳуқуқбузарнинг иш жойига ёки суд ижрочисига солиқ ёки божхона органининг гербли муҳри билан тасдиқланган қарорнинг кўчирма нусхаси юборилади, унга илова қилинадиган хатда жарима суммаси давлат бюджетига ҳисобланадиган банкдаги ҳисобварақ рақами кўрсатилиши керак. Жарима ундирилганидан сўнг корхона ёки муассаса қарор ижро этилгани ҳақида солиқ органига хабар қилади, у ана шу қарорни назоратдан олади.

Башарти маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ҳам, (МЖК 330-моддаси), 318-моддада кўрсатилган ҳолатлар бўйича тўхтатилмаган ёки МЖК 328- моддасида кўрсатилган ҳолатлар бўйича қарор ижроси кечиктирилган ҳолларда ҳам қарор ижро этилмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича қарорлар журналда қайд этилиб, унда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар рўйхатга олинади, тўланган сана, тўлов ҳужжатининг

номи ёки рақами кўрсатилган ҳолда ана шу журналга белги қўйилади.

Солиқ қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жарималар солиш тўғрисидаги қарорлар ва баённомаларни ҳисобга олиш журнали солиқ органларининг назорат-тафтиш ишлари бош бошқармаси бўлинмаларида юритилади.

Ана шу бўлинмалар маъмурий амалиёт тўғрисидаги статистика ҳисоботини тўплаш, умумлаштириш ва тайёрлаш билан шуғулланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилганидан сўнг давлат солиқ органи олиб қўйилган рўйхат гувоҳномаларини масалани амалдаги қонунларга биноан ҳал этиш учун маъмурий судга топширади.

Солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги банк муассасаларига фармойишлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилгани тўғрисидаги баённомалар, маъмурий жарималар солиш тўғрисидаги қарорлар бланкалари шакллари қатъий ҳисобдаги бланкалар бўлиб, уларда тартиб рақамлари ва сериялари бўлиши керак.

Солиқ органлари ходимининг қонуний талаблари бажарилмаган ёки унга хизмат вазифасини бажаришга тўсқинлик қилинганда ҳуқуқбузарга нисбатан материал расмийлаштирилади (далолатнома, баённома тузилади, гувоҳлардан тушунтиришлар олинади ва ҳоказо) ва материал МЖК 198-моддасига биноан жавобгарликка тортиш учун маъмурий ишлар бўйича судьяга топширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси ўз таркибида, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) 38-моддасининг 8-бандига мувофиқ, солиқ қонунларини бузишлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув органларига эгадир.

■ *Жиноят процессуал кодексидан кўчирма*

38-модда. Суриштирув органлари

Суриштирув органлари қуйидагилардир:

солиқ ва божхона қонун ҳужжатларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича тегишли равишда давлат солиқ ва божхона хизмати органлари.

Мазкур моддага мувофиқ суриштирув органлари ўз функцияларини амалга ошираётганда Жиноят процессуал кодексининг 339, 340, 341, 342, 343-моддаларига асосланишлари мумкин.

■ *Жиноят процессуал кодексидан кўчирмалар*

339-модда. Суриштирув вазифалари

Суриштирув шошилинч тергов ҳаракатларини олиб боришда ишлатилиб, ундан мақсад:

1) жиноятни содир этишнинг олдини олиш ёки содир этилишига йўл қўймаслик;

2) исбот-далилларни тўплаш ва сақлаш;

3) жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинаётган ва айбланаётганларни қидириб топиш;

4) жиноят туфайли етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлашдир.

Суриштирув органларига жиноят аломатларини ва уни содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ текширилганидан сўнг жиноий иш бўйича далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда зарур чораларни кўриш юкланади. Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари ана шу мақсадда тезкор қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир.

340-модда. Суриштирувни бошлаш

Жиноий ишни қўзғатиб ёки прокурор ёхуд суриштирув органи бошлиғи томонидан қўзғатилган ишни

олиб, суриштирувчи дарҳол уни иш юритишга қабул қилади ва шошилинч тергов ҳаракатларини амалга оширишга киришади.

341-модда. Суриштирувни олиб бориш муддати

Жиноий иш бўйича суриштирув ўн кундан ошмайдиган муддатда тугалланиши керак.

342-модда. Суриштирувни тугаллаш

Жиноий иш терговчига топширилиши билан суриштирув тугалланади. Суриштирувчи, агар:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) муайян шахсни айбланувчи сифатида ишда қатнашиш учун жалб этишга доир асослар топилган бўлса;

3) ишни тўхтатиш учун асослар белгиланган бўлса;

4) терговчи кўриш учун ишни унга топширишни талаб қилганда, суриштирувни амалга ошириш муддати тугашини кутиб ўтирмай, ишни дарҳол терговчига топшириши керак.

Терговчига ишни топшириш тўғрисида суриштирувчи қарор чиқаради.

343-модда. Суриштирувчининг терговчи топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларини бажариши

Суриштирувчи терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари тўғрисидаги кўрсатмаларига мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларини бажариши шарт.

Топшириқни белгиланган муддатда бажариш мумкин бўлмаганда суриштирувчи бу ҳақда терговчига маълум қилади ва муддатни узайтириш ёки ижро шартлари ва усулларини ўзгартириш хусусида илтимос қилади.

Терговчининг талабига биноан суриштирувчи унга тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёрдам бериши, шунингдек унга танишиш ва жиноий ишга киритиш учун ҳужжатлар ҳамда далил аҳамиятига эга бўла оладиган бошқа материалларни тақдим этиши шарт.

Барча топшириқ, кўрсатма ва талабларни терговчи суриштирувчига суриштирув органи бошлиғи орқали юборади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида солиқ қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутадиган модда мавжуд.

■ *Жиноят кодексидан кўчирма*

184-модда. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш

Фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) такроран;

б) йирик ҳажмда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар ўта йирик ҳажмда содир этилган бўлса,

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш баравaридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

«Такроран» атамасига изоҳ бериш лозим, яъни ЖК 32-моддасига мувофиқ Жиноят кодексининг Махсус қисми айнан бир моддасида, қисмида, Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча

жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят қилиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади. Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи, бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Ҳукумат қарорларига биноан давлат солиқ органларига юкланган вазифаларга мувофиқ иш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 175, 178, 179, 180, 181, 184, 185, 186, 187, 188, 189 ва 190-моддаларидан фойдаланиш мумкин.

■ *Жиноят кодексидан кўчирмалар*

167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат;

а) йирик ҳажмда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилганда, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) йирик ҳажмда;

в) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,-

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракат:

а) ўта йирик ҳажмда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

175-модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш

Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирилмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига йирик миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса,

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

178-модда. Чет эл валютасини яшириш

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яширилиши -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ғаразгўйлик билан;

б) такроран;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса, —

мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

179-модда. Сохта тадбиркорлик

Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки

бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқача тадбиркорлик ташкилотлари тузиш -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

180-модда. Сохта банкротлик

Сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги тўғрисида, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

181-модда. Банкротликни яшириш

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга йирик миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

184-модда. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш

Фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш,

шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) такроран;

б) йирик миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар алоҳида йирик ҳажмда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

185-модда. Қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш

Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металлар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш давлатга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

186-модда. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш

Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ ту-

затиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса,

— мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

187-модда. Харидор ёки буюртмачиларни алдаш

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек, савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёхуд харидор ва буюртмачиларни бошқача тарзда алдаш, унча кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) йирик ҳажмда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар кўп миқдорда содир этилган бўлса,-

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш баравариdан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, уч йил-

дан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

188-модда. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш.

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) йирик ҳажмда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса, -

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

а) кўп миқдордаги фойда (даромад) олган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,

— мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

189-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёхуд мусодара қилинмай икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини йирик қийматда, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш:

а) хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 187, 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини йирик қийматда бузиш

— олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

190-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Солиқ органлари Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунларини ҳуқуқий жиҳатдан бузишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тадбирларни мунтазам ўтказиб туришлари шарт. Ана шу мақсадда текширув бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилади, уларга текширувчи бошқа давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам киради, ҳаракатларни келишиб ўтказиш учун манфаатдор давлат органлари вакилларининг биргаликдаги доимий учрашувлари ўтказилади, энг муҳим муаммолар эса ҳайъатлар қўшма мажлислари кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларидаги иқтисодий жиноятларни очишга ихтисослашган тезкор ходимларнинг доимий хизмат учрашувларини ўтказишда ҳуқуққа қарши фаолиятнинг олдини олиш, уни бартараф этиш ва жиноятларни очиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун одатда солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа юридик шахслар, кўчада савдо қилувчиларни аниқлаш бўйича келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда солиқ солишдан даромад (фойда)ни яшириш фактларини аниқлаш учун тезкор позициялар барпо этилиши зарур бўлган объектлар рўйхатини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Биргаликдаги текширув якунлари бўйича ягона далолатнома тузилади, унга бир томондан текши-

рувчи ходимлар ва бошқа томондан текширилаётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари ва бош бухгалтери ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро имзо чекади.

Республика солиқ органлари улар ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирувни амалга оширадилар, сўнгра амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш фактлари бўйича материалларни тергов ва суд органларига топширадилар, шунингдек айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш давлат солиқ органлари ваколатлари доирасидан чиқадиган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги меъёрларига асосланиб, солиқ органлари ваколатига киритилган ушбу ҳуқуқбузарликлар бўйича зарур тадбирларни амалга оширадилар.

Солиқ органлари ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 343-моддасига мувофиқ терговчининг қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисидаги топшириғини бажариш тартибида тезкор қидирув фаолияти ва жиноятларни тергов қилиш жараёнида топилган материаллар бўйича, молиявий-бухгалтерия тадқиқотларини ўтказишда, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш тўғрисида қарор бўлганда молиявий ёки бошқа ҳужжатларни топиш ва олиб қўйишда ёрдам кўрсатадилар.

Республиканинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ягона давлат солиқ сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, МХХ, ИИВ биргаликда солиқ қонунчилигига риоя қилиш соҳасидаги жиноятларни қатъият ва тезкорлик билан тергов қилишни ташкил этмоқда. Мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига катта аҳамият берилмоқда, у солиқ органларидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-

ларига бериладиган материалларни кўриб чиқиш устидан таъсирчан назоратни ва ушбу материаллар бўйича қўзғатиладиган жиноий ишларни тергов қилишнинг бориши, тўлиқлиги, сифат ва муддатлари устидан қаттиқ назорат олиб боришни таъминлайди, судлар томонидан ушбу ишлар кўриб чиқилишида прокурорларнинг сўзсиз иштирокини таъминлайди. Юқорида номлари келтирилган давлат ҳокимиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг умумий қабул қилган ягона солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш барча куч, восита ва техник имкониятларни ҳуқуқбузарлик объектларининг катта қисмини излаш иши билан қамраб олиш учун жамлаш ва ана шу органлардан ҳар бирининг мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш имконини берди. Бундан кейин қуйидагилардан келиб чиқиб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни кучайтириш мўлжалланган:

- солиқ қонунларига риоя қилинишини, тегишли бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш;
- солиқларга доир ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, очиш ва тергов қилиш;
- солиқ жиноятларини содир этган шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш, улар томонидан давлатга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;
- солиқларга доир ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалалари бўйича ахборот алмашиш, солиқ қонунларини бузишлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- солиқ тўловчиларнинг солиқ органларида рўйхатга олинишдан бўйин товлаш фактларининг олдини олиш;
- солиқ тўловчиларнинг декларацияланган даромадларини мол-мулкни харид қилиш харажатлари ҳажмлари билан қиёслаш ва солиқларга тўланмаган даромадларни аниқлаш;
- иқтисодиётнинг хуфия секторига қарши кураш самарадорлигини харидорлар ва сотувчиларнинг хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотларни автоматик тарзда қиёслаш йўли билан ошириш, тафовутлар аниқланганда — адресли текширувларни шакллантириш;
- солиқ жиноятларини содир этган маъмурий ёки жиноий жавобгарликка жорий этиш ва улар томонидан давлатга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;
- солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;
- солиқ қонунчилигига риоя этилиши учун зарурий шарт-шароитларни барпо этиш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;
- солиқ қонунчилигини бузишлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, қонун меъёрларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- барча ташқи савдо операциялари бўйича товар-пул маблағлари ҳаракати устидан аниқ ҳисоб жорий этилиши ҳисобига хорижий банкларда ресупблика резиденти бўлган корхоналар томонидан хорижий валютанинг рухсат этилмаган ҳолда сақланиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмини белгилаш. Бун-

да республика ҳарбийлаштирилган идораларининг барча ахборотидан ва хорижий давлатлар солиқ хизматлари билан алоқалардан фойдаланиш;

- ахборот тўплашнинг идоралараро тизимидан фойдаланиш, бунда ТИАВ, ДБҚ ва ваколатли банклар ҳар ойда улар томонидан рўйхатга олинган контрактлар тўғрисида контракт бўйича (хорижий, шерик, товар, нарх, умумий қиймат) ва уларни бажаришнинг бориши тўғрисидаги барча ахборотни тақдим этадилар;
- ЎзРТХБ билан алоқа ўрнатиш, бунда маҳсулот экспортига доир тузилган биржа контрактлари тўғрисида ахборот олиш мумкин бўлади (валюта турлари бўйича қисмларга ажратиб).

Солиқ тизими жарима чораларини қатъий тарзда қўллаш ва шикоят қилишнинг адолатли русум-қоидалари билан тўлдирилади. Жарима чораларининг самарали русум-қоидалари ўз ичига ҳам фуқаролик, ҳам жиноий тусдаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий ва молиявий бўлмаган жазо чораларини олиши керак. Белгиланган ҳажмдаги жарима чоралари кўп ҳолларда автоматик равишда қўлланилиши ва эҳтимолий қонунбузарларни солиқ тўлашдан бўйин товлашдан ушлаб туриш учун етарлича қаттиқ бўлиши керак.

Шу билан бирга солиқ органлари жазо чораларини адолатли қўллаш ва оммавий ахборот воситаларида солиқлардан бўйин товлаш оқибатлари тўғрисида мисоллар билан хабардор қилиш орқали уларга ошкоралик бағишлаш асосида қонунларга риоя қилинишини таъминлашлари лозим.

Солиқ органлари Ўзбекистон Республикаси солиқ қонун ҳужжатларини бузишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тадбирларни мунтазам ўтказиб туришлари даркор. Ана шу мақсадлар-

да текширувчи давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ўз ичига оладиган текширувнинг комплекс ишчи гуруҳлари ишлари давом эттирилади, энг муҳим муаммолар ва масалалар бўйича келишиб олинган ҳаракатларни ўтказиш учун манфаатдор давлат органлари вакилларининг мунтазам қўшма учрашувлари ташкил этилади.

Бугунги кунда, агар хуфия иқтисодиёт фаолиятини ҳисобга олмаганда, у салмоқли ҳажмларга етиши мумкин. Шунинг учун ана шу муаммони ҳал этиш солиқ хизмати органлари фаолиятида энг устувор йўналишлардан бирига айланиши керак. Шу муносабат билан давлат солиқ органлари манфаатдор бошқарув органлари билан биргаликда, ҳозирги пайтда молия ҳисоботларида ўз ифодасини топмайдиган иқтисодиётнинг норасмий хуфия қисмини расмий иқтисодиётга айлантиришлари, бунда даромадларни белгилашнинг бевосита бўлмаган усулларидан фойдаланишлари керак. Ана шу мақсадда:

- солиқ тўловчиларнинг молиявий операциялари билан боғлиқ банк ҳисобварақлари бўйича ахборотдан фойдаланиш;
- мижозлар ҳисобварақлари бўйича операциялар мониторингини амалга ошириш, солиқ органларига банк ташкилотларидан келиб тушган солиқ тўловчилар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш лозим бўлади.

3-боб.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

3.1. Солиқ органлари фаолияти асослари

Солиқ тизими — тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар оладиган даромадлардан давлат солиқ идоралари (органлари) ундирадиган солиқлар мажмуи, шунингдек солиқ солиш усуллари ва қоидаларидир.

1990 йил охирида республикада солиқ органлари ва умуман солиқ тизимини барпо этиш бўйича ишлар жонланди: Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Давлат бош молия-солиқ бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди (1990 йил 17 декабрь, 383-сон). Республика Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади ва 1991 йил 12 августда Вазирлар Маҳкамасининг 217-сон билан «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 1991 йил 12 августдан солиқ органларининг республика мустақил давлат солиқ хизмати сифатидаги фаолияти бошланди. Республика давлат бошқарувининг мазкур тузилмаси 1994 йилгача, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат бош солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига айлантирилгунга қадар фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари ваколат доираси ва фаолиятининг ташкилий асосла-

ри Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат бож солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 18 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши масалалари тўғрисида» 114-сон қарор билан тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом»га биноан белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш, шунингдек давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида давлат назорати органи эканлиги белгилаб қўйилди.

Божхона ишини ташкил этишни такомиллаштириш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органлари фаолиятининг тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ролини кучайтириш, шунингдек божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Президентнинг 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815-сон «Ўзбекисон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди, яъни солиқ ва божхона фаолияти функциялари ажратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» 474-I-сон Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 14-сон Қарори қабул қилинди, уларда солиқ органларининг асосий функция ва вазифалари аниқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг давлат бош солиқ бошқармалари, вилоят давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари давлат солиқ хизмати органлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий тузилмалари бўлган махсус назорат-тафтиш бўлинмаси ташкил этилди, у давлат солиқ хизмати органларида солиққа доир ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолият кўрсатади.

Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларидан мустақил равишда, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 14-сон қарори би-

лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомга биноан белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;
- солиқ қонун ҳужжатларига риоя этишда зарур шартларни таъминлаш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;
- солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этиш;
- солиқ солиш субъектлари ва объектларини тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;
- солиққа доир ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш;
- назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларнинг ҳаммасини мувофиқлаштириш.
- жисмоний ва юридик шахсларни, бюджетга солиқлар ва бошқа тўловларни тўловчиларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектларини ҳисобга олишнинг тўлақонли базасини яратиш;
- ягона телекоммуникация тизимини яратиш;
- ташкилий ва кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш ва кучайтириш;
- меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, солиқларни йиғиш ва мажбурий тарзда ундириш функцияларини бирлаштириш;
- белгиланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ бюджетга тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш;

- солиқ тизимининг унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, салбий таъсир ва хатар даражасини пасайтириш;
- ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришига хуфия иқтисодиётнинг роли ва таъсирини камайтириш.

Ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси қуйидаги функцияларни бажаради.

1. Қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, солиқлар тўғри ҳисобланган, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширади, ана шу мақсадда:

- солиқ солишнинг субъектлари ва объектларини, ҳисоблаб ёзилган ва тўланган солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, қонун билан белгиланган жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашга доир;
- солиқ қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритишга доир;
- юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни рўйхатга олиш (идентификация) рақамларини берган ҳолда солиқ тўловчилар сифатида уларни ҳисобга қўйиш ҳақида ҳужжатларни беришга доир;
- солиқлар тушишини таъминлаш ишида топшириқларни бажариш натижаларини таҳлил қилишга доир;
- жисмоний шахслар даромадларини ялпи декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишга доир;
- хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини солиқлар ёрдамида тартибга солиш чораларини ишлаб чиқишга, ҳукуматлараро би-

тимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва тузишга, солиқ сиёсатини, шунингдек икки томонлама солиқ солишни бартараф этиш бўйича битимларни мувофиқлаштиришга доир;

- муддатида тўланмаган солиқларни ундиришга, мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, хазиналарни, шунингдек мерос қолдириш ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш устидан назорат қилишга доир ишларни ташкил этади.

2. Ягона умумдавлат солиқ сиёсатини амалга оширишда иштирок этади, ана шу мақсадда:

- солиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича услубий ишларни олиб боради;
- Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирлик ҳамда идоралари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш учун мажбурий бўлган солиқ қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни белгиланган тартибда эълон қилади;
- бюджетга солиқлар тушиши прогнозини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар шаклларини ишлаб чиқади;
- солиқ қонун ҳужжатлари бўйича меъёрий ҳужжатлар тўпламларини тайёрлайди ва нашр этади, ўз қўл остидаги органларни қонун ва йўриқномавий материаллар, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш шакллари билан таъминлаш бўйича чоралар кўради.

3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилади, солиқ солиш ва солиқ қонун ҳужжатларини бузиш масалаларига доир шикоят ва

аризаларни белгиланган тартибда куриб чиқади, ана шу мақсадда:

- солиқ қонун ҳужжатлари масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказилишини;
- солиқ қонун ҳужжатлари тўғрисидаги ахборотни нашр этиш, кўпайтириш ва қўл остидаги ташкилотларга етказиш учун сервис марказлар фаолиятини, солиқ тўловчиларни солиқларни тўғри ҳисоблаш, ҳисобот ва декларацияларни тақдим этишга ўргатишни, шунингдек консультация хизматлари кўрсатишни ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонун ҳужжатлари қўлланиши амалиётини ҳисобга олиб, давлат солиқ хизмати органлари ишининг устун йўналишларини белгилайди, улар фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда киритади.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда солиққа доир ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

6. Солиқ қонун ҳужжатларини бузишлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текширади.

7. Хизмат вазифаларини бажараётганида давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари фаолиятининг хавфсизлигини таъминлайди.

8. Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишига доир ишларни ташкил этади.

9. Қўл остидаги бўлинмалар фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

10. Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ишини ташкил этади, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни йўлга қўяди, ана шу мақсадда давлат солиқ хизмати органлари идораларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича марказлар ташкил этади.

11. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари лавозимларининг малака тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациялашни, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар берилишини амалга оширади.

12. Давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарали бўлишини кўзлаб:

- солиқ ахборотини қабул қилиш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлашнинг энг сермеҳнат жараёнларини автоматлаштириш мақсадида солиқ тушумлари, барча солиқ тўловчилар — юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларга ишлов беришнинг ягона компьютер тизимини яратади ва ундан фойдаланади, солиқ тўловчилар — юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;
- давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техника таъминотини, материаллар ва ускуналарга ажратилган фондлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;
- давлат солиқ хизмати органларининг ижтимоий ривожланиш ва моддий-техника таъминоти махсус фондини тўғри шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш устидан назорат қилади;
- солиқлар ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олишнинг ягона компьютер тизимини яратиш, давлат солиқ хизмати органларини моддий-техникавий

таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади ва хорижий солиқ органлари билан ҳамкорликни ривожлантиради.

13. Юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштиради, назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолияти текширилиши ва тафтиш қилишини тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритади.

Қонун ҳужжатларида бошқа функциялар ҳам кўзда тутилган.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

1) солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан солиқ тўловчи билан боғланган субъектларнинг муқобил тусдаги) молия ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режа, сметалари, даромадлар тўғрисидаги декларациялари ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларни топшириш, текширишларда пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотнома ва ахборотлар олиш;

2) юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчилар фаолиятига тааллуқли маълумотномалар, ахборотлар, ҳужжатлар ва улардан кўчирма нусхалар олиш;

3) белгиланган тартибда:

- солиқ қонун ҳужжатларини бузишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахслардан даромад (фойда) ва солиқ солишнинг бошқа объектлари яширилганидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек ҳуқуқбузарлик ашёларини;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузган жисмоний шахслардан кейинча-

лик мазкур фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берган органларга ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни берган ҳолда лицензиялар, патентлар ёки рўйхат гувоҳномаларини олиб қўйиш;

4) кассалар ва товар-моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаш, товарлар, маҳсулотлар, хом ашё материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш ҳамда уларни таҳлил, тадқиқ ва экспертиза қилиш учун юбориш;

5) савдо-сотиқ, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;

6) юридик (шу жумладан алоҳида иш режимига эга корхоналар) ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки жойлашган еридан қатъи назар солиқ солиш объектларини тутиб туриш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омбор, савдо ёки бошқа бинолари ҳамда жойларини текшириш, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг назорат ўлчовларини амалга ошириш ҳамда товар-моддий бойликларни инвентарлаш. Солиқ текширувини амалга ошираётган солиқ хизматининг мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборот (шу жумладан солиқ тўловчининг харажатлари тўғрисидаги ахборот) асосида ёки бошқа шу сингари солиқ тўловчиларга ўхшатиб солиқ суммаларини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга;

7) юридик ва жисмоний шахслардан аниқланган қонунбузарликларни бартараф этишни талаб қилиш;

8) улар ҳужжатлар асосида (саноқ) текширувни ўтказишдан ёки давлат солиқ хизматининг мансабдор шахсларини даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиқ солиш объектини тутиб туриш билан боғланган бинолар ва жойларни тек-

шириш учун киритишдан бош тортган, давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тақдим этмаган (ёки бундан бош тортган) ҳолларда юридик шахсларнинг, шунингдек қонунларда кўзда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

- солиққа доир ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ва маъмурий жазо чоралари қўллаш;

10) солиққа доир ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар ва тартибда мусодара қилиш;

11) солиқлар бўйича боқимандаларни, шунингдек жарима санкциялари суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз тартибда ундириш;

12) қонунга хилоф равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғаб судга мурожаат қилиш;

13) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш ва тафтиш қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилувчи органлар ўтказаётган хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларни тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

14) даромад (фойда)ни ёки солиқ солиш бошқа объектларини яшириш фактлари аниқланганда суриштирув ўтказиш, жиноий иш қўзғаш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тергов органларига топшириш.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга. Давлат солиқ хизмати органларининг 1-7-бандларда кўзда тутилган ҳуқуқлари давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига, 8-14-бандларда кўзда тутилган ҳуқуқлар эса фақат давлат солиқ хизмати органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади. Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумотнома бериш ва бошқа ташкилотлари томонидан солиқ тўловчилар тўғрисида маълумотларни берганлик учун хизмат (иш) ҳақи тўлашдан озод этилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўзларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига ёрдам бериши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ўзаро келишиш бўйича белгиланган тартибда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мавжуд материаллар ва уларни бартараф этиш бобида кўрилган чоралар, ўтказилган текширишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа хил маълумот билан алмашинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати ўз ваколати доирасида солиқ солишнинг субъектлари ва объектлари, солиқ базасини белгилаш, солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушунтириш билан боғлиқ масалалар бўйича умумий мажбурий тусда қабул қиладиган меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олиниши ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Давлат бошқаруви вазифаларининг мураккаблашуви ва солиқ органлари тизими фаолиятининг самарадорлигига нисбатан талабнинг оширилиши Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 14-сон Қарори қабул қилинишини шартлади, тўпланган тажриба ва халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда уларда республика солиқ органларининг функционал таркибини барпо этишнинг асосий қоидалари ва фаолият кўрсатишнинг умумий ҳуқуқий механизми белгиланди. Солиқ органлари функционал таркибининг такомиллаштирилиши аввало солиқ тизимининг ҳуқуқий майдонида солиқ органлари ва улар таркибий бўлинмаларининг объектив зарур мақсадлари, вазифа ва функцияларини аниқлашда ифодаланади.

Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг таркиби Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 14-сон қарорига мувофиқ қуйидаги кўринишга эгадир:

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИНИНГ ТАРКИБИ

Давлат солиқ қўмитасининг раиси

1. Котибият
2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш бўйича махсус назорат-тафтиш бошқармаси
3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси
4. Ишлаб чиқаришнинг хуфия ҳажмларини аниқлаш бўйича бошқармаси
5. Биринчи бўлим
6. Матбуот хизмати
7. Ҳуқуқ бўлими
8. Хўжалик ҳисобидаги янги технологиялар илмий-ахборот маркази

Раиснинг биринчи ўринбосари

9. Солиқлар тушумлари ҳисоби, таҳлили ва солиқ статистикаси бошқармаси
10. Солиқ органларини ахборот билан таъминлаш ва компьютерлаштириш бошқармаси:
11. Молия, бухгалтерия ҳисоби ва моддий-техника таъминоти департаменти

11.1. Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бошқармаси

11.2. Моддий-техника таъминоти бошқармаси

11.3. Ишлар бошқармаси

12. Юридик шахсларни солиққа тортиш бошқармаси:
12.1. Бевосита солиқлар бошқармаси
12.2. Билвосита солиқлар бошқармаси
12.3. Мулкий солиқлар ва юридик шахсларнинг минтақавий бўлимлари билан ишлаш бошқармаси
13. Солиқ ислоҳотини ривожлантириш ва солиқ низоларини кўриб чиқиш департаменти:
13.1. Солиқ ислоҳотларини ривожлантириш бошқармаси
13.2. Солиқ низоларини кўриб чиқиш ва даъво ишлари бошқармаси

Раис ўринбосари

14. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, табиий ресурслар ва бошқа даромадларга солинадиган солиқлар департаменти:
14.1. Даромад солиғи ва хусусий тадбиркорларнинг даромадларини солиққа тортиш бошқармаси
14.2. Маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва бошқа даромадлар бошқармаси
14.3. Табиий ресурсларга солинадиган солиқлар бошқармаси
15. Валюта ва экспорт-импорт операциялари устидан назорат қилиш бош бошқармаси:
15.1. Валюта операциялари устидан назорат қилиш бошқармаси
15.2. Экспорт-импорт операциялари устидан назорат қилиш бошқармаси
15.3. Статистика ҳамда валюта ва экспорт-импорт операциялари амалга оширилишининг боришини таҳлил қилиш бошқармаси
16. Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва халқаро муносабатлар бўлими

Раис ўринбосари

17 Назорат-тафтиш ишлари бош бошқармаси:
17.1. Тафтиш ишлари бошқармаси
17.2. Савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бошқармаси
17.3. Махсус ишлар бошқармаси
18. Хавфсизлик хизмати
19. Навбатчи қисм

Раис ўринбосари

20. Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бошқармаси

Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри Давлат солиқ бош бошқармасининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи

1. Котибият
2. Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими
3. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш бўйича махсус назорат-тафтиш бўлими
4. Назорат қилувчи органларни мувофиқлаштириш бўлими
5. Биринчи бўлим
6. Ҳуқуқ бўлими

Бошлиқнинг биринчи ўринбосари

7. Ҳисоб, таҳлил ва статистика бўлими
8. Услубият ва даъволар иши бўлими
9. Валюта назорати бўлими
10. Боқимандани мажбурий тарзда ундириш бошқармаси
11. Компьютер маркази
12. Сервис маркази
13. Молия, бухгалтерия ҳисоби ва моддий-техника таъминоти бошқармаси

Бошлиқ ўринбосари

14. Юридик шахсларни солиққа тортиш бошқармаси
15. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, табиий ресурсларга ва бошқа даромадларга солинадиган солиқлар бошқармаси

Бошлиқ ўринбосари

16. Назорат-тафтиш ва махсус ишлар бошқармаси

Бошлиқнинг режим бўйича ўринбосари

17. Ўз хавфсизлиги бўлими
18. Навбатчи қисм

Вилоят давлат солиқ бошқармасининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

1. Ёрдамчи
2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш бўйича махсус назорат-тафтиш бўлими
3. Назорат қилувчи органларни мувофиқлаштириш бўлими
4. Биринчи бўлим
5. Ҳуқуқ бўлими
6. Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими
7. Молия, бухгалтерия ҳисоби ва моддий-техника таъминоти бўлими

Бошлиқнинг биринчи ўринбосари

8. Ҳисоб, таҳлил ва статистика бўлими
9. Валюта назорати бўлими
10. Боқимандани мажбурий тарзда ундириш бўлими
11. Компьютер маркази
12. Сервис маркази

Бошлиқ ўринбосари

13. Юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими
14. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва бошқа даромадлар бўлими
15. Табиий ресурсларга солинадиган солиқлар бўлими

Бошлиқ ўринбосари

16. Назорат-тафтиш ишлари бўлими
17. Махсус ишлар бўлими
18. Савдо ва хизматлар соҳаси устидан назорат қилиш бўлими

Бошлиқнинг режим бўйича ўринбосари

19. Ўз хавфсизлиги бўлими
20. Навбатчи қисм

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман Давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

1. Бухгалтерия
2. Махсус назорат-тафтиш бўлими
3. Савдо ва хизматлар соҳасини назорат қилиш бўлими

Бошлиқ ўринбосари

4. Юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими
5. Тушумларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларни қабул қилиш бўлими
6. Ахборот билан таъминлаш сектори

Бошлиқ ўринбосари

7. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, табиий ресурсларга ва бошқа даромадларга солинадиган солиқлар бўлими

7.1. Участка инспекторлари билан ишлаш сектори

Давлат солиқ қўмитасининг раиси қўмита марказий маҳкамасининг тасдиқланган тузилмасига белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 14-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорининг 3-банди). Шу муносабат билан Давлат солиқ қўмитаси фаолияти жараёнида ДСҚ марказий маҳкамаси бошқаруви таркибига белгиланган ходимлар штати доирасида муайян тузатишлар киритилди.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш пайтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланади. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ қонунчилигига риоя этиш хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар ижро этилиши учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига ҳеч кимнинг аралашишга ҳаққи йўқ. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, уларнинг шаъни ва ор-номусини ҳақоратлаш, улар хизмат бурчларини бажараётганларида қаршилик кўрсатиш, таҳдид солиш, зўравонлик қилиш ва уларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида кўрсатилган жавобгарликка олиб келади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бош бошқармаларининг, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бош бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқлари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғига биноан тайинланади.

10-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида санаб ўтилмаган давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари солиқ хизмати тегишли органининг раҳбари томонидан тайинланади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига улар эгаллаб турган мансаблар ва иш стажига мувофиқ қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси;

- солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали инспектори;
- солиқ хизматининг II даражали инспектори;
- солиқ хизматининг III даражали инспектори;
- солиқ хизмати инспектори.

Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасида солиқ органларини барпо этиш тарихи тўғрисида тасаввур беринг.
2. Мустақил давлат тузилмаси сифатида солиқ органларининг ташкил этилган санаси деб ҳисоблаш мумкин бўлган санани айтинг.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақомини белгилайдиган асосий ҳужжатларнинг мазмунини очиб беринг.
4. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?
5. Давлат солиқ хизмати органлари ўз ишида амал қиладиган қонун ҳужжатларини таърифлаб беринг.
6. Давлат солиқ хизмати органлари олдида турган асосий вазифаларни санаб беринг.
7. Давлат солиқ қўмитасининг функциялари тўғрисида ҳикоя қилинг.
8. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқларини айтинг.

3.2. Республика давлат солиқ хизмати таркибини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш

Солиқ органларининг ташкилий таркиби самарали бошқаришни ва уларнинг унумдорлигини оширишга йўналтирилган муассасавий (институцион)

ўзгаришларни жорий қилиш имкониятини таъминлаши керак. Бугунги кунда давлат солиқ органлари тўқнаш келаётган асосий муаммолар иш билан мувозанатга тўғри келмаган даражада банд бўлиш, ишга оид топшириқларнинг такрорланиши, чўзилиб кетган русумқоидалар ва уларни таъминлаш учун зарур воситаларнинг етишмаслигидир. Муассасавий ўзгартишларни жорий этиш учун солиқ органлари олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- ДСҚ марказий маҳкамаси даражасида ҳозирги ташкилий таркибнинг ўзаро боғлиқлиги ва барқарорлигини энг муҳим раҳбарлик лавозимлари томонидан амалга ошириладиган бошқарувни яхшилаш ва ислоҳотларни ўтказишда қатъиятли бўлган юқори малакали раҳбарларни тайинлаш йўли билан ошириш;
- марказий маҳкамада энг муҳим вазифаларни ғоятда аҳамиятли бурчларнинг келишилган мажмуалари атрофида гуруҳлаштириш ва уларнинг хизмат бўйича ҳаракатини ишнинг натижадорлигига боғлаш. Энг муҳим раҳбарлар гуруҳи ислоҳотларни бошқариш командасининг ўзаги бўлиши керак;
- амал қилаётган механизмларни таҳлил қилиш асосида русум-қоидаларни соддалаштириш ва ортиқчаларини бекор қилиш йўли билан зарур ташкилий яхшилашларни белгилаш;
- якка тартибдаги иш юкини қобилиятлар ва ихтисослашишга мувофиқ равишда мутаносиб тақсимлаш йўли билан масъулиятни ошириш;
- янгиликларни ва меҳнат унумдорлигини рағбатлантириш учун манфаатдорлик таркибини қайтадан кўриб чиқиш;
- хизмат вазифаларини Давлат солиқ қўмитаси бўлинмалари билан унинг ҳудудий органлари ўртасида тақсимлашни аниқ чегаралаш;

- вертикал ва горизонтал бошқариладиган таркибни барпо этиш;
- савдо корхоналари, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва бозорларда тезкор текширувлар ва рейдларни сифатли ўтказиш учун давлат солиқ хизматининг барча органларида тезкор гуруҳлар барпо этилишини назарда тутиш;
- тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда участка инспекторлари фаолиятининг иш юритиш тартибини охиригача ишлаш;
- жойлардаги солиқ хизмати органларининг таркибини бирхилликка келтириб, ягона вертикал ва горизонтал бўйсуниш билан бирга функцияларни аниқ чегаралаш;
- 2002 йилда жисмоний шахслар томонидан декларацияларни топшириш жорий этилишига тайёргарлик кўрилиши муносабати билан республика солиқ хизмати ходимларининг мақбул сонини белгилаш масаласини ишлаб чиқиш.

Жаҳон амалиётида давлатда солиқ инспекторларининг талаб қилинадиган миқдорини белгилаб берадиган етти омил мавжуд, булар: ҳудуднинг жуғрофий ҳолатига, ҳажмига, солиқ тўловчилар миқдорига, иқтисодиёт ҳолатига, компьютерлаштириш даражасига, аҳолининг маълумот даражасига ва ҳоказоларга боғлиқлик. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, солиққа оид қонунларни ҳаётга самарали татбиқ этиш имконини берадиган солиқ хизмати ходимлари миқдори тахминан 1000 кишига бир ходим нисбатни ташкил этиши керак. Бинобарин, солиқ хизмати инспекторларининг мақбул миқдорини шакллантириш чоғида республиканинг турли минтақаларида барча мавжуд омилларни ҳисобга олиш зарур.

Бундан кейин солиқ органларининг айрим хизматларига тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш ва

дастлабки терговни ўтказиш ҳуқуқларини бериш масаласини ҳам ишлаб чиқиш лозим, бу эса солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларни очиш самарадорлигини кўтариш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг ҳуфия ҳажмларини, солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган шахсларни аниқлашни соддалаштириш имконини беради.

Юқорида айтилган тадбирлар республика солиқ органлари ишининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

3.3. Республика давлат солиқ органларида бюджетга тўловлар тушумини прогноз қилиш тизими

Бюджетга тушумларнинг самарали назоратини уларни аниқ прогнозлашсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу муносабат билан давлат солиқ органлари тизимида бюджетга тўловлар тушумини прогноз қилишнинг асосий қоидаларига қуйидагилар киритилган:

- умуман ва ҳудудлар бўйича асосий даромад турларига доир йиллик тушумларни прогноз қилиш;
- асосий даромад турлари бўйича ойларга бўлган ҳолда чораклик тушумларни прогноз қилиш;
- прогноз ҳисоб-китоблари билан белгиланган даромадларни жалб этиш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқ органларининг солиқ тўловчиларга фаол таъсири, Ўзбекистон солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар ва мажбурий тўловлар йиғишни таъминлаш.

Даромадлар прогнози қуйидагилар асосида тузилади:

- ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш асосий йўналишларининг таҳлили;

- даромадларнинг ҳар бир тури, имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ёзилган тўловлар суммалари бўйича солиқ тўловчиларнинг миқдори ҳақида ҳисоб ахбороти;
- амалдаги солиқ ставкалари ва мажбурий тўловлар ставкалари;
- прогноз қилинаётган даврда амалга киритиш мўлжалланган янги қонун ҳужжатлари;
- келиб тушишда белгиловчи аҳамият касб этадиган, айрим корхоналарнинг прогноз ҳисоб-китоблари;
- тегишли даражадаги даромад ҳисоб-китоблари;
- тўловларни ёки ўтиш тўловларини тўлаш муддатлари;
- ҳисоботга доир статистика маълумотлари;
- ҳисобот даври учун ва давр тугашига қадар кутиладиган тушумлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қарз ва ортиқча тўлаш қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;
- инфляция, прогноз қилинаётган даврда сўмнинг АҚШ доллари ва ЕВРОга нисбатан курси индекси;
- улар бажарилишини таъминлаш учун бюджет вазифалари ҳисоби.

3.4. Республикада солиққа оид нотўловларни такроран таркиблаш бўйича тадбирларни амалга ошириш

Бюджетга тўловлар бўйича қарз даражасини пасайтириш солиқ органларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Солиқ ва улар бўйича ҳисоблаб ёзилган пеня ва жарималар бўйича қарз каттагина суммаларга етади, бу эса корхоналарнинг молиявий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини камайтиради,

жарима ва пенялар ҳисобига қарзнинг янада ўсишига олиб келади ва амалда корхонага оғир молиявий ҳолатдан чиқиш ҳамда солиқ органлари билан бирор вақт ҳисоб-китоб қилиш учун илинжини қолдирмайди. Шу муносабат билан муайян чоралар кўрилади, улар қуйидаги тадбирлар орқали умуман республика бўйича қарзлар даражасини пасайтириш ва корхона раҳбарларининг масъулиятини ошириш имконини беради:

- корхона ва ташкилотларнинг боқимандасини қарздор корхонанинг мол-мулки, валюта ҳисобварақлари маблағлари ва ҳоказолардан ундириш бўйича қонунларда белгиланган ҳуқуқлар оғишмай бажарилишини таъминлаш;
- аниқ вазиятни таҳлил қилиш асосида солиқ тўловчилардан мажбурий тарзда ундиришнинг энг самарали стратегияларини ишлаб чиқиш;
- қарздорлар билан ишлаш (қарздорлар рўйхатларини тузиш, солиқ қонунчилигини бузишларни текшириш ва таҳлил қилиш);
- барча мавжуд юридик механизмлардан фойдаланиш;
- мажбурий тарзда ундириш билан бошқарувни амалга ошириш учун муайян русум-қоидаларни амалга ошириш;
- молия ва солиқ органлари томонидан жойларнинг ўзида солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг қўшма таҳлилларини мунтазам ўтказиш ва қилинган иш натижаларига кўра ушбу корхоналарнинг молиявий мавқеини барқарорлаштириш бўйича чоралар кўриш учун маҳаллий ҳокимият органларига аниқ таклифлар киритиш;
- корхона ва ташкилотларнинг валюта ҳисобварағида мавжуд бўлган эркин валюта маблағларини сотиш ҳисобига бюджет олдидаги қарзни узиш бўйича чора-тадбирларни кенг қўллаш;

- хўжалик юритувчи субъектларда боқиманда такроран ҳосил бўлганда, бюджетга солиқлар боқимандасини тўлашга доир муддатлар кечиктирилганидан ва бўлиб-бўлиб тўланганидан кейин солиқ органлари томонидан Иқтисодий ночорлик тўғрисидаги ишлар қўмитасига банкротлик русум-қоидаларини ўтказиш учун материалларни юбориш.

4-боб.
БЮДЖЕТГА СОЛИҚ ТЎЛАШ СИЁСАТИ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

4.1. Бозор иқтисодиётида давлатнинг асосий функциялари

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодий тизим бўлиб, унда бозор механизми давлатнинг хўжалик жараёнларини тартибга солиши билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Президент И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиёт йўлидан» китобида таъкидлаганидан: «бозор сари борилган сайин иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий равишда ўзгаради. Давлат, унинг ҳокимиятни бошқариш тузилмалари хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашишни йиғиштиришлари керак». Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш кенг маълум воситалар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати ёрдамида амалга оширилади.

Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг яшаш салоҳиятини, айниқса устувор тармоқларни қўллаб-қувватлаш шарт, бунда у уларга нархларни тартибга солиш, имтиёзли солиқ солишни қўллаш ва ҳоказолар йўли билан реал ёрдам кўрсатади.

Бозор механизми эркин танлаш, рақобат ва нархлар тизими орқали ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатларини шундай бирлаштириш имконини беради ки, улар бир-бирларига кўз тиккан ҳолда келишиб ҳаракат қилишга мажбур бўладилар. У фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиради, бу эса харажатларни камайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, таклиф

қилинаётган товарлар ва хизматлар ассортиментини кенгайтиришга олиб келади. Бозор механизми иқтисодий ресурсларни оқилона тақсимлаш ва ишлатиш мақсадида инвестиция оқимларини йўллаб туради ҳамда рағбатлантиради, бунда товар ишлаб чиқарувчилар рақобатининг қаттиққўл жараёни товар ва хизматларни бозордаги мувозанат нархларида ишлаб чиқариш ва сотишга қодир бўлган шахсларни майдонга чиқаради. Бу жараён объектив равишда, юқоридан кўрсатмалар кутмасдан амалга оширилади. Бироқ бозор ўз функцияларини самарали бажара олиши учун иқтисодий муносабатлар бир талай қатнашчиларининг бозорга эркин кириш ва ундан эркин чиқиши, улар ҳар бирининг тўлиқ ҳажмда тижорат ахбороти билан таъминланиши, барча ресурс турларининг мутлақ ҳаракатчанлиги, талаб — нарх — таклиф занжири бўйича нарх белгилаш, инфляция, ишсизлик ва яккаҳокимлик бўлмаслиги тақозо этилади. Санаб ўтилган омиллар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмагани туфайли давлат томонидан бошқаришга зарурат пайдо бўлади.

Давлат, одатда, ўз зиммасига қуйидаги функциялар бажарилишини олади.

1. Бозор тизимини сақлаш: ҳукумат рақобатни рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга қаратилган рақобат сиёсатини ўтказади; бу ҳолда у бозорни ҳимоя қилиб, хўжалик фаолияти қоидаларини белгилайди, ишлаб чиқарувчиларни бозордаги шароит ва иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди, хўжалик низоларини кўришда ҳакам бўлади.

2. Ижтимоий неъматларни, яъни бўлган эҳтиёжлар талабда мужассамланмайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини **таъминлаш**. Бу нарса қуйидаги шартларга жавоб берадиган товарларга тааллуқлидир: а) улар аҳолига зарур, лекин хусусий сектор томонидан етарли миқдорда яратилмайди; б) агар

истеъмолчи унинг учун пул тўлашдан қатъи назар ушбу товарни олишини билса, зарур товарга талаб тақдим этилмайди; в) мазкур товар ушбу истеъмолчига бошқа ҳар қандай истеъмолчига келиб тушадиган миқдорда келиб тушиши керак; г) товар ёки хизмат биргаликда истеъмол қилиниши керак; д) якка тартибдаги истеъмол ҳажми ўртача жами ҳажмга тенг бўлиши керак (ҳар бир киши барча истеъмол қиладиган ҳажмда товарни истеъмол қилади). Бундай ижтимоий неъматларга миллий мудофаа, давлат бошқаруви, тартибни муҳофаза қилиш, жамоат мактаблари, ягона энергетика тизими, фундаментал фан, давлат солиқни сақлаш тизими ва ҳоказолар киради.

3. Атроф муҳитни, хусусан хўжалик фаолиятининг зарарли қўшимча оқибатларидан **муҳофаза қилиш**. Бозор механизми корхонага ва инсонга етказилган зарар, тутундан ифлосланиш, шовқин-сурон, чиқиндилар ва ҳоказо зарарлар учун тадбиркорни ҳақ тўлашга мажбур этадиган тизимни яратмади. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи истеъмол қилинган маҳсулот ўров қоғозлари, пакетлар ва ҳоказоларини йўқ қилиш ва улардан тозалаш механизми ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун зарарли қўшимча (бозор тизимидан ташқарида юз берадиган) оқибатларнинг таъсирини чеклаш вазифаси ҳукумат зиммасига тушади.

4. Даромадларни қайта тақсимлаш. Давлатнинг ушбу функцияси даромадларни тақсимлаш, аҳоли даромадларининг даражаларини тенглаштириш, жамиятнинг кам таъминланган қатламларини (ишсизлар, меҳнатга ноқобиллар, пенсионерлар ва ҳ.к.) қўллаб-қувватлаш билан боғланган. Иқтисодиётга давлат аралашувининг ҳатто энг ашаддий мухолифлари ҳам кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, аҳолининг энг кўп ҳимояланмаган қатламларига ёрдам бериш, жамиятни бойлар ва камбағалларга ажратадиган тенгсизликни юмшатиш,

минимал яшаш миқдорини таъминлаш учун ижтимоий қайта тақсимлаш сиёсатининг объектив жиҳатдан зарурлигини эътироф этадилар.

5. Иқтисодиётни барқарорлаштириш. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши циклик тусга эга: юксалиш даврлари тушкунлик даврлари билан алмашганда амалий фаоллик кучаяди ва камаяди. Агар бу ўзгаришлар кучайса, бутун аҳоли азият чекадиган ишсизлик ва пулнинг қадрсизланиши кўзга ташланади. Шу сабабли макроиқтисодий нобарқарорликни бартараф этиш давлат барқарорлаштириш сиёсатининг асосий вазифаси ҳисобланади. Унга иқтисодий цикларни юмшатиш, ишсизлик ва пул қадрсизланишига қарши кураш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш киради.

Ўз функцияларини бажариш мақсадида давлат қуйидагилардан фойдаланади:

а) хўжаликка оид қонун ҳужжатлари;
б) пул чиқариш (эмиссия қилиш);
в) солиқ солиш;
г) товар ва хизматлар хариди;
д) транспорт тўловлари;
е) субсидиялар (дотациялар, кредит);
ж) ишонтиришлар;
з) давлат тадбиркорлиги ва ҳоказолар.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг функция ва воситалари эркин тадбиркорлик тизимининг давлат томонидан тартибга солиниш чегараларини белгилайди.

Назорат саволлари:

1. Бозор фаолият кўрсатишининг асосий шартларини санаб беринг.
2. Бозор муносабатлари жараёнида хўжалик механизмларининг давлат томонидан тартибга солинишида унинг ролини очиб беринг.

3. Бозорни тартибга солиш чоғида давлатнинг асосий функцияларини таърифланг ва у фойдаланадиган воситаларни санаб беринг.

4. Бозорни барқарорлаштириш учун давлат томонидан фойдаланиладиган воситаларни айтинг.

5. Нима учун давлат ўз зиммасига даромадларни тақсимлаш функциясини олганини тушунтириб беринг.

4.2. Давлатнинг қайта тақсимлаш сиёсати

Давлат функциялари тизимида қайта тақсимлаш сиёсатига алоҳида аҳамият берилади. Бозор механизми адолатли тақсимлашнинг фақат битта усулини эътироф этади: даромад ер, меҳнат, сармоя ишлаб чиқаришига қўйилмалардан олинадиган самарага мувофиқ келиши керак. Бозорнинг тақсимлаш механизми истеъмолчиларнинг имкониятлари, заруратлари ёки хусусиятларига эътибор бермайди. У фақат тўловга қобилликни эътироф этади: товарга унга ҳақ тўлай оладиган шахс эга бўлади. Хўш, ишлаб чиқаришдан даромад олмайдиганлар (кексалар, болалар, ногиронлар ва ҳоказолар), турли сабабларга кўра ушбу пайтда ўз кучини фойда олишга сарфлашга қобил бўлмаганлар (ишсизлар, банкрот бўлган тадбиркорлар ва ҳоказолар) нима қилсинлар? Бозор механизми бунга шундай деб жавоб беради: жамғарма тўлаш керак эди, бунга улгурмадингизми ёки кечикдингизми — хайр — эҳсонлардан умидвор бўлинг. Бозор механизмида азалдан жамиятни бойлар ва камбағалларга ажратувчи омиллар мавжуд. Бунинг қуйидаги сабабларини айтиб ўтамиз.

1. Қобилиятлардаги тафовутлар: кишининг ақлий, жисмоний, эстетик ва бошқа қобилиятлари қанча юқори бўлса, унинг фаолияти шунча кўп даромад келтиради (ва аксинча).

2. Маълумот ва таҳсил: киши олган билимлар, кўникмалар қанча яхши ва сифатли бўлса, уларни қўллаш ва кўпроқ шахсий даромад олиш имкониятлари шунча кенг бўлади (ва аксинча).

3. Касб-корга оид дид ва таваккал: ҳолдан тойдирадиган, сермеҳнат ёки ҳаёт учун хавфли ишга юқори ҳақ тўланади. Тадбиркорнинг ақлий меҳнати ва таваккали ҳам юқори баҳоланади. Гарчи тадбиркорлар кўпчилиги муваффақиятсизликка учрасада, омади келган ва янги товар ёки хизмат турини қўллайдиган тадбиркорлар, барибир, юқори даромад олишга эришадилар.

4. Мулкка эгалик ҳам даромад келтиради, лекин мулкдорлар ўртасида анчагина тенгсизлик мавжуд. Айни мулкдан олинган даромад мулкий тенгсизлик тизимида мавқени белгилайди. Мерос қилиш ҳуқуқи мулкка эгаликдаги тенгсизликни ва бинобарин, даромадлар тенгсизлигини кучайтиради.

5. Бозордаги монопол ҳокимлик ва бунинг натижасида ўз манфаатларини деб нархларни сунъий равишда бошқаришнинг пайдо бўлиши даромадлар тенгсизлигини тўлдиришга ва кучайтиришга қодир. Кўпинча бундай чораларни иш кучининг уюшган ва мононол «сотувчилари» сифатида касаба уюшмалари кўради. Патент ва лицензиялар тизими ҳам бозорни монополлаштиришга имкон яратади.

6. Омад, алоқалар, бахтсизлик ва меҳнатда камситишлар. Баъзан юқори даромадлар омад, фойдали алоқалар ва ҳолатларнинг бахтли мос тушишининг натижаси бўлади. Шу билан бирга баъзи кишиларнинг яшаш жойи ёки фаолият соҳасини ўзгартирмасликка мойиллиги уларни бошқа жойда ёки бошқа корхонада катта даромад олиш имкониятидан маҳрум қилиши мумкин. Меҳнатда камситиш — ишга ёллаш, ҳақ тўлаш ёки хизматда кўтарилишда меҳнат қилиш қобилиятлари ва маҳоратига ҳеч ҳам боғлиқ

бўлмаган ҳолда баъзи кишиларни бошқаларга нисбатан афзал кўришдир. Иқтисодий аҳволга таъсир кўрсатувчи кўплаб ҳолларни, жумладан, узоқ давом этган касалликлар, фалокатлар, табиий офатлар, ишсизлик ва ҳоказоларни ҳам эътибордан соқит қилиш керак эмас. Бундай бахтсизликлар юки жамиятга бир текисда тушмайди ва бу билан даромадлардаги тенгсизликни кучайтиришга имкон яратади. Шуни таъкидлаш лозимки, бозор тақсимоти бюджет соҳасида банд бўлганларга унчалик таъсир қилмайди. Улар ўз даромадларини даромадларни тақсимлаш ёки солиқ тўловчилар ҳисобига оладилар.

Агар бозор тақсимоти кишининг биринчи ва асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини, аниқроқ қилиб айтганда, ишлаб чиқариш омиллари ва уларни қўллаш усулларидан қатъи назар, нормал яшашни (ёки ҳаётий фаолиятни) таъминлайдиган даромад олинишини кафолатлаганда, ушбу муаммо катта эътиборни талаб қилмас эди. Албатта, бундай тизимга қарши чиқувчи сиёсий кучлар пайдо бўлади, зеро бу тизим иқтисодий самарали бўлганида ҳам, кишининг яшаш, меҳнат ва ҳақ тўланадиган таътилга бўлган ҳуқуқини кафолатламайди, адолатли эркин бозор билан умуминсоний маънодаги адолат ўртасидаги зиддиятни бартараф қила олмайди.

Инсоний нуқтаи назардан олганда бундай тақсимлаш принципи ўзгариш ва тартибга солишга эҳтиёж сезади. Тартибга солувчилик ва даромадни қайта тақсимлаш вазифасини давлат ўз зиммасига олади. Ҳар бир давлатда ҳукуматнинг даромадларни тақсимлашга аралашуви ўзига хос хусусиятларга эга, у радикал (Швеция) ёки консерватив (АҚШ) бўлиши мумкин.

Даромадларни қайта тақсимлаш мақсадида давлат одатда қуйидаги чоралардан фойдаланади: трансферт тўловлари, солиқ солиш, нарх белгилаш ва энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш, субсидиялар, до-

тациялар, давлат (имтиёзли) кредити ва ҳоказо. Бу чораларнинг ҳаммаси энг кўп таъминланган фуқароларнинг қаршилигига дуч келади. Ижтимоий тенгсизлик чегаралари ва давлатнинг даромадларни тақсимлашга мақбул тарзда аралашиш даражаси тўғрисида масала пайдо бўлади. Бунда даромадларни самарали ва адолатли қайта тақсимлашда муросага эришиш бу қайта тақсимлашда солиқ тизими ўйнаши керак бўлган ролни белгилаш зарурати пайдо бўлади.

Иқтисодий адабиётда ушбу муаммога икки хил нуқтаи назар мавжуд: биринчиси даромадлар тенг бўлишини, иккинчиси даромадлар тенгсизлигини ҳимоя қилади. Уларнинг ҳар бири билан батафсилроқ танишиб чиқамиз.

Назорат саволлари:

1. Бозор иқтисодиётида даромадни тақсимлаш қоидаларини айтиб беринг.
2. Жамиятнинг бойлар ва камбағалларга бўлиниши сабабларини очиб беринг.
3. Давлатни қайта тақсимлаш сиёсатини юритишга мажбур қиладиган сабаблар тўғрисида ҳикоя қилинг.
4. Даромадлар тўғрисида иқтисодий оқимлардаги асосий нуқтаи назарларни санаб беринг.
5. Даромадларни қайта тақсимлаш мақсадида давлат томонидан қўлланиладиган чоралар тўғрисида нималарни биласиз?

4.3. Давлат бюджети

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий тузуми, шунингдек давлат қурилишини акс эттиради. Мазкур тизим му-

айян давлатни тавсифлайдиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларнинг бутун мажмуи асосида шаклланади.

Иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш қуроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Охир-оқибатда айни у давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларни ҳам, ривожланиш истиқболлари вазифаларини ҳам ҳал этишдаги салоҳиятини белгилайди.

Бюджет уч таркибий қисмдан — харажат, даромад қисмлари ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қоидасига кўра тузилган. Бюджетни шакллантириш аввало унинг харажат қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар қилиши мумкин эмас. Давлат аввало жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур маблағлар ҳажмини белгилаши ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси — солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак.

Мамлакат бюджетининг таркиби аввало унинг давлат қурилишига боғлиқдир. Унитар тузумга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими бамисоли икки қаватли қурилмага — давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга эга бўлади. Федератив тузумга эга бўлган мамлакатларда (АҚШ, ГФР) оралиқ бўғин — штатлар, ўлкалар (вилоятлар) ва уларга мувофиқ маъмурий тузилмаларнинг штатлари мавжуд.

Давлат бюджети пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси (фонди) бўлиб, мамлакат ҳукумати давлат аппарати, қуролли кучларни тутиб ту-

риш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф этади. Ҳозирги шарт-шароитда бюджет давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш, хўжалик конъюнктурасига таъсир кўрсатиш, шунингдек бўҳронга қарши чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир.

Ҳозирги давлат бюджети унинг бутун хилма-хил функцияларини акс эттирадиган мураккаб, кўп кўринишли ҳужжат ҳисобланади. Аввало бюджетда давлат ҳаражатлари ва даромадлари тартиби ўз аксини топади. Ҳаражатлар бюджет қуролларининг сарфланиш йўналишлари ва мақсадларини кўрсатади. Ўз таркибига кўра бюджетнинг харажат моддалари қуйидагиларга бўлинади: давлатни бошқариш ҳаражатлари; ҳарбий харажатлар; ижтимоий-иқтисодий харажатлар; давлатнинг хўжалик қурилиши харажатлари; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш харажатлари.

Харажат моддаларининг аҳамияти жуда муҳим, чунки уларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигига мазкур давлат солиқ тўловчилари зиммасига юклатиладиган солиқ юки боғлиқ бўлади. Бундан шу нарса равшанки, мазкур аниқ даврда амал қиладиган солиқлар тизими (солиқлар миқдори, уларнинг ставкалари, солиқ солинадиган база) давлат бюджетида харажатларнинг қандай моддалари кўзда тутилганига ва уларни қоплаш учун қанча миқдорда молиявий маблағлар зарурлигига тўла равишда боғлиқдир.

Давлат функцияларининг кенгайиши давлат харажатларининг миқёслари тез суръатлар билан кўпайишига олиб келади. Улар ЯММнинг ўсиш суръатларидан анча жадал боради. Масалан, АҚШда давлат харажатлари XX асрда 350 баравардан кўпроқ ошди. 1980-1989 йиллар мобайнидагина федерал бюджет харажатлари икки баравардан кўпроқ ошди (433,5 млрд. АҚШ долларидан 877,2 млрд. АҚШ долларига етди).

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторлари фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ харажатлар давлат харажатларининг энг муҳим моддалари қаторига киради. Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга доир, биринчи навбатда-таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам борган сари кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Маҳаллий бюджетлар давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг харажатлари ҳисобига биринчи навбатда коммунал мулк объектлари, йўллар, мактаблар қурилиши, алоқа воситаларини ривожлантириш, шунингдек уй-жой қурилиши пул билан таъминланади. Маҳаллий ҳокимият органлари бюджетидан маҳаллий маъмурият ва бошқа бюджет муассасаларини тутиб туриш учун ҳам фойдаланилади.

Маҳаллий бюджетлар харажатларида ижтимоий-маданий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш объектларига доир, иқтисодий мувозанатни қўллаб туриш харажатлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Давлат бюджети даромадлари биринчи навбатда марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ундирадиган солиқлардан, давлат заёмлари, шунингдек бюджетдан ташқари ёки мақсадли фондлардан олинувчи тушумлардан иборат бўлади. Бундай фондларни барпо этиш аниқ мақсадлар учун, аввало ижтимоий-иқтисодий тусдаги мақсадларга йирик молия ресурсларини сафарбар этиш зарурати билан шартланган. Улар қаторига ижтимоий суғурта, йўллар қуриш, атроф муҳит муҳофазаси, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва кўпгина бошқа мақсадлар киради. Уларнинг миқдори мунтазам равишда ошиб бормоқда, бунга АҚШ федерал бюджетини мисол қилиб келтириш мумкин, унинг доирасида 800 дан ортиқ ана шундай фондлар мавжуд.

Бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш кўпгина муаммоларга эга бўлиб, уларни ҳал этиш кўп жиҳатдан солиқ тизимининг ҳолатига ҳам боғлиқдир. Солиққа оид қонунларга тез-тез тузатишлар киритиш кўпинча корхоналарнинг молиявий аҳволини оғирлаштириб, ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатади, уни издан чиқаради. Солиқ тўловчиларга ўз фаолиятининг молиявий натижаларини прогнозлаш имконини берадиган барқарор тусдаги қонунлар, аксинча, ишлаб чиқаришнинг барқарор бўлишига, инвестиция фаолиятини ривожлантиришга имкон яратади. Шунинг учун бюджет даромадлари соҳасидаги сиёсат асосига солиқ сиёсатини олдиндан тахмин қилиш, унинг давомийлиги қоидаси қўйилиши керак, бу эса солиқ тизимига унинг негизларини бузмайдиган ва уни такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартишларни киритиш мумкинлигини истисно этмайди.

Миллий даромадни қайта тақсимлаш, мамлакатда янгидан яратилган қийматнинг каттагина қисмини давлат ихтиёрига олиш давлат барча даромадларининг умумий моддий асоси ҳисобланади. Солиқлар, давлат заёмлари, шунингдек бюджетдан ташқари фондлардан тушумлар ана шу қайта тақсимлаш механизмининг энг муҳим таркибий қисмларидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети асосан солиқлар ёрдамида тўпланадиган ҳамда давлат томонидан унинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштирилган фондларидир, у қонун кучига эга, республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш асосий воситаларидан бири бўлган бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети фаолият кўрсатилишининг ташкилий шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети — давлат бюджети;
- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика туман ва шаҳарлари маҳаллий бюджетлари.

Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинлари — давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджет бирлигини Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлиги белгилаб беради.

Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Бюджетнинг яхлитлиги бюджетга доир прогнозлашлар услубияти ва ташкил этилиши бир бутунлигини кафолатлайди.

Бюджетнинг яхлитлиги туфайли республика (давлат) ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган фондини олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор-бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодаланади.

Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган, унда қуйи бюджетларнинг ҳар бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини — умумреспублика бюджети. У умумдавлат тусидаги ва умуман жамият эҳтиёжларини ифодалайдиган тадбирларни молиялаш учун умумдавлат ресурслари бир қисмини бевосита давлат ҳокимиятининг олий ижроия ва фармойиш бериш органи — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасарруфида марказлаштиришни таъминлайди. Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни умумреспублика бюджети орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлардан иборат. Улар ўз фаолиятини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи тасарруфида реал молиявий негиз барпо этади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга ошиradиган чора-тадбирлар билан тўғри солиштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини кўпайтириш ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий резервларини сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, умуман Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой-коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаблар, касалхоналар, мактабгача болалар муассасалари ва ҳ.к.), ижтимоий таъминотга доир тадбирлар ва ҳоказолар молияланади.

Давлат бюджети даромад ва харажатлар баланси шаклида тузилади ҳамда мамлакат бюджети фондини шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш йўналишларини акс эттиради. Шунинг учун хилма-хил алоқаларни акс эттирувчи бюджет кўрсаткичлари айни-равшан белгиланиши умумдавлат миқёсидаги фаол молиявий назорат учун асос яратади.

Давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари ва уни амалда ижро этиш жамиятда иқтисодий ва ижтимоий вазиятни баҳолаш имкониятини бериб, уни ижро этишда шаклланган, муайян бошқарув ва иқтисодий қарорлар қабул қилишни тақозо этадиган, ҳақиқий маълумотларнинг прогноз маълумотларидан тафовутлар тўғрисида огоҳлантиради.

Солиқ тизими республика бюджет тизимининг таркибий қисми бўлиб, давлатда ундириладиган солиқ ва йиғимларнинг, шунингдек уларни ундириш шакл ва усулларининг мажмуидир. У давлат харажатларининг катта қисмини молиявий ресурслар билан таъминлашга даъват этилган ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва ижтимоий муносабатлар соҳасига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий усулларини амалга ошириш учун фойдаланилади. Солиқ тизимининг таркиби жамият барча ижтимоий қатламлари, энг аввало ижтимоий жиҳатдан энг ночор табақалар манфаатларига бўйсундирилган ҳамда республика аҳолисининг турмуш даражасида зарур мувозанатни таъминлашни кўзда тутади.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш нафақат давлат бюджетининг эҳтиёжларини қондириш учун, балки яқин истиқболда бюджетнинг ҳаётий қобилиятини яхшилаш мақсадида давлат даромадлари эластиклигини ошириш учун ҳам зарурдир. Жумладан, давлат қимматли қоғозлари жозибадорлигини ошириш ва банк камомадларини қоплаш учун банкдан ташқари молиялаш манбаларини кўпайтириш мумкин. Шу билан бирга

солиқ ислоҳотини хусусий ташаббускорликни рағбатлантириш мақсадида ҳам ўтказиб, тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат корхоналарини хусусийлаштиришга имкон яратиш керак бўлади.

Назорат саволлари:

1. Давлат бюджетига таъриф беринг; давлат бюджетининг тузилиши тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.
2. Бюджетнинг харажат қисмини тавсифланг.
3. Маҳаллий бюджетга таъриф беринг.
4. Давлат бюджети даромадлари таркибини очиб беринг.
5. Ўзбекистон бюджети қандай шакллантирилиши ва ким уни тасдиқлаши тўғрисида ҳикоя қилинг.
6. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда нима нарса асосий қурол ҳисобланади?
7. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими таркибини тавсифлаб беринг.
8. Ўзбекистон Республикаси бюджетининг фарқлайдиган хусусиятларини айтинг.
9. Ўзбекистон бюджет тизимининг етакчи бўғинини таърифлаб беринг.
10. Республика маҳаллий бюджетларининг роли ва моҳияти тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.

4.4. Бюджет камомади

Бюджет жараёни давлат даромадлари ва харажатларини баланслашни (тенглаштиришни) тақозо этади. Бироқ амалиётда деярли ҳамма мамлакатларда ҳозирги вақтда давлат харажатларининг даромадлардан анчагина миқёсда ошиб кетиши кўзга ташланади. Ҳаётнинг турли соҳаларида давлат ролининг уз-

луксиз ошиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий функциялари кенгайиши, ҳарбий харажатларнинг, давлат аппарати ходимларининг кўпайиши ва ҳоказолар бюджет камомади кўпайиб кетишининг асосий сабаблари ҳисобланади. Бюджет харажатларининг кўпайиши солиқ тушумларининг шак-шубҳасиз кўпайишига олиб келмайди, кўп мамлакатларда бюджет камомадининг кўпайиши узлуксиз тус ва кенг миқёс касб этади.

Бюджет камомадларининг динамикаси хўжалик конъюктурасининг жорий ўзгаришлари, ишлаб чиқаришнинг вақти-вақти билан тушкунликлари ва юксалишларини ҳам акс эттиради. Қайта ишлаб чиқаришнинг циклик бўҳронлари даврларида бюджетга солиқ тушумлари суммаси камаяди. Айни вақтда давлат ижтимоий эҳтиёжларига (ишсизлик нафақаси ва б.), шунингдек иқтисодиётнинг муайян соҳаларини қўллаб-қувватлаш, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб қолиш учун ўз харажатларини кўпайтиришга мажбурдир.

Давлат молиясининг чуқур балансланмаганлиги оқибати бўлган бюджет камомадлари ўз навбатида пул муомаласи соҳасида чуқур ларзаларнинг сабабчиси бўлди. Бюджет камомадларини тартибга солиш ҳозирги давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятининг энг кескин муаммоларидан бирига айланди.

Давлат кредити бюджет камомадларини қоплашнинг энг муҳим шартига айланди. **Давлат кредити** деганда давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга чиқадиган молиявий-иқтисодий муносабатларнинг бутун мажмуи тушунилади. Бюджет камомадларини қоплаш учун давлат қарз олувчи сифатида чиқади.

Давлат молия ресурсларини ўзлаштириш асосий шакли давлат заём облигацияларини чиқаришдир. Уларни жойлаштириш мобайнида давлат аҳоли, банк-

лар, суғурта ва саноат компанияларининг вақтинча бўш бўлган пул маблағларини жалб этади. Давлат қандай манбалар ҳисобига ўзи учун зарур ресурсларни сафарбар этиши масаласи пул муомаласи ҳолати ва умуман иқтисодиёт фаолияти учун ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Агар хазина мажбуриятлари хусусий секторда жойлаштирилса, пул ресурсларининг вақтинча уларнинг хусусий эгаларидан давлатга қайта тақсимланиши юз беради. Бунинг учун давлат хазинаси ўз қоғозларини сармоя эгаларини қизиқтира оладиган етарлича юқори фоизлар билан чиқариши керак. Давлат қарзи бўйича фоизлар тўланиши бюджетнинг асосий харажат моддаларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, давлат қарзларини хусусий секторда жойлаштириш ўз навбатида бюджет харажатларининг янада кўпайишига имкон яратади.

Лекин хазина ўз мажбуриятларини фақат хусусий секторда жойлаштирибгина қолмай, уларни Марказий (эмиссия) банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Хазина мажбуриятларини ҳисобга олиб, банк муомалага товар массасининг кўпайиши билан боғланмаган тўлов воситаларининг қўшимча ҳажмини чиқаради. Бундай ҳолда давлат бюджетини молиялаш пул муомаласига бевосита инфляцион таъсир кўрсатади. Бунда пул ҳажмининг ўсиши ҳеч ҳам жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан бирга бормайди. Бундай ҳолда юз берадиган «давлат қарзини пулга айлантириш» кўп мамлакатлар учун анча типик бўлган вазиятни намоён этади, яъни давлатнинг ҳаддан ташқари бўлган харажатларини молиялаш пул муомаласининг барқарорлигини қўпоришда бевосита сабабга айланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳукумат ссуда сармоялари бозорига қарз олувчи сифатида қадам қўйганида, бу нарса пул ресурсларининг талаб ва таклифи нисбатига сезиларли таъсир кўрсатади. Фоиз

ставкалари анчагина ошади, бунинг натижасида капитал қўйилмаларни молиялашнинг умумий шарт-шароити ёмонлашади ва инвесторлар бир қисмини пул бозоридан ўзига хос «сиқиб чиқариш» юз беради. Ана шу сабабдан келиб чиқиб, кредит ҳисобига молияланадиган истеъмол харажатлари бир қисмининг ҳам қисқариши эҳтимолдан холи эмас. Давлат қарзларининг бундай оқибатлари иқтисодий назарияда *сиқиб чиқариш эффекти* номини олган.

Давлат кредитини ривожлантириш давлат қарзини бошқаришнинг анча мураккаб тузилмасини яратиш билан боради. Янги заёмлар ҳажмларини, уларни чиқариш муддатларини, хазина мажбуриятлари бўйича фоиз ҳажмларини, уларни жойлаштириш усулларини белгилаш ушбу бобдаги энг муҳим тадбирлар ҳисобланади.

Давлат заёмлари турли муддатларга чиқарилади ва ана шу белгига кўра *қисқа муддатли, ўрта муддатли* ва *узоқ муддатли* заёмларга бўлинади.

Улар орасидаги тафовутлар анча шартли. Одатда қисқа муддатли заёмларга 1 йилгача бўлган, ўрта муддатли заёмларга 3-5 йилга, узоқ муддатли заёмларга 5 йилдан ортиқ муддатга доир заёмлар киритилади.

Муддати бўйича қарзнинг турли хиллари ўртасидаги нисбат масаласи давлат қарзини бошқариш учун муҳим аҳамият касб этади. Инфляция тамойилларининг кучайиши ва пул муомаласининг умуман олганда барқарорсизлиги шароитида қисқа муддатли қарзларнинг салмоғи ошади. Пулларнинг жадал инфляцион қадрсизланиши шароитида инвесторлар ўз маблағларини ҳукуматнинг узоқ муддатли мажбуриятларига қўйишдан қочадилар, кредиторлар инфляция жараёнлари таъсирида қадрсизланиш хавфи билан камроқ боғланган қисқа муддатли хазина мажбуриятларини афзал кўрадилар.

Давлат қарзининг мунтазам тусда кўпайиши оқибатида миллий даромад фоиз тўловлари шаклида борган сари кўпроқ қайта тақсимланади. Йирик бюджет камомадлари ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиши шароитида хазина қарзларни тўлаш вақтини иложи борича орқага суришга ҳаракат қилади. Ана шу мақсадда давлат заёмларини конверсиялаш тажрибаси қўлланади. Бунда амалга оширилаётган тадбирларнинг моҳияти шундан иборатки, қарзни узиш муддати орқага сурилсин, давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари имкони борича ўрта ва узоқ муддатли мажбуриятларга айлантирилсин. Бунда турли усуллардан фойдаланишлари мумкин. Хазина ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини (инвесторлар розилиги билан) ўрта ва узоқ муддатли заёмларга алмаштириши мумкин. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини анча юқори фоиз билан янги узоқ муддатли заём чиқариш ҳисобига сотиб олиши ҳам мумкин. Бу хил тадбирлар қисқа муддатли самара бериши ва ҳукуматнинг молиявий аҳволини бир оз муддат енгиллаштириши мумкин, лекин улар бюджетни мустаҳкам барқарорлаштиришга ёрдам бера олмайдилар, зеро одатда улар фоиз ставкаларини янада ошириш ва пировардида қарзларнинг умумий суммаси ўсиши билан боғлангандир.

Давлат қарзини бошқаришнинг анча мураккаб механизмидан фойдаланиб, хазина бюджет камомадларини қоплаш учун миқёсига кўра улкан молиявий ресурсларни жалб этиши мумкин. Бироқ давлат молияни тартибга солганда фақат бюджетнинг балансланганига эришишни кўзламайди. Бундан ташқари, бюджет ва кредит-пул сиёсати макроиқтисодиётни тартибга солишнинг анча кенг вазифаларини ҳам ҳал этишга йўналтирилган. Антициклик сиёсат юритиш, иш билан бандликни тартибга солиш, тўловга қобилликнинг умумий даражаси ва умуман фаол ишбилармонликни тартибга солиш шулар жумласига киради.

Талабнинг етарлича эмаслиги ва иқтисодий фаоллик умумий даражасининг пасайиши, иқтисодиётнинг бўҳронга юз тутиши хавфи шароитида бюджет харажатларини кўпайтириш ва солиқларни пасайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Давлат харажатларининг жадал ошиши ялпи талабнинг умумий ҳажмини кўпайтирмоқда. Солиқларни пасайтириш айниқса ўрта ва майда компанияларнинг капитал қўйилмалари кўпайиши учун анча қулай шарт-шароит яратади. Бунда солиқлар камайиши шароитида давлат харажатларининг муқаррар равишда давлат бюджетлари камомадини кўпайтиради ва инфляция жараёнларини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратади.

Харажатларнинг даромадлардан бундай ошиб кетиши *актив бюджет камомадлари* номини олди. Айни вақтда иқтисодий фаоллик тушкунлиги натижасида давлат даромадларининг қисқариши юзага келтирган камомадлар *пассив камомадлар* номини олди.

Камомадли молиялаш концепцияси янги кейнсчилик йўналишига мансуб иқтисодчиларнинг назарий ишланмаларида муҳим ўрин эгаллади. Унинг асосий қоидаларидан Ғарб иқтисодчилари урушдан кейинги даврда иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши моделларини ишлаб чиқишда ҳукумат доираларига амалий тавсияларни ишлаб чиқишда кенг фойдаландилар. Шу билан бирга камомадли молиялаш ғояларини амалиётда рўёбга чиқариш кутилганидек самарали бўлиб чиқмади. Айниқса 60-йиллар ва 70-йиллар бошида намоён бўлганидек, уни қўлланиш иқтисодиётнинг инфляцияга барқарор эмаслигини анчагина кучайтиргани ушбу концепциянинг энг нохуш қисмига айланди. Актив бюджет камомадлари бундан қолишмаган ҳолда қарзни пулга айлантиришга, пул массасининг ҳақиқатда назоратдан холи равишда кўпайишига ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига имкон яратди. Шу

тарзда узоқ муддатли кўринишда актив бюджет камомадлари муайян шароитда аҳолининг харид қобилияти пасайиши ва иқтисодиётга давлат харажатлари самарадор таъсирининг пасайиши сабабчиси бўлиши мумкин. Бундай шароитларда иқтисодиётни «совутиш», инфляцион қизиб кетишларга қарши кураш давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди.

Дефляцион (инфляцияга қарши) тадбирларнинг мураккаблиги шундаки, улар давлат харажатлари қисқартирилишини, кредит қимматлашишини, пул массаси қисувга олинишини тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ялпи талабни жиловлашга, капитал қўйилмаларни пасайтиришга, демак, фаол ишбилармонликнинг тушкунлиги ва ишсизликнинг кўпайишига имкон яратади.

Шундай қилиб, давлат қарзлари муаммоси пул муомаласи, бюджет сиёсати, иқтисодий фаолликка ва ижтимоий соҳадаги жараёнларга давлат таъсири самарадорлиги муаммоларининг мураккаб мажмуи билан бевосита боғланган.

Назорат саволлари:

1. Бюджет камомадига таъриф беринг, унинг пайдо бўлиш сабабларини айтинг.
2. Бюджет камомадларини қоплаш манбаларини айтинг.
3. «Сиқиб чиқариш» эффектининг моҳияти нимадан иборат?
4. Давлат заёмларининг турларини тавсифланг.
5. Бюджет камомадларининг қандай турларини биласиз?
6. «Янги кейнсчилик» иқтисодий оқимининг моҳияти, унинг афзалликлари ва камчиликлари тўғрисида тасаввур беринг.

4.5. Бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги

Солиқ тизими қанчалик тушунарли, содда ва аниқ бўлса, у шунчалик самарали бўлади. Солиқ тизимининг самарадорлиги унинг мослашувчанлиги билан ҳам таъминланади.

Солиқ тизимининг мослашувчанлиги уни табақалаштириб қўллаш, яъни каттагина рағбатлантириш имкониятларига эга бўлган хилма-хил солиқ имтиёзларини қўллаш билан белгиланади. АҚШда масалан, 100 дан ортиқ, Буюк Британияда 60 га яқин солиқ имтиёзлари мавжуд.

Солиқ имтиёзларини қўллаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устуворликлари билан белгиланади ва, аввало, илмталаб ва экспорт учун ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, иш билан бандликни кенгайтириш, хусусий тадбиркорликни кенгайтиришга дахлдор бўлади. Солиқ имтиёзлари одатда минтақавий ёки селектив тусда бўлади. Кўп миқдордаги солиқ имтиёзлари орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- солиқ солиш объектининг солиқ солинмайдиган энг кам миқдордаги суммаси. Ушбу имтиёз равшан ифодаланган ижтимоий йўналишга эга ва аҳолининг камбағал қатламларини ҳимоя қилиш билан боғланган;
- солиқ тўлаш муддатини кечиктириш ёки солиқлардан бутунлай озод қилиш. Бундай хилдаги имтиёзлардан кўпинча айрим шахслар ва солиқ тўловчиларнинг баъзи тоифалари, шунингдек кичик ва янги ташкил этилган корхоналар фойдаланадилар. *Масалан*, Францияда акциядорлик компаниялари ўз фаолиятининг дастлабки икки йил мобайнида фойда солиғидан тўлиқ озод этиладилар, учинчи йилда

фойданинг 25%и солиққа тортилади, бутун фойда эса компания фаолиятининг олтинчи йили бошлангандагина солиққа тортилади. Германияда давлат муассасалари, черков, касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ер солиғини тўлашдан озод этилган;

- солиқ ставкаларини камайтириш;
- солиқ объектининг айрим унсурларини солиқ солишдан чиқариб ташлаш (солиқ базасидан чегириш). Солиқ имтиёзларининг ушбу тури ИТТКИни рағбатлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ҳоказолар учун қўлланилади;
- жадаллаштирилган амортизация, у амортизация суммаларини асосий сармоянинг ҳақиқий эскиришидан ошиб кетадиган миқёсларда ҳисобдан ўчириш имкониятини беради. Бу эса асосий сармоянинг оборотини жадаллаштиришга ва маънавий жиҳатдан эскирган ускуналарни алмаштиришга ёрдам беради, ишлаб чиқаришни яхшилаш ва техник жиҳатдан такомиллаштириш учун мабалғлар билан таъминлайди.

Солиқ сиёсатини ўзгартириб, давлат муайян доираларда мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириши ва унинг иқтисодиётида пайдо бўладиган салбий кўринишларга йўл қўймаслиги мумкин.

Солиқлар ёрдамида тартибга солиш ҳар қандай мамлакатнинг хўжалик ҳаётини, яъни ишлаб чиқариш таркиби, сармоя жамғариш, шахсий истеъмолни қамраб олади, чунки солиқ тадбирлари устқурманинг базис муносабатларига таъсир этишининг энг универсал воситаси ҳисобланади. Бундай тартибга солишдан мақсад: корхоналарнинг ички ва ташқи фаолияти учун (айниқса улар инвестиция фаолиятини жонлантириш учун) умумий солиқ иқлимини яратиш ҳамда сармоя ҳаракатининг тармоқ ва минтақавий йўналиши усту-

вор ривожлантиришни рағбатлантириш учун солиқ шарт-шароитини таъминлаш. Солиқлар ёрдамида тартибга солиш мамлакатда кенг миқёс касб этиши мумкин, бироқ реал воқелик шароитида ишлаб чиқариш ҳар доим ҳам мазкур мамлакатнинг солиқ сиёсатида белгиланган зарур йўналишда ривожланавермайди.

Солиқ сиёсати асосига бюджетга солиқ тушумлари ҳажмларини солиқ ставкаларини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоқларини ва маҳсулотнинг устувор турларини рағбатлантириш воситасида солиқ солиш базасини кўпайтиришга имкон яратадиган чоралар ҳисобига кўпайтиришга эришиш зарурлиги тўғрисидаги мафкура қўйилиши керак.

Солиқ сиёсати солиқларнинг жамиятдаги ролини белгилайди. Солиқларнинг устқурма тартибининг субъектив ҳодисаси сифатидаги роли давлат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу роль доимий ҳаракатда бўлиб, бутун халқ хўжалигининг манфаатлари ва мақсадларини жамлама кўринишда акс эттирган ҳолда давлат сиёсатининг ўзгаришига боғлиқдир.

Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати самарасиз бўлиши мумкин, яъни уни амалга ошириш қуйидаги ҳолларда мақбул натижаларга олиб келмайди:

1. Бюджет-солиқ сиёсати вақт лаглари (вақт даврлари) муаммоси билан тўқнаш келади. Иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқариш вақт лаглари (вақт даврлари)нинг икки турини ажратиб кўрсатадилар: **ички лаг** — иқтисодий шок (гангитиш) билан у ёки бу ҳаракатларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ўртасида; **ташқи лаг** — чоралар кўриш билан олиш ўртасида.

Иқтисодий бўҳрон ёки инфляцияни англаш дарҳол юз бермайди. Одатда иқтисодчилар макроиқ-

тисодий вазиятни батафсил таърифлайдиган статистика маълумотларини яхши деганда 3-6 ой кечикиб оладилар (ёмон деганда умуман олмайдилар). Табиийки, бундай вазиятда ҳар қандай қарорлар кечикади.

Бюджет-солиқ сиёсати узоқ давом этадиган ички лаг билан таърифланади: солиқ қонунларидаги ёки давлат харажатлари таркибидаги ўзгаришлар одатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи (парламент) томонидан тасдиқланиши керак. Бу эса кўп вақтни талаб этадиган турли хил маъмурий русум-қоидалар: қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама қилиш ва келишиб олиш, парламент томонидан қабул қилиниши, президент томонидан тасдиқланиши ва ҳоказолар билан боғланган. Айтмоқчи, жуда кўп нарса функцияларни ҳокимият шохобчалари ўртасида тақсимлашга боғлиқ: баъзи ҳолларда ижроия ҳокимияти бюджет сиёсатини тезкор равишда ўзгартириш учун етарлича ваколатларга эга бўлиши мумкин. Кўпинча бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш функционал кечикиш: қарор қабул қилиниши билан уни амалга ошириш ўртасида кўп вақт ўтишига тўқнаш келади. Масалан, темир йўл қуриш тўғрисидаги қарор бир неча йил давомида амалга оширилади.

Шундай қилиб, вақт лаглари мавжудлиги бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини пасайтиради, баъзан уни хавфли ҳам қилади: барқарорлаштириш ўрнига у барқарорсизликка олиб келиши мумкин. Инфляция шароитида чеклашга доир ҳукумат сиёсати (солиқларни камайтириш) натижаларини олиш пайтида иқтисодиёт тушкунлик босқичига ўтса, улар бирмунча ноўрин бўлиши мумкин. Тушкунлик янада кучаяди.

2. Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш турли хил сиёсий муаммолар билан тўқнаш келади. Ҳукумат фаолияти, макроиқтисодий барқарорлаштириш-

дан ташқари, барқарорлаштириш вазифасига зид келиши мумкин бўлган бошқа мақсадларни ҳам кўзлайди. Бюджет-солиқ сиёсатидан жуда тез-тез соф сиёсий натижаларга эришиш (ҳокимият тепасига келиш, ҳокимиятни қўлдан бой бермаслик) учун фойдаланишади. Солиқ юкининг камайиши, давлат харажатларининг кўпайиши одатда турли хил сайловолди тадбирлари бошланиши билан мувофиқ келиши аввалдан кўзга ташланиб келади. Бундан ташқари, бюджет сиёсати доимо ҳамманинг кўз ўнгида: сайловчилар мададига таянмоқчи бўлган сиёсатчилар, ҳатто буни иқтисодий зарурат талаб қилган тақдирда ҳам, солиқларни кўпайтиришга ёки ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларни камайтиришга журъат этишмаса керак.

3. Макроиқтисодий прогнозлаш муаммоси мавжуд. Вақт лаглари мавжудлигини эътиборга олганда, бюджет-солиқ сиёсатининг муваффақияти улкан даражада бўлғуси вазиятни олдиндан башорат қилиш мумкинлигига боғлиқдир. Турғунлашаётган иқтисодиётни бугунги кунда рағбатлантириш ўз самарасини ярим йилдан кейин беради. Лекин ярим йилдан кейин иқтисодиёт тушкунлик ҳолатида бўладими ёки бизнинг сиёсатимиз инфляция тўлқинини янада кучайтириб юборадими? Афсуски, илм-фаннинг ҳозирги ҳолати макроиқтисодий сиёсат учун аниқлик билан узоқ муддатли ва ўртача муддатли прогнозлар қилиш имконини бермайди. Одатда қисқа муддатли (2-3 ойга) прогнозларгина муваффақиятли бўлади.

4. Фаол макроиқтисодий сиёсатнинг ҳозирги баъзи мухолифлари ўз далил-исботларида «Лукас танқиди» (рационал кутишлар назарий мактабининг асосчиси Р.Лукас номи билан аталган) деган концепциядан фойдаланадилар.

«Лукас танқиди» шундан иборатки, иқтисодий сиёсат натижаларини баҳолаш усуллари унинг иқти-

содиёт субъектлари умидларини шакллантиришга таъсирини ҳисобга олмайди. Ваҳоланки мазкур умидлар улкан роль ўйнаб, макроиқтисодий сиёсатни кўпинча маъносиз қилиб қўяди. Чунончи, ҳукумат томонидан рағбатлантирувчи сиёсат ўтказилганда иқтисодиёт субъектлари муайян вақт ўтганидан сўнг инфляция сакраши юз беришини тушунадилар. Шунинг учун улар ўз режаларини янги вазиятни ҳисобга олиб қура бошлайдилар. Солиқлар камайтирилиши ёки давлат режаларини ўстириш тўғрисида ахборот олиниши биланоқ ресурсларни сотувчилар инфляцияни кутиб, ишлаб чиқариш омиллари нархини олдиндан оширадилар. Товар ва ресурсларнинг бир вақтда ўсиши эса иқтисодиётни жонлантиришга олиб келмайди.

5. Бюджет-солиқ сиёсатининг самарасини пасайтирадиган бир талай салбий оқибатлар, шунингдек омиллар мавжуд. Уларнинг кўпларини биз аввалги мавзуларда кўрсатиб ўтдик:

- нархларнинг ўсиши (ҳақиқатда иқтисодиётни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар нафақат реал ЯММ кўпайишига, балки инфляцияга ҳам олиб келиши мумкин);
- сиқиб чиқариш эффекти: солиқ ставкаларини камайтириш миллий жамғармаларни қисқартиради ва инвестициялар ҳажмини камайтиради;
- соф экспорт эффекти: солиқларни қисқартириш миллий жамғармалар миқдорини камайтиради, ички фоиз ставкасини оширади ва хорижий сармоянинг қўшимча оқиб келишига олиб келади; натижада мамлакат валютасининг курси ошади ва соф экспорт миқдори қисқаради;
- пулга талабнинг фоиз ставкаси миқдорига заиф боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас: бюд-

жет-солиқ солиғининг рағбатлантириши билан ЯММ кўпайганда кишилар, фоиз ставкасининг ошишига қарамай, пулга бўлган талабни анчагина оширадилар; натижада фоиз ставкаси жуда кучли кўпайиб, инвестициялар ҳажми қисқаради.

Пул-кредит сиёсати учун, бюджет-солиқ сиёсатидан фарқ қилиб, қарорлар қабул қилишда тезлик ва мослашувчанлик хосдир (унча катта бўлмаган ички лаг): қарорни Марказий банкда ишлайдиган юқори малакали иқтисодчилар ҳар куни қабул қиладилар. Бироқ пул сиёсатида ташқи лаг жуда катта бўлади. Марказий банкнинг муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга доир ҳаракатларидан самара фақат 6-9 ойдан кейингина олинади. Аввало пул сиёсатидаги ўзгаришлар таъсир кўрсатадиган инвестиция харажатлари олдиндан режалаштирилади ҳамда ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредит ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли фоиз ставкаларининг ўзгариши инвестициялар ҳажмига яхши деганда фақат ярим йилдан кейин жиддий таъсир кўрсатади. Ана шу вақт ичида макроиқтисодий вазият тубдан ўзгариши мумкин.

Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш сиқиб чиқариш ва соф эффектларининг салбий таъсири билан боғланмаган: пул эмиссияси пайтида фоиз ставкаси ошмайди, аксинча, тушиб кетади. Бу ҳам пулни тартибга солишнинг бюджетни тартибга солишдан афзаллигидир.

Бироқ пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги анчагина даражада қуйидагиларни чеклайди:

- инвестицияларнинг фоиз ставкасига нисбатан эҳтимол бўлган ноэластиклигини (масалан, бўҳрон вақтида тадбиркорлар, ҳатто кредит жуда арзон бўлганда ҳам, пулни иқтисодиётга қўймайдилар): пул массасининг ўзгариши

бу ҳолда инвестициялар ҳажмининг жиддий ўзгартиришига олиб келмайди;

- пул муомаласи тезлигининг барқарорсизлигини; пул эмиссияси пайтида пул муомаласининг тезлиги одатда тескари йўналишда ўзгаради, бу эса пул массасини чеклаш билан баробар: пасаяётган фоиз ставкаси нақд пулларга бўлган талабни кенгайтиради; яъни «ўлик» пуллар ҳиссасини кўпайтиради ва улар муомаласи тезлигини қисқартиради;
- валюта курсини тартибга солишнинг эҳтимол бўлган заруратини; валюта курсини белгилаш ёки унинг қисқа муддатли иккиланишларини силлиқлаш зарурати пул сиёсатининг имкониятларини камайтиради, масалан, рағбатлантирувчи сиёсатни (яъни пулларни, «бир қўлда тарқата бориб») ўтказа бориб, Марказий банк айни вақтда валюта курсини аввалги жойида ушлаб туриш учун пул эмиссиясини чеклашга (пулни «иккинчи қўли билан» олиб қўйишга) мажбур бўлади.

Назорат саволлари:

1. Вақт лаглари тушунчасини таърифланг. Иқтисодий сиёсатни амалга ошириш чоғида уларнинг моҳиятини нималар ташкил этади?
2. Бюджет-солиқ сиёсатини сиёсий натижаларга эришиш қуроли сифатида таърифлаб беринг.
3. Бюджет-солиқ сиёсатининг муваффақиятида макроиқтисодий прогнозлаш ўйнайдиган ролни очиб беринг.
4. «Лукас танқиди» концепциясининг моҳияти нимадан иборат?
5. Бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни айтинг.

4.6. Турли макроиқтисодий моделларда бюджет-солиқ сиёсати

Кейнсчилик

1936 йили инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс иқтисод фанининг бутун бир йўналишига — кейнсчиликка «ҳаёт» берган «Бандлик, фоиз ва пуллар умумий назарияси» деган китобни нашр этди.

Ҳозирги кейнсчилик қуйидаги назарий хулосаларга таянади:


1. Товар ва ресурслар бозорларида номукаммал рақобат ҳукм суради. Бинобарин, нархлар пасайиш томон қайишқоқ эмас: талаб камайганда ишлаб чиқарувчилар ўз мавқеларидан фойдаланиб, нархларни аввалги даражада ушлаб турадилар. Нархлар асосан ресурслар бозорларини монополлаштириш юқори даражадалиги туфайли пасаймаяпти.

2. Ресурслар нархининг товарлар нархининг ўзгаришларидан орқада қолиши меҳнат бозори ва саноат бир қатор хом ашё тармоқлари (нефть ва газ қазиб олиш, металлургия ва б.) монополлаштирилишининг юқори даражадалиги натижасидир. Шунинг учун нархлар умумий даражаси ўсганда жамулжам таклифнинг миқдори ўсади, пасайганда эса камаяди.

3. Жамулжам таклиф қисқарганда ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши нархларнинг камайиш томон қайишқоқ эмаслиги натижасидир: ишлаб чиқарувчилар нархларни пасайтиргандан кўра ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиришни афзал кўрадилар; нархлар тушмагани туфайли талаб миқдори ҳам кўпаймайди.

4. Иқтисодиёт тушкунлиги шароитида ишлаб чиқаришни ўстиришга нархларни анчагина ҳажмда ўстиришсиз эришиб бўлмайди (чунки оммавий равишда ишсизлик ва ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ банд қилмаслик мавжуд). Тўлиқ бандликка эришилганда

таклифнинг ўсишига эришиб бўлмайди: меҳнат ресурсларини тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш мумкин, лекин бунда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми кўпаймайди. Бинобарин, жамулжам таклифнинг эгри чизиғи қуйидаги шаклни олади:



1-сурат

5. Инвестиция харажатлари ва жамғармаларнинг тенглиги миллий даромаднинг исталган даражасида эмас, балки тўлиқ бандлик шарт-шароити билан мос тушмаслиги ҳам мумкин бўлган муайян шароитлардагина таъминланади. Шундай қилиб, «соф» капитализм иқтисодиёти оммавий ишсизликнинг бўлмаслигини кафолатламайди.

6. Ишсизлик ёки инфляциянинг юқори даражада бўлиши «соф» капитализм учун одатдаги ҳоллардир, чунки макроиқтисодий мувозанат тўлиқ бандлик бўлмаган ҳолда ҳам ўрнатилиши мумкин ёки жамулжам талаблар тўлиқ бандлик шароитида ўсиб, талаб инфляциясини юзага келтириши мумкин.

7. Ишлаб чиқариш, бандлик, даромад ва нархлар даражалари жамият харажатлари жамулжамига: истеъмол, инвестиция, давлат ва экспорт харажатлари (мамлакат маҳсулотининг хорижлик харидорлар томонидан сотиб олиниши харажатлари) жамулжамига бевосита боғлиқ бўлади. Бинобарин, макро-

иқтисод фани аввало жамулжам талаб муаммолари билан шуғулланиши мумкин.

8. Жамулжам талаб ҳар бир таркибий қисмининг роли турличадир:

а) истеъмол харажатлари анчагина барқарордир; даромадларнинг ўсиши аввало истеъмолга эмас, балки жамғаришга мойилликнинг ўсишини юзага келтиради (Кейнснинг асосий психологик қонуни). Бинобарин, иқтисодий тушкунлик пайтида иш ҳақининг ўсиши жамулжам талабнинг ўсишига олиб келмайди, балки жамғармалар ҳажминигина кўпайтиради;

б) жамулжам талабнинг энг ўзгарувчан компоненти — инвестиция харажатлари. Айни инвестицияларнинг ўзгаришлари иқтисодиёт ўзгаришларининг асосий сабаби ҳисобланади. Хўжалик ҳаётини барқарорлаштириш учун давлат аввало инвестиция харажатларига таъсир кўрсатиши керак;

в) экспорт ва давлат харажатларини ҳам жамият макроиқтисодий барқарорликка эришиш мақсадида тартибга солиши мумкин.

Макроиқтисодчилар жамғаришларга, импорт товарларга оид солиқ ва харажатларга ҳам эътибор қаратишлари керак. Миқдорлар маълумотларининг ўзгариши билвосита жамулжам талабга таъсир кўрсатади. Чунончи, масалан, импорт товарлари нархининг қимматлашуви кўпинча мамлакат маҳсулотига талабнинг ўсишига олиб келади. Солиқларнинг кўпайиши, аксинча, инвестиция ва истеъмол харажатларини қисқартиришга қодир.

9. Пул иқтисодиётда муҳим роль ўйнамайди. Бироқ муомалада пул миқдорининг ўзгариши фоиз ставкасига таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида инвестициялар ҳажмини ўзгартиради. Муомалада пул массасининг ўсиши пул таклифининг эгри чизиғини ўнгга силжитади, натижада фоиз ставкаси камаяди, бу эса тадбиркорларнинг инвестицияларга бўлган талаби-

ни рағбатлантиради. Пул массаси қисқарганда тескари жараёнлар юз беради. Шундай қилиб, пул массаси кўпайганда нафақат нархлар ўсади, балки ҳақиқий ишлаб чиқариш кенгаяди ҳам, нархлар ва ҳақиқий ЯММ даражалари ўсишининг нисбати иқтисодиёт жамулжам таклиф эгри чизиғининг қандай кесимида жойланишига боғлиқдир. Агар чуқур тушкунлик кўзга ташланса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши нархлар ўсишидан анча аҳамиятли бўлади. Агар ҳақиқий вазият тўлиқ бандлик ҳолатига яқин бўлса, нархларнинг ўсиши ишлаб чиқаришнинг ўсишидан илдамлаб боради.


10. Ишсизлик ва инфляцияга қарши кураш учун давлат иқтисодий жараёнларга фаол аралашиши керак.

Таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси бюджет-солиқ сиёсатидир. Солиқлар ва давлат харажатларини ўзгартираркан, давлат жамулжам талабга таъсир кўрсатади. Тушкунлик вақтида давлат бюджети камомадини ишлатиш лозим. Юксалиш вақтида бюджет камомадини қисқартириш даркор. Онг-ли (дискрецион) бюджет сиёсати билан бир қаторда автомат бюджет сиёсати-иқтисодиётнинг циклик иккиланишларини сўндирадиган, ичига қурилган барқарорлаштиргичлар тизимига амал қилади.

Уларга батафсилроқ тўхтаймиз.

Мавжуд қонунларга мувофиқ бюджетни ўз ҳолича, бюджет сиёсатига ҳеч қандай онгли ўзгаришларсиз бажариш иқтисодиётни барқарорлаштиришга қодир бўлади. Иқтисодий тушкунлик пайтида давлат онгли равишда бюджет камомадлари сиёсатини ўтказади (харажатларни кенгайтиради ва солиқларни камайтиради). Бироқ бюджет камомадлари ишлаб чиқаришни қисқартириш шароитида автоматик равишда ҳам юзага келади. Биринчидан, солиқ тушумлари ҳажми пасаяди; даромад камайдими, оқибатда, улардан камроқ солиқлар тўланади. Иккинчидан, ижти-

моий эҳтиёжларга (ишсизлик, камбағаллик нафақалари ва ҳоказо) ва эҳтимол, зарар кўрувчи корхоналар учун дотацияларга (агар бу нарса қонунларда кўзда тутилган бўлса) давлат харажатлари автоматик равишда ошади (бунда ўзгаришлар қонунларда кўзда тутилган). Юксалиш даврида тескари жараёнлар юз беради: солиқ тушумлари ўсади, ижтимоий харажатлар ва дотациялар эса пасаяди. Ушбу қонуният 2-суратда акс эттирилган.



2-сурат

Жойлаштирилган бюджет барқарорлаштиргичлари ҳаракатининг самарадорлиги ижтимоий маҳсулот (Y) ўзгаришлари T (бюджетга солиқ тушумлари) ва (давлат харажатлари) параметрларининг қайишқоқлик даражасига боғлиқдир. Солиққа тортиш тизимининг характери катта аҳамият касб этади: агар солиққа тортиш шкаласи прогрессив бўлса, унда T эгри чизиғи янада қайишади (даромадларнинг ўсиши ушбу даромадларга солинадиган солиқ ставкасининг кўпайишига олиб келади), жойлаштирилган барқарорлаштиргичлар эса янада таъсирчан бўлади. Ва аксинча.

Пул-кредит сиёсатидан «инфляциясиз тўлиқ банд бўлиш»га эришиш учун ҳам фойдаланиш мумкин: муомалада пул миқдорининг ўзгариши фоиз ставкасига таъсир кўрсатади, натижада инвестициялар ҳажми —

жамулжам талабнинг энг муҳим элементи ўзгаради. Бунда муомаланинг тезланиш миқдори пул таклифининг ўзгаришига тескари йўналишда ўзгаради, бу эса нархларга салбий таъсирни камайтиради. Нима учун? Кейнсчиларнинг далил-исботларини келтирамиз.

Пулга талаб нафақат битимлар учун, балки активлар томонидан ҳам тақдим этилади. Бинобарин, «ишлайдиган» ва «ишламайдиган» пуллар мавжуд. Битимлар учун пулнинг ҳиссаси қанча кўп бўлса, муомала тезлигининг миқдори шунча кўп бўлади. Муомалада пул миқдори кўпайса фоиз ставкаси пасаяди. Натижада активлар учун пулга талаб ўсади, яъни «ўлик» пуллар ҳиссаси кўпаяди ва уларнинг муомала тезлиги тушиб кетади. Бу эса пул массасининг камайиши билан баробар. Шундай қилиб, деб хулоса қилади кейнсчилар, муомалада пул миқдорининг ўзгариши нархларнинг умумий даражасига кам таъсир этади, чунки пул массасининг ўсиши ёки камайиши пул муомаласи тезлигининг тегишлича камайиши ёки ўсиши билан компенсацияланади.

Бироқ пул-кредит сиёсати бюджет-солиқ сиёсатига қараганда анча самарасиздир: биринчидан, инвестицияларга талаб фоиз ставкасига жуда оз боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, бўҳрон вақтида тадбиркорлар, ҳатто банк фоизи жуда паст бўлганда ҳам капитал қўйилмаларни амалга оширмайдилар), иккинчидан, пул муомаласининг тезлиги барқарор эмас ва уни олдиндан айтиб бўлмайди; мазкур миқдорнинг тўсатдан ўзгариши Марказий банкнинг саъй-ҳаракатларини йўққа чиқариши мумкин.

Монетаризм


70-80 йилларда янги классик йўналишдаги иқтисодий мактабларнинг ҳукмрон мавқелари тиклана бошланди. Уларнинг пайдо бўлиши асосан кейнс-

чиликнинг бир қатор муаммоларини ҳал қилишни уддалашга, аввало инфляцияга қарши курашга ноқобиллиги билан боғланган, кейнсчиликнинг назарий хулосаларига биринчи бўлиб М.Фридмен бошчилигида монетаристлар муқобил таърифларни таклиф этишди.


Ҳозирги монетаристик макроиқтисодий модель қуйидаги принциплардан келиб чиқади:

1. «Соф» капитализм шароитида бозорларда мукаммал рақобат ҳукм суради. Бироқ давлатнинг аралашуви (энг кам миқдордаги иш ҳақини белгилаш, касаба уюшмаларини ҳимоя қилиш, дотациялар бериш ва ҳ.к.) эркин бозор имкониятларини чеклайди, бу эса макроиқтисодий барқарорсизликни келтириб чиқаради.

2. Бозорнинг номукаммаллиги туфайли қисқа муддатли даврда жамулжам таклифнинг миқдори нархларнинг умумий даражаси ўзгаришига боғлиқ бўлади (3-суратга қаранг). Ресурслар нархининг ўсиши нархлар умумий даражаси ўсишидан орқада қолади, чунки ресурслар (айниқса меҳнат) бозорида нархлар анча қайишқоқ: одатда узоқ муддатларга тузиладиган илгари имзоланган контракт ва шартномалар амал қилади.



3-сурат



4-сурат

Лекин узоқ давом этадиган даврда жамулжам таклиф нархларнинг умумий даражасига нисбатан олганда бутунлай қайишқоқ эмас (4-суратга қаранг). Ресурс сотувчилар охир оқибатда инфляцияга мослашадилар ва ишлаб чиқариш омилларига бўлган нархлар товар нархларига мувофиқ кела бошлайди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми аввалги даражага «қайтади».

3. Ишлаб чиқаришнинг «табиий» ҳажми ҳамда меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг тенглиги билан белгиланадиган ишсизликнинг «табиий» даражаси мавжуд. «Табиий» даражани бартараф этишга уринишлар иқтисодиёт учун нохуш натижалар келтиради.

4. Пул бутун бозор иқтисодиётининг асосий «пружина»сини ташкил этади. Муомаладаги пул миқдори жамулжам талаб миқдорини, бинобарин, нархлар ва ишлаб чиқариш даражаларини белгилайдиган бирдан-бир омилдир. Қисқа муддатли даврда пул эмиссияси нархлар ва ишлаб чиқаришнинг ўсишига (бунинг устига монетаристларда жамулжам таклиф кейнсчилардагига қараганда камроқ қайишқоқдир); узоқ давом этадиган даврда эса фақат нархларнинг ўсишига олиб келади.

Бунда пуллар муомаласи тезлиги доимий эмас, балки нисбатан барқарор ва муомаладаги пул оқимига боғлиқ эмас (бу билан кейнсчилар моделидан фарқ қилади). Шунинг учун муомала тезлиги ўзгаришларини ҳисобга олмаслик мумкин.

5. Эркин бозор ва хусусий тадбиркорликнинг ўзи капиталистик хўжаликни бўҳрон ҳолатидан чиқаришга ва унинг юксалишини таъминлашга қодир. Давлат ўзининг иқтисодиётга аралашувини фақат пул тизимини нормал ҳолатда ушлаб туриш билан чеклаши керак. Давлатнинг қолган барча ҳаракатлари ишлар

аҳволини ёмонлаштиришга, киши эркинлигини чеклашгагина қодир.

Пул-кредит сиёсати ЯММ миқдорини ўзгартиришнинг ғоятда қудратли воситасидир. Қисқа муддатли даврда муомалада пул ўсиши билан иқтисодий фаоллик ўртасида бевосита боғлиқлик кузатилади. Бироқ фаол пул-кредит сиёсати иқтисодиёт учун хавфли: қачон ва қандай тадбирларни ўтказиш зарурлигини тўғри белгилаш мумкин эмас, зеро пул-кредит сиёсатининг вақт лагларини олдиндан айтиш қийин. Тушкунлик пайтида ўтказиладиган арзон пуллар сиёсати фақат 6-9 ойдан кейин натижа беради. Бу вақтга келиб иқтисодиётда юксалиш бошланиши мумкин. Натижада Марказий банк ҳаракатлари инфляцияни кучайтиради. Макроиқтисодий нобарқарорликнинг асосий сабаби, монетаристларнинг фикрича, — пулларни нотўғри бошқаришдир.


Бюджет-солиқ сиёсати ўз ҳолича жамулжам таклифга бирор-бир таъсир кўрсатмайди, чунки сиқиб чиқариш эффектига амал қилади: давлат харажатлари хусусий харажатларни сиқиб чиқаради. Давлат хусусий сектордан олган пулларни сарфлайди. Фақат давлат бюджетининг камомади пул эмиссияси билан қоплансагина, мусбат натижа олинади. Яъни жамулжам талаб ўзгаришининг ҳақиқий сабаби солиқлар ва харажатларнинг ўзгаришида эмас, балки муомаладаги пул миқдорининг ўзгаришидадир. Бинобарин, давлат бюджетдан макроиқтисодиётни барқарорлаштириш учун фойдаланмаслиги керак.

Шундай қилиб, замонавий икки асосий мактабнинг бюджет солиқ сиёсати самарадорлигига муносабати бир-биридан кескин фарқ қилади; кейнсчилар учун у — макроиқтисодиётни барқарорлаштиришнинг бирдан-бир ишончли усули; монетаристлар эса уни амалга ошириш ҳеч қандай ижобий самара бермайди деб ҳисоблашади.

Оқилона тахминлар мактаби

70-йиллар ўртасида янги мактаб — оқилона тахминлар мактаби пайдо бўлди. Унинг назарий ғояларини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Мактаб вакиллари мукаммал рақобат ҳукмронлигидан келиб чиқиб фикр юритадилар. Бу эса товар ва ресурслар корхоналарининг қайишқоқ бўлишини англатади. Шу тарзда, жамулжам таклиф, оқилона тахминлар мактаби вакилларининг фикрича, узоқ муддатли даврларда ҳам, қисқа муддатли даврларда ҳам, нархлар даражасига нисбатан бутунлай қайишқоқ эмас (5-сурат).



5-сурат.

Кишиларнинг кўпчилиги макроиқтисодий тафаккурга эгадир. Ҳозирги корхоналарда юқори малакали мутахассислар ишлашади, улар макроиқтисодий вазиятни етарлича аниқ прогноз қила оладилар. Ишлаб чиқарувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам давлатнинг макроиқтисодий сиёсати тўғрисидаги ахборотни эгаллаганлар. Бинобарин, кишилар у ёки бу ҳодисалар ва ҳукумат тадбирларининг эҳтимол бўлган оқибатларини реалистик баҳолайдилар, яъни уларнинг тахминлари оқилонадир.

Хуллас, одамлар келажакни «оқилона кутишлари билан» фарқ қиладилар. Бунинг маъноси шуки, улар жумладан бўлажак инфляцияга оид ўз тахминларини иқтисодиёт қандай фаолият кўрсатиши тўғрисидаги тўғри тасаввурлар асосида шакллантирадилар. Агар жамулжам талабни рағбатлантириш мақсадида ҳукумат солиқларни пасайтирса, кишилар бир вақтнинг ўзида бир нарса маълум вақтдан сўнг инфляцияга олиб келишини тушунадилар. Натижада улар ўз режаларини янги вазиятни ҳисобга олган ҳолда қура бошлайдилар. Шунинг учун башорат қилинадиган ҳар қандай макроиқтисодий сиёсат ҳам самарасиздир: солиқларнинг пасайиши, давлат харажатларининг ўсиши ёки пул эмиссияси тўғрисида хабар олишлари билан ресурс сотувчилар инфляцияни кутиб, ишлаб чиқариш омиллари нархини олдиндан кўтарадилар. Товар ва ресурслар нархининг бир вақтда ўсиши эса иқтисодиётни жонлантирмайди. Бундан ташқари, агар мукаммал рақобат ҳукмронлик қилса, барқарорлаштиришнинг ҳеч қандай мунтазам сиёсати иш билан бандлик ва ишлаб чиқаришга натижавий таъсир кўрсата олмайди.

Агар ҳукумат бозор субъектлари учун кутилмаган тарзда ҳаракат қилса, башорат қилиб бўлмайдиган макроиқтисодий сиёсат ёрдамида натижага эришиш мумкин, албатта. Бироқ бундай амалиёт битта жуда нохуш оқибатга эга бўлади — у хўжалик жараёни қатнашчиларида ишончсизлик туғдиради, бу эса иқтисодиётни барқарорсизлаштиришга олиб келади.

Бинобарин, макроиқтисодий (шу жумладан бюджет-солиқ) сиёсати самарасиз ва зараралидир. Агар уни олдиндан башорат қилиб бўлмаса, уни амалга оширишнинг оқибати барқарорсизликдир. Агар уни олдиндан башорат қилиб бўлса, уни амалга ошириш оқибат келтириб чиқармайди ёки салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, тушкунлик даврида ишлаб

чиқарувчилар давлатдан солиқларни пасайтиришни кутадилар (кейнсчилар рецептига мувофиқ) ва шу сабабдан инвестицияларни камайтирадилар (энг мақбул вақт келгунга қадар). Натижада тушкунлик чуқурлашади.

Ҳозирча оқилона тахминлар мактабининг тарафдорлари у қадар кўп эмас. Уни шарт-шароитлар, яъни мукаммал рақобат ҳукмронлиги ва хўжалик фаолияти субъектлари асосий қисмининг оқилона кутиши тахминларининг реал эмаслиги учун айблашади. Бироқ, бу нарса ҳозир юзага келаётган ахборий жамият иқтисодиётини тавсифлайдиган иқтисодий назариянинг «биринчи қалдирғочи»дир, балки: яъни бундай жамиятда кишилар хўжалик фаолиятининг асосий объекти ахборот бўлади. Бундай жамият учун иқтисодиёт субъектлари тахминларининг оқилоналиги тўғрисидаги фаразни, фикримизча, ўринли дейиш мумкин.

Таклиф иқтисодиёти мактаби

Кейнсчилик, монетаризм ва оқилона тахминлар мактабини жамулжам талаб назарияларига киритиш мумкин: улар тадқиқотчининг асосий объекти — жамулжам бозор талаби ва уни белгиловчи омиллардир. 70-80 йиллар чегарасида «таклиф иқтисодиёти мактаби» пайдо бўлди, у талабга эмас, балки таклифга асосланади. Мазкур мактаб вакилларининг фикрича, бозор иқтисодиётини соғломлаштириш учун индивидуумларнинг ҳаракат қилиш мотивларини фаоллаштириш зарур, бу эса ишлаб чиқаришни ўстириш ва сармоя жамғаришга имкон яратади. Шундай қилиб, асосий эътибор микродаражага қаратилади: таклифга таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилади.


Мазкур мактаб вакиллари фаол бюджет солиқ сиёсатининг хавфли эканини уқтирадилар. Давлат бюджети камомадининг кўпайишини, кейнсчилар фик-

рича, асосан ишлаб чиқаришни ўстириш, монетаристлар фикрича эса, — ишлаб чиқариш ва нархларни ўстириш (агар давлат харажатлари пул эмиссияси билан бирга борса) келтириб чиқаради. Таклиф иқтисодиётининг вакиллари эса мазкур ҳолда ишлаб чиқаришнинг тушкунлиги юз беради, дейдилар. Давлат харажатлари билан солиқлар ўртасидаги фарқнинг кўпайиши сиқиб чиқариш эффектини туғдиради: ҳукумат томонидан пулга бўлган талабнинг кўпайиши ссуда фоизи ставкасини оширади ва хусусий инвестициялар ҳажмини камайтиради. Лекин давлат сектори ўз табиатига кўра хусусий секторга қараганда камроқ самарадор, шунинг учун ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми пасаяди.

Хусусий инвестицияларни рағбатлантириш асосий вазифа ҳисобланади. Натижада узоқ давом этадиган даврда жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ўсиб бориши керак. Рағбатлантириш чоралари сифатида солиқларни пасайтириш, корхоналарга имтиёзлар бериш, ижтимоий эҳтиёжлар учун давлат харажатларини камайтириш (булар меҳнатга бўлган рағбатни чиппакка чиқаради) таклиф қилинади.

Солиқ ставкаларини белгилашда оптимумни аниқлаш муаммосини ҳал этаркан, мактаб вакилларидан бири бўлган А.Лаффер шундай бир эгри чизиқни тасвирлади (6-суратга қаранг), унга кўра солиқ ставкасининг (R) ўсиши албатта давлат бюджетига (Т) тушумларнинг кўпайишини англатиши шарт эмас. Аксинча, муайян чегаралар (х) мавжуд бўлиб, улардан ташқарида ставканинг ўсиши бюджетга тушумларнинг қисқаришига олиб келади, чунки юқори миқдордаги солиқлар хўжалик фаолиятига рағбатларни йўқотади ва ишлаб чиқариш ҳажмларини, бинобарин, солиққа тортиладиган даромадларнинг ҳам қисқаришига олиб келади. Шунга мувофиқ, муайян ҳолларда ставкаларнинг пасайиши

нафақат ишлаб чиқаришни ўстиришга, балки ҳатто бюджетга солиқ тушумлари кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин.



6-сурат

Неоклассиклар (монетаристлар ва «таклиф иқтисодиёти» мактаби вакиллари) концепцияларини амалиётда рўёбга чиқаришнинг энг машҳур мисоли «рейганомика»дир. Р.Рейганнинг иқтисодий сиёсати ўз ичига қуйидаги жиҳатларни олди:

1. Лаффер башорат қилган эффект таъсирига умид қилиб солиқлар (айниқса — шахсий даромадлар ва корпорациялар даромадига солинадиган солиқлар) анча камайтирилди. Бироқ солиқ тушумлари кўпаймади, балки қисқарди. Бу эса бюджет камомадининг кескин ўсишига олиб келди.

2. Ижтимоий эҳтиёжлар учун давлат харажатларини қисқартириш ҳарбий харажатларни кескин ўстириш билан бир вақтда амалга оширилди.

3. Хусусий секторни давлат томонидан тартибга солиш ҳажми қисқартирилди; бизнесга иложи борича кўп эркинлик берилди.

4. Бир вақтнинг ўзида Федерал резерв тизими (маъмурият розилиги билан) иқтисодиётда пул массасини чеклашга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказди.

Амалда бюджет ва пул-кредит сиёсати турли йўналишларда таъсир кўрсатди: солиқларни қисқартириш ва ҳарбий буюртмалар ўсиши жамулжам харажатларни рағбатлантирди, пул массасини чеклаш эса жамулжам талабнинг кўпайишига тўсқинлик қилди. Аввал (1980-1982 йилларда) анчагина оғир иқтисодий тушкунлик кўзга ташланди. Лекин сўнгра мамлакат иқтисодиёти учун рекорд юксалиш бошланди, у иш билан бандликни деярли тўлиқ таъминлади. Бунда инфляция суръатлари анчагина пасайди.Неоклассиклар юксалиш ва инфляция устидан ғалабани ҳукумат ва Марказий банк фаолиятининг натижаси деб изоҳлашади. Кейнсчилар фикрича, юксалиш ё иқтисодиётнинг табиий ривожланиши ва ташқи омиллар (нефть нархининг пасайиши) натижаси ёхуд бюджет камомадлари сиёсатини изчил қўллаш оқибатидир. Яъни ҳар бир мактаб вакиллари муваффақиятни ўз назариялари билан боғлашга уринмоқдалар.

Назорат саволлари:

1. Иқтисод фанининг йўналиши бўлган «кейнсчилик» ҳақида сўзлаб беринг.
2. Кейнсчиликнинг негизи бўлган назарий постулатларни айтинг.
3. Иқтисодий жараёнда бюджет-солиқ сиёсатининг ролини тавсифланг («кейнсчилик» назарияси нуқтаи назаридан).
4. Жамулжам талаб унсурларини (таркибий қисмларини) санаб беринг.
5. Бозор иқтисодиётида пулларнинг роли тўғрисида тасаввур беринг («кейнсчилик» назарияси нуқтаи назаридан).

6. Иқтисод фанида «кейнсчилик»ка муқобил йўналиш бўлган монетаризм ва монетеристик макроиқтисодий моделнинг асосий принциплари тўғрисида ҳикоя қилинг.

7. Бозор иқтисодиётида пулларнинг роли тўғрисида тасаввур беринг (монетаристик назария нуқтаи назаридан).

8. «Кейнсчилик» назариясининг монетаристик назариядан асосий тафовутларини айтинг.

9. Иқтисодий йўналиш — оқилона тахминлар мактабининг асосий ғоялари нималардан иборат ва улар бошқа назариялардан ажратиб турувчи қандай асосий тафовутларга эга?

10. Иқтисодий тахминлар мактаби тарафдорларининг назариясини қўллаш мумкин бўлган шарт-шароитларни айтинг.

11. Таклиф иқтисодиёти мактаби назариясининг моҳиятини таърифланг.

12. «Лаффер эгри чизиғи» нима?

13. «Рейганомика» нима?

14. Иқтисодиётни юксалтириш учун турли назариялар унсурларини қўллаш мумкин бўлган вазиятни белгиланг.

4.7. Солиқлар. Солиққа тортишнинг қоида ва шакллари

Солиқ ставкаси ёки солиққа тортиш бирлигига солиқ миқдори солиққа тортиш (солиқ солиш) меъёри ҳисобланади. Агар даромад миқдоридан қатъи назар, солиққа тўлашнинг ягона фоизи белгиланадиган бўлса, биз мутаносиб ставкалар билан муносабатда бўламиз. Ставкалар даромад кўпайиши билан ошадиган ҳолларда прогрессив ставкалар яққол кўзга ташланади. Солиққа тортиш амалиётида қиймати-

дан қатъи назар объект бирлигига белгиланадиган қатъий ставкалар ҳам учрайди.

Солиқлар миллий даромадни давлат тасарруфига олишнинг энг муҳим воситасига айлангани сабабли, улар макроиқтисодиётни тартибга солишда борган сари муҳимроқ роль ўйнамоқдаки, ЯММ умумий ҳажмида солиқ тушумлари салмоғининг кўпайиши бунинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Солиқлар янги сифат касб этиб, иқтисодий фаолликни тартибга солиш, такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш қуролларидан бири ролида чиқади. Ушбу таъсир ғоятда кўп қиррали бўлади. Фойдага солинадиган солиқлардан фойдаланиб, давлат сармояни жамғариш жараёнларига ғоятда сезиларли таъсир кўрсатади. Бунга жадаллаштирилган амортизациянинг солиқ механизми мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу ҳолда давлат молия органлари корхоналарга амортизация фондига асосий сармоянинг ҳақиқатда сарфланишидан анчагина ошадиган суммани ўтказиш учун рухсат беради. Натижада солиққа тортиладиган фойданинг ҳажми, бинобарин, тўланадиган солиқ суммаси ҳам анча қисқаради. Жадаллаштирилган амортизация усули иқтисодиётнинг корпоратив секторида капитал қўйилмаларни кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Уни қўлланиш фан-техника тараққиётини интенсивлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш, айниқса илм талаб тармоқларни ривожлантириш имконини беради.

Солиқ воситасида тартибга солиш чораларидан муайян тармоқлар рақобатбардошлигини рағбатлантириш, уларга сармоя жамғариш учун ғоятда қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг ижтимоий фойдали фаолиятини тақдирлаш учун кенг фойдаланилади. Ана шу мақсадда у ёки бу фаоли-

ятни амалга оширишга боғлиқ ҳолда солиқ тўлаш бўйича турли хил имтиёзлар берилади. Солиқ имтиёзлари ёрдамида давлат ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий жойлаштириш, инфратузилма объектларини барпо этиш ва ҳоказоларга ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Солиқ воситасида тартибга солишнинг селектив чоралари билан бирга давлат умуман хўжалик конъюнктурасига умумий таъсир кўрсатиш мақсадида солиқ механизмидан ҳам кенг фойдаланади. Иқтисодий турғунликни бартараф этиш учун давлат солиқ имтиёзлари воситасида капитал қўйилмаларни рағбатлантиради, ҳам истеъмол, ҳам инвестиция товарларига жамулжам ижтимоий талабни кенгайтириш учун анча қулай шарт-шароитлар яратади. Шубҳасиз, айтиш мумкинки, солиқ ставкаларини ошириш ёки камайтириш капитал қўйилмалар динамикасига тўсқинлик қилувчи ва аксинча, рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Бироқ умуман олганда бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга, солиқ ставкаларидан ташқари, бир талай бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар орасида муайян компаниялар маҳсулотига талаб ва таклифнинг нисбати, улар фойдалари динамикаси ва ҳоказолар жуда муҳим ўрин тутади.

Жаҳон амалиётининг солиққа тортиш тизимида корпорациялардан олинадиган солиқ муҳим ўрин тутади, бу солиқ биринчи жаҳон уруши даврида пайдо бўлган. Солиқлар акциядорлик компаниялари соф фойдасидан, яъни чегирмалар (масалан жадаллаштирилган амортизация, ер ости бойликлари камайишига доир чегирмалар, хайрия фондларига тўловлар ва ҳ.к.) чиқариб ташланган ялпи фойдадан ундирилади. Кўпчилик мамлакатларда корпорациялар фойдасига солиқ солиш пропорционал ставкалар бўйича амалга оширилади.

Ортиқча фойдадан олинадиган солиқ ҳам маълум бўлиб, белгиланган ҳажмлардан ортиқча фойданинг бир қисми шундай солиққа тортилади.

Қимматли қоғозларга доир операциялардан солиқ асосан фонд операциялари даромадидан, қимматли қоғозлар олди-сотдисидан ундирилади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқдан ташқари, миллий даромадни давлат тасарруфига ўтказишда билвосита солиқлар ҳам муҳим роль ўйнайди, улар тегишли товар ёки хизматлар нархига устамалар сифатида белгиланади. Пировардида ушбу товарлар истеъмолчиси (харидори) ана шу солиқлар тўловчиси ҳисобланади.

Гарчи молия ресурсларини бюджетга сафарбар этишнинг асосий қуроли бевосита солиқлар ҳисобланса-да, билвосита солиқларнинг роли ҳалигача бирмунча жиддий катталигича қолмоқда.

Ҳозирги вақтда билвосита солиқларнинг тўртта асосий тури мавжуд — акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, товарлар олиб келганлик учун жисмоний шахслардан йиғимлар, шунингдек божхона божлари.

Акцизлар товарлар нархи ёки кўрсатилган хизматлар тарифига устамалардир. У ёки бу мамлакатнинг хусусиятларига боғлиқ равишда ғоятда хилма-хил оммавий истеъмол товарлари акцизга тортилади.

Ҳозирги шароитда қўшилган қиймат солиғи борган сари кенг тарқалмоқда. Бунда мазкур товарни сотишдан олинган бутун тушум эмас, балки ишлаб чиқаришнинг ушбу босқичида қўшилган қиймат солиққа тортилади.

Божхона божлари ҳам билвосита солиқлар қаторига киради, улар давлат чегараси орқали товарларни олиб ўтишда ундириладиган солиқлардир. Ҳозирги шароитда хорижий товарлар импортида ундириладиган божлар жуда муҳим роль ўйнайди. Божхона божлари механизми воситасида давлат ўзи-

нинг ички бозорини хорижий рақобатдан ҳимоя қилиб, у ёки бу товарлар импортини жуда самарадорлик билан чеклаши мумкин.

Замонавий давлатлар молия тизимида маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ тушумлари ва йиғимлари муҳим роль ўйнайди. Мазкур тушумлар орасида энг муҳими мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек турли хил билвосита солиқлардир. Одатда маҳаллий солиқлар маҳаллий маъмурият эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмагани сабабли кўпгина мамлакатларда марказий ҳукуматнинг маҳаллий ҳокимият органларига субсидиялар бериш тизими амал қилади. Субсидиялар ё дотациялар шаклида (маҳаллий бюджетлар камомадини қоплаш учун) ёки субвенциялар шаклида (мақсадли тадбирларни молиялаш учун) берилади. Умуман олганда ўз табиатига кўра субсидиялар маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларга бериладиган солиқ тушумлари бир қисми ҳисобланади.

Ҳозирги шарт-шароитга татбиқан ва халқаро амалиётни ҳисобга олганда самарали солиқ тизимининг қуйидаги асосий қоидаларини таърифлаш мумкин.

1. Етарлилик қоидаси. Мазкур қоидага мувофиқ солиққа тортиш даражаси иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа қобилияти ва ҳоказо соҳаларда давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурсларининг жамланишини таъминлаши керак. Етарлилик қоидаси солиқ сиёсатини белгилашда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий қилиб боғлашни тақозо этади.

2. Қонунийлик қоидаси. Қонунийлик — солиқ ҳуқуқи қонунчилиги талабларининг давлат бошқарув органлари, фуқаролар ва бирлашмалар томонидан мажбурий тарзда ва оғишмай бажарилиши, яъни бошқача айтганда, қонун талабларининг барча ҳуқуқ

субъектлари томонидан мажбурий тарзда бажарилишидир.

3. Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда қонунлар кучга эгалигини инкор қилиш қоидаси. Амалиётда бу нарса шуни англатадики, янги қабул қилинган қонун ёки меъёрий ҳужжат муносабатларга ва мазкур ҳужжат қабул қилингунига қадар пайдо бўлган ўтилган даврга татбиқ этилмайди, у тасдиқ этилган пайтдан бошлаб амал қилади.

4. Солиққа тортишнинг бир маротабалиги қоидаси, яъни солиққа тортишнинг биргина объекти муайян давр учун икки марта солиққа тортилмаслиги керак.

5. Солиққа тортишнинг имтиёзлилиги қоидаси, яъни солиқ қонунчилиги солиқ юкини енгиллаштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақдирлаш мақсадида алоҳида ёки муайян гуруҳлардаги солиқ тўловчилар учун солиқлар бўйича имтиёзларни мустаҳкамлайдиган ёки белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларга эга бўлиши керак.

6. Солиқ тўловчи ва давлат манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тенглиги қоидаси, яъни солиқ муносабатлари иштирокчиларининг ҳар бири ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

7. Резидентлик қоидаси, яъни у солиқ тўловчининг вақтинчалик яшаш жойини англатади. Ушбу мезондан келиб чиқиб юридик адабиётларда барча солиқ тўловчилар икки гуруҳга бўлинади:

- муайян давлатда доимий яшаш жойи бўлган солиқ тўловчилар — резидентлар;
- унда доимий яшаш жойига эга бўлмаган солиқ тўловчилар — норезидентлар.

Бу қоида хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ тўлашида катта аҳамият касб этади.

8. Солиққа тортишнинг одиллиги қоидаси. Одиллик қоидаларига мувофиқ солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинадиган умумий объектив қоидаларга мувофиқ белгиланиши керак. Ўзбекистонда солиққа тортишда одиллик қоидаси кўп даражада тўловга қобиллик конценциясига асосланади ва жисмоний шахслар даромадининг солиққа тортилмайдиган ҳажмдаги бир қисмини даромад солиғидан озод қилиш ҳамда катта даромад олувчи шахслар учун солиқ ставкаларининг прогрессив шкаласини жорий этиш ёрдамида амалга оширилади.

9. Оддийлик ва нейтраллик қоидаси солиққа тортиладиган базани аниқлаш, солиқлар бўйича ҳисобкитобнинг оддий бўлишини, тақдим этиладиган ҳисоботлар мазмуни соддалаштирилишини, шунингдек солиқларнинг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгиланишини кўзда тутади.

10. Солиқ йиғиш жараёнининг иложи борича арзонлаштириш. Мазкур қоида солиқ йиғишга давлат томонидан ҳам, солиқ тўловчилар томонидан ҳам иложи борича кам сарф-харажат бўлишини кўзда тутади. Ўзбекистонда бунинг учун солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологияларини, солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида солиқларга доир ахборотлар ишончлилигини билвосита назорат қилиш усулларини қўллаш йўли билан солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқ идоралари қошида сервис-марказлар тизими, шунингдек солиққа тортиш масалалари бўйича солиқ идораларининг бепул консультациялари ташкил этилган.

Солиқ қонунчилиги мураккаблашиб бораётгани солиқ тўловчиларга мураккаблашаётган ва ошиб бораётган вазифаларни бажаришларида ёрдам кўрсатишни тақозо этади.

11. Солиқ ставкаларининг қиёсийлиги. Солиқ ставкалари бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш ставкалар билан қиёсланадиган бўлиши, яъни минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиб, бошқа мамлакатлар билан хўжалик фаолиятининг тахминан тенг шарт-шароитини яратиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ тизимининг асосий қоидалари ўз ифодасини топган, улар умуман олганда халқаро амалиётда умум қабул қилинган солиққа тортиш қоидаларини акс эттиради, яъни:

- ҳар бир шахс белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаши шарт;
- манбаларидан қатъи назар, барча даромадлар мажбурий тарзда солиққа тортилиши керак;
- белгиланган солиқ имтиёзлари ижтимоий адолат қоидаларига мувофиқ келиши керак;
- юридик шахсларни солиққа тортиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилиши керак;
- жисмоний шахсларни солиққа тортиш, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар амалга оширилиши керак;
- белгиланадиган солиқ ва йиғимлар товарлар (ишлар, хизматлар) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бевосита ёхуд билвосита эркин олиб ўтилишини чекламаслиги ҳам солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик яратмаслиги керак.

Назорат саволлари:

1. Солиққа тортиш меъёри нима?
2. «Солиқлар — иқтисодий фаолликни тартибга солиш қуролларидан бири» тушунчасини таърифланг.

3. Солиқ воситасида тартибга солиш чораларини айтинг.

4. Солиқларни таснифланг.

5. Бевосита солиқлар тўғрисида нималарни биласиз?

6. Билвосита солиқларни тавсифланг.

7. Самарали солиқ тизимининг асосий қоидаларини белгиланг.

4.8. Солиқ функциялари

Солиқ тизимида унинг бешта асосий функцияси ажратиб кўрсатилади:

- ***солиқ ҳисобининг фискал (хазинага оид) функцияси;***
- ***қайта тақсимлаш функцияси;***
- ***рағбатлантириш функцияси;***
- ***солиқ ҳисобининг назорат функцияси;***
- ***солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.***

1. Солиқларнинг асосий функцияси — ***фискал*** вазифа ҳисобланади (лотинча *fiscus* — хазина). Бунинг маъноси шуки, солиқлар ёрдамида пул ресурсларининг марказлаштирилган фонди ташкил этилади, унга давлат аппарати, қуролли кучларни тутиб туриш, шунингдек зарур ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажариш учун мамлакат ҳукумати эгалик қилади, яъни энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун, корхона ва фуқаролар олган даромадлар бир қисмини солиқ тўловлари сифатида олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш солиқлар фискал функциясининг энг муҳим элементи ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан фискал функциянинг аҳамияти ошиб боради. Ишлаб чи-

қариш ижтимоий тусдалигининг чуқурлаштирилиши, фан-техника тараққиётининг ривожланиши муносабати билан асосан солиқлардан шакллантириладиган молиявий ресурслар оқимини кўпайтиришнинг реал зарурати юзага келади. Давлат иқтисодий ва ижтимоий тадбирларга борган сари кўп молиявий ресурсларни сарфламоқда, лекин солиқ тизими ўзининг фискал вазифаларини бажариши жараёнида ишлаб чиқариш ўсишига, жамғариш жараёнига халал бермаслиги, ижтимоий адолатни бузмаслиги ҳамда халқ хўжалигининг умумий тузилмасида деформациялар ва ҳаддан ошишларга йўл қўймаслиги керак.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқларнинг иккинчи муҳим функцияси уларнинг иқтисодиётдаги тартибга солувчилик роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар ёрдамида товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ муҳити» яратади. Ушбу функция орқали солиқ тизими таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг мақбул бўлган бошқа тармоққа қўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради. Солиқларнинг иқтисодий функцияси орқали давлат халқ хўжалиги тараққиётини рағбатлантиради, бу билан фискал функцияларни бажариш учун базани кенгайтиради. Ишлаб чиқаришни солиқларнинг иқтисодий функцияси орқали рағбатлантириб ва ривожлантириб, давлатнинг оқилона солиқ сиёсатини ўтказиш билан давлатнинг солиқ юкини кучайтирмасдан туриб фаолият кўрсатиши ва яшашининг шарт-шароити таъминланади.

Илгари мавжуд бўлган марказлаштирилган режали тизим доирасида (СССР мавжуд бўлган йилларда) давлат иқтисодий тартибга солишни маъмурий — буйруқбозлик йўли билан таъсир кўрсатиш чоралари орқали амалга оширган, солиқларнинг иқтисодий қурол сифатида умуман бўлмаган.

Солиқлар тартибга солувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор шароитида ўсиб боради, лекин иқтисодий фаолликни тартибга солишга, унинг ривожланишини умуман давлат ва жамиятга зарур бўлган йўналишда рағбатлантиришга бўлган зарурат сақланиб қолади. Бозор механизмлари амалларини солиққа тортиш ёрдамида тузатиш кўп муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Ташқи ва ички иқтисодий омилларга тузатувчи таъсир кўрсатиш мақсадида солиқ ундиришни солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаш керак.

Бозор мувозанатининг бузилиши амалий циклларда, яъни амалий фаоллик даражасининг кенг миқёсли ўзгаришларида ва иқтисодиётнинг ресурслар тўлиқ бандлигига эришишга ёки ўсиш имкониятларини иложи борича кўп даражада рўёбга чиқаришга ноқобиллигида ўз ифодасини топади.

Солиқ ставкалари, имтиёзлар ва жарималардан фойдаланиб, солиққа тортиш шартларини ўзгартириб, бир хил солиқларни жорий этиб ва бошқаларини бекор қилиб, давлат муайян тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратади, жамият учун долзарб муаммоларни ҳал этишга имкон яратади. Чунончи, Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан деҳқон ва фермер хўжаликларига, жамоа хўжаликларига, қишлоқ хўжалик корхоналарига кўплаб солиқ имтиёзлари ва рағбатлар берилган.

Асосий фондларга жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш, фойданинг бир қисмини қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга йўналтириб, кейинчалик солиққа тортиш базасидан чегириш, солиққа тортиладиган даромаддан илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва жорий этиш харажатларини чегириб ташлаш орқали солиқ тизими техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришга катта таъсир кўрсатади.

Амортизацияни жадаллаштириб ҳисоблаш солиққа тортиш базасини қисқартиради ва илғор технологияларни жорий этиш ва янги ускуналарни харид қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш саъи-ҳаракатларини фаоллаштиришга имкон яратади.

Солиққа тортиш фаолиятнинг самарали турларини рағбатлантириш ва самарасиз турларини жиловлаб туриш мақсадида даромад манбаларига таъсир кўрсатиш йўли билан корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириши мумкин. Чунончи, масалан, импорт қилинадиган товарларга солиқ белгилаш мамлакат саноатини хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилиш учун ишлатилади, сармоянинг хорижга оқиб кетишига тўсқинлик қилиб, мамлакат ичида ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Айни вақтда экспорт қилинадиган товарларни солиқдан озод этиш экспорт имкониятларини кенгайтириш учун қўшимча маблағлардан фойдаланиш имконини беради.

Ижтимоий чиқимларни (атроф муҳитни ифлослантирувчи, аҳоли саломатлигига хавф туғдирувчи ва ҳоказоларга доир) кўпайтирадиган корхоналар маҳсулотига солиқларнинг белгиланиши кўпинча улар фаолиятини жиловлашга олиб келади, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш заруратини туғдиради.

2. Солиқларнинг яна бир функцияси ***қайта тақсимлашдир***, яъни солиқлар тушишидан ҳосил бўладиган пул ресурсларининг давлат фонди (давлат бюджети) орқали давлатдан олинган даромадлар бир

қисмини қайта тақсимлайди, уларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, устувор тармоқларга инвестициялашга йўналтиради. Кўп мамлакатларда бюджетнинг каттагина маблағлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга юборилади.

Жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун солиқ имтиёзлари ва юқори даромад олувчи шахслар учун прогрессив ставкалар белгилаш ҳам қўлланади, яъни аҳолининг кам даромад оладиган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида даромадлар бир қисми қайта тақсимланади. Бундай ёндашувлар солиққа тортиладиган даромадни белгилашда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдордаги даромади киритилмайдиган фуқароларга доир даромад солиғи бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланади; айни вақтда ўта юқори даромадларга даромад солиғининг прогрессив ставкалари белгиланган.

Солиққа тортишнинг қайта тақсимлаш функцияси нотўғри қўлланилган ҳолларда иқтисодий вазиятга ва бюджетга даромадлар келиб тушишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Солиқларнинг кўпчилиги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда жойларда корхоналар фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитини ўзгартиришга мажбур этиб, молиявий ресурсларни макродаражада қайта тақсимлашга олиб келади.

Солиқларнинг барча функциялари бир-бирига уйқашиб бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши кўпинча улар ўртасидаги зиддиятларни туғдириши туфайли солиқ функцияларининг мазкур таснифи шартли, шунинг учун мунозаравий тус касб этади.

Масалан, агар давлат кейинчалик бюджет орқали иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга

таъсир кўрсатиш мақсадида ўз қўлида молия ресурсларининг иложи борича катта ҳажмини жамлашга интилса, у солиқларни оширади ва бу билан уларнинг фискал функциясидан фаолроқ фойдаланади. Бироқ даромаднинг қанчалик кўп қисмини давлат солиқ сифатида олиб қолса, даромад (фойда) олиш мақсадида фаол ишлаш учун рағбатлар шунчалик кам бўлади. Ҳаддан ташқари юқори солиқлар тадбиркорлар фаоллигини сусайтиради, ўз-ўзидан улар даромадлари пасайишига ва бюджетга солиқ тўловлари сифатида келиб тушадиган маблағларнинг қисқаришига олиб келади, яъни давлат солиққа тортишнинг, бир томондан, эркин иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайдиган, бошқа томондан эса — бюджетга маблағларнинг иложи борича кўп келиб тушишини таъминлайдиган ставкаларини белгилашдан манфаатдор бўлади.

3. Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий-хом ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбатлантиради.

4. Назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

5. Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси. Мазкур функция амалдаги қонунларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт бўлмаган шахслар учун солиқ мажбуриятларини тўғри ҳисоблашга доир зарур солиқ ахборотини йиғиш ва қайта ишлаш имконини беради. Масалан, солиққа тортиладиган жисмоний шахслар йил давомида олган даромадлари ва қилган харажатларини ҳисобга олишлари шарт. Жисмоний шахслар бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт бўлмагани учун барча ҳисоб функциялари солиққа тортиш мақсадлари учун ҳисобга, яъни солиқ ҳисобига юкланади.

* * *

Солиқ функцияларини қисқача кўриб чиқиш солиқлар молия ресурсларини жамлаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва даромадларни ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлар учун қайта тақсимлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради деб хулоса чиқариш имконини беради.

Шу сабабли солиқ сиёсатини ўтказаётганда солиқлар анча нозик қурол эканлигини ҳамда улардан эҳтиёткорлик билан ва пухта ўйлаб фойдаланиш лозимлигини эсда тутиш керак, чунки улар нафақат соф фискал функцияни, балки тақсимлаш ва рағбатлантириш функцияларини ҳам бажаради. Юқори солиқ ставкалари яхши ишлаб, кўп пул топишни тамоман фойдасиз қилиши, паст ставкаларни қўллаш эса самарали бюджет сиёсатини ўтказишни имкондан хориж қилиш мумкин. Айни шу сабабли ҳар бир давлат мақбул солиққа тортиш қоидаларини ахтаради. Бош қоидани А.Смит таърифлаб берган: «Олтин тухум қўядиган товуқни сўйиш мумкин эмас». Ушбу қоида у томонидан таърифланган Лаффер эффекти билан бевосита боғланган: «Солиқ солишнинг анча юқори ставкасида бюджетга ялпи тўловлар камаяди. Юқори

бўлмаган ставкаларда солиқ солиш фоизининг кўпайиши билан бюджет даромадлари ўсади, ваҳолангки даромадлар ўсиши камаяди ҳам. Муайян ставкада даромад имкони бўлган энг юқори даражада бўлиб қолади».

Бу нарса шу билан боғлиқки, солиқлар юқори даражада бўлганда ишлаб чиқаришнинг фойда келтириши камаяди, инвестициялар рағбатлантирилмайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш қисқаради, фойда ҳажми тушиб кетади ва ҳатто солиқ оширилганда бюджет даромадлари камаяди. Битта даромад суммаси солиққа солишнинг турли миқёсларига мувофиқ келиши мумкин. Лекин фойдадан ажратмаларнинг етарлича оз бўлса фоизида тадбиркорлик асослари барҳам топтирилмайди ва бюджет даромадларини товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва фойда ҳажмини ўстириш ҳисобига кўпайтириш имконияти мавжуд бўлади.

Назорат саволлари:

1. Солиқларнинг асосий функцияларини айтинг.
2. Халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий фаолияти учун «солиқ иқлими» қандай яратилади?
3. Солиқларнинг қайта тақсимлаш функциясининг роли тўғрисида ҳикоя қилинг.
4. Солиқларнинг назорат функциясининг моҳиятини тавсифланг.
5. Солиқларни ҳисоблашда ахборот билан таъминлашнинг роли тўғрисида тасаввур беринг.

4.9. Солиқларни таснифлаш

Солиқларни таснифлаш — солиқларни муайян характерли белгилари, яъни уларни ундириш усул-

лари, қўлланиладиган ставкалар тури, солиқ имтиёзлари ва ҳоказолар бўйича гуруҳлашдир.

Солиқларни турлар бўйича таснифлашга бир неча белгилар асос қилиб олинган. Халқаро амалиётда иккита асосий тасниф гуруҳлари қабул қилинган — ***бевосита*** ва ***билвосита*** солиқлар. Ушбу гуруҳлар солиқ солиш объектига ва тўловчи билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир.

Бевосита солиқлар бевосита даромад ва мол-мулкка белгиланади (солиққа тортишнинг бевосита шакли), яъни бевосита солиқларнинг узил-кесил тўловчиси даромад олувчи (мол-мулкка эгалик қилувчи ва ҳ.к.) хўжалик субъекти ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг даромади (иш ҳақи, фойда, фоизлар ва бошқалар) ва мол-мулки (ерлар, уйлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар) қиймати бевосита солиқлар объектидир.

Бевосита солиқлар, ўз навбатида, реал ва шахсий бевосита солиқларга бўлиниши мумкин. Бевосита реал солиқлар деганда шундай солиқлар тушуниладики, улар мол-мулк ёки даромадларнинг турли хилларига солинади ҳамда объектнинг ҳақиқатда келтирадиган даромадини ҳисобга олмасдан, уни тахминий баҳолаш асосида ундирилади. Ҳозирги вақтда реал солиқларнинг роли катта эмас. Бевосита солиқларга, масалан, ер солиғи, ҳунармандчилик солиғи, пул сармоялари (қимматли қоғозлар) даромадларига солинадиган солиқ киради.

Бевосита реал солиқлар ўрнини борган сари бевосита шахсий солиқлар эгаллаб бормоқда, улар ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларнинг ҳисобга олинган даромадларига солинади. Бевосита шахсий солиқлар декларация бўйича ундирилади. Асосан улар учун прогрессив ставкалар хосдир. Бевосита шахсий солиқларга даромад солиғи, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ ва ҳоказолар киради.

Даромад солиғи ва корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ давлат бюджетига тушумларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Корхоналардан шахсий даромад солиғи алоҳида сийлов (чегирма) ва имтиёзларни чегирган ҳолда ундирилади. Кўп мамлакатларда шахсий даромад солиғи ставкалари 15% дан 40% га қадар доирада ўзгаради.

Корхоналар даромад (фойда) солиғига одатда юридик шахслар тортилади. Одатда қишлоқ хўжалиги корхоналари пасайтирилган солиқ ставкаларига эгадир. Даромад (фойда)га солиқ у корхона томонидан ўз эҳтиёжлари учун тақсимланишига қадар солинади. 80-йиллардан бошлаб амалда барча мамлакатларда даромад (фойда) солиқлари ставкаларини анчагина қисқартириш тамойили кўзга ташланяпти. Чунончи, АҚШда улар 47% дан 34% га, Японияда 42% дан 37% га, Буюк Британияда 52% дан 35% га қадар пасайтирилди.

Билвосита солиқлар — нарх ёки тарифга устама кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлар. Билвосита солиқларга товарни сотиш нархида тўланадиган ёки тарифга киритилган, товар ва хизматларга солинадиган солиқлар киради, яъни билвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб товар истеъмолчиси майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланади. Мазкур ҳолда корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларни сотиб, солиқ суммалари ҳисобга олинган пул суммаларини оладилар, сўнгра олинган барча солиқ суммаларини тегишли бюджетга ўтказадилар.

Билвосита солиқ солишда давлат амалда янги қийматни тақсимлаш иштирокчисига айланиб, товар ёки хизматларни сотиш пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига бўлган ўз ҳуқуқларини эълон қилади.

Бевосита солиқлардан фарқ қилиб, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол-

мулки билан боғланмайди. Одатда шахсий истеъмол товарлари, шунингдек аҳолига сартарошхоналарда, кимёвий тозалаш шохобчаларида, автотранспорт корхоналари томонидан кўрсатилган ва ҳоказо хизматлар солиқ солиш объекти ҳисобланади. Билвосита солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам равишда ошиб боряпти.

Ҳақиқатда билвосита солиқни харидор-истеъмолчи тўлайди. Товарни ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи шахс аслини олганда солиқ йиғувчи ҳисобланади. Билвосита солиқларнинг каттагина қисми товар ёки хизматлар нархига киритилади.

Билвосита солиқлар на даромадни, на оилавий аҳволни ҳисобга олади. Барча фуқаролар, ўз даромадлари миқдоридан қатъи назар, ҳақиқатда билвосита солиқларни тўлайдилар, билвосита солиқ солинадиган ҳаётий зарур товарларни истеъмол қиладилар ва маиший хизматлардан фойдаланадилар.

Билвосита солиқлар ставкалари қатъий (товар ўлчов бирлигида) ва фоизли (товар нархига муайян ҳиссада) кўринишда бўлади. Фоизли ставкалар давлатга фойдалироқдир, чунки нарх оширилганда солиқ тушумлари кўпаяди. Солиқ ставкаларининг кўпайиши товарлар нархида улар ҳиссасининг ўсишига олиб келади.

Билвосита солиқлар ўз ичига акцизлар, қўшилган қиймат солиғи ва божхона божларини олади.

Ставкаларга боғлиқ равишда солиқлар пропорционал, прогрессив ва регрессив турларга бўлинади.

1. Пропорционал солиқлар — унинг миқдорини табақалаштиришни ҳисобга олмасдан солиқ объектига бир хилда фоизли нисбатда амал қилади.
2. Прогрессив солиқларнинг ўртача ставкаси даромад ошишига қараб ошиб боради.
3. Ўртача ставкаси даромаднинг ошишига қараб пасайиб борадиган солиқлар регрессив солиқлар деб аталади.


Солиқ тизими
Бевосита солиқлар
Билвосита солиқлар
Юридик шахслардан солиқ тушумлари
Жисмоний шахслардан солиқ тушумлари
Қўшилган қиймат солиғи
Даромад (фойда) солиғи
Жисмоний шахслар даромад солиғи
Акциз солиғи
Ер солиғи
Мол-мулк солиғи
Божхона божлари
Ер остидан фойдаланганлик солиғи
Бошқа солиқ ва йиғимлар
Экология солиғи
Ижтимоий инфратузилма солиғи
Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи
Бошқа солиқ ва йиғимлар

Назорат саволлари:

1. Солиқлар таснифига таъриф беринг.
2. Солиқларнинг асосий гуруҳларини айтинг.
3. Бевосита солиқларни тавсифланг.
4. Билвосита солиқлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Билвосита солиқларни ундириш механизмини тушунтириш ва билвосита солиқларни кимлар тўлаши хусусида тасаввур беринг.
6. Прогрессив, регрессив, пропорционал солиқлар тўғрисида тасаввур беринг.

4.10. Халқаро амалиётда солиқ ҳисоби билан бухгалтерия ҳисобининг нисбати

Хориж мамлакатларида бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг иккита модели мавжуд.

Биринчиси «**континентал**» модель деб аталиб, унда бухгалтерия ва солиқ ҳисоби амалда бир-бирига мувофиқ келади ҳамда бухгалтерия ҳисоби барча фискал-ҳисоб вазифаларини бажаради. Континентал тизимга, жумладан, Германия, Швеция, Бельгия, Испания, Италия ва бошқа давлатларнинг ҳисоб тизимлари киради.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоби ўзаро нисбатининг иккинчи модели «**инглиз-саксон модели**» деб аталиб, унга, асосан, АҚШ, Англия, Австрия, Канада ва бошқа мамлакатларнинг ҳисоб тизимлари киради. Мазкур тизим бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ёнма-ён мавжуд бўлиши ва қўлланишини тақозо этади. Бироқ солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг ўрнини босмайди ва унинг юритилишини истисно этмайди, балки ўз усуллари билан бир қаторда солиқ ва йиғимларни ҳисоблашда бевосита бухгалтерия ҳисобидан фойдаланади.

Бухгалтерия ҳисобининг солиқ ҳисоби тизимида иштирок этиш даражасига қараб солиқ ҳисобининг учта турини кўрсатиш мумкин.

1. ***Бухгалтерияда солиқ ҳисоби.*** Солиқ ҳисоби кўрсаткичлари фақат бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан шакллантирилади. Ҳисобланадиган солиқлар миқдорига кўра солиқ ҳисобининг ушбу тури белгиловчи аҳамиятга эга, чунки анъанавий солиққа тортиш тизими бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига асосланган, бу эса бухгалтерия ҳисобининг универсаллигидан далолат беради.
2. ***Аралаш солиқ ҳисоби.*** Солиқ ҳисоби кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан шакллантирилади, лекин солиққа тортиш мақсадлари учун муайян усуллардан фойдаланилади. Солиқ ҳисобининг мазкур усулида солиқ тўловчи даставвал ўз бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланади, сўнгра олинган кўрсаткичларни солиқ қонунларида кўзда тутилган махсус услубият бўйича тузатади.
3. ***Мутлақ солиқ ҳисоби.*** Солиқ ҳисоби кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби иштирокисиз шакллантирилади. Солиқ тўловлари бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларидан фойдаланмай ҳисоб-китоб қилиниши ҳоллари ҳам анча кенг тарқалган. Чунончи, божхона божлари, давлат божи, сув учун тўлов ва бошқа йиғимлар бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари иштирокисиз ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Бухгалтерия ҳисоби деганда нимани тушунасиз?
2. Солиқ ҳисоби нимадан иборатлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.

3. Бухгалтерия ва солиқ ҳисоблари қандай шаклларда (моддаларда) бирга мавжуд бўлади?

4. Сиз солиқ ҳисобининг қандай турларини биласиз?

5. Солиқ ҳисоби қандай ҳолларда бухгалтерия ҳисобисиз шакллантирилади?

4.11. Солиққа доир халқаро келишувлар ва икки томонлама солиқ солиш

Солиққа доир халқаро келишувларни (битимларни) тузиш чоғида даромадларга икки томонлама солиқ солишни бартараф этиш ёки энг кам даражага келтириш асосий мақсад ҳисобланади.

«Халқаро икки томонлама солиқ солиш» атамаси биргина вақт даври учун битта объектга нисбатан битта солиқ тўловчига икки (ёки ундан ортиқ) давлатда қиёслама солиқлар солинишини англатади.

Икки томонлама солиқ солиш товар ва хизматлар, сармоялар, технологияларнинг мамлакатлар ўртасидаги ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади, халқаро ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Амалиётда икки томонлама солиқ солиш икки усул билан бартараф этилади:

- бир томондан, яъни мамлакат ички солиқ қонунлари ёрдамида;
- кўп томондан, яъни икки ва ундан ортиқ давлат ўртасида икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги шартнома-келишувлар ёрдамида.

Халқаро икки томонлама солиқ солиш қуйидаги ҳолларда пайдо бўлади, яъни:

1) бир неча давлат биргина шахсни у олаётган даромад бўйича солиққа тортса, яъни бир вақтдаги тўлиқ солиқ мажбурияти;
2) шахс бир давлатнинг резиденти бўлиб, даромад ва сармояни бошқа давлатдан олса ва иккала давлат ана шу даромад ёки сармоя бўйича солиқ ундирса;
3) бир нечта давлат улардан бирортасининг резиденти бўлмаган биргина шахсни ана шу давлатларда оладиган даромади ёки у ерда эгалик қиладиган сармояси бўйича солиққа тортса.

Икки томонлама солиқ солиш солиқ юрисдикциясини аҳдлашувчи томонлар ўртасида тақсимлаш йўли билан бартараф этилиши мумкин. Бундай тақсимлаш солиқ солиш манбаи — давлатнинг солиқ солиш ҳуқуқидан воз кечиши йўли билан ёки доимий ваколатхона жойлашган давлат ёки резидент-давлат мезони ёрдамида ёхуд солиқ солишга доир ҳуқуқларни икки давлат ўртасида бўлиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Баъзан солиққа доир келишувларда солиқ солишнинг мутлақ ҳуқуқи аҳдлашувчи давлатлардан бирига берилади. Келишувда даромад аҳдлашувчи давлатлардан бирида солиққа тортилиши кўзда тутилиши мумкин, агар бунда солиқ тўловчи унинг резиденти ҳисобланмаса, резидент-давлат шахсни солиқ тўлашдан озод этади.

Солиққа доир халқаро келишувларда икки томонлама солиқ солишни бартараф этишнинг иккита қоидаси қўлланилади.

1. Озод этиш қоидаси. Ана шу қоидага мувофиқ давлат келишувга биноан бошқа давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромадга солиқ солмайди.

2. Кредит қоидаси. Ушбу қоидадан фойдаланиб давлат солиқ тўловчининг жами даромади асосида, бунга бошқа давлатлардан олинган даромад ҳам ки-

ради, у резидентдан ундирадиган солиқни ҳисоблаб чиқади, сўнгра ҳисоблаб ёзилган солиқдан бошқа давлатда тўланган солиқлар суммасини чегиради.

Ана шу усуллар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, озод этиш учун даромадга, кредит усули солиққа нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистондан ташқарида олинган даромад (фойда) суммаси Ўзбекистонда солиққа тортиладиган даромаднинг умумий суммасига киритилади ва солиқ ҳажмини белгилаш чоғида ҳисобга олинади, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган ва хориждаги корхоналар томонидан бошқа давлатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланган фойда (даромад) солиғи суммаси эса Ўзбекистонда фойда солиғини тўлаш чоғида ҳисобга олинади. Бунда ҳисобга олинадиган сумма хорижда олинган даромад (фойда) бўйича Ўзбекистон Республикасида тўланиши керак бўлган даромад солиғи суммасидан ошиши мумкин эмас.

Давлатнинг хорижий юридик шахс даромадидан солиқ ундириш ҳуқуқи тўғрисидаги ва, шу тариқа, икки томонлама солиқ солишни бартараф этиш мумкинлиги хусусидаги масалани ҳал этиш ушбу шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти характерига (шу жумладан фаолиятнинг тури ва доимий эканлигига) боғлиқдир. Фаолият характерини баҳолаш учун доимий муассаса (ваколатхона) концепцияси қўлланилади.

«Доимий муассаса» тушунчаси фақат хорижий юридик шахснинг солиқ мақомини белгилаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди, балки ушбу шахснинг бошқа давлат ҳудудидаги фаолиятинигина тавсифлайди. Хорижий юридик шахснинг аккредитация қилингани ёки қилинмагани факти солиқ солиш мақсадлари учун аҳамиятга эга эмас.

Хорижий юридик шахснинг филиали, вакиллик офиси ҳам, ушбу шахс фаолиятини амалга оширадиган ҳар қандай жой ҳам муассаса бўлиши мумкин. Фаолиятининг тусига қараб ушбу алоҳида бўлинмалар хорижий юридик шахснинг доимий муассасалари сифатида баҳоланиши ёки баҳоланмаслиги мумкин.

Бир вақтнинг ўзида умум қабул қилинган бир неча шартларга риоя қилинган ҳолда доимий муассаса юзага келади.

Биринчи шарт — фаолият юритиш жойининг мавжудлиги, фақат ана шу мақсадлар учун мўлжалланганлигидан қатъи назар, хорижий юридик шахс фаолиятида ишлатиладиган ҳар қандай бино (хона)лар, восита ёки қурилмалар ана шундай жой деб тушунилади.

Фаолият жойининг доимийлиги ***кейинги шарт*** ҳисобланади: фаолият жойи вақтинчалик тусда бўлмаган тақдирдагина доимий муассаса мавжуд деб ҳисобланиши мумкин.

Хорижий юридик шахснинг фаолиятни ана шу жой орқали амалга ошириши (тўлиқ ёки қисман) ***фаолият жойини доимий муассаса деб эътироф этишнинг учинчи шарти ҳисобланади***, бунда ушбу фаолиятнинг доимий бўлиши, яъни узлуксиз операциялар билан бориши шарт эмас, лекин бу операциялар мунтазам амалга ошириб борилиши керак. Агар тайёрлов ишлари хорижий юридик шахснинг асосий фаолиятидан жиддий равишда фарқ қилса, тайёрлов ишлари олиб борилган вақт ҳисобга олинмайди.

Солиқ солиш мақсадлари учун хорижий юридик шахснинг доимий муассасаси деганда бюролар, идоралар, агентликлар, табиий ресурсларга ишлов бериш, қурилиш, ускуналарни ўрнатиш, монтаж қилиш, йиғиш, созлаш, қараш, хизматлар кўрсатиш, бошқа ишларни бажариш бўйича контрактларда кўзда ту-

тилган ишларни ўтказиш билан боғлиқ ҳар қандай бошқа жой, шунингдек вакиллик функцияларига ваколати бўлган ташкилот ва фуқаролар тушунилади.

Идоралар ва офислар билан бир қаторда қурилиш майдончалари, шунингдек йиғиш ва монтаж қилиш объектлари доимий муассасаларнинг энг кўп тарқалган турлари ҳисобланади. Ҳар бир қурилиш майдончаси ишлар бошланган пайтдан бошлаб алоҳида доимий муассасани ташкил этади деб қаралади. Бироқ, одатда, солиққа доир амал қилувчи барча келишувларда белгиланишича, улар олдиндан белгилаб қўйилган вақтдан кўпроқ мавжуд бўлсагина, қурилиш майдончаси, йиғиш ёки монтаж қилиш объекти доимий муассасани ташкил этади. Одатда ушбу муддат 12 ой қилиб белгиланади, лекин солиққа доир баъзи келишувларда бундан узоқроқ муддатлар белгиланиши мумкин.

Агар хорижий юридик шахс бошқа давлат ҳудудида ўз фаолият жойини барпо этиш ўрнига у ерда ушбу давлат резиденти орқали фаолиятни ташкил этса, доимий муассаса мавжудлигини белгилаш учун бўйсунадиган ёки мустақил агент концепциясидан фойдаланилади.

Агар хорижий юридик шахс брокер, комиссионер ёки ўзининг одатдаги тижорат фаолияти доирасида фаолият кўрсатувчи ва ўз хизматлари учун мукофот пули оладиган бошқа мустақил агент орқали ҳаракат қилса, у бошқа давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди. Бунда кўрсатилган мукофот пули комиссион тақдирлашнинг шаклланган ўртача миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Шахсни у вакили бўлган корхонадан мустақил деб белгилаш ушбу шахснинг корхона олдидаги мажбуриятлари диапазони билан боғланган. Чунончи, агар солиқ функцияларини бажараётган агентнинг тижорат фаолияти муфассал йўриқномалар билан тар-

тибга солинса ёки бутунлай хорижий юридик шахс томонидан назорат қилинса, бу агент мустақил деб ҳисобланиши мумкин эмас. Яна бир муҳим мезон: тадбиркорлик хатари учун ким — агент ёки у вакил бўлган шахс жавобгар эканлиги.

Агар бошқа давлатдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкилот ёки у билан шартнома муносабатлари асосида бошқа давлатда манфаатларини ҳимоя қиладиган, унинг номидан иш юритадиган ва контрактлар тузиш ҳамда улар шартларини шакллантириш учун ваколатларга эга бўлган жисмоний шахс орқали амалга оширса, агар бўйсунишдаги агентнинг фаолияти одатда келишувларга кўра доимий ваколатхона тушунчасига кирмайдиган фаолият турлари билан чекланмаса, хорижий юридик шахс доимий муассасага эга деб қаралади. Бироқ ҳар қандай бўйсунишдаги шахснинг мавжудлиги доимий муассасанинг ташкил этилишига олиб келади деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бошқа давлатда айрим ҳолларда эмас, балки кўп маротаба контрактлар тузиш ваколатига эга бўлган шахслар билан чекланиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бўйсунишдаги агент концепцияси доимий муассасанинг мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида муқобил тест ҳисобланади: агар шахс юқорида кўриб чиқилган талабларга мувофиқлиги сабабли доимий муассасани ташкил этса, у бўйсунишдаги агентлигини исботлашга зарурат бўлмайди.

Ҳатто бундай фаолият доимий жой орқали амалга оширилган тақдирда ҳам, солиққа доир келишувларга мувофиқ истисно сифатида қараладиган ва доимий муассаса ҳисобланмайдиган муайян фаолият турлари мавжуд. Ушбу фаолият турлари учун умумий нарса шундан иборатки, улар тайёргарлик ёки ёрдамчи тусга эга бўлиши, биргина хорижий юридик шахс номидан, ҳисобидан ва фойдасига амалга оширилиши керак, шунингдек одатда ана шу фаолият тур-

ларига қандайдир солиқ солинадиган даромадни киритиш қийин бўлади.

Бундай фаолият турларига, хусусан, бино ва иншоотлардан фақат хорижий юридик шахсларга тегишли товарларни сақлаш, намойиш этиш ёки етказиб бериш учун фойдаланиш; доимий фаолият жойини фақат хорижий юридик шахс учун реклама фаолиятини амалга ошириш, ахборот тўплаш ёки тарқатиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва ҳоказолар учун тутиб туриш киради.

Хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган шуъба корхонаси, бундай компаниянинг фаолияти бош компаниянинг раҳбарлигида оширилишига қарамай, ўз бош корхонасининг доимий муассасаси сифатида қаралмайди, чунки солиқ солиш мақсадларида шуъба компания мустақил субъект ва мустақил солиқ тўловчи ҳисобланади. Бир хил шуъба корхона бошқа, биргина бош компанияга қариндош бўлган компания учун амалга ошираётган фаолиятга ҳам шу нарса хосдир.

Лекин агар бундай шуъба компания бош компаниянинг манфаатларини Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилса ва унинг номидан контрактлар тузиш учун ваколатларга эга бўлса, бундай компания бош компаниянинг доимий муассасаси ҳисобланади.

Агар хорижий юридик шахс бошқа давлатдаги доимий муассаса орқали даромад олса, ушбу даромад бошқа давлатда солиққа тортилади, лекин ана шу доимий муассаса фаолиятига кирадиган қисмдагина. Бунда ҳар бир давлатда бундай доимий ваколатхонага, агар у ана шундай шароитда шу сингари фаолиятни амалга оширадиган ва ўзи доимий муассасаси бўлган шахсдан мутлақо мустақил ҳаракат қиладиган алоҳида корхона бўлган тақдирда олиши мумкин бўлган фойда тааллуқли бўлади.

Одатда даромад (фойда) бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишида олинган тушум, бошқа даромадлар билан хорижий юридик шахснинг доимий муассаса орқали фаолияти билан бевосита боғланган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида бевосита усул билан белгиланади.

Доимий муассаса даромадини аниқлашда муассаса томонидан қилинган харажатларни чегиришга рухсат берилади. Бунда ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни хорижий юридик шахснинг ўзи билан унинг бошқа давлатдаги доимий муассасаси ўртасида асосли тақсимлашга йўл қўйилади. Бундай тақсимланадиган харажатларга доимий муассаса жойлашган давлатда ҳам, ҳар қандай бошқа жойда ҳам қилинган бошқарув ва умуммаъмурий харажатлар, тадқиқот ва ривожланиш харажатлари, бошқарув, маслаҳат бериш ёки техник кўмак бериш учун ва ҳоказоларга фоизлар ва тўлов киради.

Бевосита усул ёрдамида доимий муассасанинг фойдасини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда шартли усулдан фойдаланилади. Ана шу мақсадлар учун қуйидаги кўрсаткичлардан биридан фойдаланилади:

- хорижий юридик шахс даромадларининг умумий суммасида Ўзбекистон Республикасидаги фаолият муносабати билан олинган даромаднинг салмоғи;
- хорижий юридик шахс ходимларининг умумий миқдорида Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятда банд бўлган ходимлар миқдорининг салмоғи;
- хорижий юридик шахс харажатларининг умумий суммасида Ўзбекистон Республикасидаги фаолият билан боғлиқ харажатларнинг салмоғи.

Шундай қилиб, доимий муассаса орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи хо-

рижий юридик шахснинг даромадини ҳисоблашда умумий фойдани бўлакларга ажратишга асосланган тақсимлаш усулидан фойдаланилади. Бунда ушбу муассасанинг тушумлари, харажатлари ва таркибига асосланган, жаҳон амалиётида фойдаланиладиган учта базавий категориялар қўлланилади, лекин бирор-бир усулнинг бошқа усулдан афзаллигини эътироф этиб бўлмайди, чунки, масалан, қимматга тушувчи хом ашёдан товар ишлаб чиқарадиган ёки қиммат турувчи иш кучини жалб этадиган корхона билан боғлиқ ҳолда фойда айниқса харажатлар билан энг кўп даражада боғлиқ бўлади.

Доимий муассасаларни солиққа тортишнинг асосий қоидаларидан бири шундан иборатки, доимий муассасага тааллуқли бўлган даромад, агар уни ўзгартириш учун жўяли сабаб бўлмаса, ҳар йили биргина усул билан белгиланиши керак. Солиққа доир халқаро келишувларда бу қоида амалда ҳар доим таъкидланади.

Агар хорижий юридик шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатувчи деб эътироф этилмаса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадларигина солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган манбалардан даромад оладиган хорижий юридик шахслар тўлов манбаи даромадларига доир солиққа тортилиши керак. Ўзбекистон Республикаси манбаларидан олинадиган даромадларга, хусусан, қуйидагилар киради: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардаги улушбай иштирокдан олинган дивидендлар, фоизлар, даромадлар, муаллифлик ҳуқуқлари, лицензиялар, ижара, фрахт ва ҳоказолардан фойдаланиш даромадлари.

Юқорида таъкидланганидек, солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий мақсадларидан бири

икки томонлама солиқ солишни бартараф этишдан иборат, икки томонлама солиқ солишдан қочиш хусусидаги шартномаларни тузиш чоғида, у, хусусан, шунда ифодаланадики, аҳдлашувчи давлатлар бошқа давлат ҳудудида хорижий юридик шахслар томонидан у ерда жойлашган доимий муассасалари орқали олинган даромади (фойдаси)гина солиққа тортилишини келишиб оладилар.

Назорат саволлари:

1. «Халқаро икки томонлама солиқ солиш» атамаси нимани англатишини таърифлаб беринг.
2. Икки томонлама солиқ солишдан қандай усуллар воситасида қутулиш мумкинлигини ҳикоя қилиб беринг.
3. Икки томонлама солиқ солиш пайдо бўладиган ҳолларни айтинг.
4. «Доимий муассаса» тушунчасига таъриф беринг.
5. Бўйсунишдаги агент концепциясининг моҳиятини таърифланг.

5-боб.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛДА БЎЛГАН СОЛИҚЛАР ТИЗИМИ

Солиқ қонунчилигига доир меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни тартибга солиш ҳамда солиқ тизимининг яхлит ҳуқуқий негизини яратиш мақсадида Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини ишлаб чиқди, кодекс Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлиб, 1997 йил 24 апрелдаги 396-I- сон қарор билан тасдиқланган ҳамда 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган.

Солиқ кодекси солиқ режими, солиққа тортиш ва йиғимлар қоидаларини амалга ошириш шартларини тартибга солади, солиқ тўловчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, солиққа тортиш соҳасида давлат ҳуқуқ-тартиботи ва қонунийликни белгилайди.

Солиқ кодексининг солиқ муносабатларини тартибга солиш бобидаги қамровлилиги, мунтазамлиги ва изчиллиги унинг солиқ қонунчилиги бўйича илгари қабул қелинган маъёрий ҳужжатлардан афзал жиҳатларидир.

Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар амал қилмоқда (чизмага қаранг).

1 ва 2-бандларда кўзда тутилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига биноан жорий этилади ва бутун ҳудудда ундирилади.

3-8-бандларда кўзда тутилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади.

Умумдавлат солиқлари

↓

1) *юридик шахслар даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ;*
2) *жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ;*
3) *қўшилган қиймат солиғи;*
4) *акциз солиғи;*
5) *ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;*
6) *экология солиғи;*
7) *сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.*

Маҳаллий солиқ ва йиғимлар

↓

1) *мол-мулк солиғи;*
2) *ер солиғи;*
3) *реклама солиғи;*
4) *автотранспорт воситаларини олиб сотганлик солиғи;*

4') *ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан жорий этилган);*

5) *савдо-сотиқ қилиш учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимлари;*
6) *юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;*
7) *автотранспорт воситаларини қўнимгоҳга қўйиш йиғими;*
8) *ободончилик ишлари йиғими.*

Кичик корхоналар учун солиққа тортиш тизимини эркин танлаш ҳуқуқи белгиланган. Кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлашни кўзда тутадиган солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланиши мумкин, лекин акциз товарлари иш-

лаб чиқарадиган корхоналар солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими таъсирига кирмайди. Ягона солиқни тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи ва қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига (бундан мол-мулк солиғи мустасно) бюджетга ялпи даромад солиғини тўлайдилар. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаш тартиби ва унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (1998 йил 25 декабрдаги қонунга биноан жорий этилган).

Солиқ кодексининг ***126-моддасига*** мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган солиқ тўловчи юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар рўйхатга олинган пайтдан эътиборан ўн кун мобайнида рўйхат рақами солиш учун солиқ органига мурожаат қилади.

Норезидентлар (шу жумладан тегишли давлат органларида аккредитация қилинганлари) ҳисобга қўйишлари ва идентификация рақамлари олиш учун солиқ органларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият бошлаганларидан сўнг ўн кун мобайнида мурожаат қиладилар.

Бошқа солиқ тўловчилар — жисмоний шахслар бўйича рўйхат рақамларини расмийлаштириш солиқ органлари томонидан хонадонларни айланиб чиқиш пайтида амалга оширилади. Солиқ органи ҳар бир солиқ тўловчига битта рўйхат (идентифи-

кация) рақами беради. Солиқ тўловчи Солиқ кодексига мувофиқ фойдаланиладиган барча ҳужжатларда унинг солиқ тўловчи тариқасидаги рўйхат рақамини кўрсатиши шарт. Солиқ органи солиқ тўловчига юборадиган унинг солиқ мажбуриятларига тааллуқли барча хабарномаларда солиқ тўловчининг рўйхат рақамини кўрсатади.

5.1. Даромад (фойда) солиғи

Ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларидан солиққа тортиладиган даромадга (фоизга) эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар деб ҳисобланади. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисобкитобларни мустақил бажарадилар.

Солиққа тортиш мақсадида *юридик шахслар* деганда мулкчилиги, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб счётига эга бўлган барча турдаги корхона ва ташкилотлар (шу жумладан, уларнинг алоҳида бўлинмалари) тушунилади.

Солиқ кодексининг ***15-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган даромад (фойда) солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида даромад (фойда) солиғини тўлаш пайтида ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган суммалар миқдори Ўзбекистон Республикасида амалдаги ставкалар бўйича ҳисоб-

лаб чиқилган даромад (фойда) солиғи суммаларидан ошиб кетмаслиги керак.

Солиқ кодексининг ***16-моддасига*** мувофиқ «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган, мазкур Низомга иловаларда белгиланган харажатлар суммасига тузатилган ялпи даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатидаги даромад (фойда) солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ (1-илова) солиқ солиш базасига қуйидаги харажат моддалари киритилади (солиқлар тўланишига қадар уларни ҳисоботдаги фойдага қайтадан қўшиш воситасида):

I. Ишлаб чиқариш таннархи бўйича:

1.1. Корхоналар томонидан сув хўжалиги тармоқларидан белгиланган лимитлардан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ.

2. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий қимматликларнинг табиий йўқолиш меъёрларидан ортиқча нобуд бўлишлари, шикастланишлари ва камомадлари.

Ишлаб чиқариш ишчилари ва хўжалик юритувчи субъект бошқа ходимларининг меҳнат харажатлари бўйича:

1.3. Айрим тармоқлар ходимларига бепул тақдим этиладиган коммунал хизматлар, овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати; ходимларга текинга бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул уй-жой берилмагани, текинга коммунал хизматлар кўрсатилмаганлиги учун пул компенсацияси суммалари).

1.4. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом «Ишлаб чиқариш таннархи» бўлимининг 1.2.7-бандида кўрсатилган, хўжалик юритувчи субъект ходимларига қўшимча тўловларнинг бошқа турлари.

1.5. Моддий ёрдам (шу жумладан, ходимларга кооператив уй-жой қурилишига дастлабки бадал учун, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишига берилган кредитни қисман узиш учун тақдим этиладиган, кейин қайтариб олинмайдиган моддий ёрдам).

1.6. Жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча (қонунларда кўзда тутилганидан ортиқча) берилган таътилларга пул тўлаш, улар бўйича компенсациялар.

1.7. Ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан корхонанинг умумий овқатланиш шохобчаси учун чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги тафовутлар.

1.8. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг қарорига биноан амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш ишларининг қонунларда кўзда тутилган

меъёрлардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича:

1.9. Нодавлат пенсия жамғармаларига, кўнгилли тиббий суғуртага ва кўнгилли суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси бўйича:

1.10. Солиқ қонунларига мувофиқ тезлаштирилган усул билан ҳисобланган сумма билан белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар бўйича:

1.11. Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёрлардан ортиқча чиқариб ташлаганлик учун тўловлар.

1.12. Ишлаб чиқаришдаги шикастланганлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиш муносабати билан тегишли ваколатли органлар қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

Давр харажатлари бўйича:

1.13. Белгиланган меъёрлардан ортиқча реклама харажатлари.

1.14. Хизмат енгил транспорти ва хизмат микроавтобусини тутиб туриш, ёллаш ва ижарага бериш харажатлари.

1.15. Уяли, йўлдош, пейжинг алоқа узелларига ижара ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш.

1.16. Белгиланган нормативлардан ортиқча шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш.

1.17. Юридик шахсларнинг юқори органлари ва бирлашмалари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва ҳоказоларни тутиб туришга ажратмалар.

1.18. Бошқарув ходимларининг хизмат сафарларига белгиланган меъёрлардан ортиқча харажатлар.

1.19. Белгиланган меъёрлардан ортиқча вакиллик харажатлари.

1.20. Биноларни (хоналарни) бепул тақдим этиш харажатлари, умумий овқатланиш корхоналарига коммунал хизматлар қийматини тўлаш.

1.21. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга йўл қўйиладиган меъёрлардан ортиқча чиқариб ташлаганлик учун тўловлар.

1.22. Хўжалик юритувчи субъект йўналишига тўғри келмайдиган касблар бўйича ва меъёрлардан ортиқча кадрлар тайёрлаш харажатлари.

1.23. Лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект омборигача ташиш пайтида юзага келган шикастланиш ва деформацияларни бартараф этишга доир харажатларни тўлаш, коррозияга қарши ҳимоялаш нуқсонлари юзага келтирган текшириш (ускунани қисмларга ажратиш) харажатлари ва бошқа шу сингари харажатларни тўлаш етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, мазкур харажатларни камчиликлар, шикастланишлар ёки зарарлар учун жавобгар етказиб берувчилар ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига қоплаш мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

1.24. Хўжалик юритувчи субъект иштирокчиларидан (мулкдорларидан) бирининг ташаббу-

си билан амалга оширилган аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш.

1.25. Ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини тутиб туришдан кўрилган зарарлар.

1.26. Бевосита ходимларнинг ишлаб чиқаришда иштироки билан боғланмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил этишга доир тадбирлар.

1.27. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғланмаган ишлар (хизматлар)ни корхонанинг ўзи бажариши харажатлари ёки унинг ҳақ тўлаши (шаҳар ва қўрғонларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар ва бошқа хил ишлар).

1.28. Бир галги мукофотлар, тақдирлашлар ва кўп йил ишлаганлик учун тўловлар, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъект қарорига кўра натурада тўлашлар, шунингдек улар бўйича ижтимоий фондларга ҳисобланган суммалар.

1.29. Ходимларга товарлар, маҳсулот ва бошқа қимматликларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматлар бажариш.

1.30. Ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланиш, дам олиш ва даволанишга, экскурсия ва саёҳатларга бориш, йўлланмалар, спорт секциялари, тўгараклар, клублардаги машғулотлар, маданий-томоша ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларида қатнашиш, обуна бўлиш ва ходимларнинг шахсий истеъмоли учун товарлар ва бошқа шу сингари тўловлар).

1.31. Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир галги нафақалар.

1.32. Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

1.33. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектларини тутиб туришнинг (бунга амортизация ажратмалари ва барча турдаги таъмирлашни ўтказиш харажатлари ҳам киради) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормативлардан ташқари харажатлари.

1.34. Маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассаса ва ташкилотлари томонидан экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия фондларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатга олинган бўлсалар) бадаллар.

1.35. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган моддий қимматликларнинг меъёрлардан ортиқча йўқолиши, бузилиши ва камомади.

1.36. Суд чиқимлари.

1.37. Гумонли қарзлар бўйича резервга ажратмалар.

1.38. Айбдорлари аниқланмаган ёки айбдор тараф ҳисобига зарур суммаларни қоплаш мумкин бўлмаган талон-торожлардан зарарлар.

1.39. Хўжалик юритувчи субъект камида уч йил фойдаланган асосий воситаларни сотишдан зарарлар ва хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа мол-мулкини (активларини) сотишдан зарарлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъект асосий воситалари ва бошқа мол-мулкини (активларини) ҳисобдан ўчириш, бепул бериш ва бошқача реализациядан кўрилган зарарлар.

1.40. Шу жумладан етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун белгиланган ва эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа жазо турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш харажатлари.

1.41. Солиқ қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва пенялар.

1.42. Тўланган бошқа жарималар.

1.43. Бошқа харажатлар.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар бўйича:

1.44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкаларидан ортиқча банк кредитлари бўйича, шунингдек муддати ўтган ва муддати сурилган ссудалар бўйича тўловлар.

1.45. Узоқ муддатли банк кредитларига хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар.

1.46. Қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар.

1.47. Қимматли қоғозларни муддатидан олдин тўлаш муносабати билан ҳосил бўлган манфий дисконт, агар бу нарса бюджет олдидаги қарзни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш билан боғлиқ моддалар бўйича:

1.48. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида, қайта баҳолашни ўтказиш чоғида пайдо бўлган товар-моддий захиралар қийматининг кўпайиши, инфляция жараёнларини ҳисобга олиш учун, қайта баҳолашга доир резерв ҳисобварағига кредитланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси таркибида кўрсатилмайди. Бироқ солиқ солиш базасини баҳолаш мақсадлари учун

қийматни бундай кўпайтириш қайтар тартибда белгиланган тартибга мувофиқ баланс фойдасига киритилади.

** Харажатлар сметаси (1.1, 1.2, 1.11, 1.12, 1.21, 1.35, 1.36, 1.37, 1.38, 1.40, 1.41, 1.42, 1.47-бандлардан ташқари) хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланади (иштирокчилар, муассислар умумий йиғилиши, акциядорлик жамиятларида эса кузатув кенгаши томонидан). Хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондида давлат улуши 25 фоиз ва ундан ортиқ бўлганида харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланади.*

II. Банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео ва аудиоёзув пунктлари, аукционлар, казинолар, пул ютуқли ўйин автоматлари, нодавлат ташкилотлари ўтказадиган лотерея ўйинлари, оммавий концерт-томоша тадбирлари, шунингдек 1995 йил 1 январга қадар амал қилган солиқ солиш режимини сақлаб қолган хорижий инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқ солиш базасидан чиқариб ташланмайдиган харажатларнинг қўшимча моддалари бўйича:

2.1. Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича:

2.1.1. Ҳақиқатда бажарилган ишлаб чиқариш тусидаги иш учун хўжалик юритувчи субъект томонидан қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан ке-

либ чиқиб ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, бунга ишлаб чиқарилган маҳсулоти ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатларда кўзда тутилган рағбатлантириш тусидаги тўловлар ҳам киради.

2.1.2. Касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкалари ва маошларга устамалар.

2.1.3. Иш режими ва меҳнат шартлари билан боғлиқ, компенсациялаш тусидаги тўловлар, шу жумладан:

2.1.3.1. Технологик жараён жадвалида кўзда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (иш куни бўлмаган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва маошларига устамалар ҳамда қўшимча тўловлар.

2.1.3.2. Кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар.

2.1.3.3. Оғир, зарарли, ўта оғир меҳнат шароитида ва табиий-иқлим шарт-шароитида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ана шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича иш ҳақига устамалар.

2.1.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва тош йўллар ходимлари ҳамда доимий иши йўлда ўтадиган ёки сайёр (кўчма) тусда бўлган бошқа ходимлар иш ҳақига йўлга чиқишдан бошлаб хўжалик юритувчи пункт жойлашган ерга қайтиб келиш пайтига қадар ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар.

2.1.3.5. Бевосита қурилиш, таъмирлаш ва капитал тузатишда банд бўлган ходимларга ишларнинг кўчма ва сайёр тусдалиги учун, шунингдек қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ишлар

вахта усули билан бажарилганида тўланадиган устамалар.

2.1.3.6. Доимо ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) жинс уюмларидан иш жойига қадар бориши ва қайтиб келишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча тўлов.

2.1.3.7. Амалдаги қонунларга мувофиқ амалга ошириладиган, меҳнатга ҳақ тўлашни ҳудудий тартибга солиш шартлаган, шу жумладан туман (район) коэффициентлари ва чўл, сувсиз ва баланд тоғлик жойларда ишлаганлик учун коэффициентлар бўйича тўловлар.

2.1.3.8. Вахтада ишлаш жадвалида кўзда тутилган, корхона (йиғилиш пункти) жойлашган ердан иш жойига бориш ва қайтиб келиш йўлида ўтган кунлар учун, шунингдек ходимлар йўлда метеорологик шарт-шароит ва транспорт ташкилотлари айби билан ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар (ишлар вахта усулида бажарилганда).

2.1.4. Ишлар вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобга олинганда ва қонун билан белгилаб қўйилган бошқа ҳолларда иш вақтининг меъёрий давом этишидан ортиқча ишлаганлик муносабати билан бериладиган дам олиш (ишланмайдиган) кунлари учун ходимларга ҳақ тўлаш.

2.1.5. Ишлаб берилмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

2.1.5.1. Амалдаги қонунларга мувофиқ навбатдаги (йиллик) ва қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш, фойдаланилмаган навбатдаги (йиллик) таътил учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болага овқат бериш учун оналар ишида

қилинадиган танаффуслар, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақтга ҳақ тўлаш.

2.1.5.2. Асосий иш ҳақини қисман сақлаган ҳолда мажбуран таътилда бўлган ходимларга тўловлар.

2.1.6. Давлат мажбуриятларини (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва ҳ.к.) бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш.

2.1.7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган бошқа хил тўловлар.

2.2. Давр харажатлари бўйича:

2.2.1. Мазкур Низомнинг 1.2-бандида саналган, бошқарув ходимларига тааллуқли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

2.2.2. Қонунларга мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарори бўйича мажбуран ишламаслик ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажариш вақти учун ҳақ тўлаш.

2.2.3. Вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган ҳолда қонунда белгиланган ҳақиқатдаги иш ҳақига қадар қўшимча ҳақ тўлашлар.

2.2.4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида уларни ишдан ажралган ҳолда ўқитганлик учун хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи ва мутахассисларига, асосий иш жойи бўйича ишчиларга тўланадиган иш ҳақи.

2.2.5. Қонунга мувофиқ болаларини тарбиялаётган аёллар таътилларига ҳақ тўлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 февралда 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизмат-

лар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ (2-илова) мазкур даврнинг солиқ солиш базасидан чиқарилмайдиган, лекин кейинги даврлар (вақт бўйича тафовутлар) солиқ солиш базасидан чиқариладиган харажатларга қуйидагилар киради:

1. Янги хўжалик юритувчи субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштириш харажатлари.

2. Улар қандай монтаж қилинганини текшириш мақсадида машина ва механизмларнинг айрим турларини якка тартибда синаб кўриш ва ускуна ҳамда техник қурилмаларнинг барча турларини комплекс (нагрузкасиз) синаб кўриш.

3. Ускуналарни етказиб берувчи заводлар ёки уларнинг топшириғига кўра ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар амалга оширадиган шефмонтаж.

4. Қурилаётган корхона дирекциясини (маъмурий харажатлар), у мавжуд бўлмаганида — техник назорат гуруҳини тутиб туриш, шунингдек янги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

5. Ишга янги туширилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш.

6. Янги технологияларни яратиш ва қўлланилаётганларини такомиллаштириш, шунингдек маҳсулот сифатини оширишга доир, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар.

7. Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш харажатлари.

8. Туркумли ва оммавий тарзда ишлаб чиқариладиган маҳсулот янги турларини ва технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ҳамда ўзлаштириш харажатлари.

9. Қонунга мувофиқ ишчи кучи олиш билан боғлиқ харажатлар.

10. Ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик ва рационализаторлик харажатлари. Тажриба-эксперименталлик ишларини ўтказиш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича, ихтирочилик ва рационализаторликка доир кўргазма ва кўриклар, танловлар, сертификациялар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш. Муаллифлик мукофотларини тўлаш ва бошқа харажатлар.

11. Агар улар капитал харажатларга киритилмаса (яъни асосий фондлар сифатида капиталлаштирилмаса), қазиб олувчи тармоқларда тайёрлаш ишларига доир харажатлар.

12. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

Бироқ солиқ солиш мақсадлари учун улар солиқ солинадиган база таркибига киритиш учун фойдада қайтадан ҳисобга олиниши керак, сўнгра, кейинчалик, мазкур харажатлар фойдали амалининг бутун муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлар қайси бири қисқалигига боғлиқ равишда (вақт бўйича тафовутлар) чегирилиши шарт.

Давр харажатлари сифатида ҳисобга олинадиган қуйидаги икки қийматдан: таннархи бўйи-

ча ёки соф бозор нархи бўйича қиймат усули бўйича товар-моддий захираларни баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ махсус ажратмалар солиқ солинадиган базани ҳисоблашда қайтадан фойда таркибига киритилади, лекин товар-моддий захиралар ҳақиқатан сотилганидан кейин чегирилади.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишлар, хизматларни) эркин алмаштириладиган валютага экспорт қиладиган корхоналар учун, улар экспортни ички бозор нархларидан паст нархлар бўйича амалга оширганлари тақдирда, солиқ солинадиган база экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқатдаги нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Мазкур низом савдо-воситачи ташкилотларга, шунингдек хом ашё товарларини тасдиқланган рўйхатга биноан экспорт қилувчи корхоналарга татбиқ этилмайди (Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 349-1-сон қонуни билан жорий этилган).

Умумий вазифаларни ҳал этиш учун бирлаштириладиган бадаллар, пайлар ва устав фондига (сармоясига) бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар ана шу вазифаларни ҳал этиш учун махсус тузилган юридик шахснинг даромадлари ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан жорий этилган).

Ана шу мақсад учун юридик шахсни ташкил этмасдан қўшма фаолият (оддий ўртоқлик шартномасига кўра) унинг иштирокчилари шартномалари асосида амалга оширилади.

Қўшма фаолият тўғрисидаги шартномага кўра ўртоқ (иштирокчи) деб номланадиган икки ёки ундан ортиқ шахс ўз улушларини бирлаштириш ва қонунга зид келмайдиган умумхўжалик ва бошқа мақсад-

ларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини оладилар.

Қўшма фаолият юритиш учун шартнома иштирокчилари бирлаштирган юридик шахсларнинг молмулки шартномага мувофиқ шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юкланган иштирокчининг алоҳида балансида ҳисобга олиниши керак. Мазкур иштирокчи шартноманинг бошқа иштирокчилари имзолаган ишончнома асосида ҳаракат қилади.

Қўшма фаолиятнинг юридик шахс бўлган ҳар бир иштирокчиси томонидан олинган даромад (фойда) тақсимлангандан сўнг ялпи даромадга киритилади ва умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

Солиқ кодексининг ***17-моддасига*** мувофиқ жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳамда юридик шахс оладиган (олган) пул ёки бошқа маблағлар ёки улар текинга олган воситалар киритилади.

Бундай даромадларга қуйидагилар киради:

1. Юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари; буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарилган ишлар далолатномалари; хизмат кўрсатилганлиги фактини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган тушум.

2. Даромад (фойда) солиғини тўлайдиган харид қилиш, тайёрлаш, таъминот ва сотиш корхоналари учун солиқ солиш мақсадидаги реализациядан олинган тушум деганда сотилган товарларнинг сотиш ва харид қилиш қийматлари ўртасидаги фарқ тушунилади.

3. Воситачилик фаолиятидан даромад олувчи (воситачилик мукофоти, фоизлар) корхоналар учун тушум деганда солиқ солиш даврида амалга оширилган барча битимлар бўйича олинган воситачилик мукофотлари (фоизлар) суммаси тушунилади.

4. Асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, ақлий мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад. Корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан олинган даромадни солиқ солиш мақсадида белгилаш учун ана шу фондлар ва мол-мулкнинг сотиш ва қолдиқ қийматлари ўртасидаги фарқ (ошиб кетиш) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар, моддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмларга нисбатан қўлланади. Агар активларнинг фақат бир қисми сотилса, сотиш пайтида активларнинг қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тақсимланади. Активлар текинга ёки камайтирилган нархда берилганда бераётган шахснинг активлари қиймати шаклланган харажатлардан келиб чиқиб, олаётган шахснинг даромадлари эса кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин берилаётган активларнинг таннархидан паст бўлмаган даражада белгиланади.

5. Фоизлар кўринишидаги даромадлар.

6. Дивидендлар.

7. Текинга олинган мол-мулк. Агар воситаларни текинга бериш тизим ичида корхоналар ўртасида амалга оширилса, бунда тизим дейилганда вазирлик, концерн, трест ва ҳоказолар тушунилса ҳамда бу воситалар юқори ташкилотнинг буйруғи бўйича тақсимлаш балансига биноан олинган бўлса, улар солиқ солиш объекти бўлмайди.

8. Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад. Бунда шуни эътиборда тутиш керакки, агар ижарага берувчи амортизацияланадиган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага берса, солиқ солиш мақсадларидаги операция ижарачи томонидан мол-мулкни харид қилиш сифатида қаралиши керак. Агар у қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизацияланадиган асосий воситалар ижараси лизинг бўлади:

ижара муддати асосий воситалар хизмат қилиш муддатининг 80%идан ошса; ижарачи асосий воситаларни белгиланган нархда ёки ижара тугаганида белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса; ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижара муддати тугаганида уларнинг ижара бошидаги қийматининг камида 20%ини ташкил этса; бутун ижара давринг тўловлар жорий суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг 90%идан ошса.

9. Роялти.

10. Текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан берилган субсидиялардан ташқари).

11. Даъво этиш муддати тугаган кредиторлик ва депонентдаги қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад. Даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво этиш йўли билан ҳимоя қила оладиган муддат. Даъво этишнинг умумий муддати — 3 (уч) йил.

12. Илгари чегирилган харажатлар, зарар кўришлар ёки шубҳали қарзларни қоплаш кўринишида олинган даромад.

13. Валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ.

14. Фавқулодда даромадлар.

15. Бошқа даромадлар.

16. Товар-моддий захираларни қўшимча баҳолаш суммаси товарлар (ишлар, хизматлар) сотилишига қараб солиқ солинадиган даромад таркибига киритилади.

17. Маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ҳақиқий таннархидан паст нархларда сотишни амалга оширадиган ташкилотлар (корхоналар) бўйича солиқ солиш пайтида зарарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтирмайди, бундан эркин алмаштириладиган валютага сотилувчи ўзи ишлаб чиқарган экспорт маҳсулоти (ишлар, хизматлар) мустаснодир.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ички бозор нархларидан паст нархларда эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилувчи (1-иловада саналган хом ашё товарлари экспортидан ташқари) корхоналар (савдо-воситачи корхоналардан ташқари) учун солиқ солиш базаси экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқий нархидан келиб чиқиб ҳисобланади.

18. Умумий вазифаларни ҳал этиш ва қўшма фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган, устав фондига (сармоясига) улушлар, пайлар ва бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар ана шу умумий вазифаларни ҳал этиш учун махсус ташкил этилган юридик шахснинг даромади ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди. Ана шу мақсад учун юридик шахсни ташкил этмасдан қўшма фаолият юритиш (оддий ўртоқлик шартномаси бўйича) унинг иштирокчилари шартномалари асосида амалга оширилади. Қўшма фаолият тўғрисидаги шартнома бўйича ўртоқлар (иштирокчилар) деб номланадиган икки ёки ундан кўп шахслар ўз улушларини бирлаштириш ва қонунга зид бўлмаган умумхўжалик ва бошқа мақсадларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини оладилар. Қўшма фаолият учун шартнома иштирокчилари томонидан бирлаштирилган юридик шахсларнинг молмулки шартномага мувофиқ шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юкланган иштирокчининг алоҳида балансида ҳисобга олиниши керак. Мазкур иштирокчи шартноманинг қолган иштирокчилари имзолаган ишончнома асосида ҳаракат қилади. Бир неча корхоналарнинг юридик шахсни ташкил этмасдан юритган қўшма фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) улар ўртасида тузилган шартномалар асосида солиқ солишга қадар қўшма фаолият иштирокчилари ўртасида тақсимла-

нади. Қўшма фаолиятнинг юридик шахс бўлган ҳар бир иштирокчиси олган даромад (фойда) тақсимотдан сўнг ялпи даромадга киритилади ва умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

19. Корхоналарнинг хорижий валютада олинган даромади (фойдаси) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олинган тушум билан биргаликда тўлиқ ҳажмда солиққа тортилади. Бунда хорижий валютада олинган даромад (фойда) юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайтадан ҳисобланади.

Юридик шахслар даромадлари ва уларга доир тегишли чегирмалар, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, ҳақ тўлаш вақти ва пул тушумлари санасидан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади.

Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар тижорат ва молиявий муносабатларида мустақил юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласалар, солиқ тўловчининг даромади (фойдаси) солиқ солиш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, нархларда вужудга келган фарққа тенг миқдорда ўзгартирилиши мумкин. Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

- хорижий давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган шуъба корхоналари;
- Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган корхоналар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари ва ҳ.к.

Солиқ кодексининг ***20-моддасига*** мувофиқ солиқ тўловчи (банклар ва суғурта ташкилотлари бун-

дан мустасно) даъво муддати ўтганидан сўнг даромадлари товарлар (ишлар, хизматларнинг) реализация қилиниши билан боғлиқ бўлган, илгари ялпи даромадга қўшилган умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиниш ҳуқуқига эга бўлади.

Солиқ кодексининг ***19-моддасига*** мувофиқ ялпи даромад ҳисобидан қуйидаги чегирмалар амалга оширилади:

- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- божхона божи;
- банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно;
- ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео-аудио ёзув пунктлари, аукционлар, казино, пул ютуғи қўйилган ўйин автоматлари, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари ҳамда оммавий концерт-томоша тадбирларининг харажатлари бундан мустасно);
- белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;
- ижара ҳақи (лизинг тўлови);
- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

- чет юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;
- мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақига ҳисобланган суммалар;
- маҳсулот (хизматлар)ни сертификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ меъёрлар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ меъёрлар бўйича реклама харажатлари суммалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;
- солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган меъёрларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари, шунингдек солиқ тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашиб, ана шу мақсадлар учун қиладиган харажатларининг суммалари;
- қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

Назарда тутилган харажатлар ва мажбурий тўловлардан ташқари қуйидаги харажатлар ва ажратмалар ҳам жами даромаддан чегириб ташланиши лозим:

1) банклар бўйича:

— кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ва бойликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

— мижозларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

— таваккалчилик операциялари бўйича захира ҳисобидан ўчирилган умидсиз ссуда суммалари;

2) суғурта ташкилотлари бўйича:

— қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

— амал қилиши ҳисобот йили охиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

— суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

— ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

— суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

— суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

—суғурта ташкилотларининг захира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар.

Агар амалга оширилган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у фақат бир марта жами даромаддан чегириб ташланиши мумкин.

Асосий воситалар сотиб олиш ва уларни монтаж қилишга, номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажат, шунингдек бошқа капитал харажатлар амортизация тариқасида кейинги даврларда жами даромаддан чегириб ташланиши лозим.

Солиқ кодексининг ***22-моддасига*** мувофиқ тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланади.

Қимматли қоғозлар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Иш ҳайвонлари ва кўп йиллик дарахтлардан фойдаланганда вужудга келган зарарлар фақат ана шу активлардан фойдаланишдан олинган даромаддан чегириб ташланади.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммалари жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Солиқ кодексининг ***26-моддасига*** мувофиқ солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли бўлмаган тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари бўйича чегирмалар қилинмайди.

Агар маданий, спорт ва бошқа тадбирлар учун харажатлар солиқ тўловчининг асосий фаолияти доирасида ўтказиладиган бўлса, 26-модданинг қоидалари унга нисбатан қўлланилмайди.

Солиқ кодексининг ***25-моддасига*** мувофиқ солиқ тўловчининг геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик ишлари учун қилган харажатлари ялпи даромаддан амортизация сифатида, амортизация ажратмалари меъёри бўйича — ўн беш фоиз миқдорида чегириб ташланади.

Солиқ кодексининг ***27-моддасига*** мувофиқ давлатга қарашли бўлмаган пенсия фондларига, ихтиё-

рий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси) 1999 йилда 33%лик ставка бўйича солиққа тортилиши лозим.

Солиқ кодексининг ***28-моддасига*** мувофиқ ҳар йили, давлат бюджетини тасдиқлаш пайтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ставкасини кўриб чиқиб, уни мазкур модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган энг юқори миқдордан ошириб белгилаши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан жорий этилган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йилга юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғининг қуйидаги пасайтирилган ставкалари белгиланган:

1. Хорижий инвестицияли ишлаб чиқариш корхоналари:

устав фондида хорижий сармоя улуши 30% ва ундан ортиқ бўлганда — солиқ ставкаси 25%;

Устав фондида хорижий сармоя улуши 50% ва ундан ортиқ бўлганда устав сармояси миқдори қуйидагича муқобилликда ҳисобланади:

300 минг АҚШ долларидан 1 млн АҚШ долларига қадар бўлганда — солиқ ставкаси 20%

1 млн АҚШ доллари ва ундан юқори бўлганда — солиқ ставкаси 16%.

Қуйида санаб ўтилган шартларга мувофиқ келувчи, устав фаолиятидан ўзи ишлаб чиқарган ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сервис хизмати кўрсатишнинг ҳиссаси хўжалик фаолиятидан тушумнинг умумий ҳажми 60 (олтмиш) фоиздан ортиқ бўлган хорижий, шуъба ва қўшма корхоналар хорижий инвестицияли ишлаб чиқариш корхоналарига киради.

Хорижий инвестицияли корхоналар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

— корхонанинг устав сармояси (фонди) миқдори 300 минг АҚШ долларига муқобил бўлган суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

— корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши керак;

— хорижий инвестициялар улуши корхона устав сармояси (фонди)нинг 30 (ўттиз) фоизини ташкил этади.

2. Болалар ассортименти товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва бадиий ҳунармандчилик корхоналари учун солиқ ставкаси 10%.

3. Ишлаб чиқариш ҳажмида болалар ассортименти товарлари, бадиий ҳунармандчилик буюмлари камида 20%ни ташкил этадиган корхоналар учун солиқ ставкаси 25%.

4. Сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳиссаси 30 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун — белгиланган ставка икки баравар пасайтирилади.

1999 йилда солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган кичик корхоналар учун ягона солиқнинг қуйидаги ставкалари белгиланган:

Тўловчилар	Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмига фоизларда
Савдо (харид, воситачи, улгуржи сотиш, таъминот) корхоналари	25*
Қишлоқ хўжалик корхоналари	5
Иқтисодиёт бошқа тармоқлари корхоналари	10

* Ялпи даромадга нисбатан фоизларда.

Юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ставкалар бўйича тўлов манбаида солиққа тортилади. 1998 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар учун дивиденд ва фоизлар бўйича даромад солиғи ставкаси 15% миқдорида белгиланган. Давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича дивиденд ва фоизлар солиққа тортишдан озод қилинади. Илгари Ўзбекистон Республикасида тўлаш манбаида солиққа тортилган дивиденд ва фоизлар олган юридик шахс — резидент, агар тўлов манбаи томонидан солиқ тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлса, уларни ялпи даромаддан чегириш ҳуқуқига эгадир. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари — резидентларга тўланадиган фоизлар тўлов манбаида солиққа тортилмайди, балки банкда ва бошқа молия-кредит ташкилоти резедентда белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчи — норезидент Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса билан боғлиқ манбалардан даромад (фойда) солиғи тўлайди.

Доимий муассаса билан боғланмаган норезидент даромади (фойдаси) ялпи даромад бўйича тўлов манбаида солиққа тортилади, агар даромад (фойда) манбаи Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлса.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро келишуви (шартномаси) билан Молия вазирлигининг 1998 йил 13 июлдаги 37-сон йўриқномасида кўрсатилганларидан фарқ қилувчи бошқа қоидалар белгиланган бўлса, бу ҳолда халқаро келишув (шартнома) қоидалари қўлланилади.

1999 йилга даромад солиғи ставкаси 33 фоиз ҳажмида белгиланган. Ҳисобланган ва бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаларига қўшимча равишда хорижий юридик шахснинг доимий муассасаси бевосита хорижга ўтказиладиган даромад (фойда)нинг ҳар бир суммасидан ўтказма суммасининг 10 фоизи миқдорида солиқни ҳисоблаши ва бюджетга тўлаши шарт.

Агар экспорт маҳсулоти (иш, хизматлар) учун маблағни Ўзбекистон Республикаси резиденти хорижга тўғридан-тўғри, яъни бевосита хорижий юридик шахсга ўтказган бўлса, хорижий юридик шахснинг доимий муассасаси ўтказиладиган даромад (фойда) суммасининг 10 фоизи ҳажмидаги солиқни ҳисобламайди ва тўламайди.

Хорижий юридик шахс томонидан хорижда тўланган солиқ суммалари Ўзбекистон Республикасидаги фаолият муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммасини ҳисобкитоб қилиш чоғида ҳисобга олинмайди.

Солиқ солиш мақсадида ***хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси*** деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даромад олиш бўйича ҳар қандай фаол фаолият кўрсатиш жойи, шунингдек хорижий юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида вакиллик функцияларини амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай ташкилотлар ва жисмоний шахслар тушунилади. «Доимий муассаса» атамаси фақат хорижий юридик шахснинг солиқ мақомини белгилаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Жумладан, «доимий муассаса»га қуйидагилар киради: бошқарув жойи, бўлинма, офис, идора, фабрика, устахона, шахта, нефть ёки газ қудуғи, тош кони ёки фойдали қазилмалар (табиий ресурслар) қазиб олинадиган ҳар қандай бошқа жой, «Доимий

муассаса»га шунингдек қурилиш майдончаси, қурилиш, монтаж ёки йиғув объекти ёки техник назорат қилиш бўйича фаолият киритилади.

Солиқ солиш мақсадида қурилиш объекти қанча муддатдан бери мавжудлигини белгилаш учун қурилиш майдончаси уни пудратчига топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган пайтдан буён борлигидан келиб чиқиш керак. Тегишли далолатномалар билан тасдиқланган, ишларнинг тўла якунланиш ёки тўла тўхтатиш санаси қурилиш майдончаси мавжудлигининг тугаган пайти ҳисобланади. Агар унда ишлар вақтинча тўхтатилган бўлса, қурилиш майдончаси ўз мавжудлигини тугатмайди.

Ҳар бир қурилиш майдончаси иш бошланган пайтдан бошлаб алоҳида доимий муассасани ташкил этади деб ҳисобланади. Агар бошқа хорижий юридик шахслар ёрдамчи пудратчи бўлишса, уларнинг мазкур қурилиш майдончасида иш бошланган кундан бошлаб фаолияти ҳам ёрдамчи пудратчилар алоҳида доимий муассасаларининг фаолияти сифатида қаралади.

Йўллар қурилиши ёки фойдали қазилмаларни қидириш сингари муайян ҳолларда, яъни фаолият жойи мунтазам ўзгариб турганида доимий жойни белгилашнинг бошқа мезонларидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда бутун лойиҳа унинг кўчма тусдалигидан қатъи назар, доимий муассаса сифатида қаралади.

Доимий муассасалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан олинаётган жами даромадни ҳисобга олиш ва солиқ солинадиган базани белгилаш учун уларга доир тегишли чегирмалар қилиш имконини берадиган бухгалтерия ҳисобини юритишлари керак.

Хорижий валютада амалга ошириладиган хўжалик операциялари уларни содир этиш пайтидаги

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича миллий валюта — сўмда қайта ҳисобкитоб қилинади.

Барча бухгалтерия ёзувлари тегишли ҳужжатлар, жумладан, хорижий фирмаларнинг Ўзбекистон Республикаси контрагентлари билан доимий муассаса иштирокида тузилган контрактлари, банк ҳисобварақларидан кўчирмалар, ҳисобварақ-фактуралар ва бошқа бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак. Ҳисобварақлар ва ҳисоб шаклларидаги ҳар бир ёзув ўртасида равшан ва оддий алоқа бўлиши лозим.

Нақд тўловлар тегишли бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

Доимий муассаса томонидан ҳисобга олинадиган операцияларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳам, ундан ташқарида ҳам улар жавоб берадиган барча даромадлар ва уларга доир чегирмалар киритилиши керак.

Бош офис томонидан доимий муассасага берилаётган мол-мулкни муассаса уни ташиш, ўрнатиш, божхона тўловларини тўлаш ва бошқа ҳақиқатда қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда текшириш пайтида бош офисда ана шу мол-мулк қиймати бўйича ҳисобга олади.

Доимий муассасанинг ҳисоб маълумотлари ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунларида кўзда тутилган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясини ҳисоблаб ёзиш, тайёр маҳсулотни, ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш тартиби тўғрисидаги ахборотни олиши керак.

Доимий муассасанинг бухгалтерия ҳужжатлари ўз хизмат вазифаларини бажараётган давлат солиқ хизмати органлари ходимининг талабига биноан тақдим этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даромад (фойда) оладиган хорижий юридик шахснинг солиқ солинадиган базасини ҳисоблаш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

— *бевосита усул билан:*

- доимий муассасанинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромади (фойдаси) солиққа тортилади, у Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ жами даромад билан унга доир, хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади, бунга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қилинган бошқарув ва умуммаъмурий харажатлар ҳам киради;

— *ҳисоб-китоб усули билан:*

- солиқ солинадиган даромадни (фойдани) белгилашда уни шакллантиришнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олиниши керак:

а) хорижий юридик шахс даромади (фойдаси)нинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолият муносабати билан олинган қисмигина солиққа тортилади. Солиқ солиш мақсадида хорижий юридик шахснинг фақат мазкур хорижий юридик шахс номидан амалга ошириладиган ва Ўзбекистон Республикасида маҳсулот (ишлар, хизматлар) хариди билан, юридик шахс Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра у Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтишига қадар маҳсулот (ишлар, хизматлар) мулкдори бўладиган Ўзбекистон Республикасига маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспортига доир операциялар билан боғлиқ ташқи савдо операцияларидан олинган даромади (фойдаси) ҳисобга олинмайди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва хорижий юридик шахсга тегишли бўлган ёки у ижа-

рага олган омборлардан маҳсулот сотишдан олинган даромад бундан мустасно;

б) хорижий юридик шахс ўз фаолиятини нафақат Ўзбекистон Республикасида амалга оширмаса ва бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий муассаса орқали амалга оширадиган фаолиятдан олинадиган даромадни белгилаш имконини берадиган алоҳида ҳисоб юритмаса, солиқ солинадиган даромад (фойда) суммаси хорижий юридик шахснинг рентабеллик даражасидан келиб чиқиб, солиқ тўловчи солиқ органи билан келишилган ҳисоб-китоб асосида белгиланиши мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолда қуйидаги мезонлардан бири қўлланиши мумкин:

— Ўзбекистон Республикасида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган даромаднинг хорижий юридик шахснинг бутун фаолиятдан умумий тушумидаги салмоғи;

— Ўзбекистон Республикасидаги фаолият билан боғланган харажатларнинг хорижий юридик шахслар харажатларининг умумий суммасидаги салмоғи;

— Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга ошириш билан банд ходимлар миқдорининг хорижий юридик шахслар ходимларининг умумий миқдоридаги салмоғи.

Солиқ солинадиган даромад (фойда) суммасини юқорида келтирилган усуллардан бири ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш асосида белгилаш чоғида солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг аниқланган суммасидан қилинган қўшимча харажатлар чегирилмайди.

Ҳисобот йили учун солиқ солинадиган даромад (фойда)ни ҳисоблашда қабул қилинган усулни тўловчи давлат солиқ хизмати органига тақдим этадиган, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги декларацияда расмий равишда маълум қилади. Солиқ солинадиган даромад (фойда)ни ҳисоблашда қабул қилинган усулнинг ўзгариши давлат солиқ хизмати орган-

лари билан келишган ҳолда, кейинчалик фавқулодда ҳолларда мумкин бўлади.

Хорижий юридик шахс доимий муассасаси томонидан ҳисобот бериш муддатлари ва даромад (фойда) солиғи тўланиши

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган хорижий юридик шахс доимий муассаса орқали йиллик бухгалтерия ҳисоботини топшириш учун белгиланган муддатларда доимий муассаса жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолият туси тўғрисидаги ҳисобот (эркин шаклда), шунингдек белгиланган шаклда даромадлар ва харажатлар тўғрисида декларация тақдим этади.

Календарь йил тугашига қадар фаолият тўхтатилганда кўрсатилган ҳужжатлар у тўхтатилишидан бир ой олдин тақдим этилиши керак.

Ҳисобот йили 12 ой — 1 январдан 31 декабрга қадар қилиб белгиланган. Фаолият амалга оширила бошланган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар ўтган давр дастлабки ҳисобот йили ҳисобланади. Фаолият 1 октябрдан кейин бошланган тақдирда фаолият бошланган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабрига қадар ўтган даврни дастлабки ҳисобот йили деб ҳисоблашга ижозат берилган.

Давлат солиқ хизмати органи даромадлар ва харажатлар тўғрисида декларация бевосита тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун давомида хорижий юридик шахснинг даромад (фойда) солиғи суммасини ҳисоблайди ва тўлов хабарномасини ёзади, бунда солиқни тўлаш муддати тўлов хабарномасида уни ёзиш санаси билан бир ойда кўрсатилади.

Ҳисобланган солиқ суммасига тўловчига белгиланган шакл бўйича тўлов хабарномаси берилади. Тўлов хабарномасининг милки (корешоги) шахсий ҳисобварақлар карточкасини юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фойда солиғи суммасини ўтказишда тўлов хабарномасининг олд томонига «Тўлов тури» устунида «Хорижий юридик шахсдан олинган солиқ» деб ёзиб қўйилиши керак.

Даромад (фойда) солиғи давлат солиқ хизмати органи томонидан миллий валюта — сўмда ҳисобланади ва хорижий юридик шахснинг доимий муассасаси ёки хорижий юридик шахснинг ўзи томонидан сўмда, тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда ўтказиш йўли билан тўланади. Тўловчининг хоҳишига кўра, мазкур солиқ Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан харид қилинадиган хорижий валютада ҳам, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича солиқ тўланган кунда сўмларда қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда ҳам тўланиши мумкин.

Ортиқча тўланган суммалар, солиқлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда, навбатдаги тўловлар ҳисобига киритилади ёки унинг ёзма аризасига биноан ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органи томонидан тўловчига қайтарилади.

Солиқ кодексининг ***31-моддасига*** мувофиқ қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан озод қилинади:

1) ходимлари умумий сонининг камида етмиш беш фоизини ўрта мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ташкил этадиган юридик шахслар;

2) протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар — асосий фаолият тури бўйича;

3) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари;

4) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

5) жазони ижро этиш муассасалари;

6) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан (фойдаларидан) ташқари. Тижорат билан шуғулланмайдиган корхоналар деганда солиқ солиш мақсадида қуйидагилар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар;
- хайрия бирлашмалари, уюшма ва фондлари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

— ижтимоий-хайрия ёки тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзда тутмайдиган бошқа мақсадлар учун тузилган, таъсис ҳужжатларида бу нарса таъкидланганлари;

— молиявий ва бошқа маблағ-воситаларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислар ёки аъзолари шахсий манфаатларидан бошқа мақсадларда тақсимловчи ва инвестицияловчи корхоналар (қонунда белгиланган тартибда меҳнат учун тақдирлашлардан ташқари).

Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад (фойда) оладиган нотижорат ташкилотлари ушбу фаолиятдан умумий белгиланган тартибда солиқ тўлайди.

7) шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлари бўйича;

8) юридик шахслар тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

9) юридик шахслар умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуриш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

10) юридик шахслар "Ўзуйжойжамғармабанк" билан тузилган шартномалар бўйича ўз ходимлари учун уй-жой харид қилишга ишлатиладиган даромадлар (фойдалар) бўйича;

11) янги ташкил қилинган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли товарлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромадлари (фойдалари) бўйича рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил муддатга;

12) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар тузилган пайтдан бошлаб биринчи даромадни олгунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан уч йилгача. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар фойда олган биринчи йили эллик фоиз, иккинчи йили етмиш беш фоиз, учинчи йилдан бошлаб юз фоиз миқдорда солиқ тўлайди;

13) қуйидагилар олган даромадлари (фойдалари) юзасидан:

а) патент эгаси (лицензиар) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан, шунингдек буларга лицензия сотишдан олган даро-

мади юзасидан — амал қилиш муддати доирасида фойдалана бошлаган санадан эътиборан:

— ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;

— ихтиролардан дастлабки патент бўйича — уч йил давомида;

— селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида;

— саноат намунасидан патент бўйича — уч йил давомида;

— саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;

б) лицензиат (лицензия шартномаси нарсасидан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс) саноат мулки объектларидан фойдаланишдан олган даромади юзасидан — фойдалана бошлаган санадан эътиборан:

— ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;

— ихтиролардан дастлабки патент бўйича — уч йил давомида;

— селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида;

— саноат намунасидан патент бўйича — уч йил давомида;

— саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;

— фойдали моделдан гувоҳнома бўйича — икки йил давомида;

— товар белгиси ва хизмат белгисидан — бир йил давомида (лицензиар маҳсулотини ишлаб чиқарганда);

14) чет эл инвестициялари иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган корхоналар:

— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг йигирма беш фоиздан ортиғи болаларбоп маҳсулотлардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан беш йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;

— агар чет эл сармоясининг улуши корхона устав фондининг эллик фоизи ва ундан кўпини ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

15) устав фондида чет эл сармоясининг улуши эллик фоиз ва ундан кўпни ташкил этадиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари — ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтириладиган даромади (фойдаси) бўйича;

16) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;

17) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлашга (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари), халқ истеъмоли товарлари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом ашё ва маиший чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган, устав фондидаги чет эл капитали ўттиз фоиздан ортиқ бўлган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар

— рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил давомида;

18) қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш

ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаган пайтдан эътиборан уч йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади. Мазкур бандда кўзда тутилган имтиёз қўрғон, қишлоқ ва овуллар ҳудудида янгидан барпо этилаётган, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоси бўлган ҳамда ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек қурилиш фаолиятини амалга оширадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатадиган кичик ва ўрта бизнес хусусий корхоналарига ҳам татбиқ этилади (ЎзРнинг 29.08.98 йилдаги 681-1-сон Қонуни таҳририда);

19) янги ташкил этилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) ташкил этилган (рўйхатдан ўтказилган) пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида ва иккинчи йили эллик фоизи фиқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади;

20) ташкил этилган пайтидан бошлаб икки йилгача хусусий тижорат банклари, бўшатиб олинадиган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилади (ЎзРнинг 30.08.97 йилдаги қонуни билан киритилган);

21) ички ишлар идоралари қошидаги қўриқлаш бўлинмалари (ЎзРнинг 25.12.98 йилдаги Қонуни билан киритилган).

Солиқ кодексининг ***31-моддасида*** янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар аввалдан амал қилиб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизида тузилган юридик шахсларга (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар ҳузурида тузилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар корхонадан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланмайди.

Мазкур модданинг 11, 12, 14, 17-20-бандларида кўзда тутилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан сўнг йил тугашига қадар тугатилган ҳолларда солиқ суммаси улар фаолиятининг бутун даври учун тўлиқ ҳажмда ундирилади (ЎзРнинг 30.08.97 йилдаги Қонуни таҳририда).

Корхоналар ҳисобот йилининг якунлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмини оширишдан олган эркин алмаштириладиган валютага тенг тушумларининг суммаси даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинади. Ушбу имтиёз воситачилик ташкилотларига нисбатан, шунингдек экспорт қилинадиган хом ашё товарлари: пахта толаси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, газ конденсати, табиий газ, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар, ип газлама ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ кодексининг ***32-моддасига*** мувофиқ юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) қуйидаги суммага камайтирилади:

- экология, саломатлик ва хайрия фондлари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

- инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;
- диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойдасидан) шу бирлашмалар ва фондларнинг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига;
- табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кетган харажатларнинг ўттиз фоизи суммасига;
- футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг беш фоизигача миқдорда.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг даромадлари бўйича солиқ солинадиган база захира фонди устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар даромад(фойда)нинг йигирма фоизигача миқдорда захира фондига ўтказиладиган ажратмалар суммасига камайтирилади.

Ишловчилари умумий сонининг уч фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи бир фоиз камайтирилади.

Солиқ кодексининг ***33-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган солиқ тўловчи — норезидент Ўзбекистон Республикасида бўлган, доимий муассаса билан боғланган манбалардан олинган даромадлари (фойдаси)дан ушбу Кодексда ана шундай даромадга (фойдага) нисбатан назарда тутилган чегирмалар суммасига камайтирилган солиқни тўловчи ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***34-моддасига*** мувофиқ норезидентнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадига, агар даромад манбаи Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлса, жами даромаддан чегирма қилмай, ушбу Кодекснинг 30-моддасида назарда тутилган ставкалар бўйича тўлов манбаида солиқ солинади. Тўлов манбаида солиқ солиш тўловнинг Ўзбекистон Республикаси ичида ёки унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар қўлланилади.

Солиқ кодексининг ***35-моддасига*** мувофиқ хорижий юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинади. Башарти тегишли чет давлатда ҳам Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига нисбатан худди шундай чоратадбирлар кўрилган бўлса, хорижий юридик шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Хорижий юридик шахслар билан битимлар тузиш чоғида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар хорижий юридик шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

Норезидент — юридик шахснинг доимий муассасасига даромад (фойда) солиғига қўшимча равишда ушбу доимий муассасанинг чет элга ўтказадиган даромадидан ўн фоиз миқдорида солиқ олинади.

Солиқ кодексининг ***37-моддасига*** мувофиқ солиқ солиш мақсадида товар-моддий захираларни баҳолаш ва ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Товар-моддий захираларни қўшимча баҳолаш суммаси товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинишига қараб солиқ солинадиган даромад (фойда) таркибига киритилади.

Солиқ кодексининг ***39-моддасига*** мувофиқ активлар реализация қилинганида уларни реализация қилишдан олинган тушум билан бу активларнинг қиймати ўртасидаги мусбат фарқ активлар қийматининг ўсишидан олинган даромад ҳисобланади. Активларни реализация қилишдан олинган тушум билан бу активларнинг қиймати ўртасидаги манфий фарқ активларни реализация қилишдан кўрилган зарар ҳисобланади. Активлар қийматига уларни олиш, ишлаб чиқариш, қуриш, монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатлари, шунингдек уларнинг қийматини орттирадиган бошқа харажатлар қўшилади, солиқ тўловчи чегириш ҳуқуқига эга бўлган харажатлар бундан мустасно. Агар активларнинг фақат бир қисми реализация қилинса, унда активларнинг реализация қилиш пайтидаги қиймати қолган ва реализация қилинган қисмлари ўртасида тақсимланади.

Солиқ кодексининг ***40-моддасига*** мувофиқ активлар текинга ёки камайтирилган қиймат бўйича топширилганида топширувчи шахсга қарашли активларнинг қиймати вужудга келган харажатлар асосида, олувчи шахснинг даромадлари эса кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин топширилаётган активларнинг таннархидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Солиқ кодексининг ***41-моддасига*** мувофиқ юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади. Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт. Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади.

Солиқ кодексининг ***42-моддасига*** мувофиқ даромад (фойда) солиғини тўлов манбаида ушлаб қолишни қуйидагилар амалга ошириши шарт:

- юридик шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўловчи юридик шахслар;
- норезидент юридик шахсларга Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ тўловларни амалга оширувчи юридик шахслар.

Ана шу даромад турларини тўлайдиган юридик шахслар қуйидагиларни бажариши шарт:

- солиқни тўлов амалга оширилган ой тугаганидан сўнг беш кун ичида бюджетга ўтказиши;
- даромад олувчи юридик шахсларнинг рўйхат рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва ҳисобот йилида ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиши,

шунингдек даромад олувчи юридик шахсларга уларнинг талабига кўра юбориши лозим.

Даромад (фойда) солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Солиқ кодексининг ***43-моддасига*** мувофиқ юридик шахслар даромад (фойда) солиғини даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб беш кун ичида, Солиқ кодексининг 41-моддасига мувофиқ ўтган ҳисобот даврининг молиявий натижалари асосида тўлайди. Йилнинг ҳисобот чорагида товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпроқ миқдорда даромад (фойда) олган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг 10 ва 25-кунларида йилнинг чораги бўйича даромад (фойда) солиғи суммасининг олтидан бир қисми миқдорида тўлайди. Юридик шахслар жорий тўловлар суммасини ҳисоблаб чиқариш учун йилнинг жорий чораги биринчи ойининг 5-кунигача ўзлари солиқ рўйхатидан ўтган жойдаги солиқ органига йилнинг тегишли чорагида олиш мўлжалланган даромад (фойда) ҳамда белгиланган даромад (фойда) солиғи ставкаси асосида маълумотнома тақдим этадилар.Бюджетга жорий тўловлар суммаси камайтирилган ҳолларда улар давлат солиқ хизмати органлари томонидан мазкур корхоналар билан ҳамкорликда, аввалги чорак учун солиқнинг ҳақиқатдаги суммаларидан келиб чиқиб қўшимча равишда аниқлаштирилади. Биринчи чорак, ярим йил, тўққиз ой ва йил тугаши билан тўловчилар, даромад (фойда) солиғи ставкалари ва берилган имтиёзларни ҳисобга олиб, улар ҳақиқатда олган солиқ солинадиган

даромад (фойда)дан келиб чиққан ҳолда, даромад (фойда) солиғи суммасини йил бошидан бошлаб ўсиб борувчи якун билан мустақил ҳисоблаб чиқадилар. Йил давомида киритилган даромад (фойда) солиғи тўловлари суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисобланган солиқ ҳисобига ёзилади.

Тўловлар бюджетга тўлиқ келиб тушишини таъминлаш мақсадида корхоналар тўлов муддати бошлангунига қадар тегишли банк муассасаларига солиқни бюджетга ўтказиш учун тўлов топшириқномасини топширишлари шарт. Кўрсатилган тўлов топшириқномалари банк муассасалари томонидан, тўловчининг ҳисоб-китоб (жорий) варағи ҳолатидан қатъи назар, банк муассасалари томонидан ижро (тўлаш) учун қабул қилинади.

Даромад (фойда) солиғининг ортиқча тўланган суммалари кейинги тўловлар ҳисобига эътиборга олинади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида солиқ органи томонидан унга қайтарилади (солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда).

Бюджет билан солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида, «Даромад (фойда) солиғи» деган алоҳида илова ҳисобварағида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг кредити бўйича, «Даромад (фойда) солиғи» илова ҳисобварағида 81- «Ҳисобланган ва тўланган фойда солиқлари» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Солиқ суммасини ўтказиш 68- «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети бўйича, «Даромад (фойда) солиғи» илова ҳисобварағида ва 51-«Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилишга доир айрим мисолларни кўриб чиқамиз.

Икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш мақсадлари учун хорижда тўланган солиқларни ҳисобга олишга МИСОЛЛАР

1-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган, устав фондида хорижий иштирокчининг улуши 30% дан ортиқ бўлган қўшма корхона Францияда жойлашган доимий ваколатхона орқали у ерда тижорат фаолиятини амалга оширади.

Ҳисобот йилида қўшма корхона Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятидан 800 минг сўмлик ва Франциядаги фаолиятидан 100 минг сўмга муқобил (Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаганда) ялпи даромад олган.

Франция қонунларига мувофиқ Францияда фаол тижорат фаолиятини амалга оширадиган хорижий юридик шахсларнинг даромадлари корпорацион даромад солиғига, шунингдек миллий компаниялар сингари 15% лик ставка бўйича ҳам солиққа тортилади.

Франция қонунларига биноан ҳисоблаб чиқилган солиққа тортиладиган даромад 60 минг сўмни ташкил этди (100-40 ишлаб чиқариш харажатлари).

Францияда тўланган даромад солиғи:

60000 х 15% = 9000 сўм.

Ҳисобга олишнинг энг юқори миқдори белгиланади, у қуйидагича ҳисобланади:

Франциядаги фаолиятдан олинган даромаддан Ўзбекистон қонунларига кўра рухсат бериладиган чегирмалар чегирилади;

солиққа тортиладиган даромад 95 минг сўмни ташкил этди (100-5 Францияда қилинган ва Ўзбекистон қонунларига кўра ҳисобга олинадиган харажатлар);

мазкур тоифадаги тўловчилар учун Ўзбекистон қонунларида кўзда тутилган ставкалар бўйича даромад солиғи ҳисобланади:

95000 х 10% = 9500 сўм.

Шундай қилиб, ҳисобга олишнинг энг юқори миқдори 9500 сўмни, хорижда амалда тўланган солиқ суммаси эса 9000 сўмни ташкил этган.

Солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қуйидаги ҳисоб-китоблар қилинади:

Қўшма корхонанинг ялпи даромади 900 минг сўмни ташкил этади, Ўзбекистон қонунларига кўра ҳисобланган солиққа тортиладиган даромад 400 минг сўмга етади (900-500 қилинган харажатлар, шу жумладан 5 минг сўм Францияда қилинган ва Ўзбекистон қонунларига кўра ҳисобга олинадиган харажатлар), 10% ли ставка бўйича даромад солиғи 40 минг сўмни ташкил этди (400 х 10).

Францияда 9000 сўм миқдорида тўланган солиқ суммаси эътиборга олиш учун тақдим этилади.

Қўшма корхонанинг бюджетга тўланадиган даромад солиғи жами суммаси 31 минг сўмни (40-9) ташкил этади.

2-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган, устав фондида хорижий иштирокчининг улуши 30% дан ошадиган қўшма корхона Англиядага бўлими (доимий ваколатхонаси) орқали у ерда тижорат фаолиятини амалга оширади.

Ҳисобот йилида қўшма корхона Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятидан 800 минг сўмлик ва Англиядаги фаолиятидан 100 минг сўмга муқобил (Марказий банкнинг тижорат курси бўйича қайта ҳисоблаганда) суммада ялпи даромад олди.

Англия қонунларига мувофиқ Англияда ўз бўлими орқали фаолият кўрсатадиган хорижий юридик шахсларнинг даромадлари 35% ли ставка бўйича корпорацион солиққа тортилади.

Англия қонунлари бўйича ҳисобланган солиққа тортиладиган даромад 40 минг сўмни ташкил этди (100-60 Англияда қилинган харажатлар). Англияда тўланган даромад солиғи:

40000 х 35% = 14000 сўм.

Тақдим этилиши мумкин бўлган ҳисобга олишнинг энг юқори миқдори белгиланади.

Бунинг учун ялпи даромаддан Ўзбекистон қонунларига кўра рухсат бериладиган чегирмалар қилинади. Айтайлик, солиққа тортиладиган даромад 95 минг сўмни ташкил этди (100-5 Англияда қилинган ва Ўзбекистон қонунларига кўра ҳисобга олинадиган харажатлар).

Сўнгра мазкур тоифадаги тўловчилар учун Ўзбекистон қонунларида кўзда тутилган ставкалар бўйича даромад солиғи ҳисобланади:

95000 х 10% = 9500 сўм.

Шундай қилиб, ҳисобга олишнинг энг юқори миқдори 9500 сўмни ташкил этади, хорижда амалда тўланган солиқ эса 14 минг сўм бўлган.

Солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қуйидаги ҳисоб-китоблар бажарилади:

барча манбалардан олинган ялпи йиғма даромад 900 минг сўмга тенг, Ўзбекистон қонунларига кўра ҳисобланган солиққа тортиладиган даромад 400 минг сўмни ташкил этди (900-500 қилинган харажатлар, шу жумладан Англияда қилинган ва Ўзбекистон қонунларига кўра ҳисобга олинадиган 5 минг сўм ҳам). Даромад солиғи 10% ли ставка бўйича:

400 минг сўм х 10% = 40 минг сўм.

Англияда тўланган даромад солиғи суммасига 9500 сўм миқдорида ҳисобга олиш ҳужжати тақдим этилади.

Натижада бюджетга тўланадиган даромад солиғи суммаси 30,5 минг сўмни ташкил этади (40-9,5).

Англияда тўланган, ҳисобга олиш ҳужжати тақдим этилмаган солиқ суммаси (4,5 минг сўм) даромад солиғи тўланганидан кейин унинг тасарруфида қоладиган қўшма корхона фойдасини камайтиради.

Изоҳ: хорижий иштирокчининг ҳиссаси 30 фоиз ва ундан кам бўлган қўшма корхоналар учун ҳисобга олиш ҳужжатини тақдим этишнинг шунга ўхшаш механизми амал қилади. Бунда ушбу тоифадаги тўловчилар даромадидан олинадиган солиқнинг тегишли ставкаси қўлланади.

Даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда имтиёзлар татбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарлари РЎЙХАТИ

Товарлар номи	*ТИФ ТН бўйича коди*
1. Рангли металлар, рангли металлар прокати, рангли металлар синиқлари ва чиқиндилари	2805, 7401-7411, 7413, 7501-7506, 7601-7615, 7801-7804, 7901-7905, 8001-8005, 8103-8112 (бундан 76120900 мустасно)
2. Қора металлар прокати, қора металлар синиқлари ва чиқиндилари	7201-7229, 7301-7306 (бундан 7214200000, 721621000, 721450990 мустасно)
3. Қимматбаҳо металлар	7106, 7108, 7110, 7112
4. Хом нефть, табиий газ	2709, 2711
5. Пахта толаси, пахта линти	5201, 5203, 140420000

199____ йилда қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича фойда солиғининг ШАРТЛИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Фойда ҳажми (минг сўм)	*Рентабеллик даражаси (%)*	*Солиқ ставкаси (%)*	*Солиқ суммаси, минг сўм*
7200	20	5	360
12600	35		1440
ш.ж. 7200	20	5	360
5400	20 дан ортиқ	20	1080
26000	40		3737,5
ш.ж. 13000	20	5	650
9750	20 дан 35 гача	20	1950
3250	35 дан юқори	35	1137,5

199____ йилда товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ставкасининг ШАРТЛИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	*Ўлчов бирлиги*	*Сумма*
1.Маҳсулот (ишлар,хизматлар) сотишдан олинган соф тушум, 2-шакл, 050-сатр	минг сўм	5600
шу жумладан: маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспортидан	минг сўм	1855
2. Сотишнинг умумий ҳажмида экспорт қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар) салмоғи 1 (а)- сатр: 1-сатр х 100%	%	33,1
3. Фойда солиғининг белгиланган ставкаси	%	35
4. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажми ҳисобига тузатилган ставка	%	17,5

Даромад (фойда) солиғи ҳисобланаётганида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмлари ўсишига имтиёзлар қўллашнинг ШАРТЛИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	*1996 йил*	*1997 йил*	*Ўсиш*
1. Экспорт тушуми ҳажми, АҚШ минг доллари	80,0	100,0	+20
2. Айирбошлаш курси		75,0	
3. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан соф тушум (минг сўм) 2-шакл, 050-сатр		2400	
4. Солиққа тортиладиган база (фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобининг 070-сатри) (минг сўм)		600	
5. Сотишнинг умумий ҳажмида солиққа тортиладиган базанинг салмоғи 4-сатр, 13-сатр х 100%		25%	
6. Экспорт ўсиши суммаси (минг сўм) (20 минг доллар х 75,0)		1500	
7. Солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган экспортнинг ўсишидан олинган фойда (даромад)(6-сатр х 5-сатр) / 100%		375	

Изоҳ. Пасайтирилган ставкани ҳисоблаш учун ҳисобот йилининг амалдаги нархларида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмининг кўрсаткичлари, қўшилган қиймат солиғи акциз солиғи ва экспорт божларисиз, қабул қилинади.

ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

Корхона (ташкилот) штампи

Солиқ идораси штампи ёки белгиси _____

_____ давлат солиқ инспекциясига

_____

(корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи)

Идентификация рақами | | | | | | | | | |

Олинди _____

Тахмин қилинаётган фойда (даромад)дан келиб чиқиб 199__ йил _____ чораги учун бюджетга жорий тўловлар тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

_____

(корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи)

Кўрсаткич номи	*минг сўм*
Бир чоракда олиниши тахмин қилинаётган фойда (даромад) суммаси	
Солиқ ставкаси	
Бюджетга тўланиши керак бўлган фойда (даромад) солиғи суммаси	

Корхона раҳбари _____ Олинди _____
(ташкилот) (имзо) (имзо)

Бош бухгалтер _____ 199_й. «_»_____
(имзо) (сана)

Корхона штампи
(ташкилот)

_____ давлат солиқ инспекциясига

(корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи)

Идентификация рақами | | | | | | | | | |

Олинди _____

_____ учун даромад (фойда) солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткич номи	*сатр №*	*сумма*
Фойда солиғи тўлангунига қадар молиявий натижа ("Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-шакли 170-сатридан)	010	
"Харажатлар таркиби тўғрисида"ги низомга биноан солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (1-илова)	020	
Берилган ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган харажатлар ("Харажатлар таркиби тўғрисида"ги низомга 2-иловага биноан 26/4-илова ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар)	030	
Берилган ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар (010-балансдан ташқари ҳисобварақ бўйича махсус ҳисоб-китоб, ҳисоб-китоб илова қилинмоқда)	040	

Кўрсаткич номи	сатр №	сумма
Солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (030-сатр - 040-сатр)	050	
Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар (фоизлар)	060	
Солиқ солинадиган даромад (фойда) (010-сатр + 020-сатр + 050-сатр - 060-сатр)	070	
Амалдаги солиқ қонунларига мувофиқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг камайиши (имтиёзларга оид маълумотнома илова қилинмоқда)	080	
Имтиёзлар ҳисобга олганда солиқ солинадиган даромад (фойда) (070-сатр - 080-сатр)	090	
Даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкаси	100	%
Даромад (фойда) солиғининг тузатилган ставкаси (ҳисоб-китоб илова қилинмоқда)	110	
Бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси: (090-сатр х 110-сатр / 100%)	120	
Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	130	
Муддат бўйича қўшимча ҳисоблаб ёзишга	140	
Камайтириб ёзишга	150	

Корхона раҳбари _____ Олинди _____
(ташкилот) (имзо) (имзо)

Бош бухгалтер _____ _____
(имзо) (сана)

Корхона (ташкилот) штампи

_____ давлат солиқ инспекциясига

_____

(корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи)

Идентификация рақами | | | | | | | | | |

Олинди _____

199__ йил _____ учун
дивиденд ва фоизлар солиғи
ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткич номи	*Тўловчи маълумотлари бўйича*	*Солиқ инспекцияси маълумотлари бўйича*
Ҳисоблаб ёзилган дивидендлар ва фоизлар		
Солиқ ставкаси		
Бюджетга тўланиши керак бўлган жами солиқ суммаси		

Корхона раҳбари _____ Олинди _____
(ташкилот) (имзо) (имзо)

Бош бухгалтер _____ _____
(имзо) (сана)

_____ давлат солиқ инспекциясига

Хорижий юридик шахсни даромад (фойда) солиғидан озод этиш тўғрисида
АРИЗА

_____
(корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи)
Ўзбекистон Республикаси билан _____
(мамлакат номи)
ўртасидаги 199__ йил _____ даги _____
_____
(Битимнинг тўлиқ номи)
Битим қоидаларига мувофиқ _____
_____
олинган даромад тури кўрсатилади (дивидендлар, ҚК да улушли
_____
иштирокдан даромадлар, фоизлар, роялти, муаллифлик ҳуқуқ
_____
ва лицензиялардан даромадлар, фрахт, бошқа даромадлар)
сифатида олинган тегишли даромадни _____
(даромад суммаси
_____ суммасида солиқни ушламасдан
(уни рақамда ва ёзув билан)
(қисман ушлаган ҳолда) тўлашга рухсат беришингизни сўрайман.

199__ йил _____ _____
(тўлдирувчининг имзоси)

Ваколатли орган _____
(орган ва мамлакат номи)
тасдиқлайди:

1) Ариза берувчи ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси билан БИТИМ
_____ тузган
(Битимнинг тўлиқ номи)
_____ да доимий яшаш жойига эга.
(мамлакат номи)
199__ йил _____.

2) Аризачининг Ўзбекистон Республикасида олган даромади _____ да солиққа тортилади.
(мамлакат номи)

199__ йил _____ (тасдиқловчи орган имзоси ва муҳри).

Ўзбекистон Республикаси солиқ идорасининг белгиси

Тасдиқлаймизки, мазкур аризада кўрсатилган нарсалар 199__ йил _____ да Ўзбекистон Республикаси билан _____ ўртасида тузилган Битим
(мамлакат номи)

_____
(Битимнинг тўлиқ номи)

қоидаларига мувофиқ келади ва ариза берувчидан мазкур даромаддан олинадиган суммаси _____
_____ ни ташкил этади.
(солиқ суммаси рақам билан ва ёзув билан)

Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Ф.И.О., имзо ва муҳр

199__ йил _____

Изоҳ. Аризадаги барча пул суммалари тўлов валютасида кўрсатилади.

Ариза даромад олувчи томонидан эмас, балки бунга ваколат олган шахс томонидан берилиши мумкин. Ушбу ҳолда ариза берувчи тегишли тарзда расмийлаштирилган аризани тақдим этиши керак.

Ариза уч нусхада тўлдирилади ва аризачининг доимий яшаш мамлакатидаги ваколатли органлар томонидан тасдиқланади. Солиқ органи мавжуд аризанинг кўрсатилган мамлакат билан Битим қоидаларига мувофиқлигини текшириб, тегишли белги қўяди ва икки нусхани аризачига қайтаради. Бу нусхалардан бирини аризачи унга Ўзбекистон Республикасида даромад тўлаётган корхона, муассаса ёки ташкилотга тақдим этади. Ана шу асосда тўловчи Ўзбекистон Республикасида солиқ ушлашдан тўла ёки қисман ҳажмда озод этилади.

_____ давлат солиқ инспекциясига

Хорижий юридик шахс даромадидан Ўзбекистон Республикасидаги манбадан ушланган солиқни қайтаришга АРИЗА

_____

(корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи)

Ўзбекистон Республикаси билан _____

(мамлакат номи)

ўртасидаги 199_ йил _____ даги _____

(Битимнинг тўлиқ номи)

Битим қоидаларига мувофиқ _____

_____

олинган даромад тури кўрсатилади (дивидендлар, ҚҚда

_____

улушли иштирокдан даромадлар, фоизлар, роялти, муаллифлик

_____

ҳуқуқи ва лицензиялардан даромадлар, фрахт, бошқа даромадлар)

сифатида олинган даромаддан манбада ушланган солиқ суммасини қайтаришни сўрайман.

1. Даромад тўлаган корхона, муассаса, ташкилот номи ва манзили _____

2. Даромад тўланган (узатилган) сана _____

3. Солиқ ушлангунга қадар даромад суммаси _____

4. Ушланган солиқ суммаси _____

5. Қайтариладиган сумма _____

Қайтариладиган суммани _____ даги

(банк номи ва манзили)

№ _____ счётга ўтказишингизни сўрайман.

Ушбу кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

199__ йил _____ _____

(тўлдирувчи имзоси)

Ваколатли орган _____

(орган ва мамлакат номи)

тасдиқлайди:

1) Аризачи ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси билан

БИТИМ

_____ тузган
(Битимнинг тўлиқ номи)
_____ да доимий яшаш жойига эга.
(мамлакат номи)
199__ йил _____

2) Аризачининг Ўзбекистон Республикасида олган даромади _____ да солиққа тортилади.
(мамлакат номи)
199__ йил _____ (тасдиқловчи орган имзоси ва муҳри).

Ўзбекистон Республикаси солиқ идораси белгиси
Бюджетдан қайтарилиши керак _____
_____
(қайтариладиган солиқ суммаси рақам билан ва ёзув билан)

Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
Ф.И.О., имзо ва муҳр
199__ йил _____

Изоҳ. Аризадаги барча пул суммалари тўлов валютасида кўрсатилади.

Ариза даромад олувчи томонидан эмас, балки бунга ваколат берилган шахс томонидан берилиши мумкин. Ушбу ҳолда ариза берувчи тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатларни тақдим этиши шарт.

Ариза тўрт нусхада тўлдирилади ва ариза берувчи доимий яшайдиган мамлакатнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланади. Солиқ идораси мавжуд аризанинг кўрсатилган мамлакат билан Битим қоидаларига мувофиқлигини текшириб, тегишли белгини қўяди ва бир нусхани аризачига қайтаради. Мазкур суммани тегишли бюджетлардан қайтариш учун солиқ идораси икки нусхани (биттадан) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига юборади.

Назорат саволлари:

1. Даромад (фойда) солиғини кимлар тўлаши ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган даромад (фойда) солиғи қандай ҳисобга олиниши тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.

2. Даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилишда нималар солиқ солиш объекти ҳисобланади?

3. Юридик шахснинг жами даромадига нималар киради?

4. Юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғининг қандай ставкалари белгиланган?

5. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган кичик корхоналар учун ягона солиқнинг қандай ставкалари белгиланган?

6. Тўлов манбаидан ундиришда резидентлар учун; норезидентлар учун дивидендлар ва фоизлар бўйича қандай солиқ ставкалари белгиланган?

7. Доимий муассаса ва доимий муассаса томонидан бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш хусусиятлари ҳақида тасаввур беринг.

8. Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида даромад (фойда) солиғи бўйича Солиқ кодексида белгиланган қоидаларни тавсифланг.

9. Тўлов манбаидан қандай турдаги даромадлар (фойдалар) ушланади?

10. Юридик шахслар томонидан даромад (фойда) солиғини тўлаш учун қандай муддатлар белгиланган?

11. Даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби қандай бухгалтерия ҳисобварақларида юритилади?

5.2. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ

Солиқ кодексининг ***44-моддасига*** мувофиқ молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилардир.

Солиқ кодексининг ***45-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмиш жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Солиқ кодексининг ***46-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади. Ҳисобга олинадиган суммалар миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

Солиқ кодексининг ***47-моддасига*** мувофиқ жами йиллик даромад билан Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган солиқ солинадиган даромад солиқ солиш объектидир.

Солиқ кодексининг ***48-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар;

жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;

жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромад киради.

Солиқ кодексининг ***49-моддасига*** мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-юридик шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

1) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

2) иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;

3) ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, аммо иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;

4) иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлар;

5) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммаси;

6) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Ушбу юридик шахс ходимнинг ўзи тўлаши керак бўлган, лекин юридик шахс тўлаган маблағлар ана шундай харажатларга киради.

Масалан, коммунал хизматларга, яшаш жойига тўлаш, давлат пенсияларига қўшимча тўлов, йўл чипталари қиймати, овқатланиш учун қўшимча тўловлар суммаси, газета ва ускуналарга обуна бўлиш суммаси, туристик йўлланмаларга ҳақ тўлаш, спорт секциялар абонементлари ҳақи ва шунга ўхшаш харажатлар.

Ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган меъёрлар доирасида бериладиган хизмат сафари тўловларининг суммалари жами йиллик даромадга киритилмайди.

Солиқ кодексининг ***50-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромад, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад киради.

Солиқ кодексининг ***51-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, даромад олиш мақсадида таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида якка тартибда амалга оширадиган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар киради.

Солиқ кодексининг ***52-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан солиқ солинадиган даромадларни аниқлаш вақтида мазкур ялпи даромадни олиш (топиш) учун қилинган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмол билан боғлиқ бўлган харажатлари тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан чегириб ташланмайди.

Солиқ кодексининг ***53-моддасига*** мувофиқ молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пенялар суммалари жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Солиқ кодексининг ***54-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахс молия йили давомида ҳар бир ишлаб даромад олган ой учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида чегирма қилиниш ҳуқуқига эга.

Солиқ кодексининг ***56-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ставкалар бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Солиқ кодексининг ***55-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан солиқ қуйидаги миқдорда ундирилади:

Солиқ солинадиган даромад миқдори	*Солиқ суммаси*
Энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоригача	даромад суммасининг 15 фоизи
Энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан (+1) беш баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан олинадиган солиқ + уч баравардан ошадиган сумманинг 25 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш баравардан ошадиган сумманинг 35 фоизи

Солиқ солинадиган даромад миқдори	*Солиқ суммаси*
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1) ўн беш баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 40 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдоридан (+1) ва ундан юқори миқдордан	энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн беш баравардан ошадиган сумманинг 45 фоизи

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади (йил бошидан эътиборан тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг ойлик миқдорлари суммаси). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шунингдек табиий иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар бўйича имтиёзли даромад солиғи ставкаларини белгилашга ҳақли.

Солиқ кодексининг ***57-моддасига*** мувофиқ норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

Дивидендлар ва фоизлар - 15 фоиз.

Хатарларни суғурталаш ёки қайта суғурталаш учун тўланган суғурта мукофотлари - 10 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракатланганда халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари - 6 фоиз.

Роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш даромадлари, шу жумладан бошқариш, консультациялар бўйича ва бошқа даромадлар - 20 фоиз.

Тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар солиқ тўлов манбаидан ундирилади.

Жисмоний шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизлар тўлов манбаида 15 фоизлик ставка бўйича солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхатларига кирадиган ўта хавфли, ўта оғир, зарарли ва оғир меҳнат шароитларидаги ишлаб чиқаришларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинадиган, бунда фуқароларнинг юқорида айтилган тоифалари даромадларидан олиб қолиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Оғир иқлим шароитларига эга бўлган жойларда ишлаш учун, коэффициентлар (туман коэффициентлари, юксак тоғлик, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун) билан қонун ҳужжатларида иш ҳақига ҳисоблаб ёзиладиган ва тўланадиган суммалардан ва кўрсатилган жойларда иш стажи учун устамалар суммаларидан 15 фоизлик ставка бўйича солиқ ундирилади.

Тўлов манбаида солиқ солиш, тўлов Ўзбекистон Республикаси ичида ёки унинг ташқарисида амалга оширилганидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Солиқ кодексининг ***58-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига қуйидагилар киритилмайди:

а) давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйи-

ча нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларидан (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаларидан) ташқари, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

б) олинадиган алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес-мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек ушбу модданинг "а" кичик бандида кўрсатилган жамғармаларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

г) ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес-мактабларининг ўқувчилари бажарган иш учун уларга ушбу билим юртлари ва бизнес-мактаблари берадиган тўловар;

д) давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;

е) шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;

ж) майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан чет эл валютасида оладиган иш

ҳақи суммалари ва бошқа суммалар — қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мулк сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно;

к) шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳкончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (юридик ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

о) фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

р) банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари молмулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, "Ўзуйжойжамғармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивидендлар. Мазкур молмулк сотилганида илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;

ихтиролардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан — уч йил давомида;

селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида;

саноат намунасидан патент бўйича — уч йил давомида;

саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;

фойдали моделдан гувоҳнома бўйича — икки йил давомида;

у) болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасидаги товон тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно.

Солиқ кодексининг ***59-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидаги жисмоний шахслар озод қилинадилар:

1) тўлалигича:

а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик

муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бош-

лиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

2) қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида:

а) Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, уччала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941–1945- йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941–1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941–1945-йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 17 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

д) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

ж) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар - ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганида вужудга келади.

Солиқ кодексининг ***60-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмо-

ний шахс Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***61-моддасига*** мувофиқ хорижий жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинади. Хорижий жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин. Хорижий жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

Солиқ кодексининг ***62-моддасига*** мувофиқ асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент — жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этади. Тамом бўлган календарь йилида фақат асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида меҳнат вазифаларини бажаришдан даромад олган жисмоний шахслар шу йил учун олинган даромадлар ҳақида декларация тақдим этмайдилар.

Хорижий жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасига келган кунидан эътиборан бир ой мобайнида мўлжалдаги даромадлар ҳақида декларация топши-

ради. Хорижий жисмоний шахснинг фаолияти календарь йили мобайнида тўхтаган ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс олинган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги декларацияни белгиланган тартибда қуйидаги муддатларда тақдим этади:

— шундай даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой ўтганидан кейин беш кун ичида;

— ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача.

Ўзбекистон Республикасидаги жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда жами йиллик даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисидаги декларация қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади. Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида белгиланган тартибда қабул қилинган тақдирда солиқ тўловчи беш кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади. Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда даромадлар ҳақидаги декларацияни тақдим этиши шарт. Ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда даромадлар ҳақидаги декларациялар қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва тартибда тақдим этилади.

Солиқ кодексининг ***63-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолишни қуйидаги юридик шахслар амалга ошириши шарт:

— ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-юридик шартномалар бўйича тўловларни амалга оширувчи;

— нодавлат пенсияларини тўловчи;

— жисмоний шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўловчи;

— норезидентларга Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ тўловларни амалга оширувчи.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Жисмоний шахслардан тўлов манбаида даромад солиғи ушлаганда солиқ қуйидаги манбаларда тўланади:

— даромадни тўлайдиган юридик шахслар ушланган солиқ суммасини бюджетга ўтказиб, айни вақтда банкка ана шу мақсадларга пул маблағларини олиш учун ҳужжатларни тақдим этадилар;

— маҳсулот сотилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилишидан олинган тушумдан тўлайдиган ёки натура билан ҳақ тўлайдиган юридик шахслар тўлов амалга оширилган ой тугаганидан сўнг беш кун мобайнида ушланган суммани бюджетга ўтказадилар.

63-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар:

— иш ҳақини тўлашда жисмоний шахснинг талабига кўра унга унинг даромади, даромад суммаси

ва тури, шунингдек ушлаб қолинган солиқ суммаси (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) кўрсатилган маълумотномани бериши;

— асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида жисмоний шахснинг рўйхат рақами, исми, отасининг исми ва фамилияси, доимий яшаш манзили, даромаднинг умумий суммаси ва ҳисобот йилида ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиши шарт. (1998 йил 25 декабрдаги қонунга биноан жорий этилган).

Солиқ кодексининг ***64-моддасига*** мувофиқ резидент жисмоний шахслар жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, даромад солиғи йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса, декларация солиқ органига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида тўлайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромад солиғини қуйидаги тартибда тўлайдилар:

тўловчи йилнинг ҳар чорагида ўтган йилги даромадлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган йиллик солиқ суммасининг йигирма беш фоизини, солиқни биринчи марта тўлайдиган тўловчи эса — жорий йилда олиш мўлжалланган даромад бўйича солиқ органи унга ҳисоблаб берган сумманинг йигирма беш фоизини тўлайди. Йил мобайнида тўловчининг даромади ончагина кўпайган ёки камайган тақдирда солиқ тўловчи солиқ тўлашнинг бошланмаган муддатлари бўйича даромад солиғи суммаларини қайта ҳисоблаб чиқариши мумкин;

йил ўтиши билан йиллик солиқ суммаси амалда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ана

шу сумма билан йил мобайнида тўланган сумма ўртасидаги фарқ кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай, тугаган даромад манбаи бўйича эса, ўн беш кунлик муддатда тўловчидан ундириб олиниши ёки унга қайтариб берилиши керак.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқнинг йил мобайнида тўлаб борилган суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июндаги 270-сон «Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг жисмоний шахслар томонидан бепул асосда олинган акцияларини солиққа тортиш механизми тўғрисида»ги қарорига мувофиқ меҳнат жамоаси аъзоларига бепул асосда бериладиган акцияларнинг қиймати жисмоний шахсларнинг жами даромадига киритилади ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ даромад солиғига тортилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси бир ойда олинган даромад суммасидан (хусусийлаштирилаётган давлат корхоналарининг бепул олинган акциялари қиймати чегириб ташланган ҳолда) ошиб кетган тақдирда жисмоний шахслардан даромад солиғи бўлиб-бўлиб, акциялар берилган пайтдан бошлаб йил давомида ушланади.

Акциялар берилган вақтда хусусийлаштирилаётган корхона ходимининг рўйхат таркибида бўлмаган пенсионерлар томонидан бепул олинган акциялар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад бўйича йиллик декларациялар асосида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш учун кўзда тутилган тартибда ундирилади.

Солиқ кодексининг ***64'-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбир-

корлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун солиқнинг қатъий белгиланган суммасини белгилаган ҳолда солиқ солишнинг алоҳида тартибини белгилаши мумкин (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган).

Юридик шахс номи _____
Юридик шахс СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐
Юридик шахс почта индекси, манзили _____
Юридик шахс телефони _____

МАЪЛУМОТНОМА

Берилди _____ га шу ҳақдаги, у корхона (муассаса, ташкилот)мизда ишлайди, қуйидаги даромадларни олди:

Ой	Ҳисоблаб ёзилган даромад		Бу даромадлардан ташқари олган даромад		
	Жами	шу жумладан, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида олинган даромад	моддий ёрдам	ашёвий мукофотлар	оғир иқлимий шароитларда иш учун даромад
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Олинган даромадлардан _____ сўм _____ тийин миқдорида жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ушланди.

Муҳр Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

_____ давлат солиқ инспекциясига

_____ йил учун жисмоний шахсга тўланган даромад суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахс номи _____
2. Юридик шахс СТИР _____
3. Юридик шахс почта индекси, манзил _____
_____
4. Жисмоний шахс фамилияси, исми, отасининг исми
_____
5. Паспорт маълумотлари: серия _____ № _____
6. Даромад олувчининг доимий яшаш манзили_____
_____
7. Даромад олинган ишланган ойлар сони (керакли-ги чизилсин):

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII

8. Ҳисоблаб ёзилган даромад суммаси _____ сўм;
шу жумладан:
— меҳнат шартномаси бўйича
ўриндошлик учун _____ сўм;
— фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги
шартнома бўйича иш учун _____ сўм;
— сотиш учун товарларни
топширганлик учун _____ сўм;
— моддий ёрдам _____ сўм;
— ашёвий совғалар _____ сўм;
— гонорарлар _____ сўм;
— бошқа бевосита ёки
билвосита даромадлар _____ сўм;
9. Даромад солиғи ҳисобланган
даромад суммаси _____ сўм;
10. Ушланган солиқ суммаси _____ сўм;

Бош бухгалтер _____ _____
(имзо) (ФИО)

М.Ў.

_____ шаҳри
(тумани) Давлат солиқ инспекциясига

____ йилда олинган даромадлар тўғрисида
ДЕКЛАРАЦИЯ

I

Маълум қиламанки, мен _____
(фамилия, исм-шарифи)
_____
(почта индекси,
_____ манзилда яшайман.
тўлиқ манзил)
СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐
Паспорт маълумотлари: серия _____ № _____
Ким томонидан берилган _____
берилган сана _____
Туғилган йилим _____
Телефон: уйники _____ ишхонаники _____

_____ йилда қуйидаги даромадларни олдим:

1. Асосий иш жойида олинган даромадлар (иш ҳақи, мукофотлар, бошқа пул, натура тўловлари ва тақдирлашлар, ўриндошлик бўйича ишлашдан даромадлар):

Меҳнат дафтарчаси юритиладиган асосий иш жойи	Корхонада ишлаш вақти	Ҳисоблаб ёзилган даромад суммаси	Ушланган солиқ суммаси
ЖАМИ:			

2. Асосий бўлмаган иш жойимдан олинган даромадларим (ўриндошлик бўйича, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишларни бажарганлик учун, шунингдек бир галги ва бошқа ишларни бажарганлик учун):

Иш жойи	Корхонада ишлаш вақти*	Ҳисоблаб ёзилган даромад суммаси	Ушланган солиқ суммаси
ЖАМИ:			

* Асосий иш жойи бўлмаган ҳолда тўлдирилади.

3. Мен хорижий давлатларда ёки хорижий давлатдан олган даромадлар:

Даромад олинган ёки юборилган мамлакат номи (даромадларни тўлаш манбаи манзили ва номи)	Даромад олинган сана	Олинган даромад суммаси		Хорижий давлатда тўланган (ушланган) солиқ суммаси	
		валютада	сўмда	валютада	сўмда
ЖАМИ:					

Икки томонлама солиқ солишни бартараф этиш мақсадида хорижий давлатда солиқ тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этаман.

Агар солиқ тўловчи ушбу графани тўлдиришда қийинчилик сезса, уни солиқ органи тўлдиради.

4. Солиқ органлари солиқ соладиган тадбиркорлик фаолиятидан олган ва бошқа даромадларим:

Фаолият тури ёки нима учун даромад олинди	Олинган ялпи даромад суммаси (сўм)	Даромад олиш билан боғлиқ харажатлар (сўм)	Солиқ ушланадиган даромад (сўм)	Тўланган (ушланган) солиқ суммаси (сўм)
ЖАМИ:				

Қилинган харажатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинмоқда.

5. Қимматли қоғозлар муомаласидан _____ йил даври учун дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромад _____ сўмни ташкил этди, ундан _____ сўм миқдорида солиқ тўланди.

6. Мен _____ йил даври учун олган моддий ёрдам суммаси _____ сўмни ташкил этди.

7. Мен _____ йил даври учун олган қимматли совғалар суммаси _____ сўмни ташкил этди.

II

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаш мақсадида маълум қиламанки, Солиқ кодексига мувофиқ жами йиллик даромаддан қуйидаги чегирмаларни амалга ошириш ҳуқуқига эгаман:

а) ҳар бир ишланган ой учун битта энг кам иш ҳақи миқдорида _____ сўм суммасида;

б) энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида _____ сўм суммасида;

Энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида чегирма қилиш учун асос:

Ҳужжат номи _____
серия _____ № _____
_____
(ҳужжатни берган муассаса номи)
Ҳужжат берилган сана: 199___ йил «____»_____;
в) моддий ёрдам кўрсатиш бўйича _____ сўм миқдорида;
г) қимматли совғалар бўйича _____ сўм миқдорида;
д) тадбиркорликдан ва бошқа даромадлар олиш учун қилинган харажатлар (I бўлимнинг 4-банди) _____ сўм миқдорида;
е) давлат мол-мулкини, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг уйжой облигацияларини сотиб олишга йўналтирилган маблағлар.

III

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган даромадларим _____ йил учун _____ сўмни ташкил этди деб биламан.

Шу билан бир вақтда маълум қиламанки, ___ йилда _____ сўм миқдорида солиқ солинадиган даромад олишни режалаштиряпман.

Ушбу декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман:

199___ йил «___»_____ _____
(имзо)

IV

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ суммаси ҲИСОБ-КИТОБИ

Сатр №	Кўрсаткич	Тўловчи тўлдиради	Солиқ органи тўлдиради	Изоҳ
1.	Ялпи даромаднинг умумий суммаси			
2.	Жами даромаддан чегирмалар умумий суммаси			
3.	Солиқ солиш объекти			
4.	Ҳисобланган солиқ суммаси			
5.	Йил давомида тўланган (ушланган) солиқ суммаси			
6.	Солиқ суммаси:			
	қўшимча тўланади			
	қайтарилади			

Ушбу декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман: 199___ йил «___»_____

_____

(солиқ тўловчининг имзоси)

Декларация солиқ органида ___ сон билан 199 __ йил «_____» _____ да рўйхатга олинди.

_____

(солиқ ходими фамилияси, исм-шарифи, мансаби ва имзоси)

- - - - - - - - - - - - кесиш чизиғи - - - - - - - - - - - -

Фуқаро _____ нинг _____ йил учун жисмоний шахснинг жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияси ва ____ варақдан иборат иловалари _____ туман ДСИ да

_____ сон билан 199___ йил «___» _____ да рўйхатга олинди (қабул қилинди).

_____

(масъул шахс фамилияси, исм-шарифи, мансаби ва имзоси)

ДСИ муҳри

Декларация ва _____ варақдан иборат иловалари алоқа бўлими томонидан жўнатиш учун қабул қилинди (почта билан жўнатиш пайтида расмийлаштирилади).

Алоқа бўлими белгиси _____ 199___ йил «___»_____

Назорат саволлари:

1. Кимлар жисмоний шахслар даромадидан солиқ тўлайди?
2. Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг даромади солиққа қандай тортилади?
3. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқ ҳисобга қандай тартибда олинади?
4. Жисмоний шахслар даромадини солиққа солиш объекти нима?
5. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркибига нималар киради?
6. Резидентларнинг дивидендлари ва фоизлари бўйича даромад солиғи ставкаларини ким белгилайди?
7. Резидент; норезидент жисмоний шахсларнинг даромадига тўлаш манбаида солинадиган солиқ ставкалари тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.
8. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ҳисобот ва ҳисоб-китобларнинг муддатлари, турларини; йил охирида жисмоний шахслар даро-

мад солиғини тўлаш тартибини; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш тартибини тушунтириб беринг.

9. Қўшилган қиймат солиқлари; қўшилган қиймат солиғи солиш объектлари тўғрисида тасаввур беринг.

10. Ҳисоб-китоб ва йўл ҳужжатлари ҳақи тўланганидан кейин товарларни харидорлар қайтариб берган ёки буюртмачилар илгари ҳақи тўланган иш ёки хизматлардан бўйин товлаган тақдирда сотиш бўйича солиқ солинадиган оборот қандай тузатилишини тушунтириб беринг.

5.3. Қўшилган қиймат солиғи

Солиқ кодексининг ***65-моддасига*** мувофиқ қўшилган қиймат солиғи товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир.

Солиқ кодексининг ***66-моддасига*** мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга турган ёки ҳисобга туриши шарт бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланади. Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га қўшилган қиймат солиғи тўловчилари бўлиб мазкур товарларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади (1998 йил 25 декабрдаги ЎзР қонунига биноан жорий қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 41/97-105-сон йўриқномасига мувофиқ савдо ва уму-

мий овқатланиш корхоналар фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ўрнига ялпи даромад солиғини тўлайди.

Кичик корхоналар ўз хоҳишларига қараб қонунга мувофиқ ягона солиқ тўлашни кўзда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллашлари мумкин.

Солиқ кодексининг ***67-моддасига*** мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш обороти, қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) обороти бундан мустасно, солиқ солинадиган оборот ҳисобланади (1998 йил 25 декабрдаги ЎзР қонунига биноан жорий қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 41/97-105-сон йўриқномасига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш бўйича оборотлар қўшилган қиймат солиғи солиш объекти ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланадиган, ўз эҳтиёжлари ва обороти учун ишлатиладиган, қўшилган қиймат солиғидан озод этилган товарлар (ишлар, хизматлар) бундан мустасно.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш бўйича оборотлар деганда юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар тушунилади.

Товарларни сотишда ўзи ишлаб чиқарган, шунингдек четдан харид қилинган барча товарларни сотиш бўйича оборотлар солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида истеъмол аҳамиятига ва қийматига эга бўлган барча нарса (товар, маҳсулот, кўчмас мулк, шу жумладан бино ва иншоотлар, шу-

нингдек электр ва иссиқлик энергияси, газ, сув ва ҳоказо) товар деб ҳисобланади.

Ишларни бажаришда бажарилган қурилиш-монтаж тузатиш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиҳалаш-қурилиш, таъмирлаш ва бошқа ишлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Хизматлар кўрсатишда:

— йўловчи ва юк ташиш транспорти хизматлари, шу жумладан газ, нефть, нефть маҳсулотлари, электр ва иссиқлик энергиясини ташиш (узатиш) хизматлари, товарларни ортиш, тушириш, қайта ортиш, сақлаш бўйича хизматлар;

— мол-мулк ва кўчмас мулк объектларини шу жумладан лизинг бўйича ижарага топширишга оид хизматлар;

— воситачилик хизматлари;

— алоқа хизматлари, маиший, уй-жой-коммунал хизматлар;

— реклама хизматлари;

— маълумотларга ишлов бериш ва ахборот билан таъминлашга оид хизматлар;

— бошқа хизматлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солинадиган оборотларга қуйидагилар ҳам киради:

а) корхонанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғланмаган товарлар ва хизматларни ўз истеъмоли учун корхона ичида, шунингдек ўз ходимларига сотиш бўйича оборотлар;

б) товарлар (ишлар, хизматлар)ни бошқа корхоналар ёки жисмоний шахсларга, шу жумладан корхона ходимларига текинга бериш ёки қисман ҳақ тўлаш билан беришга оид оборотлар;

в) гаров буюмларини сотишга доир оборотлар, шу жумладан гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаганликда гаров тутувчига топшириш.

Солиқ кодексининг ***68-моддасига*** мувофиқ реализация бўйича солиқ солинадиган оборот миқдори реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) айирбошланган ёки текин берилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот миқдори солиқ тўловчида айирбошлаш ёки бериш пайтида таркиб топган нархлар даражасидан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан, бироқ амалда таркиб топган харажатлардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 41/97-105-сон йўриқномасига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни текинга берганда уларни бераётган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.

Агар асосий воситаларни текинга бериш ушбу корхоналарнинг мулкдори ҳисобланган юқори ташкилот буйруғига кўра бўлиш баланси бўйича корхоналар ўртасида тизим ичида юз берса, текинга берилган асосий воситалар солиқ солинадиган оборотга киритилмайди.

Ҳақиқий таннархидан паст бўлган нархлар бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишини амалга оширадиган корхоналар учун солиқ солиш мақсадларида сотиш пайтида корхонада шаклланган, лекин ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш (харид қилиш) учун ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган нарх қабул қилинади.

Меҳнатга ҳақ товарлар билан (шу жумладан ўзи ишлаб чиқарган) натура ҳолида тўланадиган ёки улар ўз ходимларига касса орқали таннархдан паст бўлган нархларда сотиладиган корхоналар учун солиқ со-

лиш мақсадларида солиқ солинадиган оборотга корхонада сотиш пайтида шаклланган, лекин ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш (сотиб олиш)га доир ҳақиқий харажатлардан паст бўлмаган нарх қабул қилинади.

Корхона ичида ўзи ишлаб чиқарган, корхонанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғланмаган товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланилганда солиқ солинадиган оборотни белгилаш учун асос сифатида уларнинг ҳақиқий таннархи қабул қилинади.

Даваль хом ашёси ва материаллардан товарлар тайёрлашда уларга ишлов бериш қиймати, (шу жумладан харажатлар ва фойда), акциз товарлари бўйича эса — акцизларни ҳисобга олган ҳолда ишлов бериш қиймати солиқ солинадиган оборот ҳисобланади.

Қайтариладиган идиш, шу жумладан гаров қийматига эга бўлган шиша идишлар қиймати солиқ солинадиган оборотга киритилмайди, тайёрловчи корхоналарнинг бундай идишларни сотиши бундан мустасно.

Узоқ давом этадиган ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар (қурилиш, қурилиш-монтаж ва ремонт-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидириш ва илмий ташкилотлар) учун бажарилган ва буюртмачилар томонидан тасдиқланган, бутловчи буюмлар, транспорт тарифлари ва бошқа хизмат турлари нархларининг ошиши (пасайиши) билан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнида юзага келган улардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шартномавий нархлардан келиб чиқиб ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган ишлар (хизматлар) қиймати солиқ солинадиган оборот ҳисобланади.

Ўз эҳтиёжлари учун ўз кучлари билан бажарилган қурилиш-монтаж ишларига қўшилган қиймат солиғи солинмайди. Моддий ресурслар, ёқилғи, иш-

лар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси объект қурилишига ҳисобдан чиқарилади.

Товарларни харид қилиш ва сотиш билан шуғулланадиган (қўшилган қиймат солиғини тўловчи бўлган), нархлар, устама ва қўшимча нархлардаги фарқ кўринишида даромад оладиган тайёрлаш, таъминот-сотиш ва бошқа корхоналар учун солиқ солинадиган оборот ҳажми харидорларга сотиладиган товарлар қиймати асосида, қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда қўлланадиган нархлардан келиб чиқиб белгиланади.

Воситачи ташкилотлар ва товарларни комиссия шартномалари (консигнациялар) бўйича сотадиган ташкилотлар учун солиқ солинадиган оборот ҳажми комиссион тақдирлаш суммасидан келиб чиқиб белгиланади.

Банклар учун хизматлар қиймати, йўриқномада кўзда тутилган имтиёзли хизматлардан ташқари, солиқ солинадиган оборот ҳисобланади.

Лизинг хизматлари бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажми лизинг ставкасидан (лизинг берувчи даромадининг ҳажмидан) келиб чиқиб белгиланади.

Қуйидагилар солиқ солинадиган оборотга киритилмайди:

а) корхонанинг бир таркибий бирликлари томонидан саноат ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун ушбу корхонанинг бошқа таркибий бирликларига сотилган маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича оборотлар (ички завод обороти). Мазкур бандда банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи бўлмаган ва асосий корхона балансида турган таркибий бирликлар корхонанинг таркибий бирликлари деб тушунилади;

б) кооператив, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, бошқа корхоналар тугатилиши оқибатида молмулкни улар аъзолари, муассислари ўртасида тақ-

симлашга доир оборотлар. Агар тугатилган корхона мол-мулки бошқа шахсларга сотилса, ушбу қоида татбиқ этилмайди.

Солиқ кодексининг ***69-моддасига*** мувофиқ харидорлар ҳисоб-китоб ва йўл ҳужжатлари бўйича ҳақ тўланганидан сўнг товарларни қайтарган, шунингдек буюртмачилар илгари ҳақи тўлаб қўйилган ишлар ёки хизматлардан воз кечган ҳолларда, даъво қўзғатишнинг бир йиллик муддатига риоя қилинган тақдирда товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш оборотларига бундай операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдорида тузатиш киритилади. Агар кафолатли хизмат муддати белгиланган товарлар ана шу муддат ичида уларни тайёрлаган корхонага қайтарилса, бундай товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ёки қайтариш харидорлар ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дастлабки ҳақни қачон тўлаганликларидан ва солиқ қачон бюджетга тушганлигидан қатъи назар, амалга оширилади.

Солиқ кодексининг ***71-моддасига*** мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

1) суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;

2) ссудалар бериш ва ўтказиш;

3) пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операциялар;

4) қонуний тўлов воситаси бўлган чет эл валютаси ва пуллар муомаласига дахлдор операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

Валюта муомаласига дахлдор операциялар деганда хорижий валюта олди-сотдиси, шунингдек уни

ҳисобга киритиш, ўтказиш ва бериш билан боғлиқ фаолият тушунилади.

Пулларга доир операциялар деганда пул маблағларига эгалик қилиш ҳуқуқлари ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан тўлов сифатида пулдан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар тушунилади.

Инкассацияга доир хизматлар пул муомаласига дахлдор операцияларга кирмайди;

5) қимматли қоғозлар муомаласига дахлдор операциялар, уларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бундан мустасно;

Қимматли қоғозлар муомаласига дахлдор операциялар деганда қимматли қоғозлар олди-сотдисига оид операциялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган, қимматли қоғозлар эгасини ўзгартиришга олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади;

6) махсус вакил қилинган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йиғимлар ундириладиган ҳаракатлар.

Мазкур имтиёз барча турдаги лицензия, рўйхатга олиш ва патент божлари ҳамда йиғимларига, шунингдек давлат органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, бошқа ваколатли органлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар тақдим этган ҳолда ундириладиган бож ва йиғимларга нисбатан қўлланади;

7) болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқишга, беморлар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;

8) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари;

9) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни олганлик учун патент божлари, рўйхатга олиш йиғимлари ва лицензия тўловлари;

10) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотлари;

11) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган товарларни божсиз олиб кириш меъёрлари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарлар;

12) ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиши;

13) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар ва конвертлар сотиш;

14) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

15) Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари.

Мазкур имтиёзни олиш учун ДФТҚ томонидан:

— вазирликлар ва идоралар билан фундаментал тадқиқотлар дастурлари (ФТД), давлат илмий-техника дастурлари (ДИТД), устувор давлат илмий-техника дастурлари (УДИТД) бобида;

— муайян ижрочилар билан танловга доир илмий-техника дастурлари (ТИТД), инновация ишлари дастурлари (ИИД), фундаментал тадқиқотлар танлов лойиҳалари (ФТТЛ), халқаро (давлатлараро) илмий-техника дастурлари (ХИТД) бобида ДФТҚ илмий-техника дастурлари (ИТД) доирасида илмий-тадқиқот, конструкторлик-технологик ва инновация ишлари (ИТКТИИ)ни бажариш учун тузилган давлат контракти асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда ФТД ИТЛ, ДИТД ва УДИТД бўйича ИКТИИ ижрочилари учун вазирликлар, идоралар ва ижро-

чилар ўртасида ушбу дастурлар бўйича ДТФҚ вазирликлар ва идоралар билан тузган контракт доирасида тузилган контракт (шартнома) юқорида айтилган номзодни олиш учун асос бўлади. ФТД, ДИТД, УДИТД, ИИД, ФТТЛ, ХИТД дастурлари бўйича шерик ижрочилар ДФТҚ хулосасини олгандан сўнг қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинади;

16) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари;

17) аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва уй-жойдан фойдаланиш хизматлари.

Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган уй-жой-коммунал хизматларга водопровод-канализация, иссиқлик, газ, электр-энергетика хўжаликлари, санитария-тозалаш, лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ва ишлатиш бўйича хўжаликлар, техник инвентарлаш бинолари, бевосита аҳоли ҳақини тўлайдиган уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тутиб туриш хизматлари киради.

Мазкур имтиёз аҳоли номидан иш юритадиган ва аҳолига кўрсатган хизматлари учун юқорида саналган хўжалик билан ҳисоб-китоб қиладиган уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари (УФБ) ёки ширкатларига ҳам татбиқ этилади;

18) халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ.

Халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар деганда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг таълим бериш фаолияти бобидаги хизматлари тушунилади.

Давлатдан ташқари таълим муассасалари учун мазкур имтиёз уларда таълим бериш ҳуқуқига лицензия бўлганда қўлланади.

Мазкур имтиёз таълим муассасаларининг ўқув корхоналари (шу жумладан ўқув — ишлаб чиқариш устахоналари) ишлаб чиқарадиган ва реализация этадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам қўлланади.

Таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятини, хусусан асосий фондлар ва мол-мулк ижараси, харид қилинадиган товарлар савдоси, воситачилик ва бошқа хизматларни амалга оширган қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда тўланади;

19) сақлаб туриш бўйича ваколатли давлат органига қимматбаҳо металларни реализация қилиш оборотлари;

20) диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари.

Мазкур бирлашмалар томонидан сиғинишга доир ва диний буюмлар тайёрлаши ва сотиши ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;

21) тиббий санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари.

Тиббий хизматларга соғлиқни сақлаш муассасалари, стоматология, физик-терапевтик, гомеопатик поликлиникалар, косметология шифохоналари, тиш протези бўлим ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларга оид тиббий комиссиялар, дезинфекция станциялари, санитария-эпидемиология йўналишдаги лаборатория ва бўлинмалар ва бошқа муассасалар кўрсатадиган хизматлар киради.

Ветеринария хизматлари тиббий хизматларга кирмайди.

Йўлланма қийматига киритиладиган санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг хизматлари санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматларига киради.

Дам олувчиларга санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг йўлланма қийматидан ташқари кўрсатадиган хизматлари ҳам қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

Туристик экскурсия ташкилотларининг йўлланма (курсовка) қийматига киритиладиган, туристик маршрутлари ва экскурсияга доир хизматлари туристик-экскурсия хизматларига киради.

Мазкур имтиёз туристларга йўлланмалар қийматидан ташқари кўрсатиладиган туристик-экскурсия хизматларига ҳам татбиқ этилади.

Мазкур имтиёз туристларга кўрсатиладиган қўшимча тўлов хизматларига татбиқ этилмайди.

Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари хизматларига спорт мусобақалари, байрамлар, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш, спорт иншоотларида ўтказиладиган тақвимий ва матч учрашувлари, ўқув гуруҳлари ва командаларида, мактабларда, соғломлаштириш йўналишидаги клубларда жисмоний тарбия ва спорт, спорт турлари бўйича машғулотлар, умумий жисмоний тайёргарлик, саломатлик, чиниқтириш, сузиш, соғломлаштирувчи чопиш ва юриш, атлетик, ритмик ва даволаш гимнастика ва ҳоказо машғулотлар, спорт-техник ускуналар, тренажерлар, инвентарь, формалар беришга доир ва спорт иншоотларига келувчиларга тақдим этиладиган, чипталар (абонементлар) қийматида кўзда тутиладиган бошқа хизматлар киради;

22) хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг қиймати;

23) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

24) геология ва топография ишлари;

25) умумий фойдаланишдаги йўлларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар ҳажмидан келадиган тушум.

Умумий фойдаланишдаги янги йўлларни қуриш умумий фойдаланишдаги йўлларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича бажарилган ишларга кирмайди.

Умумий фойдаланишдаги йўлларни таъмирлаш ва ишлатиш билан шуғулланадиган "Ўзавтойўл" ДАН бўлинмалари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар учун материалларни бутлаш, тайёрлаш, таъминлаш, ишлаб чиқаришга доир ишларни амалга оширишдан даромад олувчи корхоналар (шу жумладан ишлаб чиқариш — техника комплектацияси, таъминот-сотиш ташкилотлари, ёрдамчи хизматлар) солиқни белгиланган тартибда тўлашлари керак;

26) нашриётларнинг, газета ва журналлар таҳририятларининг, матбаа ва китоб савдоси корхоналарининг, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятга доир маҳсулотлари ва хизматлари;

27) стенография хизматлари;

28) ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экология экспертизаси хизматлари;

29) архив ҳужжатларини илмий-техникавий жиҳатдан қайта ишлаш, таъмирлаш, муқовалаш ва улардан фойдаланишга, иш юритишни такомиллаштиришга доир хизматлар;

30) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

31) республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда якка тартибда иморат қурувчиларга сотиладиган бинокорлик материаллари;

32) қурилиш ва махсус монтаж ишларини амалга оширувчи пудрат, таъмирлаш-қурилиш, махсус

монтаж ташкилотлари хусусий уй-жой қурилишида бажарган иш ҳажмлари;

33) жисмоний ва юридик шахслар учун уй-жой қуриш бўйича "Ўзуйжойжамғармабанк" билан тузилган шартномаларга кўра уй-жой қурилишида бажарилган ишлар ҳажми;

34) экспорт қилинаётган товарларни, шунингдек чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни) ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар.

Ўзбекистон Республикасидан хорижга экспорт қилинадиган юкларни ташиш ва уларга қарашга доир хизматларга уларни халқаро ташиш ҳужжатлари билан расмийлаштириш пайтидаги тарқатиш, юклаш, тушириш ва қайта юклаш бўйича хизматлар киради.

Хорижий мамлакатлар юкларини транзит ташишларга юклар транзитини амалга ошириш хусусида хорижий шахслар билан бевосита шартномалар ёки халқаро транспорт битимлари ҳамда божхона органларининг мазкур транзит юкларни ҳақиқатда олиб келиш ва олиб чиқиш тўғрисидаги белгилари бўлганда хорижий транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш ва уларга қараш бўйича хизматлар киради;

35) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан киритилган).

Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилашда ходимларнинг умумий сонига корхона штатида турган ходимлар, шу жумладан ўриндошлик йўли билан ишловчилар, шунингдек корхона штатида турмайдиган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги

бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) шахслар киритилади;

36) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодиса ёки фалокатлар юз берганида ёрдам кўрсатиш учун олиб келинадиган мол-мулк, шунингдек инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар;

37) МДҲ мамлакатларига ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилувчи корхоналар, агар ҳукуматлараро битимларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса. Мазкур имтиёз савдо-воситачи ташкилотларга, шунингдек хом ашё товарларини тасдиқланган рўйхатга кўра экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди (ЎзРнинг 19997 йил 26 декабрдаги 349-1-сон қонуни билан жорий этилган мазкур банд 1999 йил 1 январдан бекор қилинган);

38) юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари Ўзбекистон Республикаси тузган шартномалар (келишувлар) бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ва иқтисодий ташкилотлари томонидан тақдим этилган заём ва грантлар ҳисобига олиб келадиган ускуналар, материаллар (ишлар ва хизматлар) (ЎзРнинг 1998 йил 1 майдаги Қонуни билан жорий этилган).

Мазкур имтиёз савдо-воситачи ташкилотларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Нуроний" жамғармаси корхоналарининг товарлари (ишлари, хизматлари) ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи, башарти бўшатиб олинаётган маблағлар мазкур жамият, уюшма ва жамғармаларнинг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун сарфланса, бюджетга тўланмайди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган ёхуд товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилувчи қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган корхоналар эркин (шартнома асосида) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини киритмайдилар.

Худди шундай тартиб ягона солиқ тўловчилари бўлмиш кичик корхоналарга, шунингдек ялпи даромадга солинадиган солиқ тўловчилар ҳисобланган улгуржи савдо корхоналарига ҳам татбиқ этилади.

Қуйидагилар ноль даражали ставка бўйича солиққа тортилади:

- товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валютага экспорти, шу жумладан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига етказиб беришлар, агар ҳукуматлараро тузилган келишувларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган);
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига;
- Хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий жиҳатдан фойдаланишлари учун, шунингдек ана шу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техника ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмасалар ва республикада доимо яшамасалар, хорижий тараф томонидан ўзаро келишув қоидаси қўлланиши шарти билан, шахсан фойдаланишлари учун сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган).

Изоҳ. Корхоналар "ноль ставкаси"га биноан солиқ солинадиган маҳсулотга қўшилган қиймат солиғини "0" став-

каси бўйича ҳисоблаб ёзадилар ва ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Солиқ кодексининг ***73-моддасига*** мувофиқ қўшилган қиймат солиғи йигирма фоизли ставка бўйича тўланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик айрим озиқ-овқат товарлари бўйича қўшилган қиймат солиғи камайтирилган ставкаларда тўланади. Бундай ставкалар ва товарларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (иловага қаралсин) (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан жорий қилинган).

Қўшилган қиймат солиғининг 15 ва 20 фоизлик ставкалари бўйича солиққа тортиладиган товарларни чиқарувчи ва реализация қилувчи корхоналар товарлар реализацияси ва улар бўйича солиқ суммаларининг ҳисобини қўлланиладиган ставкалар миқёсида алоҳида олиб бориши ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида товарлар турлари бўйича қўлланиладиган ставкаларга кўра кўрсатишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 41/97-105-сон йўриқномасига мувофиқ истеъмолчилардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Скқс} = \text{Ооб} \times \text{Н}/100 \qquad (1),$$

бу ерда:

Скқс — истеъмолчилардан олинадиган солиқ суммаси;

Ооб — солиқ солинадиган оборот;

Н — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни ўз ичига қўшилган қиймат солиғини оладиган нархлар ва тарифлар

бўйича сотганда солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Сққс = Ст х Н (Н+100) (2),

бу ерда:

Ст — қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олганда товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 26 декабрдаги 47/97-117-сон йўриқномасига мувофиқ импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Сққс = (Ст+Пип+Ас) х Н/100,

бу ерда:

Сққс — қўшилган қиймат солиғи суммаси;
Ст — импорт қилинаётган товар, иш, хизматларнинг бож қиймати;
Пип — божхона тўлови суммаси;
Ас — акциз солиғи суммаси;
Н — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Солиқ кодексининг ***75-моддасига*** мувофиқ ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси амалда келиб тушган, шу жумладан импорт қилинаётган ҳисобот даврида товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларига қаратиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тақдим этилган ҳисоб-варақ-фактуралар бўйича тўланиши керак бўлган солиқ суммасидир. Ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган, харид қилинадиган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича солиқ суммаси ҳисобга олинмайди

(ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилга қўшилган қиймат солиғининг 15%ли пасайтирилган ставкаси бўйича биринчи эҳтиёж озиқ-овқат товарларининг қуйидаги рўйхати белгиланган:

Т/р	*Товарларнинг номи*	*ТИФ ТН бўйича коди*	*ҚҚС ставкаси, %*
1	Ун	110100000, 110610000дан 1102 — қуритилган дуккакли сабзавотлардан тайёрланган ун; 110620дан — саго пальмасининг ўзаги, илдиз-мева ёхуд меваларидан тайёрланган ун; 1208 — мойли ўсимликлар уруғи ёхуд мевасидан тайёрланган ун	15
2	Нон	1905дан — нон	15
3	Гўшт	0201, 0202, 0203, 0204, 020500000, 020610910, 020610950, 020621000, 020622, 020629910, 020630210, 020641910, 020649910, 020680910, 020680990, 020690910, 020690990, 0207, 0208	15
4	Сут ва сут маҳсулотлари	0401, 0402, 0403, 0404, 0406дан — творог	15
5	Импорт қилинадиган дон	1104	15
6	Импорт қилинадиган тирик мол	010290330, 350, 010410	15

Солиқ кодексининг ***74-моддаси***га мувофиқ бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан қиймати ишлаб чиқариш ва муо-

мала харажатларига қўшиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади (1998 йил 25 декабрдаги ЎзР қонунига биноан жорий қилинган). Товарлар импорти бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси уларнинг солиқ солинадиган оборотидан ҳамда ушбу Кодекснинг 70 ва 73-моддаларида назарда тутилган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Солиқ кодексининг ***76-моддасига*** мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарларни юклаб жўнатаётган, ишлар бажараётган ва хизматлар кўрсатаётган солиқ тўловчи ушбу товарларни олаётган (ишлардан, хизматлардан фойдаланаётган) шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда тайёрланган ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт. Қўшилган қиймат солиғини тўловчи бўлмаган харидорлар товарларни чакана савдодан сотиб олган тақдирда, ҳисобварақ-фактуранинг қонун ҳужжатларида белгиланган соддалаштирилган шаклидан фойдаланиш мумкин. Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга турмаган шахс "қўшилган қиймат солиғисиз" деган белги қўйилган ҳисобварақ-фактурани ёзиши шарт. Ушбу Кодекснинг 21-бобига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ёзилган ҳисобварақ-фактураларга нисбатан ҳам шундай талаб қўйилади (1998 йил 1 майдаги ЎзР қонунига биноан жорий қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 41/97-105-сон йўриқномасига мувофиқ ҳисобварақ-фактуралар албатта ҳисобварақлар келиб тушиши ва тақдим этилишини рўйхатга олиш дафтарида ҳисобга олиниши керак.

Божхона юк декларацияси (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномаси) ва қўшилган қиймат

солиғининг ҳақиқатда тўпланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

Бевосита аҳолига пулли хизматлар (ишлар) кўрсатадиган корхоналар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганда касса чеки ёки хизматлар кўрсатилган (ишлар бажарилгани) фактини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

Ўз маҳсулотини узлуксиз етказиб беришини таъминлайдиган корхоналар бўйича ҳисобварақ-фактуралар истеъмолчиларга ҳисобварақни расмийлаштириш билан бир вақтда, лекин ойига кўпи билан бир марта тузилади. Бунда ҳисобварақ-фактуралар маҳсулот сотилган ҳисобот даврида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 26 декабрдаги 47/97-117-сон йўриқномасига мувофиқ ҚҚСни ҳисоблаётганда божхона юк декларациясининг 47-катаги қуйидаги тартибда тўлдирилади:

— "тўлов коди" деган биринчи устунга "29" ёзилади, бу қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) англатади;

— "ҳисоблаб ёзиш асоси" устунига ушбу йўриқноманинг 3.3-бандига мувофиқ ҳисобланган солиқ солинадиган оборот суммаси ёзилади;

— катакнинг "Ставка" деган учинчи устунида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг ҳажми кўрсатилади;

— катакнинг "Сумма"деган тўртинчи устунида қўшилган қиймат солиғини тўлаш суммаси кўрсатилади;

— катакнинг "ТУ" деган бешинчи устунида тўлов усули кўрсатилади:

а) "бн" — банк муассаси орқали нақд пулсиз ҳисобкитоб;

б) "кт" — божхона кассасига тўлов суммасини нақд пул билан топшириш.

"В" — "Ҳисоблаш тафсилотлари" катагида қўшилган қиймат солиғини тўлашга доир тўлов ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилади.

БЮДнинг "Преференция" деган 36-катагида бож, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этиш (преференция) коди 00/00/00 кўрсатилади, бу ерда:

дастлабки икки рақам — белгиланган тартибга мувофиқ божхона божини тўлашдан озод этиш коди;

кейинги икки рақам — белгиланган тартибга мувофиқ акциз солиғини тўлашдан озод этиш коди;

охирги икки рақам — қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этиш коди, яъни "11" қўйилди, бу эса қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилганликни англатади.

Бож, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиш кўзда тутилмаган барча ҳолларда "00" коди қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 26 декабрдаги 47/97-117-сон йўриқномасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғининг ҳисоблаб узилган суммалари ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига ёзилиб, кейин улар республика бюджетининг даромадига киритилиши керак. Божхона органлари қўшилган қиймат солиғи суммаларини уч кун мобайнида республика бюджетининг даромадига ўтказадилар. Божхона органлари қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши ва ўз ҳисобварақларидан Республика бюджети даромадига ўз вақтида ўтказилиши учун жавобгардир.

Солиқ кодексининг ***77-моддасига*** мувофиқ солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи бўйича тасдиқланган шаклдаги ҳисоб-китобларни ортиб борувчи якун билан солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ органларига ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай ва йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади.

Солиқ кодексининг ***78-моддасига*** мувофиқ солиқ тўловчи солиқни ушбу Кодекс 77-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар тақдим этиладиган кундан кечиктирмай тегишли давр (ой) учун реализация буйича амалдаги оборот асосида тўлайди. Тамом бўлган ойда солиқ бўйича тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ошиб кетган солиқ тўловчи охирги ойлик ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг учдан бир қисми миқдорида ўн кунлик тўловлар (ойнинг 15, 25-кунлари ва навбатдаги ойнинг 5-куни) тўлайди, реализация бўйича амалдаги оборотлардан келиб чиқиб ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунигача қайта ҳисоб-китоб қилади. Импорт қилинаётган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи божхонада расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш пайтида тўланади.

Агар корхона маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни барқарор тусда ишлаб чиқармаса ёки корхонада кейинги ҳисобот даврида солиқ солинадиган оборот бўлмаса, ўн кунлик тўловларни ҳисоблаб ёзишнинг биринчи муддатига қадар улар бу ҳақда давлат солиқ хизмат органларини ёзма равишда хабардор қилишлари керак.

Хомчўт қилинаётган оборот кейинги ҳисобот даврида камайган тақдирда тўловларни ҳисоблаб ёзиш баёнот берилган оборот ва хомчўт қилинган солиқ суммасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Янги барпо этилган корхоналар, шунингдек илгари солиқ тўловчи бўлмаган корхоналар солиқни фаолиятининг биринчи ойи учун ҳақиқий оборотдан келиб чиқиб тўлайдилар. Фаолиятнинг кейинги ойларида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилади ва тўланади.

Корхонанинг солиқ ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган ҳолда ортиқча тўлаган солиқ ва йиғимла-

ри суммаси унинг ёзма аризасига биноан корхонага ўттиз кун ичида қайтарилади ёки келгуси тўловлари ҳисобига эътиборга олинади.

Солиқ кодексининг ***79-моддасига*** мувофиқ агар бундан олдинги ҳисобот даврида ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, кўрсатилган ортиқча сумма ҳисобот давридан кейинги даврда ҳисобга ўтказилади. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар бўйича сотиб олиш пайтида тўланган солиқ суммаси ҳисобга ўтказилмайди, балки харажатлар таркибига киритилади. Солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда олинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га қўшилган қиймат солиғи ҳисобга ўтказилмайди ва унинг соф даромади ҳисобидан қопланади.

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА
199__йил _____ № ___
товарни юклаб жўнатиш ҳужжатларига
199 __йил «___»_____ даги № ___

Мол етказиб берувчи___
Манзил_____
_____
Телефон _____
_____ даги
№__ ҳисоб-китоб варағи
шаҳар _____
Мол етказиб берувчининг идентификация рақами
_____

Харидор_____
Манзил_____
_____
Телефон_____
_____даги
№__ ҳисоб-китоб варағи
шаҳар _____
Харидорнинг идентификация рақами_____
_____

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олганда етказиб бериш қиймати
					ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
Тўлашга жами							

Раҳбар _____
(имзо)
Бош бухгалтер _____
(имзо)
М.Ў.

Товарни бердим_____
(мол етказиб берувчи томонидан масъул шахс имзоси)

Олдим _____
(харидор ёки вакалатли шахси имзоси)

199 __ йил «__»_____ № _____ ишончнома бўйича

_____
(олувчи Ф.И.О.си)

Ҳисобварақ-фактурани тўлдириш ТАРТИБИ

Ҳисобварақ-фактура товар юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган санадан кечиктирмай ёзилади.

Ҳисобварақ-фактурада ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товарни юклаб жўнатиш ҳужжатларининг рақами ва санаси кўрсатилиши лозим.

Жадвал шаклини тўлдираётганда қуйидагиларни қайд этиш керак:

1-катакда - товарлар (ишлар, хизматлар) номи;

2- катакда - мазкур товар бўйича қабул қилинган ўлчов бирлиги (дона, килограмм, метр ва ҳ.к.);

3- катакда - унга доир қабул қилинган ўлчов бирликларидан келиб чиқиб, ҳисобварақ бўйича юклаб жўнатилаётган товар миқдори;

4-катакда - товар ўлчов бирлигининг шартнома (контракт) бўйича ҚҚС сиз нархи;

5-катакда - мазкур номдаги товар барча миқдори учун ҚҚС сиз қиймати (3-катак ва 4-катак);

агар ҳисобварақ-фактура бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга) ёзилса, ушбу ишлар (хизматлар) қиймати ҚҚС сиз кўрсатилади ва 2, 3, 4-катаклар тўлдирилмайди.

6-катакда - қўшилган қиймат солиғи ставкаси (20, 10 ва 0%). Агар товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚС тўлашдан озод этилган бўлса, чизиқ тортиб қўйилади;

7-катакда - тегишли ставкалар бўйича мазкур товар (иш, хизмат)га доир ҳисобланган ҚҚС суммаси, товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚСдан озод қилинган бўлса, чизиқ тортиб қўйилади.

Ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар ва ялпи даромаддан солиқ тўлайдиган улгуржи савдо корхоналари 6 ва 7-катакларда қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайди ва «Қўшилган қиймат солиғисиз» штампини қўяди (ёки ёзиб қўяди).

Ягона солиқ ставкаси белгиланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактура ёзадиган корхоналар, «Солиқ ставкаси» деган 6- катакни тўлдирмайди, солиқ ставкасини эса «Солиқ суммаси» деган катакнинг устки томонида кўрсатади;

8-катакда - ҳар бир турдаги товар (ишлар, хизматлар)-ининг ҚҚС билан биргаликдаги қиймати (ёки солиқдан озод қилинадиган ёхуд 0 даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар бўйича - ҚҚС сиз).

Ҳисобварақ-фактура бўйича якуний сатрда 5, 7 ва 8-катакларга доир суммалар чиқарилади.

_____
давлат солиқ инспекциясига
_____
(корхона тўлиқ номи)
_____дан
Масъул шахс (ижрочи)
фамилияси
Тел:_____ факс: _____

Солиқ кодексининг штампи ёки белгиси
199__йил _____да олинди.

199__ йил _____ учун

(ҳисобот даври)

қўшилган қиймат солиғининг

ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткич	*оборот*	*ҚҚС ставкаси*	*ҚҚС суммаси*
1. Солиқ солинадиган оборот мақсадлари учун ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига киритиладиган харид қилинган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, ёқилғи, ишлар, хизматлар қиймати, шу жумладан ноль ставкаси бўйича оборот			
2. Юклаб жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати — жами улардан — қўшилган қиймат солиғи солинмайдиганларининг қиймати — ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиганларининг қиймати — амалдаги ставкалар бўйича қўшилган қиймат солиғи солинадиганларининг қиймати			
3. Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси (2-сатр - 1-сатр)			

Кўрсаткич	обо-рот	ҚҚС став-каси	ҚҚС сум-маси
4. Ҳисобот ойи учун бюджетга тўланган бўнак тўловлари суммаси			
5. Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган (олдинги ҳисоб-китоб-нинг 3-сатри) қўшилган қиймат солиғи суммаси			
а) қўшимча тўлашга б) камайтиришга доир қўшилган қиймат солиғи суммаси			

199__йил «____» _____
(ҳисоб-китоб юборилган сана)

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

Инспекторнинг белгиси ва мулоҳазалари:

Олдиндан текшириш натижасида қуйидаги тузатишлар киритилади:_____
_____

199__йил «__» _____
(дастлабки текшириш санаси)

Инспектор _____ (имзо)

Ҳисобга олиш инспектори маълумотномаси:

Мазкур ҳисобот бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилди: _____
_____

199__йил «__»_____

Ҳисобга олиш инспектори _____ (имзо)

_____ давлат солиқ инспекциясига _____ (корхона тўлиқ номи) _____дан Масъул шахс (ижрочи) фамилияси Тел:_____ факс: _____

Солиқ кодексининг штампи ёки белгиси 199__йил _____да олинди.

199__ йил _____ учун

(ҳисоб даври)

Импорт қилинаётган ишлар, хизматларга оид қўшилган қиймат солиғининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткич	*Оборот*	*ҚҚС ставкаси*	*ҚҚС суммаси*
1	*2*	*3*	*4*
Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати			

199__ йил «__»_____

(ҳисоб-китоб юборилган сана)

Раҳбар (имзо)

Бош бухгалтер (имзо)

Инспекторнинг белгиси ва мулоҳазалари:

Олдиндан текшириш натижасида қуйидаги тузатишлар киритилди: _____

_____

199__йил «__»_____

(олдиндан текшириш санаси)

Инспектор (имзо)

Ҳисобга олиш инспектори маълумотномаси:

Ушбу ҳисобот бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилди:_____

199__йил «__»_____

Ҳисобга олиш инспектори (имзо)

Назорат саволлари:

1. Қўшилган қиймат солиғи нимадан иборатлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беринг, қўшилган қиймат солиғидан кимлар озод қилинади, ноль даражали ставка бўйича қандай объектлар ҚҚСга тортилади? Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш формуласи қандай?

2. Бюджетга тўланиши керак бўлган қўшилган қиймат солиғини аниқлаш тартибини тавсифланг.

3. Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ҳисоб-варақ-фактурани қандай расмийлаштиришлари тўғрисида тасаввур беринг; божхона юк декларациясида ҚҚСни акс эттириш тартиби қандай?

4. Божхона органлари томонидан республика бюджетига қўшилган қиймат солиғи ўтказилиши тартиби; қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоблари ва уни тўлаш муддатлари тўғрисида ҳикоя қилиб беринг.

5. Қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинишини тартибга солиш қандай юз беришини тушунтиринг.

5.4. Акциз солиғи

Акциз солиғи соф даромаднинг бюджетга бевосита солиқ кўринишида киритиладиган (олинадиган) қисми бўлиб, у нархда ва қўшилган қиймат солиғига тортиш базасида ҳисобга олинади.

Солиқ кодексининг ***81-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасида акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқараётган ёки бундай товарларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғи тўлайдилар.

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулки билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағи (рақамига) эга бўлган барча турдаги корхона

ва ташкилотлар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари) юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***82-моддасига*** мувофиқ акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ кодексининг ***83-моддасига*** мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, акциз тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) қиймати ёки товарнинг физик ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади. Агар товар ишлаб чиқарувчи акциз тўланадиган товарни натурал ҳақ ёки совға сифатида берса, солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида таркиб топган, лекин амалда қилинган харажатлардан кам бўлмаган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган қиймат солиқ солиш объекти ҳисобланади. Берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғи уларни буюртмачига бериш пайтида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қоидаларига мувофиқ белгиланган нархлар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 19 ноябрдаги 36/97-96-сон йўриқномасига мувофиқ акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$(О \times А) / 100,$$

бу ерда,

О — ўз ичига ҚҚСсиз акциз солиғини оладиган шартномавий (эркин) нарх;

А — акциз солиғи ставкаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 19 ноябрдаги

36/97-96-сон йўриқномасига ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даваль хом ашёсини маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона балансдан ташқари ҳисобга олади. Даваль хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун акциз солиғини ҳисоблашда акциз солиғи солинадиган маҳсулотни сотишга доир оборот ушбу товарларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар қиймати ва даваль хом аёшси қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Солиқ кодексининг ***84-моддасига*** мувофиқ акциз солиғи бюджетга, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ойнинг акциз тўланадиган товар реализация қилинган ўн кунлиги тугаганидан кейин уч кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим. Солиқ тўловчи акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойидаги тегишли солиқ органига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунигача тақдим этади.

Тўловчилар реализациянинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган акциз солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 19 ноябрдаги 36/97-96-сон йўриқномасига мувофиқ бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- жорий ойнинг 13-кунига қадар — жорий ойнинг биринчи ўн куни учун;
- жорий ойнинг 23-кунига қадар — жорий ойнинг иккинчи ўн куни учун;
- кейинги ойнинг 3-кунига қадар — ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарларга илова қилинувчи ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулотни юклаб жўнатиш куни реализация (сотиш) санаси ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича келиб тушган акциз солиғи суммасини давлат солиқ хизмати идоралари солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир

вақтнинг ўзида солиқни "ҳисоблаб ёзиш" ва "тўлаш" катакларида акс эттирадилар.

Солиқ кодексининг ***85-моддасига*** мувофиқ акциз тўланадиган товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи тўланган хом ашёдан ишлаб чиқарилган тақдирда, мазкур хом ашё бўйича тўланган акциз солиғи суммаси товарга солинадиган акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 19 ноябрдаги 36/97-96-сон йўриқномасига мувофиқ шундай тартиб истеъмолчилар идишига қуйиб бериш (қадоқлаш) учун тайёр акциз маҳсулоти оладиган корхоналарга ҳам татбиқ этилади. Масалан, бундан кейин қадоқлаш учун пахта ёғи оладиган корхонада бюджетга тўланиши керак бўлган акциз солиғи истеъмолчилар идишига қуйилган (қадоқланган) пахта ёғи бўйича ҳисобланган акциз солиғи билан транспорт идишида олинган пахта ёғи бўйича акциз солиғи суммалари ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун хом ашё (маҳсулот) етказиб берувчилар товарга илова қилинувчи ҳужжатларда юклаб жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича бюджетга тўланиши керак бўлган акциз солиғи суммасини алоҳида сатрда кўрсатишлари керак. Агар харид қилинаётган акциз хом ашёси (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси товарга илова қилинувчи ҳужжатларда ажратиб кўрсатилмаган бўлса, у ҳисоб-китоб йўли билан ҳисоблаб чиқилмайди ва тайёр маҳсулот бўйича ҳисоб учун қабул қилинмайди.

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи суммаси алоҳида таҳлилий ҳисобварақда ҳисобга олинади ва хом ашё ишлаб чиқаришга ҳисобдан ўчирилишига қараб

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" счёти дебетига тегишли улушда кўчирилади.

Солиқ кодексининг ***86-моддасига*** мувофиқ акциз тўланадиган импорт товарлар учун божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бож қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***87-моддасига*** мувофиқ акциз тўланадиган импорт товарлар учун акциз солиғи божхонада расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш пайтида тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 19 ноябрдаги 36/97-96-сон йўриқномасига мувофиқ бюджет билан акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг "Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида юритилади. Бюджетга тўланиши керак бўлган акциз солиғининг ҳисобланган суммаси 46-"Маҳсулотлар сотилиши" ҳисобварағи дебети ва 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади. Акциз солиғи суммасини бюджетга ўтказиш 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети бўйича тегишли ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади. Акциз маркаларини олишда 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағи дебети ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредити бўйича бухгалтерия ёзуви ёзилади. Маркаланган маҳсулот юклаб жўнатилишига қараб қуйидагича бухгалтерия ёзуви ёзилади: 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети ва 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағи кредити.

Акциз солиғини ҳисоблашга мисоллар кўриб чиқамиз

Акциз солиғини ҳисоблашга МИСОЛ

Акциз солиғи суммасини ҳисоблаш учун қуйидаги формула бўйича шартномавий (эркин) нарх (шу жумладан акциз) аниқланади:

О=(С х 100)/100-А,

бунда:

О — ҚҚС сиз, акциз солиғини ўз ичига олган шартномавий (эркин) нарх;

С — корхонанинг ҳисоб-китоб нархи (норматив харажатлар ва фойда меъёри);

А — акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ОхА/100

Корхона учун акциз солиғини ҳисоблашга ШАРТЛИ МИСОЛ

(буюм бирлигига сўмда)

1. Корхонанинг ҳисоб-китоб нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри)	45-50
2. Акциз солиғи ставкаси, %	65
3. Шартномавий (эркин) нарх (акцизни ҳисобга олган ҳолда) ҚҚСсиз, сўм	
$\frac{\text{(1-сатр х 100)}}{\text{(100-2-сатр)}} = \frac{4550}{35}$	130-00
4. Акциз солиғи суммаси 130 х 65/100 ёки (3-сатр + 1-сатр)	84-50

Акциз маркалари номинал қийматини ҳисобга олишни аниқлашга МИСОЛ

(Рақамлар шартли, сўмларда)

Маҳсулот тури	Сотишнинг солиқ солинадиган ҳажми	Белгиланган ставка бўйича акциз солиғи суммаси	Солиқ солинадиган ҳажмга тўғри келадиган акциз маркалари сони	Битта акциз маркаси қиймати	Акциз маркалар учун ҳисобга олиш суммаси (4-гр.+ 5-гр.)	Тўланадиган акциз солиғи суммаси (3-гр.- 6-гр.)
Арақ, 0,5	700000	455000	455000	0,14	1400	453600

Акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотга доир акциз солиғини аниқлашга МИСОЛ

(четдан харид қилинган вино материалларидан тайёрланган вино тайёрловчи шартли корхона мисолида)

1 долларга сўмларда

1. Акцизга тортиладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ишлар (хизматлар) қиймати	60-00
2. Вино материаллари қиймати (акциз солиғисиз)	170-00
3. Хом ашёни қайта ишлайдиган корхона учун ҳисоб-китоб нархи (1-сатр + 2-сатр)	230-00
4. Вино учун акциз солиғи ставкаси, %	40,0
5. Маҳсулотни сотиш обороти (акцизни ҳисобга олганда), ҚҚСсиз $\frac{230 \times 100}{100 \div 40}$	383-30
6. Тайёр маҳсулот бўйича ҳисоблаб ёзилган акциз солиғи суммаси (383-30 x 40 / 100)	153-30
7. Харид қилинган, ҳисобга олиниши керак бўлган вино материаллари бўйича тўланган акциз солиғи суммаси (20%) $\frac{170 \times 100}{100 - 20} = 212 \div 50 \times 20 \div 100$	42-50
8. Бюджетга киритилиши керак бўлган акциз солиғи суммаси (6-сатр - 7-сатр) ёки (153-30-42-50)	110-80

Назорат саволлари:

1. Акциз солиқлари ва акциз солиғини тўловчилар ҳақида тасаввур беринг.
2. Акцизга тортиладиган товарлар рўйхатини ва акциз солиғи ставкаларини тасдиқлайдиган муассасани айтинг.
3. Нима акцизга тортиладиган товарларга солиқ солиш объекти ҳисобланади ва акциз солиғи қандай формула бўйича ҳисобланади?
4. Даваль хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблашнинг хусусиятлари ва акциз солиғини тўлаш муддатларини айтинг.
5. Акциз солиғини ҳисобга олиш механизмини очиб беринг.
6. Импорт қилинадиган акциз товарлар учун нима солиқ солиш объекти ҳисобланишини тушунтиринг ва импорт қилинадиган акциз товарлар учун акциз солиғини тўлаш муддатларини айтинг.
7. Акциз солиғи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида нима биласиз?

5.5. Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 14 августда қабул қилган 285-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарорга мувофиқ акциз маркаларини бериш, ҳисобга олиш, сақлаш ва қайтариш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган,

албатта акциз маркалари ёпиштирилиши керак бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркалари ёпиштирилишини назорат қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар ишлаб чиқарилиши, импорт қилиниши, сақланиши, ташилиши ва сотилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек акциз солиғи тўлиқ ундирилиши, кўрсатилган товарларни яширинча ишлаб чиқариш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишнинг олдини олиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органлари ўз ишларида ишлаб чиқилган йўриқномага амал қилиши ва унинг бажарилишини таъминлаши шарт.

1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни (бундан кейин акциз товарлари дейилади), пиводан ташқари, мажбурий тарзда белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркалаш жорий этилди ва уларни акциз маркаларини ёпиштирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экспорт учун ишлаб чиқарилган ёки халқаро транзит мақсадида олиб келинган, акциз маркалари ёпиштирилмаган акциз товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш тақиқланади.

Акциз маркаларини сохталаштирганлик учун, шунингдек қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жиноий жавобгарлик чоралари қўлланади.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар республика бюджетига номинал қиймати бўйича бу-

юртма берилаётган акциз маркалари миқдорининг бутун суммасини тўлагач, давлат солиқ инспекцияларига турлари бўйича акциз маркаларининг зарур миқдорини харид қилишга буюртманома топширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармалари солиқ инспекцияларининг акциз маркаларига доир келиб тушган буюртманомаларини ҳудуд бўйича умумлаштирадилар ва уларни ёзма шаклда, раҳбарият имзоси билан, ҳар чоракда Давлат солиқ қўмитасига унинг томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар, бунда ишлаб чиқарувчи корхоналар улар буюртирган миқдорда акциз маркаларининг номинал қийматини тўлашганини тасдиқлайдилар. Келаётган йилга буюртманома умуман йил бўйича, чоракларга тақсимлаган ҳолда берилади.

Акциз маркаларини босиш учун буюртманомани «Давлат белгиси» ДИЧБга жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси амалга оширади.

Импортчилар, шу жумладан акциз товарларини Ўзбекистон Республикасига олиб келадиган жисмоний шахслар буюртманомани Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органларига топширадилар. Бу органлар тақдим этилган буюртманомалар асосида, юқорида келтирилган тартибга ўхшаб, акциз товарлари учун акциз маркаларига йиғма буюртманома тузадилар ва ёзма шаклда раҳбарият имзоси билан Давлат божхона қўмитасига тақдим этадилар.

Келгуси йилга буюртманома умуман йил учун чоракларга тақсимлаган ҳолда (ёки импортчиларнинг тегишли контрактлари бўйича) тақдим этилади.

Акциз маркаларини босиш учун буюртмани «Давлат белгиси» ДИЧБда жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

Давлат солиқ инспекциялари ва Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий органлари акциз маркаларини сотишни 1-иловага биноан ана шу маркаларни харид қилишга доир буюртманома-ҳисоб-китобга мувофиқ Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари орқали амалга оширадилар.

Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари акциз маркаларини:

- тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига — акциз маркаларининг номинал қиймати тўланганидан кейин;
- тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар импортчиларига — номинал қиймати бўйича акциз маркалари тўлиқ тўланганидан ва акциз солиғи тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин берадилар.

Ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар номинал қиймати бўйича харид қиладиган акциз маркалари учун пул маблағлари республика бюджетига киритилади ва акциз солиғини тўлаш чоғида акциз маркаларининг қиймати ҳисобга олинмайди.

Акциз маркаларининг номинал қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Давлат белгиси» ДИЧБ ҳисоб-китоблари бўйича тасдиқлайди.

«Давлат белгиси» ДИЧБнинг акциз маркаларини ишлаб чиқаришга доир харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджети маблағлари ҳисобига уларнинг номинал қиймати доирасида қоплайди.

Акциз маркаларини олиш учун акциз маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар тегишлича Давлат солиқ инспекциясига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларига уч нусхада буюртманома-ҳисоб-китоб тақдим этадилар. Буюр-

тманома-ҳисоб-китобнинг солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг «Акциз маркалари учун тўланган» штампи қўйилган ва солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг масъул шахси имзоси билан тасдиқланган биринчи ва иккинчи нусхалари харидорга қайтарилади. Учинчи нусхаси Давлат солиқ инспекциясида ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органида ҳисоб ва назорат учун қолдирилади.

Солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг ходими маркалар хариди учун буюртманома-ҳисоб-китобни қабул қилиш чоғида харидорни махсус журналда рўйхатга олиб, 2-иловага биноан шакл бўйича корхона кодини кўрсатади.

Буюртманома-ҳисоб-китобдан ташқари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар Давлат солиқ инспекциясига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларига маблағлар республика бюджетига ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатини тақдим этадилар.

Акциз маркалари харидорининг тўлов ҳужжатида «Тўловдан мақсад» устунига «Акциз маркалари учун тўлов» деб ёзиб қўйилиши шарт.

Тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқи бўлган ва банкда ҳисобвараққа эга бўлмаган жисмоний шахслар (импортчилар) акциз маркалари учун нақд пул маблағларини Пахтабанкнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига тўлаб, республика бюджети ҳисобига ўтказадилар.

Акциз маркаларининг номинал қиймати Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлар ва харажатлар таснифининг тегишли бўлими ва параграфига киритилади:

- 12-параграфнинг 26-бўлимига — ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларига акциз маркалари бўйича тушум;

- 13-параграфнинг 26-бўлимига — ишлаб чиқарилаётган алкоголли маҳсулотларга (пиводан ташқари) акциз марказлари бўйича тушум;
- 14-параграфнинг 26-бўлимига — олиб келинаётган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга (пиводан ташқари) акциз маркалари бўйича тушум.

Буюртманома-ҳисоб-китобда кўрсатилган акциз маркаларининг тегишли миқдори учун ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этганидан кейин Давлат солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг масъул шахси солиқ тўловчи Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмасида акциз маркаларини олишга уч нусхада квитанция (3-илова) тўлдиради (квитанциянинг икки нусхаси харидорга қайтарилади).

Маркалар олишга буюртманома-ҳисоб-китоб, Давлат солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг масъул ходими тасдиқлаган квитанция билан ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмасига мурожаат қиладилар. Банк ходими ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчига квитанцияда (буюртманома-ҳисоб-китобда) кўрсатилган миқдордаги акциз маркаларини беради ва бу ҳақда акциз маркаларини олишга доир квитанцияга белги қўяди. Квитанция ва буюртманома-ҳисоб-китобнинг бир нусхаси банк ходимида қолади, иккинчиси эса ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчига қайтарилади.

Акциз маркаларини Пахтабанкнинг тегишли минтақавий бўлинмаларига ташиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар акциз маркаларининг номинал қийматига киритилмайди ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар томонидан ҳажмини Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари тузилган шартномага мувофиқ мустақил равишда белгилайдиган устама кўри-

нишида акциз маркалари қийматидан ортиқча тарзда тўланади. Устама суммасини улар алоҳида тўлайдилар ва акциз маркаларини олиш чоғида Пахтабанк бўлинмаси ҳисобварақларига ўтказадилар. Кўрсатилган харажатлар, шунингдек акциз товарларини маркалаш билан боғлиқ харажатлар ва акциз маркаларининг номинал қиймати ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларнинг давр харажатларига киритилади.

Акциз маркаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга БЮД тўлдирган ҳолда Давлат божхона қўмитасининг рухсати билан йўл қўйилади. Божхона расмийлаштируви учун импорт қилинадиган акциз товарларини олиб келишни импортчилар акциз маркалари харид қилинган ва рўйхатга олинган минтақадагина амалга оширадилар.

Республикага импортчи маркаларни харид қилмаган ва рўйхатга олинмаган минтақа орқали олиб кирган акциз маркалари билан елимланган акциз товарларини божхонада расмийлаштириш тақиқланади. Мазкур ҳолат учун Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органлари жавоб беради.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотга акциз маркаларини ишлаб чиқариш жараёнида ёки корхона ҳудудидаги алоҳида ажратилган жойда маркалаш учун белгиланган технология бўйича ёпиштирадилар.

Импорт бўйича олиб келинадиган акциз товарларини акциз маркалари билан маркалашни импортчилар таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркаланмаган акциз товарларини харид қилиш ва сотиш тақиқланади.

Республикадан ташқарига экспорт қилинадиган:

- республика ҳудудига божсиз савдо дўконлари учун олиб келинадиган;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати бўлганда кўргазмалар ўтказиш учун олиб келинадиган;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига халқаро транзит бўйича олиб келинадиган ва олиб чиқиш учун мўлжалланган;
- жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган акцизсиз олиб келиш меъёрлари доирасида олиб келинадиган (жўнатиладиган) акциз товарлари мажбурий тарзда маркаланмайди.

Республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган пиво Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркаланмайди.

Республикага кўргазмалар ўтказиш учун олиб келинган акциз товарлари, улар кўргазмалар якунланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан мажбурий тарзда маркаланиши керак ва улар бўйича умумий белгиланган тартибда акциз солиғи тўланади.

Тамаки маҳсулотларини маркалаш қоидалари

Қутичани очганда марка йиртилиши керак.

Акциз маркаси қуйидагича жойлаштирилади:

а) **юмшоқ қутича.** Уст томонни ёпиб турадиган акциз маркасидаги матн ёки сурат қутичанинг олдинги томонидаги каби йўналишда ётиши керак ва марказ бўйича жойлашиши лозим (ўнг ва чап қиррадан, олдинги ва орқа девордан бир хил масофада). Қутича целлофан билан (агар шу нарса кўзда тутил-

са) қутичага ёпиштирилган акциз маркаси устидан ўралиши керак;

б) **очиладиган қопқоқли қутича.** Марка орқа томонда жойлашиши, бурчакни ёпиши ва қутичанинг ён томонига ўтиши керак. Қутича целлофан билан (агар шу нарса кўзда тутилса) қутичага ёпиштирилган акциз маркаси устидан ўралиши керак;

в) **конверт шаклидаги қутича** (масалан, «Саратон», «Астра», «Прима»). Қутичадаги акциз маркаси орқа томонда, очиладиган қопқоқ қутича билан бирлашган ер маркази бўйлаб орқа томоннинг ўнг ва чап, юқори ва пастдаги қирралари билан тенг масофада жойлашиши керак.

Юқорида айтилган тартибни бузиб акциз маркалари ёпиштирилган (масалан, маркани қирқиш йўли билан акциз маркасини целлофан пленка остига ёпиштирганда, марка целлофан пленка устидан ёпиштирилганда, бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчилар маркалари ёпиштирилганда) тамаки маҳсулотлари маркаланмаган деб ҳисобланади ва умумий белгиланган тартибда мусодара қилиниши керак.

Белгиланган тартибдан истисно тариқасида фақат мусодара қилинган, акциз маркаларида «MUSODARA QILINGAN» деган ёзув белгиланган (алоҳида код рақамли) тамаки маҳсулотларида акциз маркаларини 21-банднинг «а» ва «б» кичик бандлари билан белгиланган жойларда целлофан ўров устидан ёпиштиришга рухсат берилади ва бундай тамаки маҳсулотларини сотиш маҳаллий ҳокимликлар қарори билан белгиланган махсус дўконларда амалга оширилади.

Алкоголли ичимликларни маркалаш қоидалари

Акциз маркалари идишнинг маҳкамланган қалпоқчалари (ёки полиэтилен пробкалари) устига шундай

ёпиштириладики, токи у шиша оғзига яхши ёпишсин ва уни очиш пайтида йиртилсин. Ёпиштирилган акциз маркаси устидан бирор-бир капсулани қўллаш тақиқланади, шаффоф материалдан тайёрланганлари бундан мустасно.

Акциз маркаларини ёпиштиришда маркани товардан бузмасдан олиш имконини бермайдиган елимдан фойдаланиш керак. Акциз маркаларини ёпиштириш учун фойдаланиладиган елим унинг қуриб қолишини ва товардан кўчиб кетишини истисно қилиш учун юқори ва паст ҳароратларга, турли даражадаги намликларда чидамли бўлиши, шиша ёки қутичани очиш пайтида йиртилган маркаларни ундан такроран фойдаланишга имкон бермаслик учун йиғиб бўлмаслик кафолатини таъминлаши керак.

Мусодара қилинган алкоголли ичимликларни 22-бандда кўрсатилганидек, маҳаллий ҳокимликлар қарорига биноан белгиланган махсус дўконлар «MUSODARA QILINGAN» деган ёзув белгиланган (махсус код рақамли) акциз маркалари билан маркалайди.

Бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг ёхуд алкоголли ичимликлар бошқа товар гуруҳларининг акциз маркалари ёпиштирилган, шунингдек 22 ва 23-бандларда кўзда тутилган тартибни бузиб ёпиштирилган алкоголли ичимликлар маркаланмаган деб ҳисобланади ва улар умумий белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда мусодара қилиниши керак.

Акциз товарларини маркалашга доир талаблар тегишли стандарт билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар харид қилган акциз маркалари қайта сотилиши, берилиши ёки бошқа шаклларда бегоналаштирилиши мумкин эмас, солиқ органларига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларига қайтариб берилиши бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналари акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлаган ва Адлия вазирлиги рўйхатдан ўтказган «Юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага мувофиқ амалга оширадилар.

Импортчи юридик шахслар акциз солиғини импорт қилинувчи товарнинг контракт қиймати ва белгиланган ставкалардан, жисмоний шахслар эса баёнот берилган қийматдан келиб чиқиб ҳисоблайдилар ва тўлайдилар. Банкда ҳисоб рақамига эга бўлмаган жисмоний шахслар акциз солиғини нақд пул маблағлари билан тўлайдилар. Товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинганда акциз солиғи акциз маркаларини харид қилишда тўпланган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда олиб келинадиган товарнинг бож қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади. Тўланган акциз солиғини импортчи юридик шахсларга қайтариш фақат контракт бекор қилинганда, фойдаланилмаган (шу жумладан шикастланган) акциз маркаларини топшириш шарти билан, жисмоний шахсларга эса — фойдаланилмаган (шу жумладан шикастланган) акциз маркаларини тақдим этиш шарти билан амалга оширилиши мумкин.

Акциз маркалари акциз солиғи тўланганлигига далил бўлади.

Давлат солиқ органлари ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органлари акциз солиғини ҳисоблаш учун ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатларни ўз вақтида топширишларини назорат қиладилар, ҳисобни юритадилар ва акциз солиғи суммалари тушуми тўғрисидаги ҳисоботларни тузадилар.

Акциз маркаларига қатъий ҳисобдаги бланклар учун бўлганидек бухгалтерия ҳисоби қоидалари татбиқ этилади. Акциз маркаларига ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларнинг кодлари, шунингдек мусодара қилинган товарларнинг алоҳида код рақамлари киритилади.

Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун кодлар қонунда белгиланган тартибда бериладиган, ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқига лицензия мавжуд бўлганда берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз товарларини майда туркумлар билан (100 минг қутича, донадан кам) олиб келувчи импортчилар учун ягона код рақамлари берилади: тамаки маҳсулотлари учун — 1М 9898, алкоголли ичимликлар учун — 1 М 98998.

Акциз маркалари сақланиши ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши учун масъулият акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар зиммасига юкланади.

Акциз маркаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар номинал қиймат бўйича, хизматлар учун банк устамасини ва ташиш харажатларини ҳисобга олмасдан ҳисобга оладилар.

Давлат солиқ бошқармаси (солиқ инспекцияси) бошлиғи ва Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органи бошлиғининг буйруқлари билан акциз маркалари ҳисоби ва назорати учун масъул шахслар тайинланади. Акциз маркаларининг ҳисоби ва ҳисоботи уларнинг миқдори ва қиймати бўйича юритилади.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар ўтган ойдан кейинги ҳар бир ойнинг биринчи кунида Давлат солиқ инспекциясига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органига (тегишли равишда) 4-иловага биноан акциз маркалари ҳаракати тўғрисида ҳисобот топширадилар.

Давлат солиқ бошқармалари (солиқ инспекциялари) ва Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органлари акциз маркаларидан тўғри фойдаланилиши ҳамда ҳисобдан ўчирилиши устидан доимий назоратни амалга ошириб боришлари шарт.

Давлат солиқ инспекциялари ва Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органлари ўтган ойдан кейинги ҳар бир ойнинг биринчи кунида Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмаларида ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларга берилган (сотилган) акциз маркалари миқдорини солиштирадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари ўтган чоракдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар, ҳар чоракда жорий чоракнинг биринчи кунидаги ҳолат бўйича Давлат солиқ қўмитасига акциз товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйича акциз маркалари ҳаракати тўғрисида ҳисобот топширадилар. Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органлари ҳам ана шундай тартибда Давлат божхона қўмитасига импортчилар тўғрисида ҳисобот топширадилар. Кўрсатилган ҳисоботлар 4-илова шакли бўйича тақдим этилади.

Пахтабанк минтақавий бўлинмаларига акциз маркаларининг келиб тушишини ҳисобга олиш ва уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда импортчиларга сотиш (бериш) тартибини Ўзбекистон Республикаси Пахтабанк ИАК белгилайди.

Бузилмаган ўрамдаги акциз маркалари миқдори ишлаб чиқарувчи ёки импортчида шубҳа туғдирган ҳолларда уларни текшириш албатта «Давлат белгиси» ДИЧБ ва Пахтабанк минтақавий бошқармаси вакиллари иштирокида амалга оширилади. Пахтабанк минтақавий бўлинмалари ишлаб чиқарувчилар ва импортчиларга, «Давлат белгиси» ДИЧБ эса тегиш-

лича — банкларга топширгунга қадар ўрамдаги акциз маркаларининг шикастланмасдан бут сақланишини таъминлашлари шарт.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар акциз маркалари тўғри ҳисобга олинишини, улардан фойдаланилишини (миқдори ва қиймати бўйича), ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилиши, йўқолишига йўл қўймасдан шикастланган маркаларнинг белгиланган тартибда ҳисобдан ўчирилишига қадар бут сақланишини таъминлашлари шарт.

Харид қилинган акциз маркалари номинал қиймат бўйича 006-«Қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар» балансдан ташқари ҳисобварағига кирим қилинади. Маркалар кирими ва чиқимини ҳисобга олиш қатъий ҳисобдаги бланкларга ўхшаган тартибда юритилади.

Айни вақтда акциз товарларини ишлаб чиқариш ва импорт қилиш билан шуғулланадиган ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулот бўйича акциз маркалари ҳаракати ҳисобини алоҳида-алоҳида юритишлари керак.

Ана шу мақсадда ишлаб чиқарувчи корхоналар моддий жавобгар шахс ҳамда акциз маркаларини сақлаш ва сарфлаш қоидалари белгилаб қўйиладиган махсус буйруқ чиқаради.

Акциз товарларни маркалаш чоғида акциз маркалари шикастланган ҳолларда тайёрловчи корхоналар (импортчилар) барча шикастланган маркаларни Давлат солиқ бошқармасига (бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар бергач) ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларига шикастланган акциз маркаларини йўқ қилиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан бирга тақдим этишлари шарт.

Шикастланган акциз маркалари қуйидаги қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10 донадан алоҳида варақларга ёпиштирилиши керак:

- акциз маркалари букилмасдан ва текис қилиб ёпиштирилиши лозим;

- маркалар шундай ёпиштирилиши керакки, марканинг ўрта қисми ва рақам реквизитлари аниқ кўриниб турсин;
- маркалар бўлинганда уларнинг алоҳида қисмлари бирлаштирилиши керак;
- қайтарилаётган шикастланган ҳар бир марканинг умумий қисми унинг дастлабки қийматининг камида 2/3 қисмини ташкил этиши керак.

Шикастланган акциз маркалари бўйича уларнинг номинал қиймати ишлаб чиқарувчи корхоналарга қайтарилмайди, шикастланганлари ўрнига янги маркалар берилмайди. Зарарлар корхона фаолияти натижаларига киритилади.

Импортчиларга шикастланган акциз маркалари ўрнига уларнинг номинал қийматини тўлаш билан янги акциз маркалари берилади.

Давлат солиқ бошқармаси (шунингдек солиқ инспекцияси) ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг зиммасига акциз маркалари билан ишлаш юклатилган масъул шахси ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчининг акциз маркалари учун моддий жавобгар шахси ҳозирлигида шикастланган маркаларни ҳисобдан чиқариш (йўқ қилиш) тўғрисида икки нусхада далолатнома тузади, ўзлари имзолагач, йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Давлат солиқ бошқармаси ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органи раҳбариятига тақдим этадилар. Йўқ қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингач, далолатноманинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчига топширилади, сўнгра ҳисобот бўйича ҳисобдан ўчирилади.

Ҳисобдан ўчирилган акциз маркаларини Давлат солиқ бошқармаси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органи бошлиғининг буйруғи билан тайинланадиган, таркибида камида уч киши бўладиган солиқ бошқармаси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий

органининг комиссияси (комиссия таркибига солиқ инспекцияси ходими киритилади) махсус машиналарда ёндириш ёки майдалаш воситасида йўқ қилади, бу хусусда далолатномада тегишли ёзув қайд этилади ва комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхона томонидан фойдаланилмаган акциз маркалари юридик шахс сифатида фаолиятини тўхтатганда, банкрот бўлганида ёки импортчи томонидан контракт бекор қилинганида ҳамда акциз маркалари давлат стандартлари талабларига мувофиқ келмаганида қайтарилиши мумкин. Бунда, акциз маркаларини тайёрлаш бобида давлат стандартлари талаблари бузилган тақдирда жавобгарлик «Давлат белгиси» ДИЧБ зиммасига юкланади ва қайтарилган акциз маркаларининг номинал қиймати унинг хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Фойдаланилмаган акциз маркаларини қайтариш учун ишлаб чиқарувчи корхона ёки импортчи Давлат солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органи бошлиғи номига ариза ёзиб, унда қайтариш сабаблари, шунингдек акциз маркалари миқдори ва турларини кўрсатади.

Акциз маркаларини қайтариш улар илгари харид қилинган Пахтабанк минтақавий бўлинмасида, Давлат солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органи ёзадиган қайтариш тўғрисидаги квитанцияга биноан (5-илова) амалга оширилади. Қайтариш тўғрисидаги квитанция уч нусхада ёзилади, бир нусхаси Давлат солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органида қолади, иккинчи нусхаси акциз маркалари билан банкка топширилади, учинчи нусхаси ишлаб чиқарувчи корхона, импортчида сақланади. Ишлаб чиқарувчи корхона, импортчи банк акциз маркаларини

қабул қилиб олгач, ҳисоб учун бу ҳақда Давлат солиқ инспекциясига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органига маълум қилиши шарт.

Юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тўхтатган ёки банкрот бўлган ишлаб чиқарувчи корхонага ёки контрактни бекор қилган импортчига топширилган акциз маркаларининг номинал қиймати қайтарилмайди.

Ностандарт акциз маркаларини харид қилган ва уларни Пахтабанк бўлинмаларига қайтарган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларга тегишли миқдорда янги акциз маркалари берилади.

Пахтабанк ностандарт бўлган, шунингдек унга буюртма берилганидан ортиқча миқдорда юклаб жўнатилган акциз маркаларини йўқ қилиш учун «Давлат белгиси» ДИЧБга қайтаради ва тегишлича бу ҳақда Давлат солиқ қўмитаси ёки Давлат божхона қўмитасини хабардор қилади. «Давлат белгиси» ДИЧБ Пахтабанкка топширилган ностандарт маркалар ўрнига ана шунча миқдорда янгиларини беради. Бунда ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчиларга ўринга ўрин қилиб бериладиган акциз маркалари бепул, «Давлат белгиси» ДИЧБ ҳисобига берилади.

Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари харидорлар топширган акциз маркаларини уларнинг турлари бўйича кирим қилишлари ва йўқ қилишга тайёрлашлари керак.

Кирим қилинган акциз маркалари Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмаларида мазкур йўриқномани 41, 42-бандларида кўрсатилган тартибда йўқ қилинади. Комиссия таркибига албатта банк вакили киритилади.

Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан маркаланиши керак бўлган, ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз товарларини маркалаш учун ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар жавоб беради.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган акциз товарларининг албатта акциз маркалари билан маркаланишини таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маркаланиши керак бўлган акциз товарларини уларга акциз маркаларини ёпиштирмасдан туриб оборотга киритиш тақиқланган.

Мазкур йўриқнома талабларини бузишга йўл қўядиган хўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавоб берадилар.

Акциз маркалари ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз товарларининг турларига боғлиқ равишда ҳарфий ва рақамли белгилар билан маркаланади ҳамда қуйидаги турларга бўлинади:

- IM — маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб келинган;
- O'Z — маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган;
- 98 — дастлабки икки белги — акциз маркаси босиб чиқарилган йил;
- 01 ёки 001 — кейинги икки ёки учта белги — ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импортчиларга) тегишлича тамаки маҳсулоти ёки алкоголли ичимлик бўйича бериладиган код рақамлари;
- 4 рақам белгиси акциз маркаларида тамаки маҳсулотини билдиради;
- 5 рақам белгиси акциз маркаларида алкоголли маҳсулотни билдиради;
- 98 билан тугайдиган охирги рақамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз товарлари майда туркумлар билан олиб келинганлигини англатади;
- 99 билан тугайдиган охирги рақамлар мусодара қилинган акциз товарини англатади.

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1996 йил 21 августда 275-сон билан рўйхатга олган «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома ўз кучини йўқотади.

_____

(ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи номи)

_____ бошлиғига

199__ йил «___»_____ даги рўйхат рақами № ___

(ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи тўлдиради)

Акциз маркаларини харид қилишга
БУЮРТМАНОМА-ҲИСОБВАРАҚ

_____

(ташкилотнинг тўлиқ номи, манзили, банк реквизитлари)

_____

акциз маркаларига буюртма беришни илтимос қилади:

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

Жами _____ сўмлик суммага
(сўз билан)

Акциз маркаларининг кўрсатилган миқдори товарларни маркалаш учун зарур:

_____

(товарлар номи, шишалар миқдори, сигарета қутичалари)

_____

Акциз маркаларини харид қилишга пул маблағлари _____ сон ҳисобварағига киритилди. _____ сўмга _____ йил _____ даги _____ сон тўлов ҳужжати.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи _____ сўм ҳажмида _____ сон ҳисобварақка ўтказилди, тўлов ҳужжати _____ йилдаги ____ сон тўлов ҳужжати

Ташкилот раҳбари _____
(исм-шарифи, имзо)

М.Ў.

Бош бухгалтер _____
(исм-шарифи, имзо)

Маблағлар республика бюджетига келиб тушгани хусусида ДСИ (ДБҚ ҳудудий органи) белгиси, масъул шахс имзоси, сана.

АКЦИЗ МАРКАЛАРИ БИЛАН МАРКАЛАНАДИГАН АКЦИЗ ТОВАРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ВА ИМПОРТЧИЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

_____
(ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи номи кўрсатилади)

Акциз маркаларини олишга
КВИТАНЦИЯ

_____ йил _____ даги рўйхат рақами № _____
(ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи томонидан тўлдирилади)

_____
(ташкилотнинг тўлиқ номи, манзили, банк

_____
реквизитлари)

томонидан акциз маркаларини олишга берилди:

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____
(марка тури)

Жами _____ сўмлик суммага
(сўз билан)

Акциз маркаларини берган банк ходими имзоси ва штамп белгиси _____

_____
(фамилия, инициаллар аниқ-равшан ёзилади)

_____ йил «___»_____ даги ____ сон ишончнома

Паспорт серияси _____ № _____ қачон ва ким

томонидан берилган _____

Олинди _____
(акциз маркаларини олувчининг лавозими, исми-шарифи)

Олдим «____»_____ йил имзо _____
(акциз маркаларини олувчининг имзоси)

М.Ў.
ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи, масъул шахс имзоси, сана

М.Ў.
Олувчи ташкилот, масъул шахс имзоси, сана

ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

_____ бўйича

(ишлаб чиқарувчи ёки импортчи номи)

(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. бўйича)

_____ йил _____ ой учунлиги аниқ кўрсатилсин.

Изоҳ.

Давлат солиқ инспекциялари ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларида ҳисоб ва ҳисобот ҳар ойда, маҳсулоти акциз маркалари билан маркаланадиган ҳар бир ишлаб чиқарувчи (импортчи) бўйича юритилади.

Акциз маркалари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига мазкур йўриқноманинг 35-бандига мувофиқ (ҳар чоракда) тақдим этилади.

_____

(ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи номи кўрсатилади)

Акциз маркаларини қайтаришга
КВИТАНЦИЯ

_____

(ишлаб чиқарувчи ёки импортчи тўлиқ номи,

_____

манзили, банк реквизитлари)

_____ йил _____ даги рўйхат рақами № _____

(ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи томонидан тўлдирилади)

_____ томонидан акциз маркалари қабул қилинди.

(банк номи)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____

(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____

(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____

(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____

(марка тури)

_____ дона миқдорида _____ сўмлик _____

(марка тури)

Жами _____ сўмлик суммага

(сўз билан)

Акциз маркаларини қабул қилган банк ходими имзоси

_____

(фамилия, инициаллар аниқ-равшан ёзилади)

Штамп белгиси

Акциз маркаларини топширган шахс имзоси _____

_____

(фамилия, инициаллар аниқ-равшан ёзилади)

М.Ў.
ДСИ ёки ДБҚ ҳудудий органи, масъул шахс имзоси, сана

М.Ў.
Олувчи ташкилот, масъул шахс имзоси, сана

5.6. Мол-мулк солиғи

Солиқ кодексининг ***89-моддасига*** мувофиқ солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир.

Юридик шахслар деганда мулкчилигида, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари учун мол-мулки билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига (рақамига) эга бўлган барча турдаги корхона ва ташкилотлар, шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари тушунилади.

Ягона солиқ тўлайдиган кичик корхоналар мол-мулк солиғини тўламайди.

Солиқ кодексининг ***90-моддасига*** мувофиқ юридик шахслар учун асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик баланс қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади, бундан қонунга мувофиқ мулк сифатида сотиб олинган ерлар қиймати мустасно (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонунига биноан жорий этилган).

Жисмоний шахслар учун:

- уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати;
- уларнинг мулки бўлган автомобиллар, моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари двигателларининг қуввати ***солиқ солиш объекти ҳисобланади.***

Солиқ кодексининг ***91-моддасига*** мувофиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига тўрт фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 10 ноябрдаги 34/97-96-сон йўриқномасининг 1-иловасига биноан меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмаган

ускуналар учун корхона ва ташкилотлар икки бараварлик ставкада мол-мулк солиғини тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси норматив муддатларида ўтказилмаган ёки фойдаланилмаётган ускуна учун солиқнинг оширилган ставкаларини белгилаш ҳуқуқига эга (ЎзР Қонунининг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 10 ноябрдаги 34-97-90-сон йўриқномасига мувофиқ корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қиймати қуйидаги формула бўйича ҳисобот йили 1 январида ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январида мол-мулк қиймати ярмини қўшишдан олинган суммани, шунингдек ҳисобот ойининг кейинги барча қолган ойларининг ҳар биринчи кунида мол-мулк қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган хусусий сон сифатида аниқланади:

$$\text{Ўрта йиллик қиймат} = \frac{\frac{1\text{ янв.га}}{2} + 1\text{ фев.га} + \ldots + 1\text{ дек.га} + \frac{1\text{ янв.га}}{2}}{12}$$

Агар корхона биринчи ойдан ташқари қолган бирон-бир ой бошида таъсис этилган бўлса, мол-мулкининг ўртача йиллик қиймати таъсис этилган ой биринчи кунидаги мол-мулк қиймати ярми, ҳисобот йилидан кейинги биринчи январдаги қиймати ярми ва ҳисобот йилнинг қолган барча ойлари биринчи кунидаги мол-мулк қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани 12 га бўлишдан олинган хусусий сон сифатида аниқланади.

Агар корхона ойнинг биринчи ярмида ишга туширилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини ҳисоблашда ишга тушириш ойи тўлиқ ой деб олинади, агар корхона ойнинг иккинчи ярмида ишга туширилган бўлса, ўртача йиллик қиймат ишга тушириш ойидан кейин келувчи ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***92-моддасига*** мувофиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

— солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

— табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектларнинг;

— солиқ тўловчининг балансида бўлган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятидаги объектларнинг (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган);

— маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг;

— алоқа йўлдошларининг;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

— шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

— йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;

— давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг.

Юридик шахсларнинг қуйидаги мол-мулкига солиқ солинмайди:

— нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган молмулк бундан мустасно;

— халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

— уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг молмулкига;

— қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;

— устав фондида чет эл сармоясининг улуши камида беш юз минг АҚШ долларини ташкил этадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига;

— Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига, ташкил этилган вақтидан эътиборан дастлабки фойда олгунига қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга. Ана шу юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

— ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, савдо, воситачилик, таъминотсотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно;

— "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, "Нуроний" жамғармаси корхоналарининг мол-мулкига, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан;

— янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. Солиқ бўйича мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари мол-мулки ўз ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

Солиқ кодексининг ***93-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг қуйидаги мол-мулкига солиқ солинмайди:

1) қуйидагиларнинг транспорт воситаларига:

— хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941–1945 йиллардаги уруш ҳамда собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операциялар қатнашчиларининг; хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

— мотоаравачалар ва қўлда бошқариладиган автомобиллари бўлган ногиронларнинг;

— "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахсларнинг;

2) қуйидагиларнинг иморатлари, бинолари ва иншоотларига:

— Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахсларнинг;

— 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

— қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

— Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг);

— пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

— муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг — хизматни ўташ даврида;

— ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи-

ларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда яradор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танловига қараб, мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича фақат бир объектга тааллуқли бўлади.

Солиқ кодексининг ***94-моддасига*** мувофиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар бюджетга ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик тўлов суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида тўланади. Солиқ тўловчилар мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига мол-мулкнинг ҳисобот даври учун амалдаги ўртача қийматидан келиб чиқиб, йилнинг чораклари бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатида топширадилар. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 10 ноябрдаги 34/97-90-сон йўриқномасига мувофиқ биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаши билан солиқ тўловчи мол-мулк солиғини йил бошидан ўсиб борувчи якун билан ҳисобот даври учун мол-мулкнинг ҳақиқатдаги ўртача қийматидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайди ва уни солиқ хизмати идораларига ҳисобот ва балансларни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда тақдим этади.

Корхона мол-мулки ўртача қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ қиймати ҳамда имтиёзни тақдим этиш

муддати кўрсатилган ҳолда солиқ солинмайдиган мол-мулки рўйхати мол-мулк солиғини ҳисоб-китоб қилишнинг мажбурий иловалари ҳисобланади.

Тўловчилар томонидан ҳисобланган солиқ суммаларини улар бюджет даромадига чораклик ва йиллик ҳисоботлар ҳамда баланслар тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичида топширадилар.

Солиқ ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ортиқча тўланган солиқ суммалари келгуси тўловлар ҳисобига ёзилади ёки тўловчининг ёзма аризасига биноан 30 кун ичида қайтарилади.

Мол-мулкнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган солиқнинг жорий суммаларини бюджетга ўтказишга доир тўлов топшириқномаларини тўловчилар банк муассасаларига тўлов муддати келгунига қадар топширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 25 декабрдаги 45/97-114-сон йўриқномасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини солиқ хизмати органлари ҳисоблайди.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлган шахслар солиқ хизмати органларига зарур ҳужжатларни тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотларга доир мол-мулк солиғи коммунал хизмат кўрсатиш органлари тақдим этадиган, уларнинг ҳар бир йил 1 январидаги ҳолати бўйича инвентарлаш қиймати хусусидаги маълумотлар асосида, улар мавжуд бўлмаганида суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблашда қўлланиладиган баҳолаш бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Бир неча мулкдорнинг умумий улушбай мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғини мулкдорларнинг ҳар бири ўзининг ана шу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўлайди. Янги иморатлар, би-

нолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки харид қилинган йилдан кейин келадиган йил бошидан тўланади.

Транспорт воситаларига мол-мулк солиғи двигатель қуввати ҳажмидан келиб чиқиб, тегишли давлат рўйхатга олиш органларининг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Янги харид қилинган транспорт воситалари бўйича мол-мулк солиғи харид қилинган йилдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Давлат автомобиль назорат ҳисобидан чиқарилган автомобиль ва мотоцикларга солиқ солинмайди.

Фойдаланилмаётган транспорт воситалари учун транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ умумий белгиланган тартибда тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун солиқ мерос-хўрлардан мерос олинган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, батамом вайрон қилинган ҳолда мол-мулк солиғи у йўқ қилинган, батамом вайрон қилинган ойдан бошлаб тўхтатилади.

Мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқи бир мулкдордан бошқасига календарь йил давомида ўтганда солиқни дастлабки мулкдор ушбу йилнинг 1 январидан мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқини йўқотган ой бошланишига қадар, янги мулкдор эса унда мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлайди.

Календарь йил давомида имтиёзларга ҳуқуқ пайдо бўлганда мол-мулк солиғини қайтадан ҳисоблаш ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб амалга оширилади.

Мол-мулк солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаларини солиқ органлари солиқ тўловчиларга ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширади. Солиқ тенг улушлар билан икки муддатда — 15 июндан ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган тақдирда ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига биноан ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 25 декабрдаги 45/97-114-сон йўриқномасига мувофиқ жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчиларнинг ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари ҳар бир йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича давлат суғурта идоралари ва коммунал хўжалик органлари (техник инвентарлаш бюролари)да мавжуд бўлган иморат эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан шаҳар ва туманлар бўйича, транспорт воситалари бўйича эса ҳар йили Давлат автомобиль назорати, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси ва транспорт воситаларини рўйхатга олувчи бошқа органлар тақдим этадиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 10 ноябрдаги 34/97-90-сон йўриқномасига мувофиқ бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг "Мол-мулк солиғи" илова ҳисобварағи бўйича юритилади.

Ушбу илова ҳисобварақ кредити бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Бюджет даромадига ўтказилган мол-мулк солиғининг ҳақиқий суммаси бухгалтерия ёзувида қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" счёти дебети, "Мол мулк солиғи" илова ҳисобварағидан, 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредитига.

Солиқ кодексининг ***95-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан коммунал хизмат кўрсатиш идоралари берадиган инвентарлаш қийматига доир маълумотлар асосида, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса — мазкур объектларнинг мажбурий суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун қўлланиладиган баҳо асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли органларнинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. Янги олинган транспорт воситалари учун мол-мулк солиғи улар олинган ойдан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади. Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол-мулк солиғи ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади. Мол-мулкка мулк ҳуқуқи календарь йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, янги мулкдор эса — мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди. Календарь йил

давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиғи ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади. Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Солиқ тенг улушларда икки муддатда — 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади. Жисмоний шахслар мол-мулкига 1999 йил учун солинадиган солиқ ставкалари иловаларда кўрсатилган.

Мисол: Корхона 20 октябрда ташкил этилган.

Корхона мол-мулкининг
199__ йил учун ўртача йиллик қиймати
ҲИСОБ КИТОБИ

Баланс моддаси	*Ҳисоб-варақ коди*	*Баланс сатри коди*	*Баланс моддалари бўйича қолдиқлар*				
			01.01 га	*01.04 га*	*01.07 га*	*01.10 га*	*01.01 га*
Асосий воситалар	01, 03	010	—	—	845	845	835
Номоддий активлар	04	020					
Жами мол-мулк қиймати							
Солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган мол-мулк қиймати					100	100	100
Солиқ солинадиган мол-мулк қиймати					745	745	735

$$\text{Солиққа тортиладиган мол-мулк ўртача қиймати} = \frac{745 : 2 + 745 + 735 : 2}{12} = 123,75$$

Йил давомида ҳисобот даври (чорак, ярим йил, 9 ой) учун мол-мулкнинг ўртача қиймати ҳисобот даври ойлари сонига биринчи ойнинг биринчи кунида мол-мулк қиймати ярмини ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг биринчи кунида мол-мулк қиймати ярмини, шунингдек ҳисобот даврининг қолган барча ойлари биринчи кунидаги мол-мулк қиймати ярмини қўшишдан олинган суммага бўлишдан олинган хусусий сон сифатида аниқланади.

Масалан,

1) Ҳисобот йилининг I чораги учун

$$\text{Ўрта йиллик қиймат} = \frac{\frac{1 \text{ янв.га}}{2} + 1 \text{ фев.га} + \ldots + 1 \text{ дек.га} + \frac{1 \text{ янв.га}}{2}}{12}$$

2) мол-мулк солиғини 13 мартдан бошлаб тўлайдиган корхона учун

$$\text{Ўрта йиллик қиймат} = \frac{\frac{1 \text{ мартга}}{2} + \frac{1 \text{ апрелга}}{2}}{12}$$

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун баланс активида акс эттириладиган бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади:

- 01 «Асосий воситалар»;
- 03 «Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар»;
- 04 «Номоддий активлар».

Корхона штампи
Давлат солиқ инспекциясига

_____

(корхонанинг тўлиқ номи)

_____ дан

Масъул шахс фамилияси

_____

Тел:_____

199_____йил учун мол-мулк солиғи суммасини аниқлаш

ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткич	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1. Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган мол-мулкнинг ўртача қиймати	
2. Солиқ ставкаси	4%
3. Солиқ суммаси (1-сатр х 2-сатр)	
4. Ҳисобот даври учун тўланадиган солиқ суммаси	
5. Ҳисобот даври учун ҳисоблаб ёзилди	
6. Муддати бўйича қўшимча тўлашга	
7. Камайтиришга	

Изоҳ:

4-сатр бўйича тўланадиган солиқ суммаси йил давомида чорак, ярим йил, 9 ой учун 3-сатр бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ суммасининг 1/4, 1/2, 3/4 қисми ҳажмида белгиланади.

199__йил «__»_____

(ҳисоб-китобни юбориш санаси)

Корхона раҳбари (имзо)

Бош бухгалтер (имзо)

(ҳисоб-китобнинг орқа томони)

Инспекторнинг белги ва мулоҳазалари

Олдиндан текшириш натижасида ҳисоб-китобга қуйидаги тузатишлар киритилди:

_____
_____
_____
_____
_____

199__йил «__»_____
(олдиндан текшириш санаси)

Инспектор (имзо)

Ҳисоб инспектори маълумотномаси

Мазкур ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилди.

_____
_____
_____
_____
_____

199__йил «__»_____
(проводка санаси)

Ҳисоб инспектори (имзо)

_____ йил учун корхона мол-мулки ўртача қийматининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Баланс моддалари номи	Ҳисоб-варақ коди	Сатр коди	Баланс моддалари бўйича қолдиқлар				
			01.01	01.04	01.07	01.10	01.01
Асосий воситалар	01, 03	010					
Номоддий активлар	04	20					
Бутун мол-мулк қиймати							
Солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган мол-мулк қиймати							
Солиқ солинадиган мол-мулк қиймати							
Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган мол-мулк қиймати							

$$\text{Ҳисобот даврида солиқ солинадиган мол-мулкнинг ўртача қиймати} = \frac{\text{Ҳисобот даври биринчи кунида ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг биринчи кунида мол-мулк қиймати, шунингдек ҳисобот даври барча қолган ойлар биринчи кунида мол-мулк қиймати ярмининг суммаси}}{\text{Ҳисобот даври ойлари миқдори}}$$

_____ йил «___»_____

Корхона раҳбари (имзо)

Бош бухгалтер (имзо)

Назорат саволлари:

1. Мол-мулк солиғини кимлар тўлаши; солиқ солиш объекти деб нималар ҳисобланиши ва мол-мулк солиғи бўйича қандай ставкалар белгиланган тўғрисида сўзлаб беринг. Мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати; юридик шахслар; жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар тўғрисида тасаввур беринг.

2. Юридик шахслар; жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шунингдек солиққа тортиладиган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартибини тавсифланг.

3. Корхона ва ташкилотлар мол-мулкидан олинадиган солиққа доир бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби тартибини тушунтиринг.

4. Жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?

5. Ер солиғини кимлар тўлашини ва юридик шахслар; жисмоний шахслар учун ер солиғига тортиладиган объектларни айтинг.

5.7. Ер солиғи

Солиқ кодексининг ***96-моддасига*** мувофиқ ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилардир.

Белгиланган тартибда ягона солиқни тўлаш билан солиққа солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналар ер солиғини тўламайди.

1999 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа етиштирувчилари учун барча амалдаги умумдавлат (алкоголли маҳсулот

учун акциз солиғидан ташқари) ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жамулжамини тўлаш ўрнига ягона ер солиғи жорий этилди. Кичик қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан фермер хўжаликлари бюджетга, ўз хоҳишларидан келиб чиқиб, ягона ер солиғини ёки кичик корхоналар учун сотилган товарлар ҳажмидан келиб чиқиб ягона солиқни тўлайди.

Ягона ер солиғи базавий ставкалардан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 26 декабрда 539-сон қарори билан тасдиқланган уларга доир тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***97-моддасига*** мувофиқ юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

4) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Солиқ кодексининг ***98-моддасига*** мувофиқ жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Солиқ кодексининг ***99-моддасига*** мувофиқ ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади. Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 18 ноябрдаги 39/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ ер участкаларининг маъмурий ва саноат марказларига нисбатан жойлашиш ўрнига қараб қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги ошувчи коэффициентлар қўлланади:

- Тошкент шаҳри атрофида 20 км доирасида — 1,3;

- Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км доирасида — 1,2;
- туман марказлари атрофида (туман маъмурий чегаралари ҳудудида) 10 км доирасида — 1,15;
- бошқа шаҳарлар атрофида 5 км доирасида — 1,1.

Ер участкаларига қадар бўлган масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан автомобиль йўллари бўйича белгиланади. Ер участкаси иккита шаҳар яқинида жойлашган ҳолда шаҳарнинг юқорироқ функционал аҳамиятига мувофиқ келувчи энг кўп коэффициенти қўлланади.

Битта аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларини, улар ҳудудининг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, яхлит ҳолда шаҳар атрофи зонасига киритиш ёки яхлит ҳолда бу зонадан чиқариш таклиф қилинади.

Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкаларига тупроқ бонитетига мувофиқ қуйидаги коэффициентлар қўлланади:

- 40 баллга қадар — 0,75;
- 41 баллдан 71 баллга қадар — 1,0;
- 70 баллдан юқори — 1,25.

Шаҳарлар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар эгалланган ерлар учун ер солиғи шаҳар ва шаҳар қўрғонларида жойлашган юридик шахслар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.

Асосий фондларни сотиб олиш ҳуқуқи билан жисмоний шахсларга хусусий мулк қилиб берилган боғ ва узумзорлар эгалланган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.

Солиқ кодексининг ***100-моддасига*** ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ қонун ҳужжатларига биноан ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақини тўлайдилар (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган).

Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса — бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим.

Ер ижарачиларини ҳисобга олиш, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ кодексининг ***101-моддасига*** ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг *умумий фойдаланишдаги ерлари* (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари, қабристонлар ва бошқалар);

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (кириш йўллари, суғориш тармоқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар);

табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, та-

биат ёдгорликлари), иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Электр узатишнинг янги ҳаво ва кабель линияларини қуриш учун ер майдонлари қурилиш даврида вақтинчалик фойдаланиш учун ажратилади, доимий фойдаланишдаги электр узатиш линиялардан фойдаланиш учун фақат 1000 В дан юқори кучланишли электр узатиш линиялари таянчлари, электр узатиш кабель линияларининг, пасайтириш подстанциялари, тақсимлаш ва секцияларга ажратиш пунктларининг ер устидаги иншоотлари банд этган ер участкаси ажратилади.

Электр узатиш линиялари таянчлари учун ер майдони ҳақиқатда банд этилган майдон бўйича қабул қилинади, бунда 2 дан 20 кВ гача бўлган кучланишда таянчнинг ташқи контури атрофида 1 м, кучланиш 35 дан 500 кВ гача бўлганда 2 м қўшилади. Кучланиши1000 В дан кам бўлган электр узатиш линиялари учун таянчлар солиқ солинадиган майдондан чиқариб ташланмайди.

Шу муносабат билан ер солиғини тўлашдан қурилиш даврида бутун ажратилган ер участкаси, фой-

даланиш даврида эса фақат 1000 В дан юқори кучланишли электр узатиш линиялари танялари, улардаги иншоотлар ва подстанциялар озод этилади.

Умумдавлат алоқа линиялари ҳаво, кабель, радиореле ва йўлдош алоқа линияларидан иборат алоқа линияларидаги иншоотлар (қурилмалар) таркибига қараб турилмайдиган ва қараб туриладиган кучайтириш пунктлари, регенерация пунктлари, телефон канализацияси, алоқа линияларидаги қудуқлар, жавонлар, телефон контейнерлари, ўлчаг устунчалари, кўрсатиш устунчалари, шлагбаумлар, антенка майдонлари киради. Радио-телевизион, асосий ва оралиқ станциялар, қабул қилиш ва узатиш радиомарказлари, шаҳарлараро алоқа ва телевидение техник узел объектлари, маъмурий, ёрдамчи ва кўмак берувчи бинолар банд этган ерлар учун ер солиғи умумий белгиланган тартибда тўланади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Автомобиль йўлларидаги иншоотларга кўприклар, йўл четидаги ариқлар, ён томондаги резервлар, тупроқ кўтармалар ва улар ортидаги ариқлар, тоғдаги сув чиқариш каналлари, йўл четидаги ариқлар ортидаги бермалар ва қияликлар мустаҳкамлигини таъминлаш бермалари, автобус бекатлари, қияликдан тушиш йўллари, трактор йўллари, пиёдалар ва велосипед йўлкалари, автомобиль йўлларига ажратилган ерларда жойлаштирилган ўпирилишга, сел ва кўчкиларга қарши ва бошқа ҳимоя иншоотлари;

темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлар эгаллаган ерлар. Солиқ тўлашдан озод этиладиган ер участкаларига темир йўл станциялари доирасида асосий, станция ва саралаш темир йўллари эгаллаган ерлар ҳам киради.

Темир йўллардаги иншоотлар, таркибига резервлар, тупроқтепалар, йўлга оид сув қочирадиган, мус-

таҳкамлаш ва қараб туриш иншоотлари, йўллар бўйлаб қордан ҳимоя қилувчи ва қумни мустаҳкамлайдиган майдонлар, тортиш подстанциялари, тоннеллар ва шунга ўхшаш сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради;

умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари ҳамда улардаги иншоотлар эгаллаган ерлар (шу жумладан метрополитен станциялари эгаллаган ерлар). Мазкур имтиёз трамвай ва тролейбус бекатлари, шу жумладан диспетчерлик пунктлари (нозимхоналар), метрополитен станциялари ҳамда шаҳар электр транспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар эгаллаган ерларга татбиқ этилади. Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, деполар, қурилиш ва тузатиш-таъмирлаш объектлари эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади;

спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

магистрал сув қувурлари, иссиқлик трассалари (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги қонунига биноан жорий этилган) *магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар.* Сув таъминоти ва канализациянинг бошқа объектларига насос станциялари, аҳоли пунктларининг водопровод ва канализация тармоғидаги кўриш қувурлари ва дюкерлар, сув босим миноралари ва шу сингари иншоотлар киради;

магистрал нефть ва газ қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иншоотлар таркибига

ёнғинга ва аварияга қарши иншоотлар, трубопроводларнинг катодли ҳимоялаш станциялари, улаш узеллари билан бирга насос ва компрессор станциялари, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ва ҳоказолар киради;

самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, қурилишнинг норматив муддати даврида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан консервация қилинган объектлар эгаллаган ерлар (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабридаги қонуни билан жорий этилган);

гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ ер солиғини тўлашдан илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навлар селекцияси учун ва мавзу доираси белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва кўчатлар билан банд ер участкалари озод қилинади.

Ҳокимият органлари қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадларида берган ер участкалари учун солиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ставкалар бўйича тўланади;

янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар — лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга, яъни ер солиғини тўлашдан янги ўзлаштирилаётган ва суғорилаётган ерлар, шунингдек тубдан текислаш, суғориш тармоғини таъмирлаш ва ерларни мелиоратив яхшилаш ёки суғориладиган ерларни комплекс таъмирлаш бўйича мелиоратив ишлар бажарилаётган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари озод этилади. Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган бўлса ёки ер солиғи бошқа муддатларга жорий этилган бўлса, мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича ишлар бажарилган йиллар учун ер участкаси учун солиқ тўланмайди, лекин бу муддат 5 йилдан ошмаслиги керак;

захирадаги ерлар. Мулк қилиб сотиб олинмаган, юридик ва жисмоний шахслар эгалик қилиши ёки фойдаланиши учун берилмаган ерлар ана шу тоифага киритилади;

рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва бошқалар).

Бунда муассаса деганда мулкдор томонидан бошқарув, ижтимоий-маданий ва нотижорат тусидаги бошқа функцияларни амалга ошириш учун ташкил этган ва унинг томонидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган ташкилот тушунилади;

соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгилан-

ган меъёрлар доирасида берилган ерлар — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхона ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, жаъми, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт иншоотлари билан банд ерлари;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг янги барпо этилган боғ ва узумзорлари мева қилиш даврига киргунга қадар;

фуқаро ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятидаги объектлар банд этган, солиқ тўловчининг балансида турган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмайдиган ерлар (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан жорий этилган).

Ерлардан ўз ўрнида фойдаланилмаган тақдирда ушбу бандда белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.

Солиқ кодексининг ***102-моддасига*** ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

Тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги қонуни билан жорий этилган);

Солиқ солиш мақсадида тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар деганда қуйидагилар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган, харажатларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар;
- хайрия бирлашмалари, уюшма ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

а) агар улар таъсис ҳужжатларида таъкидланганидек тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзда тутмайдиган ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил этилган бўлса;

б) агар улар молиявий ва бошқа маблағ-воситаларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатларини кўзламасдан тақсимласалар ва инвестицияласалар (қонунда белгиланган тартибда меҳнат учун тақдирлашлардан ташқари).

Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, бўйсунишидан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун. Уларга қуйидагилар киради:

а) маданият ва санъат муассасалари (кутубхоналар, фильмотека ва фонотекалар, музейлар, кўргазмалар, клуб муассасалари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, халқ дорилфунунлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радио эшиттириш таҳририятлари, китоб палаталари, театрлар, кинотеатрлар, концерт ташкилотлари ва жамоалари, цирклар, рассомчилик студиялари ва бадиий безаш ташкилотлари, киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари, кинофильмлар тайёрлаш студиялари, овоз ёзиш студиялари, буларга аҳоли буюртмаси бўйича бажариладиган иш ва хизматлар, ҳаваскорлик кинофильмлари тайёрлайдиган, овоз ёзиш хизмати кўрсатадиган студиялар кирмайди, кинофильмлар прокати, маданият ва санъатга доир хўжалик бошқармаси);

б) маориф муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, умумий таълим бо-

лалар мактаблари, ишчи ёшлар учун умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тарбиялаш муассаслари);

в) соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона муассасалари, лепрозорийлар, диспансерлар, амбулатория-поликлиника муассасалари, тез ва шошилинч тиббий ёрдам ҳамда қон қуйиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология муассасалари, санитария маорифи муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари);

г) ижтимоий таъминот муассасалари (врачлик-меҳнат эксперт комиссиялари, кексалар ва ногиронлар учун интернат-уйлар).

Деҳқон (фермер) хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

Деҳқон хўжаликлари тугатилган ҳолда белгиланган имтиёзли давр тугашидан сўнг йил ўтгунига қадар, яъни хўжаликлар рўйхатдан ўтказилгандан сўнг уч йиллик давр тугашига қадар солиқ суммаси улар фаолиятининг бутун даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар — рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига устав фаолиятида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сервис хизмати кўрсатишнинг ҳиссаси хўжалик фаолиятидан олинган тушум умумий ҳажмининг 60 фоизидан кўпроқ ҳажм тўғри келадиган ва қуйидаги шартларга мувофиқ бўлган хорижий, шуъба ва қўшма корхоналар киради:

корхона устав фондининг миқдори 300 минг АҚШ долларига эквивалент суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири хорижий юридик шахс бўлади;

хорижий инвестицияларнинг улуши корхона устав фондининг камида 30 фоизини ташкил этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона белгиланган имтиёзли давр тугаганидан сўнг йил ўтгунига қадар, яъни корхона рўйхатдан ўтказилгандан сўнг уч йиллик давр тугашига қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этган корхоналар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Ходимларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган ходимлар, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишлаётганлар, шунингдек корхона штатида бўлмаган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) шахслар киритилади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси корхоналари, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, сайёҳлик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар — ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

Марказий банк ва унинг муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғини тўлашдан озод этилади:

яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари. Имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилгани тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик меҳнат қаҳрамони гувоҳномалари, орден гувоҳномалари ёки мудофаа ишлари бўйича бўлим маълумотномалари, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, имтиёзлар олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Имтиёз уни олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар учун уларни чақириш санаси туман ва шаҳар ҳокимликларининг мудофаа ишлари бўйича бўлимлари маълумотлари бўйича қабул қилинади. Ҳарбий хизматнинг тугаш санаси деб хизматдан қайтган фуқаронинг мудофаа ишлари бўйича бўлим ҳисобига қўйилган кун қабул қилинади. Имтиёз муқобил

хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга татбиқ этилмайди;

I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

ёлғиз пенсионерлар. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Имтиёз ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар. Имтиёз унга доир ҳуқуқлар тўғрисидаги гувоҳнома ёки ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси аосида берилади;

кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача;

илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар.

Имтиёзлар фақат якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оилага татбиқ этилади.

Солиқ кодексининг ***103-моддасига*** ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ ер солиғини юридик шахслар ҳар йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатда мустақил ҳисоблаб чиқадилар ва унга доир ҳисобкитобни жорий йилнинг 1 февралига қадар ер участ-

каси жойлашган ердаги давлат солиқ инспекциясига қуйидаги шакллар бўйича тақдим этадилар:

қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерлар учун белгиланган йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шакл бўйича;

қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерлар учун белгиланган йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича.

Бўшатиб олинадиган маблағлардан муайян мақсадларда фойдаланиш шарти билан имтиёз олган юридик шахслар ер солиғи ҳисоб-китобини солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл ва тартибда тақдим этадилар.

Ер солиғини ҳисоблаш ер участкаси ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар туман ва шаҳарлар ижроия ҳокимияти органлари томонидан ердан доимий фойдаланиш ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқи хусусида бериладиган давлат далолатномаси билан тасдиқланиши керак. Давлат далолатномалари берилишига қадар давлат ҳокимияти ваколатли органларининг ер бериш тўғрисидаги қарорлари, ер ажратиш лойиҳалари, ер баланси маълумотлари, уй-жой қуриш бош режалари ва ер тузиш хизмати ёки архитектура органлари билан келишилган бошқа ҳужжатлар (ерларни текшириш, инвентарлаш далолатномалари, суратга олиш материаллари ва ҳоказолар) фойдаланилаётган ерлар майдонини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик ерлар майдони ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни инвентарлаш ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ва ерларини асбоблар билан ўлчаш материаллари, шунингдек махсус лойиҳа

ва тадқиқот ташкилотлари ўтказган бошқа текширув материаллари билан тасдиқланиши керак.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган (тўхтатилган) тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда улар ер участкаси, ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тўхтатилган (пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ инспекцияларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Ерлар таркибида ҳисобот йили давомида ўзгаришлар юз берган хўжаликлар давлат солиқ инспекцияларига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини ер солиғи тўланган ҳисобот йилининг 1 ноябригача тақдим этадилар.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади. (*Масалан*, агар корхонага ваколатли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан ер ажратилган бўлса, у ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлай бошлайди).

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади). *Масалан*, агар ер участкасининг бир қисми ваколатли ҳокимият органининг 25 августдаги қарори билан олиб қўйилган бўлса, у ер солиғини 1 августдан бошлаб тўламайди.

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланганда, улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўламайдилар. Ер солиғи бўйича

имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилганидан кейинги ойдан эътиборан ер солиғи тўлай бошлайдилар.

Фойдаланилиши фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ ерлар учун, шу жумладан қазиб олинган, бўш ва балансдан ташқари жинс уюмлари банд этган ёки уларга мўлжалланган ерлар учун солиқни ҳисоблаш улар жойлашган ерларни ҳисобга олиб, конлар ва карьерлар учун ставкалар бўйича амалга оширилади.

Фойдаланилиши фойдали қазилмаларни қайта ишлаш ёки улардан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш билан боғлиқ ер участкалари, шу жумладан ортиқча жинслар омборлари ва тиндиргичлар, шунингдек маъмурий, ёрдамчи бинолар ва иншоотлар банд этган ерлар учун солиқ корхоналар, муассаса ва ташкилотлар учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Бир неча юридик шахснинг умумий мулки бўлган иморатга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ер участкаси учун ер солиғи, агар ушбу иморатларга мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, ана шу мулкдорларнинг ҳар бири томонидан ушбу иморатлар умумий майдонидаги ўз улушига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади.

Кўп қаватли уйларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар ер солиғини уй-жой эгаллаган умумий майдондан ва мазкур юридик шахс фойдаланадиган ишлаб чиқариш бинолари улушидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар.

Солиққа тортиш мақсадларида ўрмончилик, балиқчилик ва овчилик корхоналари, шунингдек машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи солиқ идоралари томонидан Солиқ кодексининг 104-

моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон Йўриқномасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларга ер солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай топширилади.

Йил давомида ер участкалари майдони ўзгарган ва имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлган (тўхтатилган) тақдирда давлат солиқ инспекциялари бир ой давомида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишлари ва солиқ тўловчига тўлаш муддатлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари шарт.

Ер участкалари мулкдори, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёхуд ижарачилари бўлган жисмоний шахслар давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳар йили, 1 январдаги ҳолат бўйича ҳисобга олинадилар.

Жисмоний шахсларга шаҳар ва қўрғонларда якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкалари майдонлари шаҳар ёки туман уй-жой ишлаб чиқариш инспекциясининг мавжуд материаллари бўйича ҳисобга олинади, улар ҳар йили натурада аниқлаштирилади.

Жисмоний шахсларга қишлоқ жойда шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун берилган ер участкалари томорқа ерлардан ва жамоат ерларидан қўшимча ажратилган ер участкаларидан иборат бўлиши мумкин, ушбу ҳолда томорқа ерлар майдони ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилиниб, ҳар йили натурада юз берган ўзгаришлар аниқлаштирилиб қабул қилинади. Жамоат ерларидан қўшимча ажратилган ер участкалари майдони ҳар йили аниқлаштириладиган хўжаликлар маълумотлари бўйича ҳисобга олинади.

Фуқаролар рўйхати ва уларга жамоа боғдорчилиги ҳамда узумчилигини юритиш учун берилган ер участкалари майдони, шунингдек шахсий гаражлар томонидан банд этилган майдонлар ушбу ташкилотлар бошқарувчиларининг маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Хизматга доир чек ерлар майдони ўз ходимларига ер участкалари ажратган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар маълумотлари бўйича қабул қилинади, улар натурада аниқлаштирилади.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан эътиборан солиқ тўлаш тўхтатилади (камайтирилади).

Жисмоний шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгилаганда улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўламайдилар. Ер солиғи бўйича имтиёзларга эгалик ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилганидан кейинги ойдан эътиборан ер солиғи тўлай бошлайдилар.

Агар жисмоний шахс якка тартибда уй-жой қуриш ёки шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ёки ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмасдан ўз уйини офис сифатида расмийлаштирса, ундан ер солиғи якка тартибда уй-жой қуриш ёки шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун берилган ерларга доир ставкалар бўйича ундирилади.

Кўп хонадонли (квартирали) уйларда яшайдиган жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилмайди. Квартиралардан ёки кўп хонадонли уйларнинг бир қисмидан одамлар яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилганда ер солиғининг тегишли улуши квартиранинг умумий майдонидан келиб чиқиб, умумий белгиланган тартибда ундирилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқи уй-жой, одам яшамайдиган иморат ва иншоотлар, боғ уйини мерос қилиб олиш билан биргаликда ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ворислардан ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 39/97-101-сон Йўриқномасига мувофиқ ер солиғи ҳисобининг қуйидаги тартиби белгиланган:

Ер солиғи ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади, бунда солиқ тўловчининг жойлашган ери эътиборга олинмайди. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ ана шу тартибда тўланади.

Масалан, Тошкент шаҳрининг маъмурий чегараси корхона ерлари ўртасидан ўтган ва ерларининг бир қисми Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳудудида, бошқа қисми Тошкент вилоятининг Занги ота тумани ҳудудида жойлашган. Корхона шаҳар ҳудудида жойлашган ер бўйича ер солиғини шаҳар учун ставкалар бўйича ҳисоб-китоб қилади, ҳисоб-китобни Акмал Икромов туман давлат солиқ инспекциясига топширади ва солиқни шаҳар бюджетига тўлайди. Корхона Занги ота ҳудудида жойлашган ер бўйича ер солиғини Тошкент вилояти қишлоқ жойлари учун ставкалар бўйича ҳисоб-китоб қилади, ҳисоб-китобни туман давлат солиқ инспекциясига топширади ва солиқни ана шу туман бюджетига тўлайди.

Юридик шахсларнинг ер солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг алоҳида «Ер солиғи бўйича ҳисоб-китоблар» илова ҳисобварағида юритилади ва давр харажатларига киритилади. Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси 68-«Бюд-

жет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити ва 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади. Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари ҳисобда 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети ва 51-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

5.8. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ

Солиқ кодексининг ***105-моддасига*** мувофиқ ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Солиқ кодексининг ***106-моддасига*** мувофиқ ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектлари қуйидагилардан иборатдир:

фойдали қазилмалар (шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми;

техноген ҳосилаларнинг (минерал хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳажми;

фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми;

рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қуйилган ер қаъри участкаси майдони.

Солиқ кодексининг ***107-моддасига*** мувофиқ ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ кодексининг ***108-моддасига*** мувофиқ ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи шахслар;

геология, минералогия ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар;

бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар — ер ости иншоотлари қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун;

ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўзларининг хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ҳамда ер ости иншоотлари қуришни амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;

метрополитен, ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун.

Юридик шахслар балансида турган ва улар томонидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятидаги объектларга ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солинмайди (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни билан жорий этилган).

Солиқ кодексининг ***109-моддасига*** мувофиқ солиқ тўловчилар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига қуйидаги тартибда тақдим этадилар:

фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — йилнинг ҳар чорагида, йил чораги бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай;

минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фой-

даланганлик учун — бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ:

фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача;

минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида;

қолган ҳолларда — йилнинг ҳар чорагида, йил чораклари бўйича ва йиллик ҳисоботларни топшириш муддатида тўланади.

Юридик шахс штампи

_____ туман (шаҳар)

_____ давлат солиқ инспекциясига

Солиқ тўловчи _____

(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____

(лавозими, фамилияси)

Телефон _____

Тўловчининг манзили _____

Ҳисоб-китоб счёти № _____

(банк муассасаси номи, коди)

Қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғининг

ҲИСОБ-КИТОБИ

199__ йил 1 январдаги ҳолат бўйича

Кўрсаткич	*Ер участкаси жойлашган жой*	*Ўлчов бирлиги*	*Ҳажми*
А	*1*	*2*	*3*
1. Ер участкаси умумий майдонига биноан (ер участкаси бериш учун асос бўлган ҳужжат)			
2. Ҳақиқатда фойдаланиш бўйича ер участкаси умумий майдони (майдонни аниқлаштиришга асос бўлган ҳужжат)			
3.Солиқ солинмайдиган ерлар майдони: жами _____			
шу жумладан объектлар бўйича: _____ _____			

Кўрсаткич	Ер участкаси жойлашган жой	Ўлчов бирлиги	Ҳажми
А	1	2	3
4.Солиқ солинадиган ерлар майдони			
5.1 га учун ер солиғи ставкалари			
6.Солиқнинг умумий суммаси			
7.Тўлаш муддатлари бўйича солиқ суммаси:			
I чорак учун — 15 февралгача			
II чорак учун — 15 майгача			
III чорак учун — 15 августгача			
IV чорак учун — 15 ноябргача			

Раҳбар _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

Бош бухгалтер _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

Олдим:
Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Ҳисоб бўйича инспектор маълумотномаси:

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича солиқ тўловчининг шахсий ҳисобрақамига _____ сўм ҳисобланди.
Инспектор _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Юридик шахс штампи

_____ туман (шаҳар)

_____ давлат солиқ инспекциясига

Солиқ тўловчи _____

(корхона, ташкилот номи)

Идентификация рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____

(лавозими, фамилияси)

Телефон _____

Тўловчининг манзили _____

Ҳисоб-китоб счёти № _____

(банк муассасаси номи, коди)

Қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ 199___ йил 1 январдаги ҳолат бўйича

Ерлар тури	*Майдони, га*	*Солиқ ставкаси 1 га/ сўм*	*Солиқ суммаси, сўм*
А	*1*	*2*	*3*
1.Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалик ерлари:			
1 класс (0-10 балл)			
2 класс (11-20 балл)			
3 класс (21-30 балл)			
4 класс (31-40 балл)			
5 класс (41-50 балл)			
6 класс (51-60 балл)			
7 класс (61-70 балл)			
8 класс (71-80 балл)			
9 класс (81-90 балл)			
10 класс (91-100 балл)			
баҳоланмаган ерлар			
ЖАМИ			

Ерлар тури	Майдони, га	Солиқ ставкаси, 1 га/сўм	Солиқ суммаси, сўм
А	1	2	3
2.Лалмикор экинзорлар, бўз ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик кўчатлар:			
текислик (ёғин билан таъминланмаган) зонада			
тоғ олди ва тоғлик (ёғин билан таъминланган) зонада			
ЖАМИ			
3.Суғорилмайдиган пичанзор ва яйловлар:			
адирлар минтақасида			
тоғ минтақасида			
чўллар минтақасида			
ЖАМИ			
3а.Ўрмон хўжалиги ташкилотларининг мол ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган суғорилмайдиган пичанзор ва яйловлари			
4.Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар банд этган ерлар			
5.Жамоат иморатлари ва қўралари			
6.Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар			
Солиқ солинадиган ерлар бўйича жами			
7. Солиқ солинмайдиган ерлар:			
а) томорқа ерлари ва полизлар			
б) ўрмонлар ва бошқа иҳотазорлар			

Ерлар тури	Майдони, га	Солиқ ставкаси, 1 га/сўм	Солиқ суммаси сўм
А	1	2	3
в) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш объектлари, аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари, қабристонлар			
г) янгидан ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив яхшиланиш жараёнида бўлган мавжуд суғориш ерлари			
д) илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ерлари			
е) ҳосил бермайдиган боғ ва узумзорлар			
8. Солиқ солинмайдиган ерлар жами			
9. БАРЧА ЕРЛАР			

Раҳбар _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

Бош бухгалтер _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

Олдим:
Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Ҳисоб бўйича инспектор маълумотномаси:

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича солиқ тўловчининг шахсий ҳисобрақамига _____ сўм ҳисобланди.
Иқтисодчи _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Назорат саволлари:

1. Ер солиғи ставкалари, ижарага берилган ер участкаларига солиқ солишнинг хусусиятлари ҳақида нималар билишингиз ҳақида ҳикоя қилиб беринг.

2. Солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳақида нималарни биласиз?

3. Солиқ тўловчиларнинг қандай тоифалари ер солиғини тўлашдан озод қилинган?

4. Юридик шахслар; жисмоний шахслар томонидан ер солиғи қандай ҳисобланиши ва тўланишини тавсифланг.

5. Ер солиғини ҳисобга олиш тартиби; юридик шахслар учун ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида тасаввур беринг.

5.9. Экология солиғи

Солиқ кодексининг ***110-моддасига*** мувофиқ товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўловчилардир.

Мазкур солиқ кичик тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган, ягона солиқни тўловчи бўлган юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

Солиқ кодексининг ***111-моддасига*** мувофиқ товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) таннархи (муомала харажатлари) солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 48/97-116-сон йўриқномасига мувофиқ солиқ солиш объектига қуйидагилар киради:

а) савдо, умумий овқатланиш, таъминот-сотиш, воситачи, тайёрлаш ташкилоти учун — муомала чиқимлари.

Солиқ солиш мақсадида муомала чиқимларига қуйидагилар киради:

— сотишга доир харажатлар (бунга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер остидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар, республика йўл фонди ва Пенсия жамғармасига ажратмалар кирмайди);

— маъмурий-бошқарув харажатлари;

— бошқа операциялар харажатлари.

Мазкур харажатлар 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағида тегишли илова ҳисобварақлар бўйича ҳисобга олинади;

б) халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари учун — маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи.

Экология солиғини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадида маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи деганда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварақлари, четга кўрсатилган хизматлар бобида) ички завод оборотисиз ҳисобга олинадиган ялпи харажатлар суммаси тушунилади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари учун ишлаб чиқариш таннархи деганда кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар мажмуи тушунилади.

Солиқ кодексининг ***112-моддасига*** мувофиқ экология солиғи бир фоизли ставка бўйича тўланади.

Солиқ кодексининг ***113-моддасига*** мувофиқ қуйидагилар экология солиғидан озод қилинади:

"Нуроний" жамғармаси ва унинг корхоналари бўшатиб олинаётган маблағлардан жамғарманинг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланган тақдирда;

ишловчилари умумий миқдорининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган юридик шахслар, сав-

до, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланаётганлари бундан мустасно.

Солиқ кодексининг ***114-моддасига*** мувофиқ экология солиғи солиқ тўловчи томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва бу солиқ юзасидан ҳисоб-китоблар йил чораклари бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солиқ органларига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 48/97-116-сон йўриқномасига мувофиқ экология солиғи бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг "Экология ҳисоби бўйича ҳисоб-китоблар" алоҳида илова ҳисобварағида юритилади. Ҳисобланган экология суммаси 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити ва 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи дебети бўйича, тегишли илова ҳисобварақда юритилади. Тўланган солиқ суммаси 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Солиқ кодексининг ***115-моддасига*** мувофиқ экология солиғи йилнинг ҳар чорагида, бу солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўланади.

Ҳисобот шакллари бўйича ҳисоб-китобнинг намуна шаклини кўриб чиқамиз.

_____ туман (шаҳар)
_____ давлат солиқ инспекциясига
Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташкилот номи)
Идентификация рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐
Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____
(лавозим, фамилияси)
Телефон _____
Тўловчининг манзили _____
Ҳисоб-китоб рақами № _____
(банк муассасаси номи, коди)

Экология солиғи суммаси
ҲИСОБ-КИТОБИ
199___ йил _____ чорак учун

Кўрсаткич	*Ўлчов бирлиги*	*Сумма*
1. Ҳисобот даври учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи (муомала чиқимлари)	сўм	
2.Солиқ ставкаси	%	
3. Солиқ суммаси (1-сатр х 2-сатр : 100)	сўм	
4. Олдинги даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси	сўм	
5. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (3-сатр - 4-сатр)	сўм	

Раҳбар _____
(имзо, фамилия, инициаллари)
Бош бухгалтер _____
(имзо, фамилия, инициаллари)
199__ йил «____» _____
Олдим:
Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)
199__ йил «____» _____

Ҳисоб бўйича инспектор маълумотномаси:

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисоб-рақамига_____
_____ сўм ёзилди.

Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Назорат саволлари:

1. Экология солиғини тўловчилар тўғрисида нима биласиз?
2. Экология солиғини солиш объектлари ва унинг ставкаларини айтиб беринг.
3. Экология солиғи бўйича имтиёзлар тўғрисида тасаввур беринг.
4. Экология солиғини ҳисоблаб чиқиш тартибини тушунтиринг ва унга доир ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларини айтиб беринг.
5. Экология солиғи бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби тартибини тавсифланг.
6. Экология солиғини тўлаш муддатларини айтинг.

5.10. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Солиқ кодексининг ***116-моддасига*** ва Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўз фаолиятида бевосита сувдан фойдаланувчи юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 38/97-100-сон йўриқномасига мувофиқ мазкур солиқ кичик тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган, ягона солиқни тўловчи юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бевосита сувдан фойдаланувчилар томонидан, сув манбалари қаерда жойлашганидан қатъи назар, ўзлари рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати идораларига тўланади.

Аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув етказиб берувчи корхоналар фақат ўз фаолиятларида ишлатадиган сув учун солиқ тўлайди.

Солиқ кодексининг ***117-моддасига*** мувофиқ ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 38/97-100-сон йўриқномасига мувофиқ юзадаги сув манбаларига: дарёлар, кўллар, сув омборлари, юзадаги бошқа сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузлар суви киради. Ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовурлар тармоғи киради.

Солиқ кодексининг ***118-моддасига*** мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 48/97-116-сон йўриқномасига мувофиқ ёрдамчи хўжалиги бўлган корхоналар, шунингдек сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Солиқ кодексининг ***119-моддасига*** мувофиқ қуйидаги юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинадилар:

тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, тадбиркорлик фаолияти учун сув ресурсларидан фойдаланувчилар бундан мустасно;

ер ости маъданли сувларидан даволаш мақсадида фойдаланувчи соғлиқни сақлаш муассасалари, улар маъданли сувдан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланган ҳоллар бундан мустасно;

фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ва сувдан дори воситалари тайёрлаш учун фойдаланувчи юридик шахслар;

атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида ер ости сувларини чиқазиб олаётган юридик шахслар ана шу ер сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно;

сув учун бюджетга ҳақ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

фойдали қазилмалар қазиб олиш ва шахтадан сувларни қочириш вақтида ер ости сувларини чиқазиб олган юридик шахслар ана шу ер ости сувлари

учун, ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно;

гидроэлектростанциялар агрегатларни ишлатишда сувдан фойдаланганлик учун;

бирламчи тарзда фойдаланганлик учун ҳақи тўланган сувдан иккиламчи тарзда фойдаланувчи юридик шахслар;

асосий фаолият тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи юридик шахслар шўрланган ерларни ювиш мақсадида сувдан фойдаланганлик учун;

ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилар бундан мустасно;

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, "Нуроний" жамғармаси корхоналари, бўшатиб олинаётган маблағлардан жамғармалар ва жамиятнинг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан.

Солиқ кодексининг ***120-моддасига*** мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахс томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва бу солиқ бўйича ҳисоб-китоблар йил чораклари бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солиқ органларига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 38/97-101-сон йўриқномасига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни юридик шахслар олинган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар. Мазкур йўриқномага иловага биноан шакл бўйича солиққа доир ҳисоб-китоблар давлат солиқ инспек-

цияларига чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдиган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар унга доир ҳисоб-китобни йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этадилар, солиқни тўлаш муддатида эса солиқ суммасининг ҳисоб-китоби билан бирга ҳисобот даври учун олинган сув ҳажми тўғрисида юқорида кўрсатилган йўриқномада белгиланган шакл бўйича маълумотномани тақдим этадилар.

Сувни марказлаштирилган водопровод тармоғидан оладиган юридик шахслар «Сувсоз» тизимидаги корхоналар билан солиштириш жараёнида олинган сув ҳажмини аниқлаштириш пайтида сув ҳажмидаги фарқни солиштириш амалга оширилган даврга доир ҳисоб-китобларда акс эттирадилар.

Солиқ кодексининг ***121-моддасига*** мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ амалда олинган сувнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тўланади. Йилнинг чораги давомида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлайдиган солиғининг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган корхоналар солиқни йилнинг ҳар чорагида бир марта, йил чораклари бўйича молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар. Қишлоқ хўжалик корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бир йилда бир марта —жорий йилнинг 15 декабрига қадар тўлайдилар.

Йил якунларига кўра барча солиқ тўловчилар йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда давлат солиқ инспекцияларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси ҳисоб-китобини топширадилар.

Солиқ тўлиқ тўланмаган ҳолларда тўланмаган сумма ҳисоб-китоб тақдим этилганидан сўнг беш кун ичида бюджетга тўланади. Солиқ тўловчи ортиқча тўлов суммасини тўлаган бўлса, башарти солиқ ва йиғимларнинг бошқа турларидан қарз бўлмаса, ушбу суммалар ўттиз кун ичида унинг ёзма аризасига биноан солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади.

Ер ости ва ер юзасидаги манбалардан таъминланадиган водопровод тармоғидан фойдаланилганда солиқ тегишли сув манбалари учун белгиланган ставкалар миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади. Шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциялари ер ости ва ер юзасидаги манбалардан водопровод тармоғига сув етказиб берадиган корхоналардан маълумот олиб, улардан солиқ тўловчиларни хабардор қилишлари шарт.

Масалан, "Сувсоз" трестининг маълумотларига кўра Тошкент шаҳар водопровод тармоғига сувнинг 74 фоизи ер юзасидаги ва 26 фоизи ер ости манбаларидан олинади. Корхона бир ой ичида 10000 куб.метр сув сарф қилди, деб фараз қилайлик. Бу ҳолда ер юзаси сувлари ҳажми 10000 х 74 : 100 = 7400 куб. метр, ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми эса 10000 — 7400 = 2600 куб. метрга тенг бўлади.

1998 йилга саноат корхоналари учун солиқ ставкаси ер устидаги бир куб. метр сув учун 78,8 тийин ва ер ости суви учун — 101,3 тийин қилиб белгиланган. Солиқнинг умумий суммаси (7400 Х 78,8) + (2600 Х 101,3) = 8465 сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 28 ноябрдаги 38/97 — 100-сон йўриқномасига мувофиқ юридик шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун бюджет билан ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг алоҳида "Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида олиб борилади. Ҳисобланган солиқ суммаси ҳар ойда 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағининг дебетида, 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредитида, бюджет ҳисобига ўтказилган солиқ суммалари 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

_____ туман (шаҳар)
_____ давлат солиқ инспекциясига
Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташкилот номи)
Идентификация рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐
Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____
(лавозим, фамилияси)
Телефон _____
Тўловчининг манзили _____
Ҳисоб-китоб рақами № _____
(банк муассасаси номи, коди)

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси

ҲИСОБ-КИТОБИ

199___ йил _____ чорак учун

Кўрсаткич	*Ўлчов бирлиги*	*Ҳажми*		
		ер усти манбалари	*ер ости манбалари*	*жами*
1. Ҳисобот даври учун олинган сувнинг умумий ҳажми	куб.м			
2. Солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган сув ҳажми шу жумладан фойдаланиш турлари бўйича:	куб.м			
3. Солиқ солинадиган сув ҳажми, ҳисобот даври учун имтиёзлар чиқариб ташланади (1-сатр – 2-сатр)	куб.м			
4. Солиқ ставкалари	тийин			

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Ҳажми		
		ер усти манбалари	ер ости манбалари	жами
5. Ҳисобот даври учун тўланадиган солиқ суммаси	сўм			
6. Ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб ёзилган сумма	сўм			
7. Ҳисобот даври учун солиқ суммаси билан илгари ҳисоблаб ёзилган тўловлар ўртасидаги сальдо (+, –)	сўм			

Раҳбар _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

Бош бухгалтер _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Олдим:

Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Ҳисоб бўйича инспектор маълумотномаси:

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисоб-рақамига_____
_____ сўм ёзилди.

Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

199__ йил «____» _____

Назорат саволлари:

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиларини; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоб-китоб қилишда солиқ солиш объектларини тавсифланг.
2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг қандай ставкалари белгиланган; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар тўғрисида нималарни биласиз?
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисида тасаввур беринг.
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш муддатларини айтиб беринг.

5.11. Ялпи даромад солиғи

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 апрелдаги 153-сон қарорига мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадига солинадиган солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг қуйидаги тартиби белгиланган.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи ва қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (бундан мол-мулк солиғи мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғини тўлайдилар (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 20-сон қарори билан ўзгартиш киритилган).

Мазкур тартиб юқорида айтилган корхоналар оладиган барча даромадларга татбиқ этилади, бундан ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар мустасно.

Агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари савдо фаолияти билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғуллансалар, улар алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ҳам қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғи тўловчи бўлиб ҳисобланадилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари мол-мулк солиғи, божхона тўловлари, давлат божлари, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни умумий белгиланган тартибда тўлайдилар (ўзгартиш ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 20-сон қарори билан киритилган).

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини умумий белгиланган тартибда тўлайди.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ялпи даромад солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Давлат статистика органининг рўйхат карточкасида кўрсатилган корхонанинг фаолият коди ялпи даромад солиғи тўловчиларини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади.

Корхонанинг ялпи даромади солиқ солиш объекти ҳисобланади. Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киритилади:

- сотилган товарларнинг харид ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқ;
- операция даромадлари, тушумлари;
- молиявий фаолият натижалари бўйича даромад ва харажатлар (сальдо);
- фавқулодда даромадлар.

Солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад қуйидаги харажатларга тикланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб ставкалари доирасида ва улардан ортиқча олинган ссуда ва заёмлар бўйича фоизларни тўлаш харажатларига;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатларга.

Солиқ солинадиган дивиденд ва фоизлар кўринишида олинган даромадлар уларни тўлаш манбаида ялпи даромаддан чегирилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган фоизларга (банк кредити учун фоизлардан ташқари) умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

Ялпи даромад солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан:

- корхонанинг фаолият турига (улгуржи савдо, чакана савдо, умумий овқатланиш);
- корхонанинг жойлашган ерига (шаҳар, қишлоқ, олис ва тоғли жойлар);
- ялпи даромаднинг товар оборотига нисбати сифатида белгиланадиган корхонанинг даромад олиш даражасига боғлиқ ҳолда белгиланадиган табақалаштирилган ставкалар бўйича тўланади.

Бунда асосий ставкалар белгиланган даромадлилик даражасига мувофиқ келадиган ялпи даромадга нисбатан қўлланилади.

Солиқ солиш мақсадида даромадлилик даражасини аниқлаш чоғида товар оборотлари таркибига қуйидаги ҳисобварақлар бўйича кредит оборотлари киритилади:

- «Маҳсулотлар сотилиши»;
- «Асосий воситалар сотилиши ва бошқача тарзда реализацияси»;
- «Бошқа активлар сотилиши»;

- «Фойда ва зарарлар», олинган жарималар, пеня ва неустойкалар бўйича.

Товарни консигнация ва воситачилик шартларида сотадиган ва кейин комитентларга ҳақни нақд маблағ билан берадиган корхоналар солиқ солиш мақсадида даромадлилик даражасини белгилаш пайтида ҳақиқий товар оборотига товарнинг сотилиш қийматини киритади.

Бир неча турдаги фаолият (улгуржи савдо, умумий овқатланиш) билан шуғулланувчи корхоналар солиқни тегишли фаолият турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайди. Фаолиятнинг айрим турлари бўйича мустақил ҳисоб олиб борилмаган ҳолларда солиқ корхона амалга оширадиган фаолият турлари учун белгиланган ставкаларнинг энг юқориси бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йилга юридик шахслар учун савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқларнинг қуйидаги табақалаштирилган ставкаларини белгилади:

Даромадлилик	*Савдо корхоналарининг даромад олиш даражаси (ялпи даромадларнинг товар оборотига нисбати)*			*Жойлашган ерига қараб савдо корхоналари бўйича ялпи даромадга фоизларда солиқ ставкалари*		
	улгуржи савдо	*чакана савдо*	*умумий овқатланиш*	*шаҳар жойларда*	*қишлоқ жойларда*	*олис ва тоғли туманларда*
Шу даражагача	17	16	39	17	16	14
Бундан юқори	17	16	39	50*	50*	50*

* Ставка белгиланган даромадлилик даражасидан ошадиган даромадларга қўлланади.

Ялпи даромад солиғи суммасини тўловчилар ялпи даромад миқдори, даромадлилик даражаси ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб белгилайдилар. Ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китобни тўловчилар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай ҳар ойда тақдим этадилар, солиқ эса ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тўланади. Ялпи даромад солиғини ҳисоб-китоб қилиш шаклини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тўловчиларга етказади. Тўловчилар ялпи даромад солиғини ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тўлайдилар.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи бўйича, «Ялпи даромад солиғи» илова ҳисобварағида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити бўйича, «Ялпи даромад солиғи» ҳисобварағида «Ҳисобланган солиқлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Ўтказилган солиқ суммалари «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети бўйича, «Ялпи даромад солиғи» илова ҳисобварағида ва «Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Назорат саволлари:

1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар тартибини тавсифланг.
2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқ бўйича ставкаларни айтинг.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солинадиган солиқнинг қандай ставкалари белгиланганлигини тушунтиринг.

4. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаш тартиби ва уни тўлаш муддатлари тўғрисида ҳикоя қилинг.

5. Ялпи даромад солиғи бўйича ҳисобларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидаларини таърифланг.

5.12. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 26 сентябрда қабул қилган «Ижтимоий соҳанинг идоравий объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорига ва 1997 йил 5 декабрда қабул қилган «1998 йил учун Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети прогнози тўғрисида»ги 540-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини белгилайди. Ушбу тартиб ягона солиқни тўловчи ҳисобланадиган кичик корхоналарга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Барча солиқлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (даромад) — соф фойда (даромад) («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисо-

бот» деган 2-шаклнинг 170-сатри — 180-сатри) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 190-сатрида акс эттирилади.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкаси солиқ солиш объектининг 6 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш объектлари, мактабгача болалар муассасалари ва умумий таълим мактабларини) тутиб турмайдиган барча корхоналар учун солиқ ставкаси тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, давлат ҳокимияти органи, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш, мактабгача болалар муассасалари ва умумий таълим мактабларини) бюджет маблағлари ҳисобига молиялашга босқичма-босқич ўтказишни амалга ошираётган корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 26 сентябрда қабул қилган «Ижтимоий соҳанинг идоравий объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорининг 1-3-иловаларига биноан, солиқ қуйидаги тартибда тўланади:

- агар бюджет маблағлари ҳисобига молиялаш ҳиссаси харажатлар умумий миқдорида 100 фоизни ташкил этса, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига топширилаётган объектлар бюджет маблағлари ҳисобига тўлиқ ҳажмда молияланса, бундай корхоналар учун солиқ ставкаси ушбу минтақа учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;
- агар бюджет маблағлари ҳисобига молиялаш ҳиссаси харажатлар умумий миқдорида 100

фоиздан камни ташкил этса, яъни харажатлар бир қисми корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига молияланса, тўловчилар учун топширилаётган ижтимоий соҳа объектларини улушли молиялаш миқдорига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар белгиланади.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкаси солиқ солиш объектининг 6 фоизи миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш объектлари, мактабгача болалар муассасалари ва умумий таълим мактабларини) тутиб турмайдиган барча корхоналар учун солиқ ставкаси Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органи, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш объектлари, мактабгача тарбия муассасалари ва умумий таълим мактабларини) тутиб турадиган ва уларни бюджет маблағлари ҳисобига молиялашга босқичма-босқич ўтказишни амалга ошираётган корхоналар солиқни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 26 сентябрда қабул қилган «Ижтимоий соҳанинг идоравий объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорининг 1-3-иловаларига биноан қуйидаги тартибда тўлайди:

- агар бюджет маблағлари ҳисобига молиялаш ҳиссаси харажатлар умумий миқдорида 100 фоизни ташкил этса, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига берилаётган объектлар тўлиқ равишда бюджет маблағлари ҳисобига молияланса, бундай корхоналар учун солиқ ставкаси мазкур минтақа учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

- агар бюджет маблағлари ҳисобига молиялаш ҳиссаси харажатлар умумий миқдорида 100 фоиздан камни ташкил этса, яъни харажатлар бир қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига молияланса, тўловчилар учун топширилаётган ижтимоий объектларни улушли молиялаш миқдорига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар қўлланилади.

Табақалаштирилган ставкалар қуйидаги тартибда белгиланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 26 сентябрда қабул қилган «Ижтимоий соҳанинг идоравий объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги 453-сон қарорининг 1-3-иловаларига биноан бюджетдан молиялашнинг улушидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари суммаси аниқланади;

б) ижтимоий соҳа объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатларини қилувчи корхоналар учун (бундан ялпи даромад солиғини тўловчи корхоналар мустасно) солиқ солиш базаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

СФ + Хижт. + С,

бу ерда: **СФ** — барча солиқлар тўланганидан кейин корхона тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда);

Хижт. — ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари;

С — белгиланган даромад (фойда) солиғи ставкаси ва ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини

тутиб туриш харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоб суммаси (Хижт. х даромад (фойда) солиғи ставкаси / 100);

в) ялпи даромад солиғини тўлайдиган ва ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатларини қиладиган корхоналар учун солиқ солинадиган база қуйидаги формула бўйича аниқланади:

СФ + Хижт.;

бу ерда: **СФ** — барча солиқлар тўланганидан кейин корхона тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда);

Хижт. — ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари;

г) солиқ суммаси «б», «в»-бандларига мувофиқ ҳисобланган солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб ушбу минтақа учун белгиланган ставка бўйича аниқланади.

Агар харажатлар суммаси («а»-банди) солиқ суммасидан («г»-банди) ошиб кетса, корхона ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Агар харажатлар суммаси («а»-банди) солиқ суммасидан («г»-банди) кам бўлса, корхона ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари ўртасидаги фарқ («г»-»а»-бандлари) сифатида аниқлайди.

Чорак давомида барча тўловчилар солиқнинг жорий тўловларини бюджетга тўлайдилар. Жорий

тўловларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш аввалги чорак учун ҳисоб-китоб бўйича амалда ҳисобланган солиқ суммасидан келиб чиқиб амалга оширилади. Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25 (йигирма бешинчи)-кунидан кечиктирилмай, солиқнинг чораклик суммаси учдан бир қисми ҳажмида тўланади. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоблар солиқ органларига чораклик ва йиллик молия ҳисоботларини топшириш муддатларида махсус шакл бўйича, мазкур тартибга берилган иловага биноан, ҳақиқатда шаклланган солиқ солиш базасидан келиб чиқиб, ўсиб борувчи якун билан топширилади. Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасига тўловчилар бюджетга чораклик ва йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш учун мўлжалланган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида тўлайдилар.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи бўйича, «Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» илова ҳисобварағида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити бўйича, «Ижтимоий соҳани ривожлантириш солиғи» илова ҳисобварағида 81-«Ҳисобланган солиқлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Ўтказилган солиқ суммалари 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети бўйича «Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» илова ҳисобварағида ва 51-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредитида акс эттирилади.

_____ тумани (шаҳри)
давлат солиқ инспекциясига
Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташкилот номи)
Идентификация рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____
Телефон _____
Тўловчи манзили _____
Ҳисоб-китоб рақами № _____
(банк муассасаси номи, код)

199___ йил _____ чораги учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби

№	*Кўрсаткичлар*	*Ўлчов бирлиги*	*Сумма*
1	Топширилаётган ижтимоий соҳа объектларини ўз маблағлари ҳисобига, бюджетдан молиялашнинг белгиланган улушидан келиб чиқиб тутиб туришга доир харажатлар	минг сўм	
2	Солиқ солинадиган база	минг сўм	
	шу жумладан:		
	а) барча солиқлар тўланганидан кейин корхона тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда)		
	б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектини тутиб туриш харажатлари (1-сатр)		
	в) белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган фойда (даромад) солиғининг ҳисоб-китоб суммаси (6-сатр х солиқ ставкаси) : 100*		
3	Белгиланган солиқ ставкаси	%	
4	Белгиланган ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси (2-сатр х 3-сатр)		

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сумма
5	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (4-сатр – 1-сатр)		
6	Солиқнинг ҳисоб-китоб (шаклланган) ставкаси (5-сатр : 2-сатр) : 100	%	
7	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	минг сўм	
8	Қўшимча ҳисоблаб ёзилди		
9	Камайтириб ёзишга		

* Ялпи даромад солиғини тўлайдиган корхоналар 2в-сатрини тўлдирмайдилар.

Харажатлар суммаси (1-сатр) солиқ суммасидан (4-сатр) ошиб кетган тақдирда корхона ижтимоий инфратузилма объектини тутиб туриш солиғини тўламайди.

Раҳбар _____
(имзо, фамилия, инициаллар)

Бош бухгалтер _____
(имзо, фамилия, инициаллар)

199__ йил «___» _____
(сана)

Олдим
Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллар)

199__ йил «___» _____
(сана)

Ҳисобга олиш бўйича инспектор маълумотномаси:

Мазкур ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисоб-рақамига _____ минг сўм ҳисоблаб ёзилди

Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллар)

Назорат саволлари:

1. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи нима муносабат билан жорий этилган?
2. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар, солиқ солиш объектлари тўғрисида тасаввур беринг.
3. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкалари ва уни ҳисоблаш тартибини айтинг.
4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш муддатлари тўғрисида тасаввур беринг, уни бухгалтерия ҳисоботида акс эттириш тартиби қандай?

5.13. Ягона ер солиғи

Президентнинг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» ПФ-2086-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарорига биноан 1999 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди, у ягона ер солиғини тўловчи ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджет билан ҳисоб-китоблари механизмини белгилайди.

Ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат (алкоголли маҳсулотга бўлган акциз солиғидан ташқари) ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жамулжамини, яъни:

— даромад (фойда) солиғи;

— қўшилган қиймат солиғи;

— алкоголсиз ичимликлар ва мева шарбатларига доир акциз солиғи;

— экология солиғи;

— сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

— ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

— мол-мулк солиғи;

— ер солиғи;

— ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

— бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этилади.

Ягона ер солиғини тўловчи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун божхона божлари, давлат божлари, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни, шунингдек алкоголли маҳсулот учун акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Мазкур тартиб:

— ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликларига;

— илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, эксперимантал ва ўқув-тажриба хўжаликларига;

— юридик шахс ҳисобланмайдиган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;

— улар учун «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган солиқ солиш тартиби сақлаб қолинган деҳқон хўжаликларига татбиқ этилмайди.

Ягона ер солиғини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари агрофирмалар, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бошқа етиштирувчилар тўлайди, юқорида санаб ўтилган юридик шахслар, ушбу юридик шахслар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан ташқари бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишидан қатъи назар, бундан мустаснодир.

Кичик корхоналар — қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, ўз хоҳишларига кўра, бюджетга

кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солиғини тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари сифати ва жойлашган ерига қараб ер баланси, тупроқ хариталари, текширув материаллари ва бошқа ер-кадастр ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган лойиҳалаш ёки илмий-тадқиқот институтлари томонидан тупроқ хариталарини тузатиш ва ер сифатини (бонитет балларини) ўзгартириш бўйича ишлар бажарилганда ушбу маълумотлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланиб, ер солиғини ҳисоблаш учун уларни қўллаш муддати кўрсатилиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича ягона ер солиғининг вақтинчалик базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларига доир ягона ер солиғининг вақтинчалик базавий ставкалари, шунингдек ягона ер солиғининг вақтинчалик базавий ставкаларига тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

— қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

— ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

— спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, техник спорт турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари эгаллаган ерлар;

— янгидан ўзлаштирилаётган ва мелиоратив яхшиланиш жараёнида бўлган мавжуд суғориш ерлари, лойиҳада кўзда тутилган муддатга, лекин у ишлар бошланган пайтдан бошлаб беш йилдан ошмаслиги керак;

— таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд этган ерлар;

— янги боғлар ва узумзорлар банд этган ерлар, ҳосил бера бошлайдиган пайтга қадар;

— янги кўчатлар экилган тутзорлар, беш йил муддатга;

— Андижон дончилик ИТИ филиалларига қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш ва навларни алмаштиришнинг амалдаги чизмалари доирасида ажратилган хўжаликлар ерлари, уч йил муддатга — 1999 йилдан бошлаб;

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

— янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

— қоракўлчилик соҳасининг наслчилик, товар ва бўрдоқичилик хўжаликлари уч йил муддатга, 1999 йил 1 январдан бошлаб;

— даромад (фойда) солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод этилган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

Ягона ер солиғини тўловчилар мустақил равишда, ер майдони, база ставкалари ва тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларда уларнинг майдонлари ер тузиш хизмати томонидан ўтказиладиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни

инвентарлаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ва майдонларини асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари, шунингдек ихтисослаштирилган лойиҳалаш ва тадқиқот ташкилотлари ўтказган текширувларнинг бошқа материаллари билан тасдиқланиши керак.

Қишлоқ хўжалиги ерларида ягона ер солиғининг базавий ставкалари қилиб қуйидагилар қабул қилинган:

— суғориладиган ерлар бўйича — 1-класс ерлари (бонитет балли 10 гача);

— лалмикор ерлар бўйича — текислик зонаси ерлари;

— пичанзор ва яйловлар бўйича — «чўл» минтақаси ерлари.

Ерларнинг жойлашган жойи ва сифатига (бонитет баллига) қараб базавий ставкалар тегишли тузатиш коэффициентларига тузатилади.

Ҳар бир ер майдони тури учун ягона ер солиғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{С = Sер.у. \times Сб \times Тк,}$$

бу ерда: **С** — ягона ер солиғи суммаси, сўмларда;

Sер.у. — ер участкаси майдони, гектарларда;

Сб — солиқнинг базавий ставкаси, 1 гектар учун сўмларда;

Тк — тузатиш коэффициенти.

Ҳар бир ер майдони тури (суғориладиган ерлар, лалмикор ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва ҳоказо) тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади, уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси умумий белгиланган тартибда етказади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари бўйича базавий активлар ставкалар сифатида тегишли ту-

ман ва шаҳар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Лалмикор ерлар, шунингдек пичанзор ва яйловлар бўйича базавий ставкалар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар бўйича қабул қилинади.

Жамоат иморатлари, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд этган, шунингдек қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳарларнинг суғориладиган ерлари учун тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ҳажми қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаси ер участкаси жойлашган ердаги туман бюджетига топширилади. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ерларининг шаҳар ва қўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қисми учун ягона ер солиғи солиқ тўловчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман бюджетига киритилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (кичрайтирилган), сотиб олинган, сотилган ҳолларда солиқни ундириш ер участкаси олиб қўйилган (кичрайтирилган), сотиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (қисқартирилади).

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи бўйича имтиёз белгиланганда улар ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқни тўламайдилар. Ер солиғи бўйича имтиёзга доир ҳуқуқ тўхтатилганда улар ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ер солиғини тўлай бошлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғини иловага биноан шакл бўйича ҳисоблайдилар ва ҳисоб-китобни давлат солиқ инспекцияларига жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этадилар.

Ягона ер солиғи йилига икки марта тўланади:

— 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг камида 30 фоизи миқдорида;

— 1 декабргача — солиқнинг қолган суммаси.

Йил давомида ер майдонлари ва таркиби ўзгарган тақдирда давлат солиқ инспекцияларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг янги ҳисоб-китоби топширилади, солиқнинг қолган қисми уни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаси давр харажатларига киритилади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи бўйича, «Ягона ер солиғи» илова ҳисобварағида юритилади. Ҳисобланган солиқ суммаси ушбу илова ҳисобварақ кредити бўйича 26-«Давр харажатлари» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Бюджетга ўтказилган солиқнинг ҳақиқатдаги суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводка билан акс эттирилади: 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети, «Ягона ер солиғи» илова ҳисобварағи; 51-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағи кредити.

Ягона ер солиғини тўловчилар солиқ тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тасдиқланган тартибнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

Юридик шахс штампи
_____ туман (шаҳар)
давлат солиқ инспекциясига
Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташкилот номи)
Идентификация рақами ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____
(лавозими, фаолияти)
Телефон _____
Тўловчининг манзили _____
(аҳоли пункти)
Ҳисоб-китоб счёти № _____
(банк муассаси номи, коди)

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғининг ҲИСОБИ-КИТОБИ
199___ йил 1 январидаги ҳолат бўйича

Ерлар тури	*Майдони, га*	*Солиқнинг базавий ставкалари 1 га/сўм*	*Тузатиш коэффициентлари*	*Солиқ суммаси, сўм*
1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари:				
1-класс (0-10 балл)				
2-класс (11-20 балл)				
3-класс (21-30 балл)				
4-класс (31-40 балл)				
5-класс (41-50 балл)				
6-класс (51-60 балл)				
7-класс (61-70 балл)				
8-класс (71-80 балл)				
9-класс (81-90 балл)				

Ерлар тури	Майдони, га	Солиқнинг базавий ставкалари 1 га/сўм	Тузатиш коэффициентлари	Солиқ суммаси, сўм
10-класс (91-100 балл)				
Баҳоланмаган ерлар				
Жами				
2. Лалмикор экинзорлар, бўз ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик кўчатлар:				
текислик (ёғин билан таъминланмаган) зонасида				
текислик-тепалик (ёғин билан тўлиқ таъминланмаган) зонасида				
тоғ олди ва тоғ (ёғин билан таъминланган) зоналарида				
Жами				
3. Суғорилмайдиган пичанзор ва яйловлар:				
"чўл" минтақасида				
"адир" минтақасида				
"тоғ" минтақасида				
Жами				
4. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўл билан банд бўлган ерлар				
5. Жамоат иморатлари ва қўралари				
6. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар				
Жами				

Ерлар тури	Майдони, га	Солиқнинг базавий ставкалари 1 га/сўм	Тузатиш коэффициентлари	Солиқ суммаси, сўм
шу жумладан тўлаш муддатлари бўйича:				
1 июлгача				
1 декабргача				
7. Солиқ солинмайдиган ерлар (ер майдонлари ва турлари йўриқномасининг 4.1-бандига биноан келтирилади):				
		x	x	x
		x	x	x
		x	x	x
Солиқ солинмайдиган ерлар жами				
Жами ерлар				

Раҳбар _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

Бош бухгалтер _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

_____
(сана)

Солиқ инспекторининг белги ва мулоҳазалари

_____

Солиқ инспектори _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

_____
(сана)

Ҳисоб бўйича инспекторнинг маълумотномаси:

Ушбу ҳисоб-китоб бўйича тўловчининг шахсий ҳисоб-рақамига _____ сўм ҳисобланди.
Инспектор _____
(имзо, фамилия, инициаллари)

_____
(сана)

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи қачондан бошлаб жорий этилган?

2. Ягона ер солиғини аниқ кимлар тўлашини айтинг.

3. Ягона ер солиғи ҳажми қандай белгиланиши ва ягона ер солиғининг базавий ставкалари ким томонидан тасдиқланиши тўғрисида тасаввур беринг.

4. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар тўғрисида нималарни биласиз?

5.14. Юридик шахсни ҳосил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 31 декабрда қабул қилган «1999 йил учун Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети прогнози тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юридик шахсни ҳосил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган белгиланган солиқни ундириш механизми белгиланган.

Ушбу тартиб ихтисослаштирилган бозорларда савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди, уларга солиқ солиш ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тартибга солинади.

Юридик шахсни ҳосил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромаддан белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

Тадбиркор ойлик оборот ҳажмининг ҳисобини касса дафтарида юритади, бу ерда ҳар бир бажарилган операция (иш, хизмат) бўйича суммалар қайд этилади.

Тадбиркор белгиланган даромад солиғини энг юқори ставка бўйича тўлаш чоғида касса дафтаридан фойдаланмасликка йўл қўйилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган белгиланган даромад солиғини давлат солиқ хизмати органлари жисмоний шахсларнинг бир ой учун таҳлил қилинаётган обороти (ишлари, хизматлари) бўйича декларациялари асосида ҳисоблайдилар.

Белгиланган даромад солиғини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳар ойда, 1-кунга қадар, ҳисобот ойи бошлангунигача, давлат солиқ хизмати органларининг тўлов хабарномалари асосида тўлайдилар.

Масалан, жисмоний шахсларнинг белгиланган даромад солиғи:

— 1999 йил январи учун 1999 йил 1 январга қадар тўланиши керак;

— 1999 йил феврали учун 1999 йил 1 февралга қадар тўланиши керак ва ҳоказо.

Тадбиркорлик фаолияти билан биринчи марта шуғулланa бошлаган жисмоний шахслар белгиланган ставкалар бўйича даромад солиғини белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтда тўлайдилар.

Солиқнинг белгиланган ставкалари ойлик оборот ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Декларацияда кўрсатилган бир ой учун оборот (ишлар, хизматлар)нинг ойлик ҳажми асосида давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахс-

лари томонидан солиқ ҳисоб-китоби тузилади ва тўловчига жорий йил охирига қадар фаолият даври учун солиқ тўлаш хусусида тўлов хабарномаси топширилади.

Белгиланган солиқни ҳисоблаш чоғидагига қараганда ой давомида оборотнинг ҳақиқатдаги ҳажми кўпайганда тадбиркор давлат солиқ хизмати органига келгуси давр (ойлар) учун белгиланган солиқни қайта кўриб чиқиш тўғрисида ариза тақдим этиши шарт. Тадбиркор илгари қабул қилинганига қараганда ҳақиқатдаги ҳажм камайганида бўлғуси давр учун ҳисобланган солиқни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар обороти (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмини белгилаш чоғида, декларациядаги маълумотлардан ташқари, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувлар ва тафтишлар маълумотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролардан олинган бошқа маълумотлар ҳам эътиборга олинади.

Тадбиркор ўз фаолиятини муайян даврга турли сабабларга кўра (оилавий аҳвол, касаллик, вақтинчалик чиқиб кетиш ва ҳоказо) тўхтатган ҳолларда, фаолиятни тўхтатгунга қадар, у давлат солиқ хизмати органларига фаолиятни вақтинча тўхтатиш тўғрисида ариза бериши ва рўйхат гувоҳномасини топшириши керак.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган декларация, ариза келиб тушган хат-хабарлар дафтарида келиб тушган кунида албатта рўйхатга олиниши керак.

Давлат солиқ хизмати органларининг бевосита солиқни ҳисоблаш бўйича операцияларни амалга ошираётган мансабдор шахслари давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки унинг ўринбосарининг тегиш-

ли резолюция билан бирга топшириғи бўлгандагина тўловчиларнинг декларациясини иш учун қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Юридик шахсни ҳосил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва белгиланган ставкалар бўйича даромад солиғини тўлайдиган жисмоний шахсларга жами даромадни ва уларга доир тегишли чегирмаларни белгилаш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, татбиқ этилмайди.

Тасдиқланган тартибни бузганлик учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тасдиқланган тартибга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юкланади.

5.15. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромад олиш (савдо, иш, хизмат) билан боғлиқ бир галги операцияларини амалга оширишда бир галги декларацияларни тақдим этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 4 ноябрдаги 04-01-02/489/97-87-сон Йўриқномасига мувофиқ жисмоний шахслар даромад олиш (савдо, иш, хизмат) билан боғлиқ бир галги операцияларни амалга оширганда фуқароларга маҳаллий ҳокимият органларида якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар сифатида рўйхатга турмай даромад тўғрисидаги бир галги декларация топшириш ҳуқуқи берилади.

Бунда фараз қилинаётган даромад миқдори кўрсатилган бўлғуси операция тўғрисидаги бир галги декларация солиқ идорасига операция амалга оширилишидан аввал топширилиб, солиқ идораси унинг асосида олиниши лозим бўлган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқаради ва фуқарога бу ҳақдаги тўлов хабарномасини топширади. Фуқаро аниқланган солиқ (тўлов учун тақдим этилган квитанцияга доир) суммасини тўлаганидан сўнг унга декларация топширилади. Бу ҳолда операция (декларация) нинг амал қилиш муддати операциянинг тахминий якунланиш муддати билан чекланади.

Бир галги операцияларни солиқ органи тасдиқлаган бир галги декларацияни топширмаган ҳолда ҳамда ҳисобланган солиқни тўламай амалга ошириш, рўйхатга олинмаган тадбиркорлик фаолияти деб қаралади ва бунга қарши қонунларда белгиланган жавобгарлик чоралари кўрилади.

Солиқ декларацияси солиқ тўловчи томонидан жисмоний шахс яшаб турган ёки фаолиятини амалга ошираётган жой солиқ хизмати идорасига топширилади.

Солиқ декларацияси бланклари солиқ хизмати идоралари томонидан бепул берилади. Бир галги декларация бланки икки томони тўлдирилган варақдан иборат.

Яшаш жойига топшириладиган декларация икки нусхада (бир нусхаси ДСИ ва иккинчиси — солиқ тўловчи учун), асосий яшаб турмаган жойи бўйича топширилганида уч нусхада (икки нусхаси фаолият амалга оширилаётган жойдаги ДСИ ва бир нусхаси солиқ тўловчи учун) тўлдирилади.

Декларация яшаш жойидаги эмас, балки фаолиятни амалга ошираётган жойдаги ДСИ га топширилганида солиқ идораси декларациянинг бир нусхасини ўн кун муддат ичида яшаш жойидаги ДСИга жўнатиши шарт.

Бир галги операцияни амалга ошираётган жисмоний шахс ёнида шахсий гувоҳномадан ташқари солиқ идораси имзолаган бир галги декларация, бир галги декларация асосида ҳисоблаб чиқилган даромад солиғини тўлаганлик тўғрисидаги квитанция бўлиши шарт.

Бир галги декларация бўйича даромад солиғи Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ставкалар бўйича ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромад олиш (савдо, иш, хизмат) билан боғлиқ бир галги операцияларини амалга оширишда бир галги декларацияларни тақдим этиш тартибини тавсифланг.

5.16. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш тартиби

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳажмлари, уларни ундириш тартиби, имтиёзлар тақдим этилиши Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан, амалдаги қонунларга мувофиқ, амалга оширилади.

Маҳаллий солиқлар бўйича бюджет билан ҳисобкитобларнинг бухгалтерия ҳисоби 68-«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида, тегишли маҳаллий солиқ ёки йиғим илова ҳисобварағида юритилади. Солиқ ёки йиғимни ўтказиш 51-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағида юритилади.

Маҳаллий солиқлардан бири реклама солиғи ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари (матбуот, эфир, сунъий йўлдош, кабель телевидениеси ва радио эшиттириш; каталоглар, маълумот беришлар, варақалар, афишалар, плакатлар, тақвимлар, реклама тахталари, нурли ва газ-нурли қурилмалар, шаҳар йўловчи транспорти ва ҳоказолар) ёрдамида тижорат мақсадида ахборот узатувчи барча турдаги хабар ва ахборотлар реклама ҳисобланади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ўз маҳсулоти, хизматлари ва ҳоказоларни реклама қилувчи жисмоний ва юридик шахслар реклама солиғини тўловчилар ҳисобланади. Реклама бўйича ишлар ва хизматлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиқни ундириш тасдиқланган ставка бўйича реклама берувчига реклама қилишга доир кўрсатилган ишлар ва хизматлар қийматидан фоизларда амалга оширилади. Реклама солиғи маҳсулот (ишлар, хизматлар) рекламаси бўйича ишларни амалга оширадиган реклама агентликлари томонидан реклама берувчилардан ундирилади. Реклама агентликлари солиқ тушумларини ҳисобга олиш учун жамғариш қайдномалари юритилишини таъминлайди. Солиқ тўланган тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этмасдан реклама воситаларида рекламани жойлаштириш тақиқланади.

Автотранспорт воситаларини олиб сотиш битимининг суммаси солиқ солиш объекти ҳисобланади. Товар кўринишида олиб сотиш мақсадида харид қилинган автотранспорт воситаларини олиб сотувчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчи ҳисобланади.

Товарларнинг алоҳида турлари, шу жумладан алкоголли маҳсулот билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғимни ва улар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда чакана савдо нуқталари

орқали савдо-сотиқни амалга оширадиган жисмоний ва юридик шахслар тўлайди.

Дўконлар, умумий овқатланиш корхоналари, савдо чодирлари ва кўчага олиб чиқиладиган лотоклар, киосклар, пештахталар, дорихоналар ва савдо-сотиқ амалга ошириладиган бошқа объектлар чакана савдо нуқталари ҳисобланади. Йиғим савдо-сотиқни амалга оширишга сертификат (гувоҳнома) берилгани учун тўланади. Товарларнинг алоҳида турлари, шу жумладан алкоголли маҳсулот билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими алоҳида тўланади.

Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун сертификат (гувоҳнома) 1 ойдан 12 ойга қадар муддатга берилади. Сертификатни жойлардаги давлат ҳокимияти органлари беради. Йиғимни ундириш тасдиқланган ставка бўйича амалдаги энг кам иш ҳақига марталик ҳажмларда амалга оширилади. Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимни юридик ва жисмоний шахслар маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўлайдилар. Йиғим рўйхатдан ўтказилгунга қадар тўланади.

Йиғимни қуйидагилар тўлайди:

— янги ташкил этилаётган юридик шахс;

— ёки юридик шахсни ҳосил этмасдан туриб Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаган жисмоний шахслар.

Янги ташкил этилаётган юридик шахс учун йиғимни уларнинг муассислари (юридик ва жисмоний шахслар) тўлаши мумкин.

Ана шу мақсадлар учун ажратилган жойларга автотранспортни қўйиш автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим объекти ҳисобланади. Хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар йиғим тўловчи ҳисобланади.

Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим маҳаллий органлар томонидан махсус ажратилган (ва фарқлаш белгилари ўрнатилган) тўхташ жойларида (йирик савдо, маданият, жамоат марказлари яқинида, шунингдек аҳолиси гавжум мавзеларда ва ҳоказо) муайян вақт учун бир тўхташ жойига олинади.

Тўхташ жойини ташкил этиш, уни тутиб туриш, тўхташ жойидан фойдаланганлик йиғимини ундириш, квитанцияларни тайёрлаш ёки махсус автоматларни ўрнатиш давлат ҳокимиятининг жойлардаги ваколатли органига юклатилади.

Ваколатли орган тушумлар ҳисоби учун жамғариш қайдномаси юритилишини таъминлайди, жойлашган ердаги солиқ органларига тўхташ жойи учун йиғимлар суммаси ҳақидаги ҳисоботни ойда бир марта, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган юридик шахслар ободончилик ишлари учун йиғимни тўлайди. Юридик шахслар йиғимни корхона тасарруфида қоладиган фойдадан белгиланган ставка бўйича ҳисоблайдилар ва тўлайдилар. Ободончилик ишлари учун йиғимни тўловчилар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунига қадар рўйхатга олинган жойдаги солиқ инспекциясига йиғим суммаси ҳисобкитобини тақдим этадилар ва тўловларни 25-кундан кечиктирмай амалга оширадилар.

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳажмларини ҳамда уларни ундиришни кимлар белгилаши тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Юридик ва жисмоний шахслардан реклама солиғини ундириш тизимини тавсифланг.

3. Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқни ундириш қандай амалга оширилиши чизмасини кўриб чиқинг.

4. Товарларнинг алоҳида турлари билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан ушбу ҳуқуққа оид лицензия йиғимининг хусусиятларини таърифланг.

5. Янги ташкил этилаётган юридик шахс учун йиғимни ким ундиради?

6. Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим қандай ундирилишини тушунтиринг, ушбу солиқ тури учун нималар объект ҳисобланади?

7. Ободончилик ишлари учун йиғим қандай ундирилиши тўғрисида тасаввур беринг.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини мавжуд боқиманда ҳисобига ўтказиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шартлар

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 40/97-104-сон Йўриқномасига биноан ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг Давлат солиқ хизмати маҳкамасига берган ёзма аризасига кўра мавжуд боқиманда ҳисобига ўтказилади. Солиқ ва тўловларни бюджетга ўтказиш ҳақидаги ариза қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: ариза берувчининг номи, унинг манзили, қайси солиқ ва тўловлар ҳисобига тўланаётгани ва пул миқдори кўрсатилиб, боқиманда узилиши (тўланиши) керак бўлган солиқ ва тўловларнинг номланиши. Давлат солиқ хизмати идораси солиқ тўловчининг шахсий счётлари маълумотлари асосида ортиқча тўланган маблағни бошқа тўлов ҳисобига тўлаш тўғрисида молия

органи ариза олинганидан кейинги иш кунидан кечикмай қарор қабул қилиши учун ўз хулосасини тақдим этади. Солиқ хизмати органининг хулосаси топширилганидан кейинги иш кунидан кечикмай молия органи ўзаро ҳисобга олинган сумма кўрсатилган "Даромад (фойда) солиғи" ёки "Қўшилган қиймат солиғи" умумий-шахсий счётидан банкка тўлов топшириқномасини тақдим этади.

Юқорида кўрсатилган йўриқномага биноан солиқ тўловчи Давлат солиқ хизмати идорасига мурожаат қилган кундан бошлаб солиқ тўловчининг шахсий счёт карточкасига пеня қўшиб ёзиш тўхтатилади.

Бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларнинг мол-мулкидан ундириш шартлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон «Бюджет билан ҳисобкитоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Низом ишлаб чиқилган бўлиб, унда бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича боқимандаларни корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар (бундан кейин матнда қарздор корхона деб номланади) мол-мулкидан ундириш тартиби белгиланган.

Қарздор корхонадан бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарзларни (матн давомида боқиманда дейилади) ундириш, шунингдек уларни ўз вақтида тўламаганлик учун пенялар, жарималар ёзиш ва Ўзбекистон Республикасининг солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича қонунларини бузганлик учун бошқа жазо чораларини (матн давомида жарима санкциялари дейилади) қўллаш давлат солиқ органлари томонидан сўзсиз тартибда, инкассо топшириқномасини қўйиш билан амалга оширилади.

Қарздор корхонанинг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириқномасини олганидан кейин уч кун ичида қарзни ундиради ёки қарздор корхонанинг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисобварағида пул маблағлари йўқлиги туфайли уни тўлиқ ёхуд қисман ижро этиб бўлмаслиги хусусида белги қўяди ҳамда банк белгиси қўйилган инкассо топшириқномаси кўчирма нусхаларини солиқ органи ва қарздор корхонага юборади.

Банк томонидан мазкур низомда белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ унга доир молиявий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қарздор корхонанинг банк ҳисобварақларида пул маблағлари бўлмаган тақдирда қарз мазкур низомга мувофиқ унинг мол-мулкидан ундирилади.

Солиқ органи тўлиқ ёки қисман ижро этилмагани хусусида банк белгиси қўйилган инкассо топшириқномасини олган кундан бошлаб бир сутка ичида қарздор корхонага боқимандани тўлаш талаби ва жарима санкциялари кўрсатилган ёзма талабномани чопар орқали ёки буюртма хат сифатида, топширилгани хусусида билдирувнома билан бирга юборади. Ушбу талабномада мазкур талаб билдирув олинган кундан бошлаб бир ой давомида бажарилмаса, боқиманда қарздор корхонанинг мол-мулкидан ундирилиши тўғрисида билдирув кўрсатилиши керак.

Қарздор корхона боқимандани ва жарима санкцияларини ёзма талабнома олинган (топширилган) кундан бошлаб бир ой давомида тўлаш хусусидаги солиқ органининг талабини қондирмаса ёки жавоб бермаса, бу нарса боқимандани қарздор корхона мол-мулкидан ундириш тўғрисидаги даъво билан хўжалик судига мурожаат этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Боқиманда ва жарима санкцияларини қарздор корхонанинг мол-мулкидан ундириш хусусидаги даъво аризасига солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари имзо чекади. Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- солиқ тўловчининг мавжуд шахсий ҳисобварақларидан бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича қарзлар борлиги хусусида кўчирма;
- солиқ тўловчининг ҳисоб-китоб, жорий, валюта, махсус ссуда ёки бошқа ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- солиқ тўловчининг солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш далолатномалари бўйича ҳисоб-китобларни солиштириш натижалари тўғрисида маълумотнома (бундай текширувлар ўтказилган ҳолларда);
- сўнгги ҳисобот даври учун корхона балансининг кўчирма нусхаси.

Хўжалик суди солиқ органи томонидан берилган даъво аризасини қондирганидан кейин, боқимандани қарздор корхона мол-мулкидан ундириш тўғрисида қарор қабул қилади. Солиқ органи хўжалик суди қарори асосида қарздор корхонанинг мол-мулкини хатлаш ва олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Боқиманда ва жарима санкциялари суммаларини ундириш даставвал қарздорнинг нақд пул маблағларига (шу жумладан хорижий валютада), улар бўлмаган ёки етишмаган тақдирдагина — қарздор корхонанинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда бошқа мол-мулкнинг ҳар қандай турларига (матн давомида мол-мулк дейилади) қаратилади.

Сўм ва хорижий валютадаги нақд пул маблағлари, агар улар боқиманда ва жарима санкцияларини

ундириш учун ишлатилганда, қарздор корхонадан унинг розилигидан қатъи назар, улар тақдим этилиши ёки топилиши билан дарҳол олиб қўйилиши керак. Бунда қарздорнинг кассаси темир жавонида ва ушбу кассанинг бошқа хоналардан ажратиб қўйилган хонасида бўлган нақд пул, шунингдек солиқ тўловчининг бухгалтерия (касса) ҳужжатларида қайд этилган, сақланиш жойидан қатъи назар, нақд пул маблағлари мажбурий тарзда олиб қўйилиши даркор. Қолган ҳолларда топилган нақд пуллар солиқ тўловчининг розилиги бўлганда ва олиб қўйишда ҳозир бўлган шахслардан уларнинг ушбу ёки бошқа шахсларга мансублиги тўғрисида аризалар бўлмаганда олиб қўйилади.

Олиб қўйишни солиқ органи амалга оширади ва солиқ органи вакили ҳамда қарздор органнинг мансабдор шахси имзо чеккан, икки нусхадаги далолатнома билан расмийлаштирилади, олиб қўйишнинг ҳар бир қатнашчиси учун бир нусхадан мўлжалланади ва нақд пул бир қисмини олиб қўймаслик сабаблари баён этилган ҳолда топилган ва олиб қўйилган нақд пулнинг барчаси алоҳида-алоҳида қайд этилади.

Олиб қўйилган пул маблағлари ўша куниёқ тегишли бюджетга ўтказиш учун банкка топширилади. Кун давомида уларни банкка топшириш имкони бўлмаса, улар банкнинг энг яқин иш кунида текширилиши шарт, топширилишига қадар улар солиқ органи томонидан масъулиятли сақланишга қабул қилинади, бу нарса олиб қўйиш далолатномасида қайд этилади.

Агар қарздор корхона билан боқиманда ва жарима санкцияларини ундириш учун мол-мулкни ажратиш тўғрисидаги масалада келишувга эришилмаса, бундай ундиришнинг қуйидаги навбатига риоя қилинади:

- ундириш *биринчи навбатда* ишлаб чиқариш циклида бевосита қатнашмайдиган мол-мулкка:

қимматли қоғозлар, валюта бойликлари, ноишлаб чиқариш хоналари ускуналари, енгил автотранспорт, офислар дизайни буюмлари ва ҳоказоларга қаратилади;

- *иккинчи навбатда* — тайёр маҳсулотга, шунингдек ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган ва унда бевосита иштирок этиш учун мўлжалланмайдиган бошқа моддий бойликларга қаратилади;
- *учинчи навбатда* — ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш учун мўлжалланган хом ашё ва материалларга, шунингдек дастгоҳлар, ускуналар, бинолар, иншоотлар, бошқа асосий воситаларга қаратилади;
- *тўртинчи навбатда* — бошқа шахсларга заём, ижара шартномаси ёки бошқа шартномалар бўйича ижарага топширилган мол-мулкка қаратилади, агар боқимандани кўрсатилган мол-мулкдан ундириш ёки бошқа асослар бўйича белгиланган тартибда, шу жумладан солиқ органлари ташаббусига кўра ушбу шартномалар бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас, деб топилган бўлса.

Агар бундай ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда хўжалик судида «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланган тартибда корхона банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш бошланган бўлса, боқимандалар ва жарима санкциялари қарздор корхона мол-мулкидан ундирилмайди.

Агар мазкур суд иши боқимандалар ва жарима санкцияларини қарздор корхона мол-мулкидан ундириш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин қўзғатилган бўлса, қарзли мол-мулкдан ундириш жараёни тўхтатиб қўйилади, қарздор корхона банкрот деб топилган тақдирда эса бекор қилинади.

Хўжалик суди банкрот деб топган қарздор корхонанинг кредиторлари талабларини қондириш «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Қарздор корхонанинг мол-мулкини сотиш тўғрисидаги қарор ижроси муддати у республика қонунларида белгиланган тартибда корхона тугатилишига қадар узайтирилади.

Қарздор корхонадан нақд пул маблағлари олиб қўйилишини ҳисобга олганда боқимандалар ва жарима санкцияларини тўлиқ узиш, шунингдек уни баҳолаш, сақлаш ва сотиш харажатларини, шу жумладан савдо, транспорт ва ахборот чиқимларини тўлаш учун зарур ҳамда етарли бўлган мол-мулк ҳажмигина хатга олиниши керак.

Агар қарздор корхона хатланадиган мол-мулкнинг ҳаммаси ёки бир қисмини, шунингдек нақд пул маблағларини ихтиёрий равишда тақдим этишдан бўйин товласа, хатлашни ўтказаётган солиқ органи уларни топиш мақсадида даромад олиш учун фойдаланиладиган жойларни (моддий бойликларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш жойларини) текшириб чиқади. Қарздор корхонанинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари текширувни ўтказишга ва мол-мулкни хатлашга тўсқинлик қилган тақдирда тегишли объектлар (хоналар, темир жавонлар ва бошқалар) солиқ органи муҳри билан муҳрланиб, солиқ органига берилган ҳуқуқларга мувофиқ чора-тадбирлар кўрилади.

Текширув натижалари ёки уни ўтказишга тўсқинлик қилиш фактининг қайд этилиши баённома билан расмийлаштирилади, унга текширувни ўтказишга ваколат олган шахс, қарздор корхона вакили ва иккита гувоҳ имзо чекади. Қарздор корхонанинг текширув ўтказилиши билан боғлиқ баённотлари ҳам ушбу баённомада қайд этилади. Қарздор корхона вакилининг баённомани имзолашдан бўйин товлаши гувоҳлар имзо чеккан алоҳида ёзув билан тасдиқланади.

Мол-мулки хатланган қарздор корхона ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади, уни масъулиятли сақлашга қабул қилиб, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларида чекланади.

У фақат учинчи навбатда ундириладиган мол-мулкдан фойдаланиши мумкин, бунинг устига солиқ органи белгилаган шартлардагина. Ушбу шарт бажарилмаган тақдирда қарздор корхонанинг раҳбари республика қонунларига мувофиқ равишда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Қарздор корхонанинг мол-мулкини бунга ваколат берилган солиқ органи ходими хатлайди, у белгиланган тартибда тегишли далолатнома тузади ҳамда ана шу мол-мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни тақиқлайди.

Мол-мулкни хатлаш ва баҳолашда иштирок этиш учун шартномавий асосда зарур ҳолларда бухгалтерлар, товаршунослар, муҳандислар, маркетинг мутахассислари, антикварлар ҳамда манфаатдор бўлмаган ташкилотлар ва корхоналарнинг бошқа билимдон мутахассислари консультант сифатида жалб этилишлари мумкин, улар меҳнатига ҳақ маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига, уларнинг асосий иш жойларида белгиланган ставкалар бўйича тўланиб, кейинчалик бу харажатлар қарздор корхона мол-мулкини сотишдан олинган маблағлардан қопланади.

Хатлаш учун ваколат берилган солиқ органи ходимлари хатлашда қатнашаётган қарздор корхонанинг мансабдор шахсларига хўжалик судининг қарори, хатлашни ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг солиқ органи муҳри билан тасдиқланган кўчирма нусхасини топширишлари ва ўз хизмат гувоҳномаларини кўрсатишлари, шунингдек хатлашда қатнашаётган барча шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиришлари шарт.

Мол-мулкни хатлаш ва олиб қўйиш далолатнома билан расмийлаштирилади, у белгиланган шаклда,

қарздор корхонанинг мол-мулк дастлабки қиймати ва эскириш даражасини ҳисобга оладиган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида мол-мулкни баҳолаш билан, шунингдек хатланадиган мол-мулк турларига талаб ва таклиф бозон конъюнктурасининг ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида тўрт нусхада тузилади. Далолатномада боқимандани қарздор корхона мол-мулкидан ундириш хусусидаги хўжалик суди қарорига ва қарорнинг санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда, ижро этиш учун асос бўлган солиқ органининг мол-мулкни хатлаш ва олиб қўйиш тўғрисидаги қарорига ҳавола бўлиши керак. Бундай ҳаволасиз далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

Кўрсатилган далолатномага уни тузган шахс, шунингдек қарздор корхонанинг раҳбари ёки унинг ўринбосари ва уни тузишда иштирок этаётган, хатлаш мазмунига доир ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақли бўлган бошқа шахслар имзо чекадилар. Хатлашни тузувчилардан ташқари, кўрсатилган шахсларнинг уни имзолашдан ва бош тортиш сабабларини ёзма равишда баён этишдан бош тортишлари хатлаш охирида қайд этилади ва камида икки гувоҳ иштирокида тузиладиган далолатнома билан тасдиқланади. Далолатнома мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор қабул қилган солиқ органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади ва ушбу органларнинг гербли муҳрлари қўйилади.

Далолатноманинг биринчи нусхаси солиқ органида қолади, иккинчи нусхаси юқори солиқ органига топширилади, учинчи нусхаси қарздор корхона раҳбарига топширилиб, биринчи нусхада унга қўл қўйдириб олинади. Қўл қўйишдан бош тортилган тақдирда бу нарса далолатномада қайд этилади.

Давлатга тегишли бўлган мол-мулк давлат мол-мулкини бошқаришда ваколат берилган орган билан келишиб, хатланиши ва олиб қўйилиши керак.

Қимматли қоғозлар, валюта бойликлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа маиший буюмлар, антиквариат, асл нусхадаги рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарлари хатланганда, солиқ органлари томонидан ана шу органларнинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорларига биноан жалб этиладиган эксперт мутахассисларнинг албатта иштирокида баҳоланиши керак ва хатлашдан кейин улар томонидан дарҳол олиб қўйилиши, сўнгра (уч кун давомида) масъулиятли сақлаш учун банкка топширилиши лозим, муайян турдаги бойликлар музейга ёки уларни сақлашнинг тегишли шароитларини таъминлайдиган бошқа ихтисослаштирилган муассасага топширилиши керак бўлган, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қарздор корхонанинг олиб қўйиш далолатномасида қайд этиладиган баёноти бўйича олиб қўйилган, якка тартибдаги белгиларга эга бўлган бойликлар кейинчалик қарздор корхона томонидан сотиб олиниши ёки бошқа мол-мулк билан алмаштирилиши мумкин. Мазкур ҳолда улар масъулиятли сақлаш учун банкка ёки бошқа тегишли муассасага топширилади ва кўрсатилган шартларга риоя қилинганда қарздор корхонага қайтарилиши керак.

Хатланадиган қолган мол-мулкни сақлашни қарздор корхонанинг ўзи хатлашни ўтказиш тўғрисидаги қарорда белгиланган шартларда, қарздор корхонанинг аниқ имкониятларини ҳисобга олиб ва қарздор корхонанинг тегишли мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зиммасига унинг сақланиши учун республика қонунларига мувофиқ жавобгарлик юкланган ҳолда амалга оширади.

Хатланиш даврида эгаси (қарздор корхона) фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадиган кўчар мулк (қимматли қоғозлардан ташқари), имкони борича солиқ

органи вакили ва эгаси муҳрлаб қўйган бошқа хоналардан алоҳида ажратилган хоналарда сақланиши керак.

Қарздор корхона исталган вақтда солиқ органидан ундан олиб қўйилган мол-мулкнинг исталган қисмини қайтариб бериши (сотилиши)ни талаб қилишга ҳақлидир, бунда у тегишли бюджетга сотиб олинаётган мол-мулкнинг баҳолаш қийматидан паст бўлмаган ҳажмда боқимандани қоплашга тегишли бюджетга пул маблағлари тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиши керак.

Хатланган кўчар мулкни сотиш учун қабул қилинган низомга биноан олиб қўйиш ва топширишни хатлашни ўтказган солиқ органи сотиш кунида қопланмаган боқиманда қисмидаги рўйхатга биноан амалга оширади ва икки томонлама топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Кўчмас ва айрим ҳолларда баҳайбат бўлган кўчар мулкни олиб қўйиш унинг рўйхатига қарздор корхонанинг бу мулкдан фойдаланиши ва тасарруф этишини тақиқлаш хусусидаги фармойишни киритиш йўли билан расмийлаштирилади, уни рўйхатни тузувчи ва қарздор корхона вакилининг имзолари тасдиқлайди. Ушбу мулкка тааллуқли бўлган бинолар ва хоналар хатлашни ўтказган солиқ органининг муҳри билан муҳрланади.

Тасдиқланган низомга биноан олиб қўйилган мол-мулкни сотиш шартнома — комиссия асосларида сотиш учун қабул қилинадиган томон сифатида тегишли йўналишдаги ёки солиқ органи хоҳиши бўйича таклиф этилган ҳар қандай савдо корхонаси ёки бошқа корхона олиниши мумкин. Сотиш шартларини, шу жумладан воситачилик мукофоти ҳажмини савдо корхонаси, қарздор корхона ва мол-мулкни олиб қўйишни амалга оширган солиқ органи уч томонлама шартномада белгилайди.

Шартнома шартлари бўйича келишувга эришилмаганда ёки у ёки бу мол-мулкни сотиш имкониятига эга бўлган ва бунга розилик билдирадиган савдо корхонаси топилмаганда, шунингдек қарздор корхона хоҳишига кўра мол-мулк аукцион савдоси шартларида сотилади, савдо ҳақида олдиндан оммавий ахборот воситаларида хабар берилади. Қарздор мол-мулкнинг сотадиган савдо корхонасига мол-мулкни хатлаш ва олиб қўйиш далолатномасининг тўртинчи нусхаси берилади.

Агар қарздор корхона мол-мулки сотила бошланган бир ойлик муддат тугаганида у бутунлай сотилмаган бўлса ёки икки ой ўтганидан кейин дастлабки баҳолаш қийматининг ярмидан кам қисми сотилган бўлса, ундиришни амалга ошираётган солиқ органи сотилаётган мол-мулк эгасига келишув шартларида унинг сотилмаган қисмини қайта баҳолаш (арзонлаштириш) ва айни вақтда унинг қийматида қўлга кирмайдиган тафовутни мол-мулкнинг қўшимча миқдорини сотиш учун тақдим этиш (ажратиш) билан компенсациялаш таклифини киритади.

Қарздор корхона ёзма шаклда ифодаланган бу таклифни қабул қилишдан бош тортган, келишилган шартларни бажармаган ёки таклифни жавобсиз қолдирган тақдирда 10 кун муддат давомида савдо корхонаси солиқ органининг кўрсатмасига биноан сотилаётган мол-мулкни белгиланган тартибда қайта баҳолайди (арзонлаштиради). Солиқ органи белгиланган тартибда қарздор корхона бошқа мол-мулкининг зарур миқдорини сотиш учун хатлайди ва олиб қўяди.

Қарздор корхонанинг сотиш бошлангандан кейин икки ойлик муддат ичида сотилмай қолган мол-мулкининг қарздор корхонанинг кўрсатилган тартибда сотилган мол-мулки ҳисобига қопланиши керак бўлган боқимандалар ва ҳақиқатда қилинган чиқимлар сум-

масидан ошиб кетадиган дастлабки баҳолаш суммаси унга солиқ органи далолатномаси бўйича ушбу боқиманда тўлиқ узилган ва қарздор корхона барча тегишли чиқимларни тўлаганидан кейин бир ойдан кечиктирмай қайтарилади.

Сотилган мол-мулк қарздор корхона балансидан, у солиқ органидан сотиш ва бюджет билан ҳисобкитоблар якунлангани тўғрисида ёзма билдирувнома олиши билан, ҳисобдан ўчирилади.

Қарздор корхона мол-мулкини комиссион сотиш шартларида сотишдан олинган тушумни сотувчи ташкилот қарздор корхонага хизмат кўрсатадиган банкка умумий тушумни топшириш учун белгиланган муддатларда, уни умумий тушум таркибида қайднома бўйича алоҳида сатрда ажратган ҳолда топширади, бунда солиқ органи ҳар икки ҳафтада айни қайси мол-мулк сотилганидан хабардор бўлиб туради (рўйхатнинг тартиб рақамини кўрсатиб).

Олиб қўйилган мол-мулкни сотишдан тушумнинг келиб тушишига қараб банк уни қарздор корхонанинг ҳисоб рақамига ёзиб боради ва бир кунлик муддатда бундан солиқ органини хабардор қилади, у эса, ўз навбатида, банкка қарздор корхонанинг тушумни боқимандалар доирасида тегишли бюджетга ўтказиш ва қарздор корхонанинг хатланган мол-мулкини олиб қўйиш ва сотиш муносабати билан солиқ органи харажатларини банкка тақдим этилган ҳужжатларга биноан тўлаш хусусида топшириғи берилишини таъминлайди. Банкнинг билдирувнома топширилиши ва топшириқни бажаришни орқага суриши уни республика қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Хўжалик судига даъво аризаси бўйича боқимандалар ва жарима санкцияларини узиш ҳисобига олиб қўйилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар бутунлай давлат бюджетига ҳисобланади.

Қарздор корхона ундиришни амалга оширадиган солиқ органига боқимандалар, жарима санкцияларини ва қарздор корхона мол-мулкини олиб қўйиш, баҳолаш ва сотиш билан боғлиқ солиқ органи қилган чиқимларни тўлиқ тўлаганини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этган тақдирда қарздор корхонанинг мол-мулкидан боқимандани ундириш унинг ҳар қандай босқичида тўхтатилади, олиб қўйилган ва сотилмаган мол-мулк қарздор корхонага қайтарилади. Дебиторларга қўйилган ижро этилмаган инкассо топшириқномалари ҳам чақириб олинади.

Мансабдор шахсларнинг мазкур низомни қўллаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари устидан қарздор корхона республика қонунларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин. Қарздор корхона томонидан мансабдор шахслар ҳаракатлари устидан шикоят қилиниши, агар республика қонунларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, ундиришни тўхтатмайди.

Назорат саволлари:

1. Назоратнинг мақсади ва солиқ назоратининг асосий усулларини белгилаб берадиган мезонларни айтинг.
2. Солиқ қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш қандай меъёрий ва қонун ҳужжатлари билан кўзда тутилган ва солиқ қонунларини бузганлик учун Солиқ кодексида қандай молиявий жазо чоралари белгиланган?
3. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида»ги Қонуннинг моҳиятини очиб беринг.
4. Солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун (солиқ солиш объектларининг ҳисобга

олинмаслиги, касса операцияларини юритиш тартибининг бузилиши, савдо-сотиқ қоидалари бузилиши ва ҳоказо) жавобгарликнинг механизмини тавсифланг.

5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик чораларини айтинг.

6. Маъмурий жарималарни расмийлаштириш ва қўллаш, баённома тузиш, ҳуқуқий таъминлаш тартибини тавсифланг.

7. Суриштирув органлари вазифаларини таърифланг ва солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун Жиноят кодексида жазо чоралари назарда тутилган моддаларни айтинг.

8. Бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундириш ҳисобига боқимандаларни корхона ва ташкилотлар молмулкидан ундириш шартлари тўғрисида ҳикоя қилинг.

5.17. Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида амалга ошириладиган тартиб ишлаб чиқилиб, у барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборилади.

Барча мулкчилик шаклларидаги ҳамма савдо корхоналари, муассаса ва ташкилотлари томонидан аҳолидан пул маблағлари қабул қилиниши назорат-касса

машиналарини мажбурий тарзда қўллаш билан амалга оширилади.

Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга оширишга иловага биноан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг айрим тоифаларида йўл қўйилади.

Назорат-касса машиналари мажбурий тарзда корхона рўйхатга олинган ва ҳақиқатда жойлашган еридаги солиқ инспекциясида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Давлат солиқ инспекциясида махсус реестр юритилади, унга қуйидагилар киритилади:

- корхонанинг (эгасининг) номи;
- назорат-касса машиналарининг ҳолати учун масъул шахс;
- назорат-касса машинасининг рақами;
- фискал электрон хотира маълумотлари ва ҳоказолар.

Назорат-касса машиналари иш бошлаш олдидан унинг соз ишлашини назорат қилиш мақсадида аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун масъул шахс томонидан текшириб чиқилади.

Назорат-касса машинасида носозлик аниқланганда ушбу машиналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузилган тегишли техник марказларга билдирувнома юборилади.

Назорат-касса машинасини тузатишга қадар жойлашган еридаги солиқ органининг рухсатисиз савдони амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Иш пайтида барча назорат-касса машиналарида мажбурий тартибда назорат чек тасмаси ва фискал электрон хотираси қўлланилади.

Аҳоли билан ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналари ёрдамида, шунингдек дебет ва кредит пластик карточкалари бўйича амалга оширадиган корхоналар харидорга мажбурий тартибда ундан нақд

ва нақдсиз пуллар қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган чек бериши шарт.

Касса чекларида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши керак:

- фирма (корхона)нинг номи;
- буюмнинг номи ёки шартли белгиси;
- нархи;
- тўлаш санаси;
- назорат-касса машиналарининг рақамлари кўрсатилган штамплар.

Чеклар штамплар ёки белгиланган жойларда қирқиш ёрдамида тўланиб, айни вақтда товар ёки иш бажарилгани ёхуд хизмат кўрсатилгани хусусида квитанция берилади.

Назорат чек тасмалари ва қабул қилинган нақд пуллар суммаларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар корхонада охирги инвентарлаш ўтказилганидан ва товар ҳисоботи текширилганидан сўнг 15 кун давомида ўралган кўринишда сақланиши керак.

Товар ҳисоботлари ва унга илова қилинган қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар корхона томонидан камида беш йил сақланади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларни сақлаш учун корхона раҳбарлари ёки уларнинг ёзма кўрсатмасига биноан бошқа ходимлар масъул бўлади.

Барча мулкчилик шаклларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналарининг фискал электрон хотирани сақлаш ячейкалари калити рўйхатга олиш жойларидаги солиқ инспекцияларида сақланиши ва кўрсатилган объектларни текширишни амалга оширадиган солиқ инспекциялари раҳбарларининг ёзма кўрсатмасига биноан инспекторларга берилади.

Корхоналар томонидан бериладиган тўловномалар, квитанциялар ва бошқа ҳужжатлар бу корхоналарни аҳолидан нақд ва нақдсиз пулларни қабул қилиш пай-

тида назорат-касса машиналарини қўллашдан озод этмайди, мазкур Низомга иловада кўрсатилган савдо корхоналарининг айрим тоифалари бундан мустасно.

Касса операцияларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасида касса операцияларини юритиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Ноозиқ-овқат молларини сотадиган воситачилик дўконларида ашёларни сақлаганлик учун комитентдан олинган пулларга (улар қайтарилган тақдирда) кассир ҳар куни қайтарилган товарларнинг кирим қайдномасини тузиши шарт.

Кун охирида қайдномада кўрсатилган суммалар ҳисоблаб чиқилади, қайдномага дўкон эгаси ёки раҳбар, кассир, бухгалтер имзо чекади ва умумий суммага битта кирим ордери ёзилади, у қайднома билан бирга касса ҳисоботига илова қилинади ва бухгалтерига топширилади. Ушбу қайдномалар бланклари қатъий ҳисобдаги бланклар ҳисобланади.

Комитентга сотилган ашё (буюм) учун нақд пул комитент карточкасига имзо чекдирган ҳолда тўланади.

Товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш жойларида аҳоли (харидорлар) билан ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналари орқали амалга оширган чоғда нақд пул маблағлари тўлиқ ҳисобга олиниши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг солиқ органлари амалга оширади.

Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш талабларига риоя этилмаганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарликка тортиш кодексига мувофиқ жиноий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

Ундирилган жарималар суммалари белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга ҳисобланади.

Ўз фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига кўра аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини назорат-касса машиналарини қўлламасдан туриб амалга оширa оладиган савдо корхоналари, ташкилотлари, муассасалари алоҳида тоифаларининг рўйхати

1. Аҳолига хизматлар кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги бўйича қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар ҳисобланадиган квитанциялар ёзадиган, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган чеклар берадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар.

2. Қуйидагиларни амалга оширадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар:

1) газета ва журналлар сотиш;

2) цистерналар, саватлар, лотоклар, қўл аравачаларида майда чакана савдо-сотиқ, шунингдек сабзавот ва полиз маҳсулотларининг ёйма савдоси;

3) бозорларда ёрдамчи хўжалик маҳсулотини, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш;

4) маҳсулотни самолёт ва поездларда сотиш (вагон-ресторанлардан ташқари);

5) сайёр савдо (лавкалар, автомашиналарда сотиш);

6) умумий овқатланиш маҳсулотини кўчага олиб чиқиб (лотокларда) сотиш.

3. Турғун пунктлардан ташқари маиший хизмат кўрсатиш хизматлари, 1-2 киши ишлайдиган темирчилик, тунукачилик ишлари.

4. Ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда, шунингдек вилоят марказларидан олис жойларда ва чегарада ҳарбий савдо объектлари.

5. Умумий таълим мактабларининг ошхона ва буфетлари. Савдо корхоналари айрим тоифаларининг мазкур рўйхати у қабул қилинган тартибда тўлдирилиши мумкин.

6. Бозорлар ҳудудида, савдо марказларида жойлашган ихтисослаштирилган, умумий фойдаланишдаги турғун савдо павильонларида амалга ошириладиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг лотоклардаги савдоси (майда улгуржи ва чакана бозорлар хилида барпо этилдан павильонларда).

7. Савдо залига эга бўлмаган майда чакана савдо тармоғи объектлари (чодирлар, киосклар, павильонлар).

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан. Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

2. *Гатаулин Ш.Қ., Ли А. А., Стасько В. Н., Хван Л. Б.* Солиқлар ва солиққа тортиш. Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

3. Курс экономической теории. / *Под редакцией М.Н. Чепурина.* — Издательство «АСА», 1995.

4. Налоговое право. / *Под редакцией В.И.Гуреева.* — М., «Экономика», 1995.

5. Финансовый менеджмент. / *Под общей редакцией В.В.Глухова, Ю.М.Бахрамова.* — С.-Пб.: «Специальная литература», 1995.

6. Ўзбекистон халқлари тарихи. / *С.П.Толстой таҳрири остида.* — Тошкент: ЎзССР ФАН, 1950.

7. *Ҳидоятов Г.А.* — Менинг жонажон тарихим. Тошкент: «Ўқитувчи», 1990.

8. *Ходжаев Б., Гафуров Ш., Шаулов Д., Кан У.* — Справочник акционера-предпринимателя. Тошкент: Издательство «Финансовое законодательство», 1997.

9. Junior Achievement Lnc. Colorado Springs, Colorado (инглизчадан таржима).

10. *Гайгер Л.Т.* Макроэкономическая теория и переходная экономика. 1996.

11. *Мэнкью Грегори Н.* Макроэкономика (пер. с англ.). Изд-во МГУ, 1994.

12. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

14. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.

15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.

16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

17. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва қонун ҳужжатлари.

18. «Бухгалтер кутубхонаси» нашрлари туркуми. — Тошкент: «ИҲД» НУ.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

1-боб. Ўзбекистон ҳудудида солиқлар ва солиқ муносабатлари пайдо бўлишининг тарихи 11

2-боб. Солиқ идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари 44

2.1. Солиқ ҳуқуқи тушунчаси ва Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида ҳамда халқаро амалиётда қўлланиладиган юридик атамаларнинг аҳамияти 44

2.2. Солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш 59

2.3. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий майдонида солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими 67

2.4. Солиқ тўловчилар фаолияти устидан солиқ назорати тизими ва ҳуқуқий тартибга солиш ... 81

3-боб. Ўзбекистон Республикасида солиқ идоралари тизимининг ривожланиши 152

3.1. Солиқ органлари фаолияти асослари 152

3.2. Республика давлат солиқ хизмати таркибини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш 175

3.3. Республика давлат солиқ органларида бюджетга тўловлар тушумини прогноз қилиш тизими 178

3.4. Республикада солиққа оид нотўловларни такроран таркиблаш бўйича тадбирларни амалга ошириш 179

4-боб. Бюджетга солиқ тўлаш сиёсати макроиқтисодий барқарорлаштириш воситаси сифатида 182

4.1. Бозор иқтисодиётида давлатнинг асосий функциялари 182

4.2. Давлатнинг қайта тақсимлаш сиёсати 186

4.3. Давлат бюджети 189

4.4. Бюджет камомади 197

4.5. Бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги 204

4.6. Турли макроиқтисодий моделларда бюджет-солиқ сиёсати 212

4.7. Солиқлар. Солиққа тортишнинг қоида ва шакллари 227

4.8. Солиқ функциялари 235

4.9. Солиқларни таснифлаш 242

4.10. Халқаро амалиётда солиқ ҳисоби билан бухгалтерия ҳисобининг нисбати 247

4.11. Солиққа доир халқаро келишувлар ва икки томонлама солиқ солиш 249

5-боб. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар тизими 259

5.1. Даромад (фойда) солиғи 262

5.2. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ 323

5.3. Қўшилган қиймат солиғи 350

5.4. Акциз солиғи 379

5.5. Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида 387

5.6. Мол-мулк солиғи 413
5.7. Ер солиғи 429
5.8. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ 451
5.9. Экология солиғи 459
5.10. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 464
5.11. Ялпи даромад солиғи 472
5.12. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 477
5.13. Ягона ер солиғи 485
5.14. Юридик шахсни ҳосил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби .. 495
5.15. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромад олиш (савдо, иш, хизмат) билан боғлиқ бир галги операцияларини амалга оширишда бир галги декларацияларни тақдим этиш тартиби 498
5.16. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш тартиби 500
5.17. Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартиби тўғрисида ... 518
Адабиётлар 524

ЖАМИЯТИ "ИҶ ХУҚУҚ ДУНЁСИ"
НАШРИЁТ УИИ